

84 937

М 96

# ҲАЙДАР МУҲАММАД



# АМИР ТЕМУРНИНГ ТУФИЛИШИ



JK  
©JK


84437

М96

ҲАЙДАР МУҲАММАД

АМИР ТЕМУРНИНГ  
ТУФИЛИШИ

*Эртак-пъесалар*



Тошкент  
Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси  
«Фан» нашириёти  
2008 йил

Таниқли шоир ва драматург Ҳайдар Мұхаммаднинг 10 дан ортиқ шеърий ва драматик асарлар түплами чоп этилган. 40 йилдан бери унинг шеърларига айтылған құшиқлар телерадиоканалларда муттасил жаранглаб келаёттан бұлса, сақна асарлари деярли 30 йил мобайнида Республика театrlари репертуаридан мустаҳкам үрин олиб келмоқда.

Х. Мұхаммаднинг «Тошкенттің нозанын маликасы» мусиқали драмаси үттан асарнинг саксонинчи йилларда эң машхур асарлардан бири бўлган, 2006 йилда бу асар Муқимий театрида қайта сақналаштирилди. Драматургнинг «Хотинглар «гал»идан чиққан ҳангома» комедияси Миллый театр саҳнасидан 13 йил давомида 900 марта зал тўла томошабинлар иштирокида ўйналди. Бу асар «Темир эрқак» деган бадкий фильм бўлди. Фильм ҳам эң кўп томошабин тўплаган асар бўлди.

Х. Мұхаммаднинг 15 дан ортиқ сақна асарлари Ўзбекистон, Тоҷикистон, Қирғизистон Республикалари театрларидан ҳам катта муваффақиятлар билан ўйналган. Ижодкорнинг айрим сақна асарлари ва құшиқлари, «Сойиб Ҳужаев ҳангомалари» китоби Ўзбекистон, Россия ва Умумевропа танлов ҳамда фестивалларининг галиби бўлган.

Ҳайдар Мұхаммад қўлингиздаги «Эртак-пъесалар» тўпламига Ўзининг 10 та сақна асарини жамлаган.

Китоб Санъат ва Маданият Олий төзлими музассасалари, коллеж, лицей ва мактабларда «Сюжет яратиш» феномен амалын машишудолар учун ўкув қўданинг сифатида фойдаланишига мўлжалланган.

**Масъул мұҳаррир: Педагогика фанлари номзоди, доцент  
Абдуманиб Тоғизев**

Ўзбекистон Давлат Санъат институтинин май кенгашининг 2007 йил 3 декабрдаги қарорига асосан ўкув қўлланмана сифатида нашрга тавсия этилган.

**© Ҳайдар Мұхаммад,  
Ўзбекистон Республикаси  
ФА «Фан» национальни,  
2008 йил.**

**ISBN 978-9943-09-339-3**

---

## СЕХРЛИ ТАНБУР

(Халқ әртаклари оқанғлари асосида  
иқкі қисмети әртак-пьеса)

### ҚАТНАШУВЧИЛАР

Қ о б и л и я т — танбурчи	А с а л а р и
Т ў ғ о н — фирибгар танбурчи	С и ч қ о н
П о д ш о	Б и б и о й и м
В а з и р	Х у м о қ у ш и
Д о н о г у л — подшонинг қизи	Ш а й т о н
О р о г у л — вазирнинг қизи	М у ш у к
	Ч у р т а н б а ли к

### I ҚИСМ

#### I КҮРИНИШ

«Гузаллар боғи». Айвойи гуллар очилган, гўзал шийпон, гулбоғланган аргимчоқлар, фаворалар отилиб, сарҳовузда тилла балиқлар сузиб юрибди. Чиройли, гўзал дарахтлар. Товусмисол ғалати қушлар, охуга ўхшаган ҳайвоинлар сурати солинган.

Булуллар орасидан келгандай олисдан танбурда чалинган «Тонг куйи» таралмоқда. Хаёлан танбур чалаётган Қ о б и л и я т кўринади. Доногул, Орогул ва Асалари кириб келишади.

#### Д о н о г у л монологи

Бунча ширин бу наво,  
Оромижон дилрабо  
Созандаси ким экан?  
Хабар келтир, эй сабо!

## А с а л а р и (ўзича)

Виз-виз-виз,  
Асал йигаман.  
Виз-виз-виз,  
Ўйнаб-куламан.

Доногул сұхбатдошим,  
Сўзлари асалдошим.  
Бол йигиб чарчаганда  
Менинг азиз йўлдошим.

О р о г у л. Эй Доногул, бу куйни ким чалаёттанини биласанми ўзинг?

Д о н о г у л. Қайдан билай, Орогулжон, ким қаерда чаляпти? Менинг назаримда, булутлар орасидан келяпти. Ҳар тонг бу ширин танбур куйини майин шамол олиб келади. Кўзимга гўзал танбурчи йигит кўринади. Сенга ҳам кўринадими? Уни биласанми?

О р о г у л. Мен ҳам қайдан билай? Иккаламиз мана шу «Гўзаллар боги»дан ҳеч қаёққа чиқмай яшасак.

Д о н о г у л. Сен шоҳ қизи, мен вазир қизи деярли тенгдош эканмиз. Шу номаълум танбурчи йигит тушларимга кириб чиқади. Барваста, ақлли, тоғни урса толқон қиласидиган, кучли, чиройли йигит бўлиб кўринади тушимда.

О р о г у л. Тушга кираверади. Тушга ишонган тиши тушгунча маҳлиё бўлиб ўтади, дейишади. Одатда сибиззачи, дугорчи, танбурчи, ашулачиларнинг бир мурвати камроқ ёки бирор аъзоси етишмайдиган бўлади, дейди Бибиойим. Масалан, кўзи кўр, пакана... озгин, оёғи чўлоқ, бурни пучуқ, боши кал, оғзи қийшиқ, юзи чўтири, ҳовликма, валдирвас ва ҳоказо.

Д о н о г у л. Соғи йўқми?

О р о г у л. Балки бордир, билмадим. Шунинг учун аллақандай ўзинг кўрмаган тингир-тингир танбурчига маҳлиё бўлиб юрма, ўзингни қийнаб. Биз сарой қизларимиз, бизларни олиб кетгани шаҳзодалар келиб қолур.

Д о н о г у л. Сизнинг гапингиз тўғри бўлиши мумкин. Лекин, Орогулжон, бу ғойибий танбурчини мен мукаммал инсон кўряпман. (Хаёлан куйлайди.)

Күйларингдир дилга ором,  
Сенга бўлсин минг эҳтиром...  
Қаердасан, қайдасан, айт?  
Борлигимни айладинг ром.  
Учид сенга етолмасман,  
Дил розимни айтолмасман,  
Чаманзордан гуллар териб,  
Қўлларингта тутолмасман.

**Ҳумо қуши.** Эй подшоҳнинг суюкли қизи – Доногул, сени суйган танбурчи йигит бугун узоқ юрганинг машхур Ал - Муҳаммад Турғаний деган танбурчи кўлида 5 йил таҳсил олиб йўлга тушиб, ота-онаси бағрига қайтмоқда. У шундай истеъододлики, танбур чалса дастасига булбул қўнади. Бутун коинот жўр бўлиб рақс тушади. Устози шогирд танлашда қўлига ёғоч ҳассасини берганда танбур қилиб чалган экан. Насиб қўйла 27 кунда ётиб келади.

**Доногул. Вой-бў! 27 кун?...**

**Ороғул.** 27 кун, яқин экан-ку. 27 кун нима, «виз» ётиб ўтади-кетади..

## II КЎРИНИШ

**Иккичароқчи Тўғонни уриб, нарсаларини олиб қочади.**  
**Бир катта харсангтощ ёнида Тўғон белини кўтара олмай «вой-вой»лаб ётиб қолади.**

**Тўғон.** Вой жоним, вой белим. Вой уйинг куйгур қароқчидар. Отимни, тўнимни, бор-йўғимни олганларинг етмай, тениб, белимни синдирганларинг нимаси? Войдод, қаддимни кўтара олмай қолдим. Вой-вой, вой, войдод, энди нима қиласан? Ваҳший хайвонларга ем бўлиб кетаманми?

**Филоғли танбурни орқасига милтиқдай осиб олган Қоби ил и ятириб келади.**

**Қоби ил и яти. Ия, Тўғон ака, вой, нима бўлди? Тулинг ўрнингиздан!**

**Тўғон. Эй, Қобилият укам, ўрнимдан тура олмайман. Белим синган, ҳолим хароб. Қароқчилар талаб кетишди. Худо**

сени етказди, отингга ўнгариб олиб кет. Бирон яқин қишлоққа ташлаб кетсанг. Худо шифо берса, тузук бұларман. Еки шу алпозда ўлиб кетарман. Ердам бер, ёрдам!

Қ о б и л и я т. Эй Түғон ака, ахир 5 йил бирга бир устоздан танбур мусиқасидан таълим олдик. Ака-ука бұлиб қолдик. Сизга ёрдам бериш менә ҳам фарз, ҳам қарз. Мен ҳозир (құлтиғидан олиб күттармоқчи бўлди).

Т ў ф о н. Кўй, қаддимни кўтара олмайман. Барака топкур, бир қултум сувинг борми? Вой жоним,вой жоним, ўлиб қоламан. Эй худо, нима гуноҳ қилувдим? Бунча азоб берасан. Ёзигим нимайди?

Қ о б и л и я т. Майли, кўп ташвиш тортманг, ўтиб кетади. Менда ҳамма нарса бор. Мешда сув, хуржунда талқон, қовуриб ёғга ботирилган гўшт, тандир нон-патир, жийда, туршак, майиз бор. Ҳаммаси отнинг хуржунида, ҳозир олиб келаман. Ҳозир, озгина сабр қилинг.

Чиқиб кетади.

Т ў ф о н. Вой жоним,вой-вой, ҳаммаёғим ёниб кетяпти.  
(Қийиқчага тугилган озиқ-овқат, мешда сув олиб Қобиляят киради.)

Қ о б и л и я т. Ҳозир яхши бўлиб қоласиз, озгина овқат танаввул қилсангиз қувват бўлади. Овқат ҳам малҳам. Жонингизга ором, танингизга мадад бўлади. (Олдига қийиқчани ёзив, патир, гўшт, сувларни қўяди, сувни ичиради).

Т ў ф о н (Сувни ичиб, овқатни ютақиб ейди). Эй, оромижон овқат. Кўй гўшти дунёни мазаси-да, жаннатдан чиқсан. Вой жоним,вой жоним. Йўлгаям қолсин, ҳаммасини еб қўймай. Вой жоним,вой жоним. Куриб битди тинка-мадорим.

Қ о б и л и я т. Еяверинг, қорнингизни тўйдиринг, қолгани бир гап бўлар.

Т ў ф о н. Ундей бўлса майли, еб ола қолай. Тўғри айтасан, мадор бўлади. Ўзимни енгил ҳис қилаётгандайман. (Еб бўлади, турмоқчи бўлади. Қаддини сагал ростлаб.) Войдод, оғриқ қўймайди. Тамом бўлибман. Қани энди мен ҳам қаддимни кўтариб юра олсам. Бир иложи бўлсайди. Армоним йўқ эди.

Қ о б и л и я т. Тўғон ака, худо хоҳласа иложини қиласиз. Устоз сизга ўргатканмиқанлар, йўқми, билмадим. Менга кетар

кунларим уста сирли күй ўргатганлар, булар: «Нажот», «Мушкулот» куйларидир. Бу куйлар ҳар доим чалинмайди. Ноилож оғир дамларда чалинади. Шуларни чалса беморлар тузалади, мушкиллар ҳал бўлади. Ҳаёт қайтадан жилва қиласди.

Т ў ф о н. Устоз бу куйларни ўргатмадилар. Мен, биласан, олдинроқ қайтдим. Кейин, устоз менга, иқтидоринг суст, деб унча рағбат қилмадилар. Шул боис, тўғрисини айтсам, 5 йилда 1—2 күй ўргандим, холос. Кўпроқ шогирдларга бош ҳалфа бўлиб югар-елиш ишларни қилдим. Вой жоним,вой-вой, жоним, чал, ўша «Нажот» куйини, зора қаддимни тиклаб юрсам. Чалақол, жигарим, тезроқ чал!

Қ о б и л и я т. Хўп, чаламан (*ғилофдан танбурни олиб «Нажот» куйини чалади. Ҳудога мурожсаат қиласди*):

Бори борлиқни яратган қодир худойим,  
Тўғон ака дардига нажот бергин илойим.  
Танбур чертган Қобилият, бир қулингман,  
Калимай шаҳодатинг жону тилақда доим,  
Тўғон ака дардига «нажот» бергин, илойим.

Тўғон секин-аста қаддини ростлайди. Ҳар хил ҳаракат қулиб кўради.

Т ў ф о н. Қобилият! Қара! Соппа-соғман. Ҳеч қаерим оғримаяпти. Тик турдим Қара, оҳ, қандай яхши! (*Ашула айтиб ўйнайди.*)

Тани жоним соғ, мана,  
Кайф-димоғим чоғ, мана.  
Ўйнаяпман қарс уриб,  
Кўксим баланд тоғ, мана.

(Ўйнаб келиб, Қобилиятни қучоқлаб ўпади.)

Барака топ!

Қ о б и л и я т. Тўғон ака, тузукмисиз?

Т ў ф о н. Тузук ҳам гапми, қара, яна тойчоқдай гижинглаб турибман. Мени ҳаётта қайтардинг. Раҳмат! Минг раҳмат! Сенга қандай қайтарай?

**Қ о б и л и я т. Қайтаришни ўйламанг. Иносон бир-бирига меҳрибон бўлса, дунё гўзал бўлади, деганлар устозимиз Ал-Муҳаммад Турғаний.**

**Т ў ф о н. Албатта, албатта, устоз ақли одам.**

**Қ о б и л и я т. Тўғон ака, мен ётиб дам оламан. Устоз айтган эдилар, сирли куйларни чалгач, албатта, ётиб бир оз дам олинг. Акс ҳолда мияга асорат бериб, ақдан озириши мумкин. Сехрли куйларнинг юки оғир, дердилар.**

**Т ў ф о н. Албатта, минг раҳмат, дам ол! Ухла! Бошингда мен ўзим кўриқлаб тураман. (*Қобилият ёнбошлиб уйқуга кетади. Тўғон танбурни олиб у ёқ-бу ёғига қараб.*) Ия, бу ўша устознинг танбури-ку. Қобилиятта совға қилибдилар-да. Сехрли сиз, дер эдилар (*тиринг-тиринг чалиб кўради*).**

**Ш а й т о н. (чол шаклида кўринади, шайтон қўшик куйлайди).** Эй Тўғон, сен Қобилиятнинг оёқ-қўлини боғлаб, барча нарсаларни олиб, отта миниб, жўна. Подшоҳнинг гўзал Доногул исмли қизи Қобилиятнинг куйларига ишқибоз бўлиб қолган. Ҳумо қуши, 27 кунда севгилинг келади, деган. Борсанг, сени қабул қиласди. Сен подшога куёв бўлиб оласан. Қобилиятни сен ўлдирмайсан. Сенда гуноҳ бўлмайди. Кечкурун бу ердан гала-гала қашқирлар ўтади. Уни тилка-пора қилиб, суягини қолдирмай ғажиб кетишади. Ёниғлиқ қозон ёниғлиқ. Сен подшога куёв бўлиб оласан.

**Т ў ф о н. Ахир, у менга яхшилик қилди, тузатди, қандай бўларкин?**

**Ш а й т о н. Эй, мужмал бўлма, дунё шунаقا курилган, сен бирорни қурбон қилмасанг, ўзинг қурбон бўласан. Қурбон қилсанг, унинг баҳтиям, умриям, давлатиям сеники бўлади. Мана, шаҳзода ака-укасини ўлдириб таҳтга чиқади, катта балиқ кичкина балиқни ейди. Шунинг учун баҳтинг кўлингда турибди. Халтасида чилвириям бор. Олиб, икки кўл-икки оёғини боғлаб қўй. Баҳт ва таҳт сеники. Подшо бўлиб олсанг, олам сеники. Дадил бўл! Бўлмаса на танбурчи бўласан, на бирон хунарманд, умринг судралиб ўтиб кетади. Ол чилвирини! Богла!**

**Т ў ф о н. Ота, сиз ким бўласиз?**

**Ш а й т о н. Мен фаришталар мударриси Азозилман.**

**Т ў ф о н. Азозил, ха, шундай фаришта бор деб эшитгандим. Фаришта тўғри айтади. Эй, фаришталар устози Азозил.**

Эй, фаришгалар устози Азозил,  
Сиз экансиз бу дунёда кўп фозил.

Шаитон н. Ҳа, баракалла, у қаттиқ уйқуда, оёқ-қўлини боғла, сўнг устига ўт юлиб ташла, отни миниб жўна, қўрқма, мен ёнингда бўламан.

Тўғон н. Айтганингиз бўлсин! Қобилиятнинг оёқ-қўлини боғлайман. (Тўғон Қобилиятни боғлаб, ҳамма нарсасини олиб, устига ҳашак ташлаб чиқиб кетади. Отнинг чоптириб кетган овози келади. Шайтон мамнун ҳиринглаб кулади.)

### III КЎРИНИШ

«Гўзаллар боғи» манзааси. Доноғул шеър ёзмоқда. Орогул расм чизмоқда.

Доноғул (*шеър ўқийди:*)

Қани бир ҳаётимда қаддини кўрсам,  
Ёнида минг бор товланиб, бир дам ўлтирасам,  
Оҳ, қанотим бўлса-ю, учсан ҳавода,  
Кабугардек самода қувлашиб юрсам.

Ороғул (*расм салиб*). Мана бу расмда шаҳзода «Гўзаллар боғи» дарвазасини бир зарба билан очиб кириб, қани менинг гўзаллар гўзали Орогулим, аргумоққа ўтқазиб, миноралари булувлар бағрини тешиб ўтиб турадиган, оқ саройлар курилган мамлакатимга олиб кетаман, деб турибди.

Доноғул. Менинг «Танбурим» бугун келади. Ҳумо куши 27 кунда келади деган, 27 кун бўлди. Менга жонсиз расмдагидан кўра, жонли ўзи яхши.

Менинг ёрим жонсиз расммас,  
Жонли, жонли жонон йигит.  
Келар вақти унча олисмас,  
Эй Доноғул, бугун уни кут!

### **Бибиойим киради.**

**Бибиойим. Маликалар, олис юртдан бир танбурчи елибди. 27 кун йўл юрибди. Ўзининг айтишига қараганда ғундай куйлар чалармишки, беморлар тузук бўлиб, мушкуллари сон бўлармиш. Устози Ал-Муҳаммад Турғаний эмиш.**

**Доногул. Ўша! Менинг севгилим! (Ўзини қўйгани жой юполмай қолади.)**

*(Ашула айтади.)*

Ўйнанг-кулинг, эй, жононлар!  
Ёрим келди ғойиб самодан.  
Келади, келди шодон замонлар!  
Бахтим келди учиб ҳаводан.

*(Ҳамма жўр бўлади.)*

Доногулжон, баҳтинг барқарор бўлсин,  
Излаб топиб келган ёринг ёр бўлсин!  
Кўз тегмасин сира қаро кўзингта,  
Ширин умринг мисли гулбаҳор бўлсин!

**Доногул. Тағин севиб қолманлар менинг севгилимни.  
Ороғул. Вой, кўнглини хотиржам бўлсин! Ўзимнинг шаҳзодам келади от ўйнатиб.**

**Бибиойим Тўғонни бошлиб киради. Тўғоннинг кўлида танбур, тъъзим қиласи.**

**Бибиойим. Мана ўша танбурчи йигит.  
Ороғул. Хуш келибсиз олис юртлардан келган хушсурат йигит!**

*(Монолог)*

**Тўғон**  
Хушвақт бўлингиз, гўзал маликалар!  
Гўзаликда нур малойикалар!  
Олис юртлардан от суриб келдим,  
Софинч гирдобида оҳ уриб келдим.

Танбур ҳамроҳим бўлди саҳарлар,  
Куйимга лол қолди қишлоқ-шаҳарлар.  
Куй чалсам юлдузлар пастта тушдилар,  
Куй чалсам одамлар кўкка учдилар.  
Куй чалсам ёшарди қари отахон,  
Кампирлар бўлдилар ёш, гўзал жонон.

Доногул. Эй танбурчи йигит. Мен кўп йилилардан бери ҳар тонгда бир куй эшигтаман. Тонг шамоли навони олис юртлардан олиб келади. Шу куй менинг тани-жонимга роҳат бериб, дилимни мафтун, ақлимни паришон қиласди. Мана, 27 кундан бери шу куй эшигтилмай қолди. Бир нарсамни йўқотгандай, сўзим чалкаш, руҳим дунёга сигмайди. Шу куйни сен чалармидинг?

Тўғон. Эй гулларнинг гўзали, булбулларнинг сайроғи, гўзалиларнинг бокираси, ўша куйни мен чалар эдим-да. Бошқа ким чалиши мумкин. 27 кун эшигмаганинг, 27 кун отда чўлу сахро ошиб келдим.

Доногул. Эй жонон йигит, исминг нимадир?

Тўғон. Исмим Тўғонбек.

Доногул. Тўғонбек, ҳозир ҳар тонгда чаладиган куйингни бир чалиб мени ўз ҳолимга келтир.

Тўғон (бу куйни билмагани учун бир оз доэдира). Хўп бўлади. Мен ҳозир бошқа куй чалиб бераман. Уни тонгда чалганман-да. Агар рухсат берсанг, боғингнинг бир ҳужрасида туриб тонгда ўша куйни чаламан. (Ичид.) Қобилият қайси куйни чаларди? Энди нима қилдим?

Орогул. Сиз танбурда бирон-бир куй чалиб туринг, мен сизнинг расмингизни чизиб оламан.

Тўғон. Бажонидил.

Танбурни филофидан олиб «Омон ёр»ни зўрга бузиб чалади.

Доногул. Йўқ, куй бузилди.

Тўғон. Ҳа, тўгри топдинг. 27 кун йўл юриб чарчадим. Машқ қилмадим. Бирон ҳужрага жой қилиб беринглар. Бир оз дам олай. Машқ қилай, кейин тингланг.

Хумоқуши. Эй подшонинг Доногул қизи. Бунинг гапига ишонма. Бу фирибгар танбурчи. Ҳакиқий танбурчининг оёқ-қўлинини

**Бибиойим.** Шоҳим, бир қошиқ қонимдан кечинг.

**Доногул** (*Доногул отасининг бўйнига ёпишиб*). Отажон, мен соппа-согман. Ишонмасангиз сочимни юлиб олиб бераман.

(Сочини тортади.)

**Подшо. Ҳа,** қизим, сен соғсан, сочингни юлма.

**Подшо (Бибиойимга).** Доногулни хос хонада сақланглар. Табиблар чорлаймиз.

**Бибиойим.** Мен тушунтирай воқеани.

**Подшо. Кейин.** Ҳозир қизларни олиб чик!

**Бибиойим.** Ҳўп бўлади.

Кизларни олиб чиқиб кетади.

**Подшо. (Тўғонга кўзи тушиб).** Эй мусофир, сени ким киритди бу «Гўзаллар боғи»га! Сен кимсан ўзи?

**Тўғон.** Мен яшил далалар юргининг фарзандиман. Отам машҳур танбурчи Ал-Муҳаммад Турғанийга берди. 5 йил сабоқ олиб, икки киши қайтаётган эдик. Бу ердан отда 27 кунлик йўлда бизга қароқчилар ҳужум қилди. Шеригим кўлга тушиб қолди. Уни банди қилиб, бор-йўгини талашди. Мен отни қамчилаб қочиб кутулдим. Ўз юртим йўли ҳам қароқчилар билан тўла бўлгани учун сизнинг мамлакатингизга келдим.

**Подшо. Яхши.** Қандай қилиб боғга кирдинг?

**Тўғон.** Эй подшоҳим, «Гўзаллар боғи»га остана ҳатлаб киришга ҳаддим борми? Мени Бибиойим чорлади. Кириб, сарой қизларига танбур чалиб, кўнглини ёз, деб олиб кирди.

**Подшо. Ия,** танбуринг йўқ бўлиб қолипти?

**Вазир.** Олампаноҳ, бу ерда бир қилвирилик бор.

**Хумоқуши.** Эй подшоҳи олам. Мен Хумо қушиман. Бу фирибгар танбурчи ёлғон гапирди. Бунинг ўзини қароқчилар банди этиб, белини синдириб кетганди. Ҳақиқий танбурчи Қобилият келиб озод қилди. Танбурда қудсий куй «Нажот»ни чалиб тузатди. Кейин у ухлаб қолганда Шайтоннинг гапига кириб, уни банди қилиб, оёқ-қўлинни боғлаб, сафар анжомини олиб, отига миниб қочди. Мен ҳозир танбурни ҳақиқий эгасига етказаман.

**Подшо. Ҳа,** қароқчи, фирибгар! Навкарлар! Банди айлаб 5 дарра уринглар. То ҳақиқатни ўз оғзи билан айтмагунча.

**Навкарлар тутиб тиз чўқтириб кўйлагини ечиб, ялангоч баданига  
5 дарра уришади.**

**Т ў ф о н. Шоҳим, тўғри айтди Ҳумоқуши, мен ёлғон  
гапирдим шайтоннинг гапига кириб, шайтон мени йўлдан  
урди. Тавба қилдим. Зинҳор энди бундай иш такрорланмайди.**

**П о д ш о. Ҳақиқий танбурчининг олдига олиб боришса  
узр сўраб, тавба қиласанми?**

**Т ў ф о н. Шоҳим, албатта, тавба қиласман. Узр сўраб,  
этагини қўзимга суртаман, иккинчи қилмайман.**

**П о д ш о. Ҳақиқий танбурчининг олдига олиб боринглар,  
ул соғ-омон бўлса, иккисини келтиринг!**

#### **IV КЎРИНИШ**

**Иккинчи кўринишдаги манзара. Оёқ-қўли боғланган Қобилият  
устига ташланган ҳашак тагида ётибди, боғланган икки оёғи кўриниб  
турибди. Бирдан шамол қўзғалиб, устидаги ҳашакни учириб кетади.  
Чақмоқ чақиб, момақалдироқ гулдурулайди. Қобилият  
қўзғалиб, амаллаб ўтириб олади.**

**Қ о б и л и я т. Тавба, ким оёқ-қўлимни боғлаб, устимга  
ҳашак ёпиб кетди экан? Тўғон акам қаёққа кетди? Қароқчилар  
келиб уни олиб кетдими? Менинг уйкум узоқ кечдими? Неча  
кун ухладим экан. Менинчча, 20 кун ухлаган бўлсанм керак.  
Устимга ўт-ўлан уриб ташланган бўлса, улар куриб ҳашак бўлган.**

**Шамол кучаяди, қоронги тушади. Бўрилар увиллагани  
эшитилади. Бир неча олов шаклида бўрилар кўзга кўринади.**

**Бу ваҳшийлар ҳозир мени тилка-пора қилиб ташлашади.  
Умрим қисқа экан-да! Эй худо, караминг кенг, курратинг  
чексиз. Шу балолардан ўзинг асра, бандиликдан ўзинг озод  
қил. (*Оловли кўзлар йўқолади*). Худога шукр, ваҳшийлар мени  
сезмай кетишиди. Энди сел келмаса бўлди. Ё тавба, ёмғир  
куймоқда. Лекин менинг устимга ёмғир тушмаялти. Бу не  
синоат экан?**

**Ҳ у м о қ у ш и. Эй Қобилият, мен Ҳумо қуши сени ёмғирдан  
асраш учун қанотларимни чодир қилиб ёзиб турибман.**

**Қ о б и л и я т. Эй баҳт қуши, Ҳумо қуши, сен мени  
асрайман деб совуқ ёмғирда ўзинг шамоллаб қолмагин.**

**Х у м о қ у ш и.** Патларимга ёмғир юқмайды. Сендейларни асраш керак, ноёб истеъдод эгасисан. Сен одамзодга, жонзодларга ўз меҳринг ва сехринг билан кўп яхшилик қиласан. Ҳайвон, жонзот, одамзодни бир-бирига дўст қилиш учун борлигингни аямайсан. Ҳумо қуши сенга кўмакка тайёр.

**Қ о б и л и я т.** Эй Ҳумо қуши, қаердасан? Овозинг бор, жисминг йўқ.

**Х у м о қ у ш и.** Мен кўзга кўринмайман. Чунки мен хаёлдан, орзудан ва нурдан яралганман. Сенинг танбулингни Тўғон ўғирлаб, оёқ-қўлингни боғлаб, отингни миниб кетган эди. Колганини кейин айтаман.

**Қ о б и л и я т. Наҳотки?**

**Х у м о қ у ш и. Ҳа.**

**Қ о б и л и я т.** Номард! Бундан буён одамларга яхшилик қилмасин, деб шундай қилган бўлса керак-да, шундай ўйлаган бўлсанг, хом ўйлабсан. Тўғон тирриқ, мен одамларга яхшилик қилишдан ҳеч қачон ўзимни тиймайман. Одамлар баъзан яхшиликка ёмонлик келади, дейишади. Тўғри, ёмонлик бир кун ёмонликни ташлаб, яхшиликка айланади. Ёмонлар жазосини олади. Яхшилик яхши бўлиб қолади.

**Х у м о қ у ш и.** Қайғурма, танбулинг ёнингда. Ҳозир оёқ-қўлларинг ечилади.

*(Бирдан арқонлар ечилиб оёқ-қўли бўшалади. Қобилият қўлларини ёзиб, ўрнидан туриб ҳаракат қиласади).*

### **Қ о б и л и я т**

Оҳ, эркинлик, озодлик, қандай бахт!  
Эй Ҳумо қуши, сенга мингдан-минг раҳмат!  
Ўпай десам сени бағримга босиб,  
Жисминг йўғу овозинг бор фақат.

Сенга қандай миннатдорчилик билдирай!

**Х у м о қ у ш и.** Эй истеъдод соҳиби, менга миннатдорчилик билдиromoқчи бўлсанг, яхшилик қил, яхшилик қил, яхшилик қил!

Одамларга меҳрибону ҳайвону жонзотларга шафқатли бўл!  
Йиқилганни суя. Ожизларга мадад бер. Адашганларни тўғри

Йўлга сол. Беморларга шифо тила, малҳам кўй. Кексаларга ҳасса тут, етим-есирлардан муруватингни аяма. Шунда сен менга миннатдорчилик билдирган бўласан. Мен баҳт куши Ҳумоман. Менга ҳеч нарса керак эмас.

Қобилият. Эй, баҳт куши Ҳумо! Сенинг айтганларинг менинг орзуларимдир.

Танимда жоним,  
дилимда имоним,  
тилимда каломим

бор экан,  
Айтганлиринг бўлгуси бажо!

Ҳумо қуши. Хайр, истеъод соҳиби, Қобилият.  
Сенга йўлдош бўлсин яхши ният

### Қобилият

Хайр. Хайр, Ҳумо-Ҳуможон,  
Унугмайман ҳеч қачон.  
Яхшилигинг сақлайман  
Бор экан то танимда жон.

(Чироқ ўчиб ёнади. Бир неча кун ўтганини билдиради.  
Қобилият танбур чалиб ўтирибди, танбур куий тинади.)

Қобилият. Энди ҳай-хув деб, таваккални тангрига қилиб йўлга тушмоғим керак. Анча йўлларни ўргандим. Унча-мунча ўсимликлардан емак тўпладим. Энди зора битта-яримта карвон ёки йўловчи ўтиб қолса. Айни муддао бўларди.


(Шу пайт ҳансираб Чўртандалиқ кириб келади).

Чуртанибалик. Эй одамзод, менга ёрдам бер. Мен яна денгизга қайтай! Тундаги гирдоб шамоли мени денгиз тўлқинидан олиб саҳрода келтириб ташлади. Сувсизликдан силлам куриди. Ёрдам бер, ўлиб қолмай. Сенга ҳам қийин дамларингда ёрдам бераман.

(Чўртандалиқ чўзилиб, оғир-оғир нафас олади).

Қобилият. Эй денгизнинг эрка фарзанди, сенга қийин бўлибди-ю. Сенга қандай ёрдам берсам экан-а? Бу саҳрова на ариқ, на ҳовуз, на денгиз бор. Борлариям қуриб қолган.

Чуртанибалик. Бир иложини қил. Сен одамзодсан, ўйлаб-ўйлаб кўп мушкулларни ҳал килишинг мумкин.



Ох, сув! Сув! Сув! Бир күлгүм сув, қайдасан?  
Қобилият (эсига тушиб бирдан). Ҳа, топдим.  
Танбуримда «Нажот» күйини чаламан. зора бир илож бўлса.

Чўртабалиқ (Заиф оҳангда).

Чал! Чал! күйингни, азизим!  
Зора ҳаёт кулиб боқса.  
Жону таним ором олиб,  
Яна ҳаёт гулин тақса.  
Чал! Чал танбурингни тезроқ!  
Сув, ҳаётга бўлдим мен муштоқ.

Қобилият («Нажот» күйини танбурида чалиб, шебор ўқийди).

Бори борлиқни яратган худойим,  
Чўртабалиқ, шўрликка нажот бергин илойим,

(Бирдан бир ариқ пайдо бўлади, ичи тўла сув. Чўртабалиқ ўзини сувга отади).

Чўртабалиқ. Эй, Одамзод, мени сувга етказдинг.  
Худо сени ниятингга етказсин.

(Ариқ дарёга, дарё денгизга бориб қўйилади.  
Сувга тушиб кетади. Чўртабалиқ овози келади.)

Мана яна дengиздаман,  
Қудрати тенгиздаман,  
Яхшилигинг дилимда чироқ,  
Эслагайман мен сени, ўртоқ.

Шу пайт ён қаноти йиртилган Асалари кириб келади.

### Асалари

Виз-виз.  
Учолмай қолдим.  
Гулзорларни қучолмай қолдим.  
Болаларга асаллар  
Йиголмай қолдим, виз-виз.

Қанотимни атиргулнинг тикони йиртиб юборди. Энди нима қиласман. Подшоҳим кўрса, менга ногирон аскар керак эмас, деб қалламни шарт узиб ташлайди. Эй, инсон, менга ёрдам бер. Мен яна одамларга асал йифиш билан шуғулланай.

### Қ о б и л и я т

Асалари, дўстимжон,  
Йиглама, дамингни ол.  
Топилиб қолар имкон.  
Тузаларсан тез дарҳол,  
Яна виз-виз учасан,  
Гулшанларни қучасан.  
Асал йифиб кўпдан-кўп,  
Одамларга тутасан.

А с а л а р и . Оҳ, қанийди, тилингга, асалим.  
Қ о б и л и я т . Мен танбуриимни олай.

Бир маҳал с и ч қ о н олтин тангаларни отиб ўйнаб кириб келади. Орқасидан м у ш у к югуриб келиб сичқонга ташланади. Тангалари сочилиб кетади. Қочиб Қобилиятнинг олдига келади. Мушук журъат қила олмай секин изига қайтади.

М у ш у к . Ҳа, чий-чий, сичқон, кўлга тушиб қоларсан.  
Шунда мазза қилиб чайнайман.

### С и ч қ о н

Думи бароқ мушуквой!  
Тута олмадинг, вой-вой,  
(*Бурнини қийшайтиради.*)  
Мен чий-чий сичқонман,  
Сендан ўн бор чаққонман.  
Қанча бўлма муғомбир,  
Тутолмайсан барибир.

М у ш у к . (*тишини иржайтириб*). Сени ҳали чайнайман.

Секин чиқиб кетади.

(Сичқон тангаларни ўигиб Қобилиятга беради). Раҳмат, мени мушукдан кутқардинг.

(Қобилият Асалари учун танбурда «Ҳаёт» куйини чалади.)  
Эй тангри таоло, караминг кенг, қудратинг чексиз,  
Мехринг туганмас. Саховатинг бисёр.

Бандаю жонзотларга шифо бермоққа сен ҳамиша тайёр,  
Шу майиб бўлган жонзотнинг соғлом яшашидан умидвор.  
Шифо саховатингни дариф тутма. Сенга илтимосим, минг бор,  
Мен шу жонзот шифосини тилаб «Ҳаёт» куйин чалайин.  
Изин берсанг дардларини танидан суғуриб олайин.

(«Ҳаёт» куйини эзib чалади. Асалари ўзини тетик ҳис қилиб ўрнидан тура бошлиайди.)

### А с а л а р и

Қаранг! Қаранг! Қанотларим тузалди.

Мен яна, мен яна, учаман,  
Гуллардан гулларга кўчаман.

Виз-виз-виз-виз-виз-виз,  
Қанотларим бутун кўринг сиз!  
Виз-виз-виз-виз-виз-виз,

Минг-минг раҳмат, мен ҳамиша сенга ёрдам бераман,  
Танбур куйини эшитсам бўлди, дарров учиб келаман.

Бирдан у ч т а н а в к а р келиб Қобилиятга ташланиб, қўлини боғлаб, бошига ниқоб кийдиришади.

1-м и р ш а б. Ҳа, ярамас, фирибгар танбурчи, энди жазоингни оласан.

2-м и р ш а б. Подшонинг дори сенга тайёр. Подшонинг қизини жинни қилиб, учта миршабни зилзила баҳонасида томга бостириб, қочиб қутуламан, дедингми?!

Қ о б и л и я т (ниқобнинг ичидаги). Мен у эмасман.

### 1-М и р ш а б.

Биронта жиноятичи мен ўшаман демайди,  
Сен туфайли не-не олимлар дорга осилади.  
Йўқ, кетмайди, ниҳоят қўлга тушдинг.

(Мусиқа.)

### I-қисм тамом.

## II ҚИСМ

Шаҳар майдони, қатор дорлар тикилган. П од ш о таҳтда ғазабда ўтирибди. Ёнида в а з и р и, дор тагида осиладиган одамлар, битта дор тагида ҳеч ким йўқ. М и р ш а б кириб таъзим қиласди.

М и р ш а б. Аъло ҳазратим. Қизингизни телба қилиб кетган фирибгар танбурчи ихтиёргизга келтирилди.

П од ш о. Келтиринг у нобакорни!

Қобилиятни ниқобда олиб келиб, тиз чўқтириб, бошидан ниқобини олишади.

М и р ш а б. Мана у ярамас, ғаламис маҳлук.

П од ш о. Эй тангрим лаънатлаган банда, фирибгар танбурчи, нечун мени алдадинг, ҳақиқий танбурчини олиб келаман, деб. Бирга кетган миршабларни зилзила баҳонасида том остига бостириб қочдинг, қутулиб кетаман, деб ўйладингми? Хом ўйлабсан. Сени энди дор сиртмоғи бўйнингдан боғлаб туради. Хомтама бўлма, энди қочолмайсан.

Қ о б и л и я т. Шаҳаншоҳим?!

П од ш о. Бас қил, арзи додингни эшитмайман. Сен деб не-не табобат илми уламолар, мударрислар, табиблар дорга осилади. Сенинг қасофатингдан, ўзларининг ношудликларидан, уч кун мұхлат бердим қизимни телбалиқдан тузатишга. Бош табиб ибн Холиқий, тиббий олим Жаъфар Акбар, мударрис табиб Малҳамийлар номи етти иқлимга кетган эди. Улар телбалик дорисини тополмадилар, ана, дор тагида турибдилар.

Қ о б и л и я т. Қизингизни мен тузатаман, э подшоҳи олам!

П од ш о. Бас қил найрангингни!

В а з и р (қулогига). Аъло ҳазратим, у фирибгар танбурчини мен ҳам кўрганман. Бу унга ўхшамаяпти. Ҳақиқий танбурчига ўхшайди.

П од ш о. Мумкин. Мен ўшанда унга синчиклаб қарамаган эканман. Майли, дилидагини сўзласин.

В а з и р. Сўзла!

Қобилият. Эй, раҳмдил подшоларнинг подшоси, етти иқлим ҳукмдори. Мен фирибгар танбурчи эмасман. Мен

ҳақиқий танбурчиман. Мен Ал-Мұхаммад Турғунийнинг шогирдиман. Агар мен қызларингизнинг «Гўзаллар бори»га кирган бўлсам, унда соғ қызлар мени танир. Улар мени ўша фирибгар·танбурчи деса, майли, мени дорга осинг ёки қилич билан чопинг, ўтга ташланг, мен розиман.

В а з и р. Аъло ҳазратим, қызларни чорлаш зарур.

П о д ш о. Вазир қизи Орогул ва дугоналарини киритинглар! (*Ҳаяжонда қызлар чўчиб киришишади.*)

О р о г у л. Ассалому алайкум.

Қ и з л а р. Ассалому алайкум.

П о д ш о. Баалайкум ассалом. Қизларим, қарангларчи, сизларни лақиллатган фирибгар танбурчи шуми? (*Қызлар Қобилиятнинг атрофидан айланишишади. Синчиклаб кузатишади.*)

О р о г у л. Танбурни кўрсатинг!

П о д ш о. Танбурни келтиринглар! (*Миршаб танбурни олиб киради.*)

О р о г у л (*танбурни қўлига олиб*). Танбур ўша. Қорнида араб алифбосида «Нажот», «Ҳаёт», «Мушкулот» деган ёзув бор эди. Лекин танбурчи бошқа.

П о д ш о. Қаердан била қолдинг?

О р о г у л. Ўшанда мен у йигитнинг расмини чизган эдим. Расмини келтирай.

П о д ш о. Расмини келтиринглар. (*Икки миршаб расмни келтириб, подшога рўбарў қилиб қўйишади.*)

В а з и р. Бу расм ўша фирибгарники. Бу бошқа йигит.

П о д ш о. Яхши. Эй йигит, ўша ҳар тонгда чаладиган куйингни ҳозир чалоласанми?

Қ о б и л и я т. Қўлларимни бўшатишса, албатта чаламан.

П о д ш о. Яхши. Табиб Малҳамий, қизингизнинг давоси ўша тонгда чалинган куй. Ўша куйни эшитса, тузук бўлади, деган эди. Доноғул қизимни келтиринглар! (*Оёқ-қўлларида занжир, соchlари ёйилган, узун кўйлакда Доноғулни келтиришишади.*)

Д о н о г у л (*кишан билан жиннича ҳолатда*).

Вой мунча иршайган каллалар кўп.

Ҳаммасининг соқолини қириб шўрвага солиб беринглар.

Мен увра оши, илон-илон қилиб ейман.

Ваҳ-ваҳҳа, чурр, чуррак.

Бошида ғуррак,  
Тилида калтакесак,  
Оёғида бойлаган тош.  
Гуп-гуп, тақ-тақ,  
Гуп-гуп, тақ.

(*Қобиляятни кўрсатиб.*) Вой нима қилиб ўтирибсан. Бор, тушимга кир. Мен сени тушимда кўрганман, танбур чаляпсан. Мен, қизлар, ҳозир ётиб ухлайман. (*Ерга ётади.*) Мен ухлайман. Ҳар, хур, хур, ҳей, ке, тушимга кир.

П о д ш о (дили қалқиб). Эй танбурчи, созингни олиб, тезроқ олдига бор. Мен тушингта кирдим, деб тонгда чаладиган куйингни чал! Зора...

Танбурчининг қўлинни счишади. *Қобиляят ўрнидан туриб, қўлларини ишқолаб, созини олиб, кулоғини бураб созлаб, Доногулнинг олдига бориб чўкка тушади.*

### Қ о б и л и я т

Эй, дилраболар дилрабоси,  
Майин тоғлар сабоси.  
Тушингга киргани келдим,  
Қошингда тургани келдим.  
Тонгларда наво куйини чалай,  
Эс-хушиңгни ўз жойингта солай.  
Булутлар орасидан сени кўрганман,  
Ҳузурингда танбур чалиб турганман.  
Йўлингдан жунун феълингни кувай,  
Мұҳаббат нурида руҳингни ювай.  
Бори борлиқни яратган қодир худойим,  
Доногулнинг мушкулини осон айла иломийм.

(*Танбур авжланади.*)

Доногул куй давомида секин-аста ўзига кела бошлайди. Ва ниҳоят уйқудан уйғонгандай атрофга ҳайратланиб боқади.

Д о н о г у л. Тавба, мен қаердаман?... Хизматкорлар, тезроқ келинглар! Нега мени шу аҳволда бу ерга келтирдингиз. (*Юзини қўли билан беркитмоқчи бўлади, лекин кишанлар имконият*

**бермайди.)** Вой, тавба, нега қўлимга кишан солдинглар? Вой, бу ўша «Тонг куйи». 27 кун бўлдими? (*Танбур куйи тугайди*).

**Қ о б и л и я т.** Олампаноҳ, қизингиз тузалди.

- **П о д ш о.** Қизимнинг қўлини бўшатинглар! Ҳаммомга обориб, асил кийимларни кийдиринглар.

Доногулнинг қўлини бўшатишади.

**Д о н о г у л.** Отажон! Мехрибон падари бузрукворим!

(*Бориб отасини қучоқлаб ўпади.*)

**П о д ш о.** Бор, қизим, ўзингта келдинг, худога шукр. (*Хизматкорлар келиб Доногулни олиб кетишади.*) Эй, истеъод соҳиби, тила тилагингни, мен ҳам муродингни берай ва ўзимга куёв қиласай.

**Қ о б и л и я т.** Тилагим:

- 1.Ана ўша дор тагида турган олиму табибларни афу қилсангиз.
- 2.Аҳли зироат ва аҳли тижоратни етти йил солиқдан озод этсангиз.

**П о д ш о.** Балли, айтганларинг бўлур ва зиндандаги маҳбусларни ҳам озод этдим. Менинг қизим Доногулга куёв этаман. Отанг ким эди?

**Қ о б и л и я т.** Отамнинг исми Қодирият, боғон.

**Ш а й т о н** (*вазир шаклида шошиб подшо қулогига*). Олампаноҳ, насли паст бир боғон боласи экан. Олий насабингизни бузасизми? Не-не шаҳзодалар келади куёвликка ҳали. Бирон совға бериб жўнатиб юборинг, тамом.

**П о д ш о** (*вазирга*). Фикрингда жон бор. Лекин подшо сўзи билан иши бир бўлиши керак-да.

**В а з и р.** Тўғри. Лекин шартлари бор, денг. Бирор сизга даъво қиласиди? Бажара олмайдиган шартларни айтасиз, вассалом, гап тамом. Ўзи овора бўлиб, ўз оёғидан йитиб кетади.

**П о д ш о.** Қандай шарт, масалан?

**В а з и р.** Масалан, чўнталингиздан бир калитни олиб дарёга улоқтириб, шуни бир соатда олиб чиқ, дейсиз. Тамом, отаси ғаввос бўлса ҳам олиб чиқа олмаётди.

**П о д ш о** (*вазирга*). Тўғри. (*Қобилиятга*.) Эй танбурчи йигит, мен сени куёв қиласман дедим.

**Қ о б и л и я т.** Худди шундай.

**П о д ш о.** Подшо қизларининг бир неча шарти бўлади. Чунки подшолар куёви ақлли, тадбирли, уддабурон бўлиши

керак. Битта тиринг-тиринг билан иш битмайди, кези келганда давлатни ҳам бошқара олиши керак. Түгрими?

Қобилият. Түгри.

Подшо. Шартларни айтаверайми? Розимисан?

Қобилият. Розиман.

Подшо. Биринчи шартим. (*Чўнтағидан қалит олиб.*)

Мана бу хазинанинг қалити, шуни дарёга ташлайман, олиб чиқасан. Иккинчи шартим. Шу ерда минг йил аввал ўтган бир подшонинг олтин хазинаси қаерга кўмилган, шуни топасан. Учинчиси, «Гўзаллар боғи»даги қизлар ниҳоятда бирбирига ўхшайди. Бир хил кийимда юради, қайси бири сенинг куйингни тинглаб, маҳлиё бўлган, шуни топсанг, ўша сенга шайдо қизимга кўёв қиласан. Сенга бор-йўғи бир соат муҳлат бераман. Акс ҳолда дорга осаман.

Қобилият. Ниҳоятда оғир шартлар... тангirim мададкор бўлса... бажараман.

Подшо. Дарёга юрдик.

## У КЎРИНИШ

Дарё қирғоги, дарё оқимининг шовқини эшитилади. Подшо, вазир,  
Қобилият кириб келишади.

Подшо. Шу ерда тўхтанглар! (*Ҳамма тўхтайди.*) Эй йигит. Мен қалитни мана шу дарёга ташлайман. Мана қара, бир, икки, уч! (*Қалитни дарёга отади.*)

Вазир. Кум соат.

Подшо. Мана бу кум соат рўпарангда туради. Роппоса бир соатда келамиз. Қани, вазир, кетдик, вақт ўтмасин. (*Кетишади.*) Қобилият бир ўзи қолади.

Қобилият. Бу шартларни қандай бажардим? Наҳотки куним битган бўлса. Наҳотки мени ажал тортиб келган бўлса:

1. Дарё тубидан қалитни олиш?...

2. Минг йил аввал ўтган подшонинг хазинасини топиш?..

3. Қизлар орасидан Доногулни топиш?.. Во дариғо! Бу мушкулни қандай ҳал қиласан? Оҳ, энди ўлимим аниқ. Сувнинг ғишириб оқишини қара. Сузишни яхши билмасам.

**Х у м о қ у ш и.** Эй истеъдод соҳиби, маҳорат эгаси, ҳамма мушкулларингнинг калити қўлингдаги танбурда. «Мушкулот» кўйини чал.

• **Қ о б и л и я т.** Раҳмат, Ҳумо қуши! Эсимга келмай турганини қара: (*Танбурда «Мушкулот» кўйини чалиб монолог ўқиди.*) Эй барча мушкулларни сезгувчи, билгувчи ва осон қилгувчи қодир худойим. Бугун мушкул тушиб бошимга, забундир ҳолим. Ўзингдан ўзга мададкор йўқдир бу оламда. Ўзинг раҳм айлаб, мушкулимни осон қил, илойим.

(*Куй мунгли жаранглайди. Секин-аста чўртсанбалиқ дарёдан чиқиб келади.*)

**Ч ў р т а н б а л и қ.** Эй одамзод, сен бугун кўп қайгуга тушиб, мунгли куй чалдинг.

### **Қ о б и л и я т**

Эй Чўртсанбалиқ, дўстим?  
Кел, қучогимга бир босай.  
Шукр, сени шу дамда кўрдим,  
Тинчликми, денгизлар қалай?

Ч ў р т а н б а л и қ. Денгизларнинг ўз ҳаёти, ўзига хос завқи ва тоти бор. Сув тубидан подшоҳ сўзларини эшитиб, сенга ёрдам бермоқ учун ташланган калитни олиб чиқдим. Сен ахир мени чўлдан сувга етказгансан. Яхшилик ерда қолмайди. Мана калит! (*Калитни беради.*) Ол! Мен кетдим, хайр!

Қ о б и л и я т. Раҳмат, Чўртсанбалиқ, сув тўлқинларида ҳамиша ўйнаб юравер. Сен менинг балиқлар оламидаги дўстимсан. Омон бўл! Балиқчаларинг кўпайсин. (*Олтин тангаларини ўйнаб, сичқон киради.*)

Эй қадрдон чаққоним,  
Танга ўйнар сичқоним.  
Хуш келибсан қошимга,  
Мадад бергил мушкул ишимга.

**С и ч қ о н.** Эй, саховатли одамзот. Сенга айтилган шартларни эшитиб, ёрдам бергани келдим. Сенга подшо

шартини айтаётганды кавакдан мўралаб турган эдим. Минг йил аввал ўтган подшо хазинасини мен биламан.

Қобилият. Қандай яхши. Айта қол, сичқонжон. Айт!

Сичқон. Мен бир хат олиб келдим — унда ҳамма нарса ёзилган. Мен болаларим кемириб қўймасин деб тош қутичага солиб асраб юрардим. Сенга бериб, энди қўнглим тинчиди. Ма! Олиб ўқи! (Сичқон хатни узатади.)

Қобилият. (Хатни ичида ўқийди). Зўр.

(Қум соатнинг қуми тўқилиб бўлади. Подшо, вазир кириб келади).

Вазир. Эй танбурчи йигит, Подшо аъло ҳазратлари берган муҳлат тугади. Шартлар бажарилдими? Ёки энди ўйлаб кўряпсизми? Айтиб қўяй, энди ўйлашга вақт йўқ. Унда, мангулик уйқусида ўйланади.

Қобилият. Подшоҳи олам, шартлар бажарилди.

Вазир. Қандай қилиб?

Подшо. Бажарилган бўлса дарёга улоқтирилган калит қани?

Қобилият (чўнтағидан калитни олиб): Мана, олампаноҳ, хазинангизнинг калити. (Калиғни узатади. Подшо ҳайрон бўлиб қолади.)

Подшо. Қандай қилиб дарёдан олдинг?

### Қобилият

Сен жонзотга дўст бўлсанг,  
Жонзот сенга дўст бўлади.

Подшо. Демак, балиқлардан дўстинг бор.

Қобилият. Олампаноҳ, худди шундай.

Подшо. Офарин! Балли!

Вазир. Ақдим бовар қилмайди. Таҳсин! Фақат таҳсин сенга, йигит. Ҳа, минг йил аввалги подшонинг хазинаси қаерда экан?

Қобилият. Олампаноҳ мана бу қофозда шундай ёзилган. (Сарғайған қофоздаги ёзувни ўқийди.) «Қиррали қора тош ёнидан ўрта бўйли одам ўн етти қадам юрса, ер билан баробар бўлиб кетган оқ харсангтошга дуч келади. Шу тошни тўрт азамат йигит кўтариб олиши мумкин. Тош кўтарилгач, кудуқ оғзи

очилади. Қудуқдан арқонга осилиб беш газ түшгач, ўнг тарафға йўл келади. Йўлдан ўрта бўйли одам етти қадам юргач, хазинахонага дуч келади. Унда 20 та хумда олтин тангалар бор. Бу хазинага жонзотга дўст бўлган одам эгалик қиласди?»

П о д ш о. Ажойиб хат. Вазир, сен ўрта бўйли экансан. Шу ердан ўн етти қадам ўлча. Тош кўринса, хизматкорларга олдир ва қудуққа ўзинг туш!

В а з и р (*сағал қўрқиб*). Бошқа ўрта бўйли хизматкор топайлик.

П о д ш о. Хазинани вазирдан бошқа одамга ишониб бўлмайди.

В а з и р. Аъло ҳазратим, айтганингиз бўлғай. (*Қиррали тошдан қўрқиб, қалтираб қадам ташлайди.*) Бир, икки, уч, тўрт, беш (*узоқлашади, овози келади*), етти, етти, саккиз, тўққиз, ўн, ўн бир, ўн икки, ўн уч, ўн тўрт, ўн беш, ўн олти, ўн етти. Оқ харсанг тош. Азаматлар, тошни суринг! (*Тошни суришади.*) Қудуққа тушяпман. (*Овози қудуқдан келади.*) Йўлка!... Хазинахона! 19 та хум, оғзи сувалган. Битта хум синган, тангалари сочилган.

П о д ш о. Қайтиб чиқ! (*Вазир келади.*)

В а з и р. Аъло ҳазратим, ҳакиқий хазина, олтин тангалар, асил олтин (*биттасини чўнтағидан олиб тишлаб кўради*).

П о д ш о. Эй, балли йигит, қандай қилиб топдинг?

Қ о б и л и я т. Ўша ҳикмат, сен жонзотга дўст бўлсанг, жонзот сенга дўст бўлади.

П о д ш о. Демак, сени сичқондан дўстинг бор.

Қ о б и л и я т. Олампаноҳ, худди шундай.

П о д ш о. Балли, инсон ақли бовар қилмайдиган шартларни бажардинг. Ер юзида сендан жонзотларга меҳрибон, истеъододли йигит йўқ. Доноғул қизимни сенга бераман. Сен кўёв бўлдинг. Яна қандай тилакларинг бор. (*Бирдан Асалари визиллаб келиб Қобилият олдида тўхтайди.*)

А с а л а р и (*Қобилиятга ари тилида гапиради. Подшо тушунмай, эътибор бермайди, Асалари чиқиб кетади.*) Ташвиш тортма. Мен Доноғулнинг пешонасини чақаман. Озгина шишади. Кийим кийдирувчилар қизларнинг ўша жойига қизил гул қадаб қўяди. Улар сенинг олдингга мушоира айтиб ўйнаб келишади. Ўйнаб бўлгач, менга пешонага қадалган гулларни

тақдим этинглар, дейсан, улар гул топшираёттанды пешонаси қизарган қиз Доногул эканлигини билиб оласан.

(Күй янграйди қизлар киришади.)

### Қ и з л а р

Гүзаллар боғида,  
Гулларнинг ардоғида,  
Булбуллар сайроғида  
Үстган шодон қизлармиз.  
Тонгда бир күй келарди,  
Эс-хушимиз оларди.  
Дилга гулув соларди,  
Үша күйни излармиз.

### Қ о б и л и я т

Үша күйни, қизларжон,  
Мен чалардим чекиб жон.  
Истасангиз мен шу он  
Чалиб берай, тингларсиз.

### Қ и з л а р

Топинг-чи, сизга қўпроқ,  
Васлингизга зор муштоқ,  
Куйингизга дўст, ўртоқ  
Бўлганмиз қай биримиз?

### Қ о б и л и я т

Тақилган ул атиргул  
Сир сўйлар менга нукул.  
Гул тилайди бу кўнгил,  
Гулни менга берингиз.

## Қ и з л а р

Сизга гул керак бўлса,  
Гул билан қўнглингиз тўлса.  
Муродиз ҳосил ўлса,  
Бу гулларни олингиз.

(*Қизлар чаккасига тақиған атиргулларни Қобилияятга беришади.*)

## Қ о б и л и я т

Мана бу ари чаққан,  
Жони дилимга ёққан,  
Фуррасига гул таққан  
Фариштани ушлармиз.

Қобилияят Д о н о г у л н и қўлидан ушлаб подшога рўпара  
бўлади.

П о д ш о . Офарин, бехато топдинг. Эй саҳовати кенг, меҳри булоқ, муҳаббати чексиз йигит. Бир неча кундан бери кузатаман. Сендан кучли, ақлли инсонни кўрмадим. Сен менинг тахтимга ворис бўладиган куёв бўласан. Пойтахтимиздаги Бони дилкушо саройидан жой бераман.

Қ о б и л и я т . Олампаноҳ, мен саройда қолмайман.

П о д ш о . Нечук?

Қ о б и л и я т . Мен бир боғбон ўғли, саройда қай йўсин турай. У ерда бою боёнлар, аркони давлатлар яшар.

П о д ш о . Сенинг ақлу идрокингни ўзи аркону давлатдир. Сенинг ақлинг билан оз фурсатда келтирган бойлигингнинг ҳисоби йўқ. Улар авлод-авлодлари билан беш юз йилда ҳам тополмасди.

Қ о б и л и я т . Ундей бўлса, мен шаҳри Фирдавсманддан узоқроқ Чир дарёсининг яқинидан оппоқ-оппоқ қантдай тошлардан бир шаҳар қурдириб, салтанат барпо этай. У ерга бутун дунё йўллари туташсин. уни Тошқанд шаҳри десинлар. Тўйимиз шаҳри Тошқандда бўлсин. Устозим — пири Муғанний ал-Муҳаммад Турғуний маслаҳатчим бўлсин.

П о д ш о . Мен рози. Айтганинг бўлсин.

В а з и р (*шайтон қиёфасида*). Яхши, саройдан узоқроқ кетди. Кўрқиб турувдим, Подшо вазир қилиб оладими, деб.

П о д ш о . Эй йигит, Фирдавсманд шаҳрининг ҳукмдори расмига қўра 40 кун тўю томоша ўтказилиб, қизлар узатилади. Сўнгра манзилингда тўй давом этади. Жарчилар, тўйга жар чақиринглар (*Карнай, сурнай, ногора овозлари келади*).

## II қисм тамом.

Парда.

*Тошкент—Дўрмон ижод уйи,  
1996 йил август*



---

## СЕХРГАР ВА АЙЁР

(*Ўзбек халқ әртаклари асосида  
мусиқали эртак комедия*)

### ҚАТНАШУВЧИЛАР

Она	Бой
Ҳусан	Гулбону
Камак айёр	Миршабкун
Шоҳ	Миршабтун

#### Саҳна олди

Она ўёқдан, Ҳусан буёқдан келиб учрашишади. Ҳусаннинг қўлида  
Мухтор сеҳргар китоблари.

#### Она

Бу сенмисан,  
Ўғлим Ҳусан?  
Сўзинг ўхшар,  
Лек бошқасан.

#### Ҳусан

Ойижоним,  
Менинг жоним.  
Исмим Ҳусан.  
Фақат ҳозир...  
Сиз билинг, бир  
Сеҳргарман.  
Бўлсин бу сир.

**Она. Нима? Нима? Нима дединг?**

**Ҳусан.** Сехргарман. Ойижон. Мен Мухтор сехргарнинг олдига бориб шогирд тушдим. У мени бир ҳафтага ўз қиёфасига киргизиб, китобларини ўқишига берди. Мана бу чанқовузниям берди (*Китобларни онасига бериб чалиб кўрсатади. Онаси хурсанд.*)

**Она.** Ўғлим, энди эсингни йиф. Қолган бойлигинингни ялло-таралло қилиб елга совурма. Мулла йигит бўлдинг.

**Ҳусан.** Бўлди. Тавбамга таяндим. Сиз ҳақ экансиз. Қашшоқ бўлганимда...

**Она.** Кўрдингми, ўнта ўртоғингдан сариқ чақаям чиқмади. Шунаقا, ўртоқларнинг кўпчилиги ошинг бўлса ичайин-о, ишинг тушса қочайин-о бўлади.

**Ҳусан.** «Одамлар дарахтнинг мевасига келади, мева тугагандан кейин ташлаб кетади», деб тўғри айтган экансиз, ойижон. Мана, ҳозир чўнтағимда шамол гувилляяпти. Биронтаси бир тийин ёрдам бермади-я, тавба. Ҳаммаси ўйимнинг тўрида ўтирган, таралло бедод қилган. Обке борини, мана биз бор суянчигинг, деган. Ҳозир ҳаммаси инига уриб кетди. Йўқ.

**Она.** Майли, дикқат бўлма, қайтурма. Яхшиям отангнинг кўзи тириклигига ўқиб, илм орттирган экансан. Ана, энди ўша илмингни ишлатадиган вақт етди. Майли, бу сенга бир сабоқ, энди пулнинг қадрига етасан, билиб-билиб сарф қиласан. Камбагаллик курсин, ҳаммага малол бўлиб қоласан. Камбагал бўлсанг тувишган aka-ука, қариндош-уругларинг ҳам юз ўгиради. Энди, ўғлим, сенга бир гапни айтай, кеча отангнинг биродари Мақсад темирчи менинг олдимга чиқсан эди. У йифламоқдан бери бўлиб гапирди. Миршаблар бошлиғи Камак айёр ҳалқа ниҳоятда жабр-зулм ўтказяпти. Солиқларни ҳар йили икки-уч ҳисса оширияпти. Оқсоқол билан бир бўлиб, бор буд-шудимизни тортиб олишди. Бизни жазолаш учун қишлоқдан ўтадиган анҳорни девларга тош обкелтириб бўғиб, сувни бошқа ёққа оқизиб юборди. Энди нима қиласиз? Қоққанда қозиқ, осганда дор ёғоч қолмади. Сичқонлар ҳасса таяниб юрибди. Ўғлинг ўқимишли, илмли, тадбирли йигит бўлди. Бир иложини қилсин, зора рўшнолик кун кўрсак, дейишди.

**Хусан.** Сиз нима дедингиз?

**Она.** Сиз ҳәёт күрган кексалар бир нарса қила олмагач, муллавачча йигитча нима қила оларди, дедим. У ҳозир куч ёшларда, ақли ўткир, китобда гап кўп, менинг имоним комилки, ундан бир рўшнолик чиқади, деди.

**Хусан.** Ойижон, майли, мендан одамлар бир нарса умид қилиптими, демак, бир нарса қилишим керак. Зора умидимиз пуч, орзуимиз сароб, ўзимиз хароб бўлмасак. Камак айёр Мухтор сеҳргардан кўрқар экан. Ўзи айтди. Шуни бир кўрай. «Оқ фотиҳа» беринг, онажон. Зора бир яхшилик чиқиб қолса.

**Она.** Омин, болажоним, йўлинг оқ, дилинг пок бўлсин. Сенга омад ёр бўлсин, пирлар мададкор бўлсин. Босган еринг ўт бўлсин, бало- қазо йўқ бўлсин. Сенинг орқангдан эзилғанлар рўшнолик кўрсин, овмин!

**Хусан.** Овмин. (*Фотиҳа тортишади.*)

Мухтор сеҳргар  
Куч берса агар  
Енгиб Камакни  
Элга сочай зар.  
Қийналиб қолсам,  
Мени босса ғам,  
Эй онажоним,  
Сиз бўлинг ҳамдам.  
Она юраги,  
Элнинг тилаги.  
Ҳаммадан кучли  
Она билаги.  
Сиз, онажоним,  
Жону жаҳоним.

## I КҮРИНИШ

Парда очилади. Шохнинг ҳашаматли саройи. Шоҳ сафарга кетган.  
Ўрнида Камак айёр қолган. Камак айёргининг саройи ҳам шоҳ саройига  
туташ. Ёнма-ён.

Камак айёр мирабга ниманидир уқтироқда.

Камак. Тушундингми?  
Мирабтун. Тушундим.

Бирдан гумбурлаган овоз эши билади. Мираб кун югуриб киради.

Камак. Ҳа, Мирабкун, тинчликми? Нима  
гумбурлади? Тоғ қўпорилдими? Ер қимирладими?

Мирабкун. Мираббоши. Йўқ, тоғ ҳам қўпорилмади,  
ер ҳам қимирламади. Сизга солик тўламаган Олтинўрик  
қишлоғини жазолаш учун, анҳорнинг сувини бошқа ёқса  
буриб, тошлардан тўғон курган эдингиз. Арахмон дев билан  
Палахмон дев етти кун Тангритоғдан тош ташиган эди. Шунда  
Мухтор сеҳгар келиб, муштдай нарсани дарёга ташлаб, чап  
қўлидаги узукни ўнг қўлидаги узукка ишқаган эди, бирдан  
чақмоқ гумбурлаб тошларни улоқтирди. Тошлар осмонга қуш  
патидай учеб кетди. Дарё шарақлаб оқиб келди. Ҳалқ Мухтор  
сеҳгарни дуо қилиб, юз- қўзларидан ўпди. Бу ҳам майли,  
кеча, сизларга бир нарса совфа қиласман, деб узун қувур олиб,  
ичига бир нарса солиб, куф-сув деб ерга тиққан эди, тилла  
ранг сув туша бошлиди. Ҳамма ҳайрон бўлиб, «Бу қандай  
сув?» деб сўради. Шунда Мухтор сеҳгар, бу олтин сув, ер  
қаъридаги олтин эриб сув бўлиб чиқмоқда. Агар озгина  
экинларга қўшса қовун-тарвузлар катта-катта, мазали бўлади.  
Узумлар тилла ранг бўлади. Ҳамма нарса гўзал ва чиройли  
бўлади, деди. Қувурнинг еттита жўмраги бор экан. Ҳар бир  
жўмрагини бураса ҳар хил сув тушар экан. Биридан тилла  
ранг, иккинчисидан қора ранг, учинчисидан сариқ ранг,  
тўртинчисидан кумуш ранг, бешинчисидан сассиқ ҳаво чиқар  
екан. Уни хумга қамаб олиб найчадан чиқариб ёқса қозон  
қайнар экан. Олтинчи жўмракдан қаймоқ, етгинчи жўмракдан  
шарбат тушар экан.

Хусан (ётган жойидан) Қүённинг ўлгиси келса, хизматкорликка бўрининг боласини асраб олар экан, ҳей-ҳей-ҳей.

Камак.. Миршаблар! Мана бу беҳаёнинг юмшоқ жойига ўн беш дарра уринглар!

(Уришади.)

Мен сафардан келаётган шоҳни кутиб олиб хушхабарни етказаман. Сенлар эҳтиёт бўлиб қараб туринглар! Ҳеч кимга кимлигини айтмаларинг! (Кетади.)

Ичкаридан Камак айёрнинг хотини Гулбону чиқади.

Гулбону. (чимирилаб, миршабларга). Бу гувала ким? Нега бу ерда аччиқ ичакдай чўзилиб ётипти?

(Миршаблар «билимиз» дегандек елка қисишиади).

Нега менинг остонамга бу тўнкани думалатдиларинг?

Миршабкун. Камак айёрнинг буйруғи!

Гулбону (миршабларга). Турғизиб қўйларинг! (Турғизишиади. Хусанга.) Ҳў, банди, сен кимсан ўзинг? Нима қилиқ қилувдингки оёқ- қўлингни кишанлаб ташлашди.

Хусан. О, дилбарларнинг дилбари, гўзалларнинг гўзали, сизнинг сўзларингиз мунча меҳрли ва ёқимли, сиз ўзингиз кимсиз?

Гулбону. Мен Камак айёрнинг гўзал ва севимли хотини Гулбону бўламан.

Гулбонуман, Гулбону,  
Мендан гўзал гул борму?  
Сўзларим новвот — асал,  
Мендан ширин тил борму?  
Менда бор қадду қомат,  
Кўзларим ҳам аломат.  
Мен билан сұхбат қурган  
Юз йил бўлар саломат.

Гулбонуман, Гулбону,  
Мендан гўзал гул борму?

Хусан. Гулбону бегим, сиз фаришталардек нур ва оташдан яралган малаксиймо экансиз. Сизга бир муҳим сўз

айтмоқчиман. Аnavи миршаблар сағал нари кетсин, сўзимни ёлғиз ўзингиз эшитишингиз керак. Шунда менинг кимлигимни яхши билиб оласиз.

Гулбону. Миршаблар, боринглар, бир ёзилиб келларинг. Мен ўзим қараб тураман.

Миршаб кун. Камак айёр бир қадам жилманглар, деган.

Гулбону. Мен Камак айёрнинг хотини бўламан. Биласанлар, менинг буйругум унинг буйруғи, унинг буйруғи менинг буйругум. Фушт!

Миршаб кун. (*Mirshab тунга*). Тўғри айтадилар. Шоҳимиз ҳам аввал маликалари Хадичабегим билан маслаҳатлашиб, иннайкейин фармон берар эканлар. Юр кетдик, бўлмаса бир оғиз гап билан миршабликдан кавушимиизни тўғрилаб қўяди. Унда нима қиласиз.

Миршаб кун. Тўғри... кетдик. (*Ketishadi*.)

Хусан. Гулбону Султонпошшойим қандай чиройли, исми жисмизга монанд исм. Сизга исм қўйган табаррук зот ҳам доноларнинг доноси экан. Эҳ аттанг, аттанг, Эрингиз осмондаги ойдай равшан, кўрса кўзни қамаштирадиган, гулбаргидай тоза, шабнамдай тиниқ хотинни билмаган, қошли-кўзли бир маҳлуқ экан.

Гулбону. Нима?! Нима дединг? Яна бир қайтар?

Хусан. Эрингиз қошли-кўзли бир маҳлуқ экан, дедим, Гулбону.

Гулбону (*ғазабланиб*). Қандай журъат этдинг бу гапни айтишга??

Хусан. Гулбону Султонпошшабегим, сиз ғазабланишга ҳақлисиз, албатта, негаки менинг гапимнинг боиси шундан иборатки, шундай гўзал ва ҳурилиқо хотини бўлатуриб менинг опамга совчи қўйганига ҳайронман. (*Гулбону ҳайратда*.) Ҳа, ҳа, эшитганингиздек, опамга совчи қўйди. Мен, сен хотинингга бевафолик қиляпсан, сенга опамни бермайман, унга ҳам бевафолик қиласан, десам мени банди қилиб, шу ерга обкеб ташлади. Ўзи шоҳни кутиб олгани кетди. Шу ерда калламни шоҳга кўрсатиб олдиармиш.

Гулбону. Ростданми?

Хусан (*ийғлаб*). Ростдан, Гулбону Султонпошша бегим.

*Гулбону (ўзича).* Ҳа, суюқоёқ, яна хотин олгилари кеп қопти-да, мен у айёрнинг бир додини бермасамми? Шу қилганига, банди, сени озод қилиб, 300 танга пул ҳам бераман. Опангга яхши мол қилиб, тез узатворасан, хўпми?

*Ҳусан.* О, қанийди, мен сизни гўзаллар гўзали, донолар доноси десам, сахийлар ва муруватлилар сардори ҳам экансиз. Мен, қари онам билан бир умр дуойи жонингизни қилурмиз.

*Гулбону.* Миршаблар! Қаёққа гум бўлдиларинг?

*(Миршаблар югуриб киришади.)*

*Миршабкун.* Биз шу ердамиз.

*Гулбону.* Бу бандини бўшатинглар!

*Миршабтун.* Гулбону Султонпошша бегимнинг буйруги, Камак айёрнинг буйруги. Бўшатамиз. *(Ҳусанни бўшатишади).*

*Гулбону.* Ҳаммангга жавоб, қораларингни ўчир! Опаси чиройли, сен ҳам йўқол! Ма, пулингни ол!

*Ҳусан.* Қуллуқ, Бекойим!

*Гулбону* кириб кетади. Миршаблар ва Ҳусан тез чиқиб кетишади. Ҳовлиқиб Камак айёр киради.

*Камак.* Ия, Мухтор сеҳргар қани? Миршаблар!!! Гулбону!!!

*Гулбону.* Ҳа, хотинбоз, нима дейсан?

*Камак.* Банди қани? Миршаблар қани?

*Гулбону (личинг қилиб).* Банди опасини ясатгани кетди. Ҳа, ярамас, сассиқ така, қўнгиллари ёш хотин тусаб қоптида. Биз пуфсассиқ бўлдикми, оҳ, менинг дуру гавҳарим, олтиним, сийму зарим деб эркалашлари ёлғон экан-да, а? Миршаблар! Айёрнинг бир адабини бериб, эсини киритиб қўйларинг! Салласиничуват. Соқол-мўйловини юлларинг. Кийим-бошини ечиб, ички қўйлакда қувларинг!

Миршаблар югуриб чиқиб Камакни талаб кетишади. Бирпаста ечинтириб, соқол-мўйловини юлиб, ички қўйлакда қувлашади. Ҳусан бурчакда қотиб-қотиб кулади. Ҳаммаси тарқагач, дарвоза олдига Ҳусан келади.

## Ҳусан.

Қалайсан, Камак?  
Борми бир кавак...  
Оёқда қалпоқ,  
Бошингда патак.

(Камак кетади.)

Сехрим, сехрим,  
Сенгадир меҳрим,  
Камак айёрга  
Айланиб қолай.

(Чанқовузини чалиб ичкарига кириб Ҳусан Камак айёр шаклида чиқади.)

Камак-Ҳусан (ойначага қараб ўзича). Камак айёрнинг худди ўзига ўхшабман. (Зарда билан.) Гулбону! Гулбону! Гулбону! (Гулбону зарда билан чиқади.)

## Гулбону

Ҳа, жоним айёр Камак,  
Камлик қилдими калтак.  
Агар калтак кам бўлса  
Яна бир қоқамиз пўстак.

Камак-Ҳусан. Сен ҳаддингдан ошиб, миршабларга мени талатдинг.

Гулбону. Хотинбознинг жазоси шу бўлади.

Камак-Ҳусан. Ҳали шунақами?

Гулбону. Ҳа, шунақа, чидайсанми, айёр?!

Камак-Ҳусан. Ундай бўлса, хафа бўлмайсанми?

Гулбону. Йўқ, хафа бўлиш кўнглимнинг кўчасидан қийшайиб ҳам ўтмайди, билмасанг билиб қўй.

Камак-Ҳусан. Яхши. Сени учталоқ қўйдим. Қани, уйдан жўна!

Гулбону. Ҳали шунақами? Кетаман.

Гулбонуман, Гулбону  
Мендан гўзал гул борму?  
Сўзларим новвот-асал,  
Мендан ширин тил борму?  
Менда бор қадду қомат,  
Кўзларим ҳам аломат.  
Изларимга зор бўлиб  
Умринг бўлур надомат.

Гулбонуман Гулбону.  
Мендан гўзал гул борму.

Кетаман.

Камак-Хусан. Тезроқ кўтар жийда халтангни.

Гулбону. Жийда халтамни сенга қолдираман. Елкамнинг чуқури кўрсин бу останангни. Ҳали Гулбонунинг ҳидига зор бўласан. Бўйнингни сиқиб борсанг, башарангта бир тепаман. Юзингда кавушимнинг изи қолади.

(Шиддат билан Гулбону чиқади).

Камак-Хусан. Миршаблар!

(Миршаблар киради).

Миршабкун. (baraavar). Олижаноб!

Камак-Хусан. Мен саёҳатга кетаман. Ҳабар қилинг!  
Жар солинг. Тезда мен уйимни сотаман.

Миршабкун.

(Бараавар).

Одамлару одамлар!  
Эшиитмадим деманглар!  
Камак айёр  
Ховли-жойин сотмоқчи,  
Саёҳатга кетмоқчи,  
Хоҳлаганлар тезда  
Етиб келсин!  
Озгина ҳаялласа  
Кеч бўлади.

Миршаблар чиқиб, кўча- кўйда бақиришади, эшиитилиб туради.

Камак айёрнинг бой қўшниси югуриб киради.

**Камак-Хусан.** Келинг, бой ота!

**Бой.** Ҳей, Камак айёр, ҳовли-жойингни менга сот. Гилам сотсанг күшнингга сот, бир чеккасида ўтирасан, деган нақл бор. Мен шундоқ еримга қўшиб ола қоламан, бир бегона келгандан кўра. Қанча сўрайсан?

**Камак-Хуса** (*оғзига келганини айтади*). Тўрт минг олтин.

**Бой.** Шакар оғзингда. Майли, мен талашиб, тортишиб ўтирмайман. Кўлингни бер! (*Кўлини олиб*.) Бор барака Мана, 4 минг олтин. (*Ёнидан ҳамён олиб узатади*.) Санаб ол!

**Камак-Хусан.** Бой ота, мен сизга ишонаман. Сиз ҳалол одамсиз, санамай олиб кетавераман.

**Бой.** Ихтиёр сенда, хоҳласанг санаб ол. Бўлмаса ўзинг биласан.

**Камак-Хусан.** Бой ота, ҳовли-жой буюрсин! (*Хусан шошиб чиқиб кетади*).

**Бой.** Зап арzon олдим-да. Сув текин бўлди-да ўзиям. Асли юз минг олтингяям арzon. Қасрини ўзи палон пул турди. Бир йилда еридан ўзи ўн баравар фойда кўраман. Бунинг устига шоҳ саройига туаш. Шоҳга яқин бўламан. (*Ҳақиқий Камак айёр кириб келади*).

**Камак** (*жахъ билан*). Ҳў, хотин! Гулбону! Ҳў, ярамас, шаллақи! Мен шоҳга устингдан арз қилдим. Ҳали келиб сени жаззангни беради. Кўрасан эрга беҳурматлик қанақа бўлишини. Чиқ бу ёқقا. (*Чиқмайди*.) Миршаблар, хотинимни келтиринг! (*Миршаблар бойни ушлаб олиб келишади*.)

**Бой.** Ия, Камак айёр, ҳозир хотинингни «учталоқ» қилиб ҳайдадинг-ку. Нега миршабларинг хотининг ўрнида мени судраб келишди.

**Камак.** Нима? Нима дединг!

**Бой.** Хотинингни «учталоқ» қилиб ҳайдадинг дедим, кармисан?!

**Камак.** Сен исқирт бой менинг уйимда нима қилиб ивирсисб юргандинг?

**Бой.** Нега сенинг уйинг бўлар экан. Энди бу уй меники-ку.

**Камак.** Вой эсини еган тентак, нега сенинг уйинг бўлар экан. Бу менинг уйим-ку, жўна, қорангни кўрсатма!

**Бой.** Анақароқ бўп қопсан. Ҳозир менга 4 минг олтинга сотган ким эди. Энди бунақа фирромлик тарафига ўтдингми? Кетмайди. Қани, бир туёғингни шиқирлатвор-чи. Муттаҳам.

**Камак** (*ўйлаб*). Ҳа, бу Мухтор сехгарнинг иши. Мени боллапти жодугар. Шоҳ олдида энди нима деган одам бўлдим.

Боришингиз билан оёғингиз остига ташлайман, деган эдим-а  
Бүёғи қандоқ бўлди. Шарманда бўлдим. Йўқ, ҳали ҳаммаси  
тугаганий йўқ. Мен бор айёрлигимни ишга солиб, уни тутиб,  
. бир додини бераман. Илоннинг ўлгиси келса лайлакнинг оёғига  
тирмашар экан. Ҳап саними? Мухтор! Миршаблар! (*Миршаблар*  
*югурниб киришади*).

Миршаб кун. Олижаноб!

Камак. Мухторни ушлаймиз! Ярамас! У ҳозир қаерда экан-а?

Миршаб тун. Мен сарой олдидаги ариқдан балиқ тутаман деган эди.

Камак. Тезда ушлаш керак, бадбахтни! Мен ахалай-маҳалай деб хотиним қиёфасига кириб оламан. Бориб уни бошини айлантираман. Сенлар бориб яшириниб турасанлар. Кукку дейишим билан шартта чиқиб оёқ-қўлини боғлайсанлар. Тушундиларингми?

### Миршаблар. (баравар)

Камак айёр!  
Бизлар тайёр.  
Биз Мухторни ушлаймиз,  
Хум бошига муштлаймиз.  
Финг-пинг деса у,  
Калтак билан «хушлаймиз», сийлаймиз!

### II КЎРИНИШ

Сарой олдидаги сувга қармоқ ташланган. Ҳусан ҳар замонда сувдан қармоқни олиб қараб кўяди. Яна ташлайди. Баъзан кичкина, баъзан катта балиқ илиниди.

Ҳусан.  
(хиргойи қиласи).

Яшил қирғофим,  
Ўйнар қармоғим.  
Семиз балиқлар  
Тилар томоғим.

Камак айёр хотини Гулбону қиёфасида қийшанглаб киради.

## Камак айёр

Гулбонуман Гулбону,  
Мендан гўзал тул борму?  
Вой Мухтор aka жоним,  
Сиздан ширин тил борму?

Ассалому алайкум. Бой, Мухторжон aka, ўша Камак — ичи ковак жодугардан кечдим. Дунёда сиздай гўзал, олижаноб одамлар бор эканми? Дунё шунинг учун турипти. Бўлмаса аллақачон ер ютиб кетармиди-ей.

Ҳусан (*ўзича*). Ҳа, айёр, мени сезмади деб ўйладингми? Қани, қўйиб берай-чи нима қиларкин. (*Камакка*.) Келинг, келинг, хоним.

Гулбону-Камак. Сизнинг чақноқ, қоп-қора қўзларингизга бир тўйиб томоша қилиб, ширин сұхбатингиздан баҳраманд бўлгани келдим. Зап қутулдим, у ҳасис хотинбоз экан. (*Йиглаб*.) Оҳ, менинг кўрган куним қурсин, бошимга не кулфатларни солмади. Сизнинг юз-қўзларингиздан шарофат ёғилиб турипти. Сиздай ширинсўз йигитни бир дам нафасидан баҳраманд бўлиш жаннатнинг эшигини очмоқ билан биробардир. Бир чимдим ёнингиздан жой олсан майлими?

Ҳусан. Бажонидил, ўтиринг, инсон инсонга ҳамиша ғанимат. Дилингиз тортиб келибсиз, бош устига. (*Ўрнидан туриб, қўлидан олиб ўтқазиб қўяди*.)

Гулбону-Камак. Вой, раҳматей! (*Ўзича*.) Сеҳгарни қандай чиқариб юбориб, дорини чой идишга солсан экан. Дори сехри кучини йўқотиб, ҳұсиз қиласи. (*Мухторжонга*). Жоним, қоқиндиқ, йўл юриб жуда чарчадим, унинг устига иссиқ, денг. Бир қултум муздай сув топилмайдими?

Ҳусан. Топилади. Ана, анҳор тўла сув.

Гулбону-Камак. Ҳа-я, қаранг, миям қурсин. Хотин кишиман-да, қўқаман. Ҳовучингизда бир ҳовуч олиб беринг.

Ҳусан. Хўп бўлади. (*Сувга энгашаётганда чой идишга дорини солади. Ҳусан ўзини кўрмаётганга олиб кузатади*).

Гулбону-Камак (*ўзича*). Ярамас Мухтор, ана энди қўлимдасан. (*Ҳусан кафтида Камак айёрга сув тутади. У шўрқиллатиб ичади*.)

**Ҳусан.** Мана, Гулбону, чанқаган чоғда бир қултум муздак сув тутмоқ кони савобдир. Агар сиз озгина ҳузур қилган бўлсангиз менинг бошим кўкка етур.

**Гулбону-Камак.** О, сиздек кишиларнинг боши ҳамиша булатга тегиб юрадир. Шунинг учун сиз тоғ эчкисидай соғломсиз. Энди, азизим, сиз ҳам чойингизни ичинг, мен овора қилиб қўйдим.

**Ҳусан.** Мен кейин.

**Гулбону-Камак** (*нозу истигно қилиб*). Нега мендан ҳазар қилдингиз? Мен шунаقا тасқара, бадбашара ва таъвияманми?

**Ҳусан.** Билмадим, ечинтириб кўрганим йўқ.

**Гулбону-Ҳусан.** Эй қўйинг-е, анави кишини қаранг.

### **Ҳусан**

Хафа бўлманг, Гулбону, гўзалсиз.

Гулбонусиз, Гулбону,

Сиздан гўзал гул борму?

Сизни хунук дейишига

Менда заҳар тил борму?

Сизни зигирча хафа қилиб қўйган бўлсам афу сўрайман. Сиздек ҳурилиқонинг қархисида хўриллатиб чой ичмоқ одобсизлик бўлурмикан, деб хаёл қилурмен.

**Гулбона-Камак.** Вой, мунчали яххисиз. Мен эркакларнинг чойни хўриллатиб ичганини, хўриллатиб хуррак отганини жудаям яхши кўраман. Айни муддао, тўғрисини айтсам, жинни бўлиб қоламан. Танбурда ҳалиги нола қиласиган наво куйини эшитгандек ҳузур-ҳаловат оламан. Жон Мухторжон оға, хўриллатиб ичинг. Менинг тани жоним бир ором олсин. Сиз ахир одамларга ором бериб роҳатланасиз, шундайми?

**Ҳусан.** Шундай.

**Гулбону-Камак.** Келинг, мечи бир жинки қилинг, битта хўриллатиб ичинг. Камак жодугар ўлгур, тўнка, чой ҳам ичмасди, хуррак ҳам отмасди, у билан ўтган эссиҳ умрим (*Йиглади. Пиёлага чой қуиб узатади.*) Олинг, сазам ўлиб, илтифотим ерда қолмасин. Олинг, жонидан. Бир хўриллатиб ичинг.

**Ҳусан.** Бўпти. (*Пиёлани қўлидан олади*). Сиз агар ҳузур қилсангиз, жонидан, бир маҳалла қозондаги чойниям ичвораман.

**Гулбону-Камак.** Айтдиму, сиздек эркак бу ёруғ жаҳонда бўлмаса керак. Эсимни танибманки ҳеч ким сизчалик аёл гапини инобатга олмаган. Сиз эса...

**Ҳусан.** Мен чойни ичганимдан сўнг сиз бир ўйнаб берасиз. Мен аёллар ўйнаганини кўриб тўймайман, бўптими?

**Гулбону-Камак.** Бўпти. Сизнинг жавдираб турган, шаҳло кўзларингиз олдида бир умр ўйин тушишга тайёрман. Қани, қани, жоним, битта хўриллатиб ичинг.

**Ҳусан.** Хўп бўлади. (*Оғзиға оборади-ю, сепиб юборади*.) Эй, лаънати пашиша тушди-я. Бу ернинг пашшалари фоят заҳарли экан, одамни ўлдиради, дейишади.

**Гулбону-Камак**. (*ўзича*). Сезиб қолдими дейман. (*Ҳусанга*). Ҳечқиси йўқ, жоним, янгисини қуиб бераман.

**Ҳусан.** Бажонидил. Лекин ўзингиз пиёлани дарё сувида қайта тозалаб ювмасангиз, тағин пашшанинг заҳари қолмасин, одамни кўнгли тортмайди-да.

**Гулбону-Камак.** Мен сувга тушиб кетишдан ниҳоятда қўрқаман. Ўзингиз ювиб берақолинг.

**Ҳусан.** Қўрқманг, жуда паст, мабодо сувга тушиб кетсангиз, ўзим тортиб оламан. (*Ўзича*). Мана бу, заҳарнинг кучини йўқотадиган дори.

**Гулбону-Камак** (*ўзича*). Йўқ десам кўнглига шубҳа келиши мумкин. Билгани йўқ, гўл. (*Ҳусан*). Эркак зоти гапини қайтариш биз заифаларга макруҳdir. Ҳозир мен ўзим покиза қилиб берурман. (*Туради. Шу пайт Ҳусан чой идишга эпчилик билан заҳарнинг кучини кесадиган дори солади. Камак айёр сезмайди. Камак айёр дарёдан пиёлани ювиб, енгининг бир чеккасига артиб келиб ўтиради*.) Мана, азизим. Бир оғиз гапингиз бошимга дурра.

**Ҳусан.** Тасаддуфингиз кетай, Гулбону, қани, чойдан қуйинг. Афу бўлсин, сизни андак меҳнатга қўйдим.

**Гулбону-Камак.** Кўнглингизни бир чеккасига ҳам келмасин. Сув жуда муздек экан, роҳат қилдим. (*Чой қўйиб узатади*.)

**Ҳусан.** (ниёлани олиб). Фақат кулманг, Гулбону (рос. хүрилалтиб ичади, ичиб бўлиб). Ана, энди ўйнаб берасиз. (Гулбону-Камак лопиллаб кулгили ўйнайди).

## Гулбону

Гулбонуман Гулбону,  
Мендан гўзал гул борми?  
Сўзларим новвот — асал,  
Мендан ширин тил борму?

**Ҳусан.** Вой, оғзим тахир бўляпти. Вой тилим. (*Қўли билан «Тилим айланмаяпти» ишорасини қиласи ва ёлғондан ийқилади.*)

**Гулбону-Камак.** (захарханда кулиб). Ҳа, ҳа, сен Мухтор сеҳргар, энди қўлга тушдинг. Сеҳринг ўлди. «Кукку», миршаблар! Бофланг бу жодугарни! Кўриб қўйсин Камак айёрнинг кимлигини.

Беркиниб турган миршаблар чиқади.

## Миршаблар қўшиғи

Камак айёр, бизлар тайёр!  
Биз Мухторни ушлаймиз,  
Финг-пинг деса у  
Калтак билан «хушлаймиз», сийлаймиз.

Ҳусаннинг оёқ- қўлинни боғлашади.

**Камак.** Миршаблар! Бу тўнкани қилт этмай қўриқлаб турасизлар. Мен тезда келаётган шоҳни огоҳ қилиб, суюнчини оламан. У менга ишонмаётган эди. Мана энди ишонади. Менга дархон деган унвон ҳам беради. Эҳтиёт бўлларинг, қочирсаларинг бошларинг дорда, молларинг талонда, хотининг ҳарамда бўлади...

**Миршаблар (баравар).** Ишонинг! Харсангтош қочиб кетишига ишонсангиз, буни ҳам қочиб кетади, деб ўйланг.

**Камак.** Ўзларинг ҳам тош бўлларинг!

**Миршаблар (баравар).** Ҳўп, харсангтош бўламиз. Қимирласак ўламиз. (*Камак кетади*).

Миршабкун. Камак айёрнинг дориси бу одамни уч кун гувала қиласи. Юр ,яххиси, ариқнинг нарироқ жойи

саёзроқ, чүмилиб келамиз. Камак айёр ва шоҳ келгунча кун кеч бўлади.

Миршабтун. Кетдик. (*Белбоғини кўрсатиб.*) Қўмач бор. Сувга ботириб еймиз.

Миршабкун. Қочиб қолса-чи?

Миршабтун. Қаёққа қочади? Ётишини қара, оғзидан сўлаклари оқиб ётипти-ю.

Миршабкун. Ҳа, майли, кетдик.

(*Кетишади.*)

(*Хусан секин жонланади. Пичирлаб, сеҳрини айтади.*)

## Ҳусан

Сеҳрим, сеҳрим, сеҳрим,

Сенгадир меҳрим.

Банди кишанларим ечилиб, озод бўлай.

Боғланган қўли ечилади. Чанқовузини чалади. Қулф урилган кишан шақ этиб ечилади.

(*Ҳусан эркин.*)

Ҳусан. Миршаблар! Югурларинг айёринингга!

(*Миршаблар чала кийинган ҳолда югуриб келишади.*)

Миршабтун. Ҳой, сеҳргар, бизга раҳминг келсин. Қайт!

Миршабкун. Жон Мухтор, қайтақол. Энди нима қиласмиш? Бошимиз дорда, молимиз талонда, хотинимиз ҳарамда бўлади.

Ҳусан. Ташибши тортмаларинг, бориб Камак айёларингга айтларинг. Қочиб кетди, деб. Сенларни кечиради. Чунки ўзи шоҳнинг олдида шарманда бўлади. Сенлар бошқа Миршаббошига хизмат қиласверасанлар.

(*Ҳусан тойиб бўлади.*)

Миршабтун. Миршабкун, кийиниб дарров ютур.

Миршабкун. Сен ютур Миршабтун.

Миршабтун. Сен.

Миршабкун. Сек

Иккалови. Иккаламиз.

(*Югуриб чиқиб кетишади.*)

### III КЎРИНИШ

Тахтда шоҳ ўтирипти. Вазир ниманидир шоҳга тушунтирмоқда. Иккита навкар найзаларини йўлга тўсиқ қилиб турибди. Ҳусан шоҳ ҳузурига кирмоқчи бўлади. Навкарлар йўл бермайди. Шу пайт афсунини айтади.

Ҳусан.

(Афсун.)

Сеҳрим, сеҳрим, сеҳрим.

Сенгадир меҳрим.

Ҳамма турганча қотиб қолсин.

Вазир ўйнаб, ичкарига кириб, уст кийимини ечиб кутиб турсин.

Чанқовузини чалади. Вазир ўйнаб ичкари киради. Ҳамма қотиб туради. Ҳусан чанқовузни чалиб киради ва вазир қиёфасида.

чиқиб шоҳнинг олдида туради. Ҳусан ойнасига қараб.

Вазир - Ҳусан (ўзича). Вазирнинг худди ўзига ўхшабманми ?

Сеҳрим, сеҳрим,

Сенгадир меҳрим.

Сарой, жонлан!

Ховлиқиб пилдираб Камак айёр кириб келади. Чўк тушиб, ер ўпиб жавраб кетади.

Камак. О, олампаноҳим, етти иқлимнинг хукмдори, тангрининг ердаги сояси, жамики жонзот — мавжудотнинг раҳнамоси, бир қошиқ қонимдан кечинг! Мухтор сеҳргарни энди ушламоқчи эдик, дағ-дағ қалтираб, қуён миниб ўз юртига равона бўлди. Энди у сира ҳам қорасини кўрсатмайди.

Шоҳ. Ёлғон! Мухтор сеҳргарнинг кўрқоқлигига ишонгим келмаяпти. Агар ҳозир, шу ерда бўлганда иккаловингни қилич туширадим. Ана унда маълум бўларди ким зўр, ким кўрқоқ.

**Камак.** Эй, шоҳим, у кўрқоқ, қилич тушишни биладими?  
Агар шу ерда бўлганда битта уриб, бурнидан қизил сув  
келтириб қўярдим. Уни қониям қизил эмас, дейишади. Илон  
ер экан-да, шоҳим. Қани энди, оҳ, қани энди шу ерда бўлганда.  
Қиличбозлик қанақа бўлишини кўрсатардим. Эҳ, эҳ, чақ-чуқ-  
чақ. (*Ўрнидан туриб қиличбоз қиёфасига киради.*)

**Шоҳ.** Кўрсатолмайсан.

**Камак.** Кўрсатаман. Мени ким деяпсиз, шоҳим! Мен Камак  
айёрман! Араҳман девларни ер билан яксон қилган. Мухтор  
сехргар ким бўпти? Чумчук пирр этса, юраги ширр этади.

**Вазир-Ҳусан.** Олампаноҳим. Ҳозир шу ерда Мухтор  
сехргарни топиб берсам нима берасиз?

**Шоҳ.** Минг тилло бераман.

**Камак.** Мен ҳам минг тилло бераман.

**Вазир-Ҳусан.** Шоҳлик сўзизми?

**Шоҳ.** Шоҳлар сўзи қонун. Ҳазинабон, минг тилло келтир.

**Камак.** Мен кечқурун.

**Вазир-Ҳусан.** Сеники керак эмас.

(*Ҳазинабон баркашда минг тилоли ҳамён олиб чиқади. Ҳусан  
чўнтағига солади.*)

**Ҳусан.** Мана, мен — сехргар Мухтор вазир қиёфасига  
кириб олган эдим. Вазирни хосхонада қотириб қўйган эдим.  
Ҳозир кириб асл вазирни олиб чиқаман. (*Ичкари кириб Мухтор  
сехргар ўз кийшида чиқади. Вазир ўз кийшида.*)

**Шоҳ.** Тавба. Мухтор сехргар — вазир!

**Камак.** Нималар бўляпти ўзи. Мен ҳеч нарса деганим йўқ.  
Мен...

**Шоҳ.** Бир жуфт қилич келтиинглар! (*Миршабкун  
баркашда иккита қилич келтиради.*) Камак айёр, Мухтор  
сехргар, қиличларни олинглар! Шу ерда, кўз олдимда қилич  
тушасизлар. Ким ғолиб келса, ўша менинг саройимда қолади  
ва юксак мартабага эришади.

Биринчи Камак айёр қалтираб қилични ўёқ-буёғига қараб танлаб  
олади. Иккинчи қилични Ҳусан олади.

**Камак** (*типроқ овозда*). Кунинг битди, Мухтор жодугар.  
Бошинг думалар, албат, бу сафар.

**Ҳусан.** Камак-кавак, подадан олдин чанг чиқарма.  
Яхшилаб ён-верингга, ёр-биродарингга қараб ол! Видолаш,  
бошинг коптот бўлиб думалаганда кўролмай қолишинг  
мумкин.

**Камак.** Ўзийники шунаقا бўлади. Шундай айёрглигим  
борки, оёқ-қўлингни акашак қилиб қўяди. Сен нима деяпсан  
мени жодугар?!

**Шоҳ.** Бас. Гап кесишгандан кўра қилич кесишган маъкул.  
Қиличини қўлларингга баравар тут! Қилич тушганда сеҳр  
ишлатилмайди. Қиличини баравар тутиб, ҳамлага тайёрланади.  
Жанг! Бошланг! (*Қилич тушиб кетишади.*)

**Шоҳ.** Камак айёр, енгилсанг ишончим барбод бўлади.

**Ҳусан**(*қилич тушиши давом эттириб*). Шоҳ, аралашма,  
номардлик бўлади!

**Шоҳ.** Менинг саройимдасан. Мардлик- номардликни мен  
белгилайман.

**Ҳусан.** У дунёда юзинг қаро бўлади.

**Шоҳ.** Савобим кўп. Навкарлар, Камакка ёрдамга.( *Найза тутган навкарлар наизани қўйиб қиличларини ялангочлаб келишади ва Ҳусанга ташланишади. Ҳусан ҳаммаси билан қилич тушиб, битта-биттадан ийқа бошлайди. Лекин кучи етмай қолади. Шунда «Ойи,мадад беринг», дейди. Онанинг руҳи келади.)*

### Она арияси

Жоним болам, азобларга қолибсан,  
Ёш бошингга турли савдо солибсан.  
Бир ўзингга ташланиб ёвузлар,  
Ёлғиз ўзинг ҳолдан роса толибсан.

Мадад беринг, эй азиз-авлиёлар,  
Қўлланг дилдан, эй улуғ анбиёлар.  
Болажоним бекор қурбон бўлмасин,  
Забун бўлсин Камак — дили сиёлар.

Ўртала қилич тушиб кетади. Шу пайт шоҳ тепадаги тўр чодирни  
ечиб юборишга ишора қиласди.

**Шоҳ.** Тўр чодирни тушир!( *Бирдан чодир тушиб Ҳусанни ўрайди. Миршаблар ўраб олиб чиқиб кетишади. Она шарпаси шигаб, гойиб бўлади.)*

**Камак.** Олампаноҳим, Мухтор сеҳргарнинг умри тугади. Уни темир қафасга солдик. Энди хотиржам яшаймиз. Сизнинг доно ғамхўрлигингиз туфайли ғолиблик қиличини тутдим.(*Қилични баланд кўтаради.*) Шоҳимизнинг умрлари узун бўлсин!

**Шоҳ.** Зар чопон!

(*Вазир баркашда зарчопон олиб чиқади. Шоҳ олиб Камак айёрга кийгизади.*)

Тасанно! Зўр қиличбоз экансан.

**Камак.** Умр бўйи остоңангизда итингизман. Сизга қарши бўлганларга бир умр шерман. Этини ғажиб ерман.

**Шоҳ.** Ғолиблик тантанаси! Ўйин-кулги!

### Шоҳ қўшиғи

Давлатим ҳеч қачон енгилмас давлат,  
Шер Камак айёrim давлатга савлат.  
Мухтор сеҳргарни қафасга солган  
Баҳодир, енгилмас Камакка раҳмат!

Шўҳ ўйин.

Ўйнасин, ўйнасин, вазир ўйнасин!  
Малика, қиз-йигит, кампир ўйнасин!  
Ўйнасин миршаблар, беку амирлар!  
Ҳаммаси бирга-ю бир-бир ўйнасин!

(*Куй янграйди. Ҳамма ўйинга тушади. шоҳ таҳтдан оёғидаги этикни ечиб, чоловорини шимарган ҳолда оёқ яланг ўйнайди. ва тез таҳтга бориб ўтиради. Ўйинчи қиз муқом қилиб бориб шоҳнинг яланг оёғини силаб қўяди.*)

**Камак (ўйнаб).** Шоҳим, мен ҳам силайман?

**Шоҳ.** Йўқ. Сен айёрсан, оёғимни таёқ қилиб қўйишинг мумкин.

**Камак (тиз ҷўкиб).** Тавба қилдим, шоҳим.

**Шоҳ.** Тавбани товага солиб қовуриб е, шунда шукр бўлади.

**Ҳусан.** (*қўлида қилич яшириб келади*). Мен қуф-сув қилиб, қафаснинг қулфларини очиб чиқдим. Мен сарой аҳлига кўринмайдиган қиёфага кирганман. Улар мени кўришмайди. (*Ҳусан таҳтнинг тагидан бориб шоҳнинг сарпойчанг оёғига қилич учини теккизади*).

**Шоҳ** (*бақириб*). Войдод! Войдод! Чақди. Илон чақди. Вой, ҳозир ўламан! Войдод! Ўламан!

(*Ҳусан таҳтнинг тагида бекиниб тураверади. Ҳамма эмаклаб илонни қидириб кетади. Тополмайди.*)

**Шоҳ.** Ташқарига чиққан! Илонни топмасдан кирманглар! Яна келади илон! (*Ҳамма эмаклаб чиқиб кетади. Шоҳ таҳтда ўтириб ухлаб қолади. Ҳусан бошидан чопонини олиб, шоҳнинг олдига қиличини кўтариб келади*.)

**Ҳусан** (*эҳо қўрқинчи оҳангда*). Ҳой шоҳ. Мен Азроилман! Тайёр бўл! Жонингни оламан!

**Шоҳ** (*чўчиб, саросимали заиф овозда*). Азроилжон, мен яна озгина яшашим керак, олдинроқ хабарини берсанг бўларди.

**Ҳусан.** Олдинроқ хабари берилган бир неча марта.

**Шоҳ.** Ёлғон, сизга ярашмайди, Азроилжон. Ҳеч қандай хабар бўлгани йўқ.

**Ҳусан.** Рост, хабар бўлган. Маёна эшит: иккита тишинг тушди. Бу бир. Бир марта белинг оғриди, бу икки, сочининг оқ оралади, бу уч. Ҳозиргина илон чақди, бу тўрт. Ўлимдан дарак бериш мундан ортиқ бўладими. Тамом. Калима келтир! Жонингни оламан.

**Шоҳ.** Жон Азроилим, тўғри, мендан хатолик ўтибди. Мендан не сўрасанг, сўрагин, фақат жонимни олма, озгина яшай, яқинда ҳайит келади, шуни кўриб қолай.

**Ҳусан.** Неча кун бор ҳайитга?

**Шоҳ** (*бармогига санаб*). Бир, икки, уч, ўн бир кун бор экан.

**Ҳусан.** Майли, ўн бир ҳамён олтин берасан.

**Шоҳ.** Майли. Сиз худонинг элчисисиз. Сизга тилла керак эмас. Нима қиласиз олтинларни?

Ҳусан. Тиллаларними?

Шоҳ. Ҳа, тиллаларни да.

Ҳусан. Камак айёр мол-мулкини тортиб олиб, оч-яланғоч қолдирган одамларга бўлиб бераман. Улар худо берди, деб хурсанд бўлишади.

Шоҳ. Мен ахир ҳеч кимнинг нарсасини тортиб олганим йўқ-ку. Аббоснинг равзаси ҳаққи.

Ҳусан. Тўғри... лекин сенинг номингдан миршаббоши Камак айёр сенга яхши кўриниш учун солиқларни ой сайин ошириб тортиб олган. Сен гўли гумроҳ ўтиравергансан, шоҳман, ха, ха, ха қилиб.

Шоҳ. Тўғри, жуда тўғри. Унда ўн беш ҳамён олтин олинг. Мен 4 кун кўпроқ яшай. (*Ўрнидан туриб пўлат сандиқдан ўн беш ҳамён олтин олиб беради.*)

(*Ҳусан олтинларни олиб тез чиқиб кетади. Ташқарига чиққанлар бирма-бир эмаклаб қайтиб киришади. Ҳаммасининг қўлида биттадан илон.*)

Камак. Илонлар тутиб келтирилди.

Шоҳ. Войбў, шунча илон чаққан эканми?... Тағинам ўлмабман. Лекин даҳшатлиси (*йиглаб*) Азроил келиб, жонимни олмоқчи бўлди. Аранг 15 ҳамён олтин бериб ҳайтни кўриб қоладиган бўлдим.

Камак. Эй, олампаноҳим, у Азроил эмас, Мухтор сеҳргар — ярамас. У шайтон йўлини топган-да.

Шоҳ. Илло-билло Аббоснинг равзаси ҳаққи қасам ичиб айтаманки, шу бугун Мухторни кўзимнинг олдида бошини кесмасанг, сени тириклай терингни шилдирман.

Камак. Шоҳим, айёлар пири, энг катта эчкининг соқолига қасам ичаманки, шу бугун Мухтор жодугар оёғингиз пойида боши думалайди.

Чиқиб кетади.

Шоҳ. Йўқолларинг тезроқ, текинхўрлар! (*Ҳаммаси югурниб чиқиб кетишади. Ўзича.*) Мухторга ўхшаган сеҳгарим бўлса бутун оламга ҳоким ўйлардим. Камак ковак бу гал келиб, «Бир

қошиқ қонимдан кечинг, тутолмадим», деб оёғимни яласа ҳам кечмайман, тамом! Терисини шилдирман. Қолган фуқароларга ибрат бўлсин!

*(Камак югурib киради.)*

Камак. Олампаноҳим, етти иқлим...

Шоҳ (*гапини бўлиб*). Гапир, яна лақиллатиб кетдими?  
Бир қошиқ қонингдан кечайми?

Камак. Йўқ, ҳалиги...

Шоҳ. Нима, ҳалиги?

Камак. Ҳалиги, Мухтор тутилди...

Шоҳ. Дарров а?

Камак. Ҳа, зўрман-да.

Камак. Ҳозир олиб киришади.

*(Миршаблар Ҳусанни боғлаб олиб киришади.)*

Шоҳ (*кинояли*). Ҳа, Азроил почча, энди, энди мен Азроилман. Қайтар 15 ҳамён олтинларимни.

Ҳусан. Эгаларига кетди олтинлар.

Камак. Миршаблар, эртага олтинларни очопатлардан тортиб олинглар!

Шоҳ. Мен мана бу газанданинг жонини оламан.

Ҳусан. Эй, каллаварам шоҳ, сенга ҳам раҳм қилдим, икки кўзингни кўр қилиб қўйсам нима қиласдинг? Ўтирадинг пайпаслаб, оғзингга қошиқни оборолмай.

Шоҳ (*газабда*). Жаллод! Тезроқ калласини ол! (*Жаллод ойблитасини ярақлатиб киради.*) Йўқ. Буни осиш керак. Тезда дор қуинглар. Ўз кўзим билан кўрай.

*(Миршаблар шифтга арқон ташлаб, тагига курси қўйиб сиртмоқ қилишади.)*

Камак. Дор тайёр! Фармони олийларига мунтазирмиз.  
Шоҳ. Ос!

**Ҳусан**  
*(ицида ағсун ўйқииди).*

Сәхрим, сәхрим, сәхрим,  
Сенгадир меҳрим.  
Миршаблар құлларимни ечишсин.  
Камакни боғлашсин.  
Ҳамма бир зумга қотсин!  
Куф-суф.

Құлларини ечишади, Камакни боғлашади.  
Ҳамма қотади. Чанқовузни чалади. Ҳамма секин-аста жойланади.

**Ҳусан.** Шоҳ, билиб қўй! Камак айёр бор экан, сен ва ҳалқ рўшнолик қўрмайди. Бутун бойликни беркитиб қўйган. Ҳамиша думинг хуржунда, калланг ҳұмла бўлади. Мен, аслида, ҳеч қанақа Мухтор сеҳргар эмасман. Мен оддийгина Олтинўрик қишлоғилик муғила Ҳусанман. (*Ниқобини ечиб ҳақиқий муғила Ҳусанга айланади.*) Устозим мени бир ҳафтага ўз қиёғасига киргизган. Мен Мухтор сеҳргар китобини ўқиб, унинг озгина сеҳрини қўлладим, холос.

Дарёни ҳам сәхрим билан очдиридим. Ер остидаги олтинни сув қилиб әритиб чиқардим. Шу сув томга сепилса чакка ўтмайди, йўлакларга сепилса қишила лой бўлмайди. Яна кўп сеҳрлар илми борки, унда осмонга учадиган, сувга чўқмас ҳикматлар ҳам бор.

**Шоҳ (газабда).** Жаллодлар! Камак айёрнинг тириклай терисини шилинг. У кони зарар экан. Бошга бало экан.

**Камак (ўзини ташлаб).** Бир қошиқ қонимдан кечинг. Гулдай хотиним бор!

Овоз. Хотини гашлаб кетган.

**Шоҳ.** Хотинини ҳарамга олдиринг, мол-мулкини элга бўлиб беринг. Энди сўзим сўз, бир чеклак қонингдан ҳам кечмайман. Сен менинг номимдан ҳалқни талаб, азоб бераётган экансан. Ҳукм қатъий!

Миршаблар хосхонага олиб ўтиб ҳукмни бажариш учун Камакни олиб киришади.

(*Камакнинг додлаган овози келади.*)

**Шоҳ.** Мулла Ҳусан, менинг ўрнимга шоҳ бўласан, мен қариб қолдим. Меросхўрим йўқ. Сен шоҳ ўғли эмас, илм ўғли экансан. Илм ўғли, олам ўғли, эл баҳтидир.

*(Ҳусан чанқовузини чалади. Онаси киради.)*

**Ҳусан.** Сарой, бир зум қот. Онам келди. *(Сарой қотади.)*

**Она.** Ҳусан ўғлим. Сени шоҳ ўз ўрнига шоҳ қилмоқчи. Бу жуда улуғ ва оғир вазифа. Сен менинг ўғлим бўлсанг, олим бўл. Олим бўлсанг олам сеники. Илминг инсониятга абадий хизмат қиласди. Лекин шоҳ бўлма.

Ҳусан она олдида тиз чўқади.

**Ҳусан.** Онажон. Сизнинг истагингиз менга олий фармондир. Мен олим бўламан. Шоҳ бўлмайман.

**Шоҳ.** Эй онасининг сўзини бошга тож қилиб кийган фарзанд. Сен дунёнинг ақли экансан. Сенга саройда олимлар раиси вазифасини бердим. Илминг билан юртни обод қил. Мен сенинг ҳимоячинг бўлай.

**Ҳусан.** Қуллук, шоҳим.

**Мусиқа**

**Тамом**



---

## ЭЛЁР БОТИР

(Ўзбек халқ әртаклари оҳанглари  
асосида II пардали пьеса)

### ҚАТНАШУВЧИЛАР

Элёр ботир

Зол

Нодиршоҳ

Вазир Девсафид

Қора дев — дев қиёфасида ҳам (бир актёр ўйнайди)

Тарр-тарр дев-чолдев қиёфасида ҳам (бир актёр ўйнайди.)

Мушук, йўлбарс, аждар қиёфасида ҳам (бир актёр ўйнайди.)

Иккита занжи

Ялмоғиз.

### I ПАРДА

Әртакларга хос гўзал манзара. Оқ чўққили тоғлар, гайритабиий дарахтлар, ҳар хил қушлар овози. Ота- бола қилич тушишмоқда.

Зол. Ўғлим, тўхтатинг! Бугунги қиличбозлик машқи тугади.

Элёр. Отажон, найзабозлик машқини қачон ўтамиз?

Зол. Эртага. Отда туриб қилич тушишни, отда туриб найза отишни бир қадар эгалладингиз. Тилсимот, тиббиёт, абёт, ҳисобот илмларини ҳам билурсиз. Ботирликнинг битта сири. Қўрқмасликдир. Кимда-ким қўрқмас бўлса, ундан қилич қочади. Найза қайрилади. Оти илдам бўлади. Кимда- ким қўрқоқ бўлса, ошпичноқ ҳам бошини кесаверади. Найзалар уни қидириб келади. Оти қоқилиб йиқилади. Мамлакат баҳодирлари билан мустаҳкам ва обод бўлади. Қўрқоқлар ва

ғирромлар билан барбод бўлади. Эл қирилиб кетиши мумкин. Шунинг учун эр йигит ўз юртининг посбони бўлади.

Элёр. Ҳамма ҳам шунақамас-да, отажон.

Зол. Лекин, ўғлим, ҳар бир йигит ҳам ботир, мард бўлиши мумкин агар у яхши тарбияланса, кўп билим олса, ҳарбий машқуларни қунт билан бажарса.

Элёр. Отажон, мен ҳам баҳодир бўлишим мумкинми?

Зол. Ниятим — сизни юртга керакли одам қилиб тарбиялаш.

Ажабмас...

### Жарчи киради

Жарчи. Бу ерни бўшатинглар. Олампаноҳимиз Нодиршоҳ сайилга шу ерни лозим топдилар. Бу ерда фуқародан биронта одам бўлмаслиги керак.

(Шоҳ таҳтини олиб келиб ўрнатишади.)

Нодиршоҳ билан вазир ва елпигич кўтарган хизматкорлар кириб келиб жой-жойига ўтиришади.

Нодиршоҳ (вазирга). Халқ сайлига рухсат!

Вазир (бақириб). Халқ сайлига рухсат!

Овозлар. Халқ сайлига рухсат! (ЭХО)

Карнай- сурнай, ногора садолари янграйди. Ўйин-кулги шовқини эшитилади.

Чироқ ўчиб ёнади. Девлар мамлакати. Катта харсангда девлар подшоси Девсафид ёнбошлаб ётипти. Тарр-тарр дев билан  
Қора дев кирави.

Тарр-тарр дев. Жаҳон девларининг олампаноҳи!  
Буйруғингизга биноан ҳозир бўлдик!

Девсафид . Яна нечта одам қолди?

Қора дев (хаёлан ҳисоблаб). Икки ёш қизча, иккита эркак, 4 та қоқсуяк кампир.

Девсафид . Нега шу вақтгача менга ҳисоб бермадиларинг.  
Текинхўр ярамаслар. Нима, мени ўлдириб, ўрнимга Девшоҳ бўлмоқчимисанлар. Йўқ, кетмайди. Сен тарга икки кун муҳлат. Нодиршоҳ деганинг мамлакатидан 10 минг одамни келтириб қатор қилиб қўяссанлар. Бир кун кечиксаларинг ҳам тириклай

терингни шилиб, ичига ўзим сомон тиқаман. Калтакесакларга қўриқчи бўласанлар. Биласанлар, бу икки оёқли, ақлли ўрмаловчилар ҳадемай девлар зотини қутилади. Шунинг учун бутун тоғу тош, еру сув девларники бўлиши керак. Биз оз қолганмиз, лекин кучлимиз. Дунё девларники бўлади.

Тарр-тарр дев. Худди шундай, шоҳим, олампаноҳим. Буйруғингизни кутиб турган эдик.

Қора дев. Худди шундай, олампаноҳ, икки кунда 10 минг одам ихтиёргизда бўлади. Қора дев сўзим!

Девсафид. Оқ йўл! Ҳа, Нодиршоҳ мамлакатига тезда учиб борларинг. У ерда сайил бўляпти. Сенлар бир думалаб ашулачи қиёфасига кириб олинглар. Қўлларингда дутор, доира бўлиши керак. Шўх-шўх куйларни чалиб, Нодиршоҳни ўйнатасанлар. Қолганини ўзларинг ўйлаб топларинг. Еш эмассанлар. Ёшларинг 690 га чиқиб қолди. Сафарларинг ўнг бўлсин! Эсингдами, Қора дев! Нодиршоҳ подшо бўлишида малика қўлидаги узукни олиш учун қирқ зинага учар от қиёфасига кириб бориб, у довдирни миндириб узукни олиб кетганларинг.

Қора дев. Эсимда.

Девсафид. Демак, ўша, лақма довдиршоҳ билмаган ҳолда мамлакат бизники. Ақллироқ подшо бўлганда алдаш қийин бўларди. Бу кўйдай гап.

(Биринчи кўринишдаги манзара. Нодиршоҳ билан вазир овқатланишмоқда.)

(Занжилардан бири югуриб кириб ер ўпади.)

Занжи. Шоҳим, шоҳим!

Нодиршоҳ. Ҳа, ит қувладими?

Занжи. Йўқ, иккита мусоғир келиб сизга қўшиқ айтиб бермоқчи.

Нодиршоҳ. Қай юртдан экан?

Занжи. Азимшоҳ мамлакатидан.

Нодиршоҳ. Бизнинг мамлакатга нечун йўли тушибди?

Занжи. Қўшиқ айтиш ниятида. Агар эшишишни, хоҳласангиз бир муҳим гап ҳам бор экан.

Нодиршоҳ. Кириссин!

Тарр-тарр дев. О, олампаноҳ Нодиршоҳ! Сизнинг истиқболингизга 12 кун отда юриб зўрға етиб келдик.

Нодиршоҳ. Юртингиз тинчми?

Тарр-тарр дев. Эй, бизнинг юрт ҳеч қачон тинч бўлмаган. Бўлмайди ҳам.

Қора дев. Подшоҳимиз Азимшоҳ тўнка. Санъатни қадрламайди. Ашула айтсак, эшакка ўхшаб мунча ҳанграйсанлар, дейди.

Тарр-тарр дев. У фақат қўйнинг думбасини чарвига ўраб қорнига уришни билади.

Қора дев. Хуррак отганда осмондаги юлдузлар ҳам қулогига пахта тиқиб олади.

Тарр-тарр дев. Ҳатто гарантларнинг қулоги пардаси йиртилиб, табибга югуриб қолишади.

Нодиршоҳ (*вазирга*). Мен хуррак отаманми?

Вазир. Олампаноҳ, сиз ҳуриллабмас, тириллаб ухлайсиз. Бурнингизда варракнинг дандираги борми, билмадим.

Нодиршоҳ. Худога шукр, хуррак отмас эканман..

Тарр-тарр дев. Азимшоҳнинг яна бир қилифи бор.

Нодиршоҳ. Қандай қилик?

Қора дев. Ҳар кекирса оғзидан шунақа ачимсиқ ҳил келадики, ўн ботмон бодринг ачиғандай бўлади.

Нодиршоҳ (*вазирга*). Мен кекирмайманми?

Вазир. Кекирасиз, олампаноҳ. Сиз ширин кекирасиз. Бир ботмон ачиған қовуннинг ҳиди келади.

Нодиршоҳ. Хайрият, бодринг ҳиди эмас экан (*вазирга*). Дарвоқе, мен санъатни яхши кўраманми?

Вазир. Албатта, яхши кўрасиз.

Нодиршоҳ. Ана, кўрдингизми, санъатни севаман. Қани, ғин-ғинлашни бошланглар.

Девлар бири дутөр, бири доира олиб ҷалишиб ашула бошлашади.

Нодиршоҳ ва Вазир ўйинга гушади.

Нодиршоҳ, Нодиршоҳ,  
Ҳар нарсага қодир шоҳ.  
Ҳамма шоҳлар қонхўрдир,  
Фақат Нодир одил шоҳ.

Ақылигу халқпарвар,  
Хар бир ишга бош сарвар.  
Фуқаросин ўйлайди,  
Сұzlари ширин-шакар.

Нодиршоху Нодиршох,  
Хар нарсага қодир шоҳ.  
От чолғанда учади,  
Булутларни кучади.

Лочинлар ҳам етолмай  
Үз жонидан кечади.  
Нодиршоху Нодиршох,  
Хар нарсага қодир шоҳ.

**Нодиршоҳ (вазирга).** Роса маза қилдимми?

Вазир. Ҳа, албаттa, роса маза қилдингиз. Сизни лекин ҳеч бир киши бунчалик таърифламаган, исмингиз ашулага тушибди-я.

**Нодиршоҳ.** Бошларидан олтин сочинглар!

Тарр-тарр дeв (ўзича). Оҳ-оҳ, мақсадга ўтадиган фурсат келди. (*Нодиршоҳга*) Олампаноҳ, бизга олтин керак эмас. Бизнинг мамлакатимизда олтинлар ерда тупроқдек сочилиб ётади. Бизга «балли» деганингизнинг ўзи ётади.

Қора дeв. Олампаноҳ, агар олтин керак бўлса, мамлакатингиздаги ҳамма одамларингиз билан бориб супуриб, қопларга солиб, туяларга, отларга, эшакларга, араваларга ортиб олиб келишингиз мумкин.

Тарр-тарр дeв. Олис эмас. Кунботиш тарафга атиги ўн икки кунлик йўл. Азимшоҳ қандай қилиб олтинларни йўқотиб, ўрнига экин экишни иложини қилолмай юрибди.

Нодиршоҳ (ўзича). Албатта бораман, олтинларни тўплаб, кейин қўшни мамлакатга бостириб бораман. Халқини кул қиласман. (*Вазирга*) Вазирим, борамиз, а?

Вазир. Олампаноҳ, албатта, борамиз.

Нодиршоҳ. Халойиққа менинг фармонимни билдири. Ўн икки кунлик йўлга отлансин!

Тарр-тарр дeв. Болаларини, кампир, чолларниям олишсин. Жаннат жойлар. Ўйнаб келишади. Булоқ сувларидан кексалар ичса ёшаради. Касаллар тузук бўлади.

**Нодиршоҳ. Аъло! Бола-чақалари билан отлансин! Золни чорла!**

**Вазир. Фармонингиз бажо бўлғай.**

**Тарр-тарр дэв. Олампаноҳ! Биз ҳам йўлга ҳозирланайлик.**

**Нодиршоҳ. Боринглар! У ерда туя-бияларинг бўлса кўшиб берасанларми?**

**Қора дэв. У ерда ёввойи туялар мингдан ортиқ. Ҳаммасига ўзим ортиб, олиб келиб бераман. Хотиржам бўлинг.**

**Нодиршоҳ. Балли!**

*(Девлар чиқади. Зол киради. Таъзим қиласди).*

**Зол. Менга ҳамма гапни Вазир айтди. Бу гапда бир ҳийла борга ўхшайди. Шайтоннинг васвасасига учманг, шоҳум. Пушаймон бўлишингиз мумкин. Ҳеч қачон олтгин ерда сочилиб ётмаган.**

**Нодиршоҳ. Зол, сен ҳамиша ваҳима қиласан. Мусофири ашулачиларда ҳийла нима қиласди. Атиги ўн икки кунлик йўт экан. Ўйнаб келамиз. Агар ёлғон бўлса, уларнинг терисига ўзим сомон тиқаман.**

**Зол. Унда мен ва ўғлим бормаймиз.**

**Нодиршоҳ. Кўрқоқ. Олтиндан қоласан.**

**Зол. Меникини ҳам сиз олақолинг.**

*(Чироқ ўчиб ёнади. Гўзал табиат манзараси, оломон овози келади. Тарр-тарр дэв, Қора дэв, Нодиршоҳ. Вазир, иккита елтиғичли хизматкор занжи кириб келади.)*

**Нодиршоҳ. Етиб келдикми?**

**Тарр-тарр дэв. Ҳа, етиб келдик.**

**Нодиршоҳ (ерга қараб). Олтинлар кўринимайди?**

**Вазир. Оҳ, оҳ, ҳавосидан атир ҳили келади-я! Оҳ! Ажойиб жойлар!**

Бирдан тутун чиқиб, гулдураб, ашулачилар левга айланиб қолади.

**Тарр-тарр дэв. Ҳа, довдиршоҳ. Манзилингга келдинг.**

**Нодиршоҳ (қалтираб). Ним-ним-а? Довдиршоҳ?...**

**Вазир (дудуқланиб). Но-но-но-мардлар!**

**Қора дэв. Ҳа, ҳа... Довдиршоҳ. Энди ихтиёр бинла. Шунақа. Ҳа, энди яна бир ўйнаб берасанлар.**

Нодиршоҳ (йўқ ишорасини қиласди). Йўқ...

Тарр-тарр дев. Энди мажбур қиласми. «Ўлсин жинни»га ўйнайсанлар. Қани бошладик.

Нодиршоҳу Нодиршоҳ,  
Каллаварам, довдиршоҳ.  
Очкўз, суллоҳ, бефаҳм,  
Ҳар нарсага ғофил шоҳ.

(Шоҳ, Вазир совуқ ўйнашади.)

Ҳаво гулдураб, чақмоқ чақиб Девсафид келади.

Тарр-тарр дев. Девларнинг шаҳаншоҳи, еру осмон мулкининг ҳукмдори, вазифангиз ўз вақтида бажарилди.

Девсафид. Ҳар бирингга биттадан тимсоҳ совға қиласман. Қора дев. Раҳмат! Хизматингизга тайёрман!

Тарр-тарр дев. Соғлиғингиз қалай, олампаноҳ?

Девсафид. Бошим оғрияпти. Дев табибининг айтишича, одам миясининг қатигидан бир косадан уч маҳал бир йил ичсам тузук бўлар эканман. Қон ичишни тўхтат, деди. (Ўзича ҳисоблаб.) Бир кунда 6 тадан одам... Бир йилда 2160 одам... Ҳа, анчага етар экан. (Девсафид кетади.)

Қора дев (*Tapp-tapp devga*). Мен бориб 3 бола, 3 эркакни танлаб келаман. Сен бориб одамларни қамайдиган горларнинг оғзидағи катта тошларни сур!

Тарр-тарр дев. Одамлар қочиб кетса-чи?

Қора дев. Қочмайди. Араҳмон дев билан Сулоҳмон дев йўл четида қўриқлаб ётиби.

Тарр-тарр дев. Ҳа-я... эсим қурсин. Шу дейман сағал. (Бошига чертиб.) Мана бу қовоқ ишламай қоляпти.

Қора дев. Ташибиши тортма. Ўзим бир тепиб ишлатиб қўяман.

Тарр-тарр дев. Кулоққа тепма.

Қора дев. Ҳа, тошларни суриб бўлгач, битта тимсоҳ танлайсан тушликка, йўқол!

Девлар кетади.

Қалтираб, девларнинг гапидан қўрқиб кетган Нодиршоҳ билан Вазир тилга киради.

**Нодиршоҳ.** Зол тӯғри айтган экан. Қўлга тушдик, пешонамиз курсин.

**Вазир.** Вой, алданник. Вой, алданник. Вой, олтин олмай мен ўлай! Ашула эшифтмай мен ўлай.

**Нодиршоҳ.** Вой, ашуланг ўлигингга марсия бўлгур. Лақиллатди-я. Лақиллатди. Тумшуғимдан ип ўтказиб етаклаб олиб келди-я. Иблис! Шайтон! (*Вазирга.*) Вазир!

**Вазир.** Лаббай!

**Нодиршоҳ.** Тезда Золга хабар бериш керак.

**Вазир.** Қандай қилиб, ҳисбдамиз-ку...

**Нодиршоҳ.** Ҳа-я... Эсим қурсин. Ҳа, топдим. Салим сеҳргар ҳам келган. У бир думалаб чумчуқ бўлиб олиши мумкин. Учиб бориб айтсин! Бор, мени айтди де!

**Вазир.** Ҳа, Довдиршоҳ, у энди сизнинг амри фармонингизни бажаармиди. У ҳам сиз билан тенг ҳуқуқли асир, кул.

**Нодиршоҳ.** Ҳа-я... эсим қурсин. Нима қиласиз?

**Вазир.** Бориб айтман, ҳаммамизни чумчуққа айлантириб қўйса яхши бўлмайдими?

**Нодиршоҳ.** Яхши! Лекин ану маҳмадона амалдорчаларни айлантириб нима қиласи. Иккаламиз бўлсанк бўлди. Ўзиям шу ерда қолсин.

**Вазир.** Вой, эсимга тушди. У фақат битта одамни чумчуқ қила олади.

**Нодиршоҳ.** Унда фақат мени.

**Вазир.** Йўқ. Мени. Мен сизни хизматингизни қилиб бориб, Золга айтман.

**Нодиршоҳ.** Ҳозир айтдинг-ку, ҳаммамиз тенг ҳуқуқли кулмиз, деб. Шунинг учун камтарлик қилиб ўзим чумчуқ бўла қоламан.

**Вазир.** Сиз учиб кетсангиз қайтмайсиз. Золга ҳам айтмайсиз. Халқ миясини девлар қоқиб олиб тамом қиласи.

**Нодиршоҳ.** Тӯғри, бошқа мамлакатга шоҳ бўлиб кетавераман.

**Вазир.** Мен-чи, эсингиздами, менга: «Сенсиз мен бир кун ҳам яшолмайман, салтанатимни таянчи сенсан», дегандингиз.

**Нодиршоҳ.** Ҳозир тенг ҳуқуқли қулмиз. Салим сеҳргарга бориб кел. Маслаҳатлашамиз, балки сени чумчуққа

айлантирамиз.( *Вазир хурсанд кетади. Қора дөв битта қизчани додлатиб судраб киради.*)

Қизча (янада додлаб). Войдод!!! Бормайман! Вой, ойижон, ялмогиздан кутқаринг? Войдөд! Вой, отажон, кутқаринг! Бормайман, бормайман! Вой, амакижонлар, нега қараб турибсиз? Мени кутқаринглар! Девларни ўлдиринглар! Войдод! Бормайман, войдод! Бормайман!

Қора дөв. Бақирма! Ёнғоқ бераман. (*Кўлтиғидан ёнғоқ алиб беради.*)

Қизча. Сассиқ ёнғоғинг курсин! (*Ёнғоқни отиб юборади.*) Ойижон, отажон, кутқаринглар!

Овозлар. Войдод! Ҳаммани лақиллатган аҳмоқ шоҳ! Болаларнинг уволи ёқангдан тутсин.

Нодиршоҳ (*тентакларча*). Эй, нимага додлайсанлар! Ўзимнинг ҳам бўларим бўлди. Битта мишиқи қизчага шунча бақирасанларми?

Овозлар. Аҳмоқ, каллаварам Довдиршоҳни биринчи миясини қоқсин.

Нодиршоҳ (*бурнини қийшайтириб*). Ҳозир чумчук бўлиб учеб кетаман. Ҳамманг чапак чалиб қоласанлар, тентаклар.

Қора дөв (*қизни судраб*). Хурсанд бўл, Девшоҳ сени қизим деяпти. Қоровул Сулоқмон дөв қиз қилиб олганда нима қиласардинг. Кўй, кўп додлама.

Қизча (*тисарилиб*). Войдод! Войдод, бормайман. Бормайман. (*Қора дөв қизчани судраб кириб кетади. Вазир ҳовлиқиб киради. Олдида жинни қиёфасидаги бола.*)

Вазир. Шоҳим, олампаноҳим!

Нодиршоҳ. Қанақасига мен ҳозир олампаноҳман. Тирик арвоҳман. Ўзинг айтдинг-ку, тенг ҳукуқли...

Вазир. Бўлмаса... Нодирвой, мана, жинни бола гапиряпти.

Нодиршоҳ. Қаердан келди?

Вазир. Ҳов, тепанинг орқасида юрган экан.

Нодиршоҳ. Ростданми! Нима деяпти?

Вазир. Мана, ўзингиз эшигининг.

Нодиршоҳ (*қулоқ солиб*). Қани?

Бола (*овози чиқади*). Мен ҳам эдим сенингдек, сен ҳам бўласан менингдек.

Вазир ва Нодиршоҳ (*кўрқиб, тақрорлашади*). «Мен ҳам эдим сенингдек, сен ҳам бўласан менингдек» нима дегани?

Вазир. Билмадим. Ўзидан сўрайлик-чи?

Нодиршоҳ. Ҳурматли жиннивой, бу нима деганингиз?

Бола (*овоз*). Мен ҳам сенингдек бир мамлакат шаҳзодаси эдим. Худди сенларни лақиллатгандек, бизларни ҳам лақиллатди, ашула айтди. Тиллалар тупроқ бўлиб сочилиб ётибди, деди, хуллас, ҳаммамизни алдаб олиб келди. Биттадан олма бериб, ҳаммани жинни қилиб қўйди. Мен шу куни негадир олма емадим. Соғман. Лекин юртдошларим орасида атайлаб жинни-санғилик қилиб юрибман. Ҳар кун бир коса қонимизни олиш учун томоққа бигиз тиқишиади. Беш-олти киши қолдик.

Нодиршоҳ. Қутулишнинг ҳеч иложи борми?

Бола. Иложи йўқ. Иложи бўлса биз қутулиб кетмасмидик.

Нодиршоҳ (*умидсиз*). Вой, мен аҳмоқ, мен довдир!

Вазир (*қўшилишиб*). Вой, мен ҳам аҳмоқ, мен ҳам довдир!

Бола. Лекин юртингда бир ботир, ақлли одам қолган бўлса, ўша иложини қилиши мумкин. Бизда ҳеч ким қолмаган эди. Девлар кучли, лекин аҳмоқроқ. Ақлли одам иложини топса бўлади.

Нодиршоҳ. Бор. Зол ўғли билан қолган. (*Вазирга.*) Қани сехргар?

Вазир. У айтдики, фақат ўзим чумчук бўлишим мумкин. Бошқага кучим етмайди, деди.

Нодиршоҳ. Баттар бўлсин.

Вазир. Яна бир шум хабар.

Нодиршоҳ. Нима??

Вазир. Қора дев қизчани олиб кетаётганда одамлар чинқириб ёпишган экан. Ердан бир сиқим тупроқ олиб сочган экан. Ҳамма кўр бўлиб қолибди.

Нодиршоҳ. Вой иблис-е! Вой ифлос-е! Тез бор! Чумчукка айланиб, қандай бўлса ҳам Золга хабар қилсин.

Вазир. Хўп бўлади? (*Болани кўрсатиб.*) Манавини нима қиласай?

Нодиршоҳ. Жўнатвор!

Вазир. Хўп бўлади.

(*Вазир кетади.*)

**Нодиршоҳ (ӯзича).** Мениям кўр қилиб қўйса-я?.. Ҳа, асирик ,куллик шунақа. Нима хоҳласа, шуни қилади, хоҳласа ўйнатади, хоҳласа кўр қилади. Мен ҳам ўзга юртларни босиб олганимда қул қилғаңларимни не қўйларга солғанман. Биринчи, ўз тииларини эсдан чиқаришни талаб қилғанман. 24 соат ичиде менинг тилимни ўрганмаганни оёғидан осганман. Иккинчидан, ўз кийимида юришни ман қилғанман. Учинчидан, эшакка сиғинадиган динимни қабул қилдирғанман. Қабул қилмаганларнинг оёқ- қўлини боғлаб, ўтқазиб қўйиб, миясига қайноқ иссиқ сув томизиб қўйғанман. Миясини ўқдай тешсин, дея.

Баъзиларини қутурган эшакка тишлатиб, қутуртириб, бўкиртириб, жинни қилиб ўлдирғанман. Энди Нодиршоҳ девга асири-қул. Нодирқул, қуллик қандай даҳшат, а?

*(Tapp-tapp дев кириб келади.)*

Тарр-тарр дев. Вазиринг қани?

**Нодиршоҳ (довдираб).** Хоҳ-хоҳ, ҳозир келади. Туфлагани кетди.

Тарр-тарр дев. Носвой чакадими?

**Нодиршоҳ.** Ҳа... Мен ҳо... чақираман. Ҳой вази-зир! Вазир?! Кел. Девбек сўраяптилар.

*(Қора дев киради.)*

Қора дев. Ҳа, Тарр-тарр дев, танладингми?

Тарр-тарр дев. Йўқ, Дев шоҳ айтганчалик калласи каттани ажратолмадим.

Қора дев. (*Нодиршоҳни кўрсатиб*). Манави-чи?

**Нодиршоҳ (қорнини ичига тортиб).** Девбек, мен калласи катта бўпманми? Вазиримнинг калласи катта. Ҳозир келади.

*(Вазир киради.)*

Девбек қаранг калласи катталигини вой бў?

**Вазир (тушуниб қолиб).** Йўқ. Менинг каллам катта эмас, шоҳимнинг каллалари қозондай.

**Нодиршоҳ.** Меники катта эмас, уники.

**Вазир.** Меники катта эмас, уники.

*(Шундай ҳолат бир оз давом этади.)*

**Қора дөв** (*вазирни кўрсатиб*). Сенинг калланг катта ёкан!  
Вазир. Йў-ў-ў-ўқ.

Чироқ ўчиб ёнади. Биринчи кўриниш манзааси. Ерда қонли қилич ётиби. Элёр югуриб киради, ердаги қилични олиб, қинидан сугуриб, унинг ёзувини ўқииди.

Элёр. «Ўғлим Элёр! Бу олтин қилич сеники, унинг ажойиб бир хислати бор: душманга ҳамла қилганда қирқ газ узаяди». Ана бу қилич билан отам айтган аждарнинг калласини оламан. Қанча найза отиб, қиличбозлик қилиб, отда югуриб, кураш тушиб, камон отиб, тош ирфитиб қилган машқларимни синаш пайти келди.

Шу пайт оғзидан олов сочиб, гулдураб аждар пайдо бўлади. Элёр наъра тортиб, аждар билан олиша кетади. Энди қилич солиб бошини узмоқчи бўлганда тутун чиқиб, аждарнинг ўрнида отаси Зол пайдо бўлади.

Зол. Ўғлим! Баракалла! Хурсанд бўлдим. Юрга ярайдиган йигит бўлибсан. Берган тарбиям бекор кетмапти. Раҳмат, идрокингга, маҳқингга, ёлғизим!

Элёр. Отажон! Сизмисиз?

Зол. Ҳа, мен (*келиб пешонасидан ўлади*). Сени синаш учун аждар қиёфасига кирган эдим. Синовдан ўтдинг. Энди сенга муҳим бир ишни топшираман.

Элёр. Бажонидил, қандай иш?

Зол. Ҳабаринг бор, Нодиршоҳ юртни олтин супуриб келиш учун бошлаб кетган эди.

Элёр. Нима бўлти?

Зол. Яқинда Салим сеҳргар чумчук бўлиб учиб келди. Ҳамма гапни айтди. Уларни ашулачилар алдаб, 12 кунлик ерга эмас, олти ойлик жойга олиб кетипти. Ҳаммасининг кўзига заҳарли тупроқ сепиб кўр қилипти. Улағни қутқариш ва кўзини очиш керак.

Элёр. Отажон, «Оқ йўл» тиланг, мен қутқарай!

Зол. Балли, ўғлим! Лекин бу осон эмас. Аввал анави уч тоғнинг орқасидаги ялмоғизнинг ихтиёридаги булбулигўёни олиш керак.

У сайраса, одамларнинг кўзи очилади. Уни ҳам девлар қўриқлаяпти. Девларни енгиб ўтиб, олишинг керак. Сўнгра Девсафидни ўлдириб, ҳалқни озод қилишинг мумкин.

Элёр. Мен ҳалқимни озод қиласман. Рухсат беринг! Сизнинг ҳар гапингиз менга тиллога teng. Қандай ўғилки ўз отасини айтганини қилмаса. Ҳалқига ярамаса. Агар йўлда мабодо ҳалок бўлсан, мендан рози бўлинг.

Зол. Раҳмат ўғлим, ҳурматингга балли! Лекин бир нарсани айтиб кўяй. Жангга кирганингда ҳамиша енгаман деб киргин. Енгиламан, десант кирма. Яхши ният – ярим ғалаба.

Элёр. Албатта!

Зол. Эҳтиёт бўл. Йўлда тилсимотлар кўп (*қутича узатиб*). Мана бу қутичада нималар бор? Агар ялмоғиз қувласа етай деганда очсан, чангальзор пайдо бўлади. (*Кичкина ҳалтacha беради*) Мана бу ҳалтачада тариқ бор, етай деганда сочсанг, сирғаниб йиқилиб тушади. Мана бу ойна (*ойна узатади*). Етай деганда олдига ташласанг, дарё пайдо бўлади. Қолганларини ўзинг идрокингдан топасан.

(*От кишнагани эшишилади*).

Ана, отинг кишнайпти. Отингнинг бир хуржунида озиқ-овқатинг тайёр. Бир хуржунида кишмиш-майиз, отингга берасан.

Элёр. Хайр, отажон!

(*Кучоқлашиб хайрлашишади*.)

Зол. Хайр ўғлим Элёр ботир. Сенга ишондим. Ҳалқимизни озод қиласан!

Чироқ учиб ёнади. Қалъа кўринади. Элёр дарвоза олдига келиб, «Қаёғидан кириш мумкин деб ўйлаб турганда тепадан бир қофоз қуш учиб тушади. Элёр қушни олиши билан гапириб юборади.

Қуш (*овози*). Элёр, бу қалъада сендан зўр, кураш машқи ва ҳийлада сендан эпчил, гўзалликда Чўлпон юлдузини чўрилилкка ҳам қабул қилмайдиган бир баҳодир қиз бор. Сўнг ялмоғиз чол ҳам шу ерда. Эҳтиёт бўл! Ҳушёр бўл! Ёшлиқ қилиб

**Қора дөв (вазирни күрсатиб). Сенинг калланг катта әкан!  
Вазир. Йў-ў-ў-ўк.**

Чироқ ўчиб ёнади. Биринчи кўриниш манзараси. Ерда қонли қилич ётиби. Элёр югуриб киради, ердаги қилични олиб, қинидан сугуриб, унинг ёзувини ўқиди.

Элёр. «Ўғлим Элёр! Бу олтин қилич сеники, унинг ажайиб бир хислати бор: душманга ҳамла қилганда қирқ газ узаяди». Ана бу қилич билан отам айтган аждарнинг калласини оламан. Қанча найза отиб, қиличбозлик қилиб, отда югуриб, кураш тушиб, камон отиб, тош ирғитиб қилган машқларимни синаш пайти келди.

Шу пайт оғзидан олов сочиб, гулдураб аждар пайдо бўлади. Элёр наъра тортиб, аждар билан олиша кетади. Энди қилич солиб бошини узмоқчи бўлганда тутун чиқиб, аждарнинг ўрнида отаси Зол пайдо бўлади.

Зол. Ўғлим! Баракалла! Хурсанд бўлдим. Юрга ярайдиган йигит бўлибсан. Берган тарбиям бекор кетмапти. Раҳмат, идрокингга, машқингга, ёлғизим!

Элёр. Отажон! Сизмисиз?

Зол. Ҳа, мен (келиб пешонасидан ўтади). Сени синаш учун аждар қиёфасига кирган эдим. Синовдан ўтдинг. Энди сенга муҳим бир ишни топшираман.

Элёр. Бажонидил, қандай иш?

Зол. Хабаринг бор, Нодиршоҳ юртни олтин супуриб келиш учун бошлаб кетган эди.

Элёр. Нима бўлти?

Зол. Яқинда Салим сеҳргар чумчуқ бўлиб учиб келди. Ҳамма гапни айтди. Уларни ашулачиilar алдаб, 12 кунлик ерга эмас, олти ойлик жойга олиб кетипти. Ҳаммасининг кўзига заҳарли тупроқ сепиб кўр қилипти. Улағни кутқариш ва кўзини очиш керак.

Элёр. Отажон, «Оқ йўл» тиланг, мен кутқарай!

Зол. Балли, ўғлим! Лекин бу осон эмас. Аввал анави уч тоғнинг орқасидаги ялмоғизнинг ихтиёридаги булбулигўёни олиш керак.

У сайраса, одамларнинг кўзи очилади. Уни ҳам девлар қўриқлаяпти. Девларни енгиб ўтиб, олишинг керак. Сўнгра Девсафидни ўлдириб, ҳалқни озод қилишинг мумкин.

Элёр. Мен ҳалқимни озод қиласман. Рұксат беринг! Сизнинг ҳар гапингиз менга тиллога тенг. Қандай ўғилки ўз отасини айтганини қилмаса. Ҳалқига ярамаса. Агар йўлда мабодо ҳалок бўлсан, мендан рози бўлинг.

Зол. Раҳмат ўғлим, ҳурматингга балли! Лекин бир нарсани айтиб қўйай. Жангга кирганинга ҳамиша енгаман деб киргин. Енгиламан, десанг кирма. Яхши ният – ярим ғалаба.

Элёр. Албатта!

Зол. Эҳтиёт бўл. Йўлда тилсимотлар кўп (*қутича узатиб*). Мана бу қутичада нималар бор? Агар ялмоғиз қувласа етай деганда очасан, чанглазор пайдо бўлади. (*Кичкина ҳалтacha беради*.) Мана бу ҳалтачада тариқ бор, етай деганда сочсанг, сирғаниб йиқилиб тушади. Мана бу ойна (*ойна узатади*). Етай деганда олдига ташласанг, дарё пайдо бўлади. Қолганларини ўзинг идрокингдан топасан.

(*От кишнагани эшиштилади*).

Ана, отинг кишнаяпти. Отингнинг бир хуржунида озиқ-овқатинг тайёр. Бир хуржунида кишиш-майиз, отингга берасан.

Элёр. Хайр, отажон!

(*Кучоқлашиб хайрлашишади*.)

Зол. Хайр ўғлим Элёр ботир. Сенга ишондим. Ҳалқимизни озод қиласан!

Чироқ ўчиб ёнади. Қалъа кўринади. Элёр дарвоза олдига келиб, «Қаёғидан кириш мумкин деб ўйлаб турганда тепадан бир қоғоз қуш учиб тушади. Элёр қушни олиши билан гапириб юборади.

Қуш (*овози*). Элёр, бу қалъада сендан зўр, кураш машқи ва ҳийлада сендан эпчил, гўзалликда Чўлпон юлдузини чўрилилкка ҳам қабул қилмайдиган бир баҳодир қиз бор. Сўнг ялмоғиз чол ҳам шу ерда. Эҳтиёт бўл! Ҳушёр бўл! Ёшлиқ қилиб

кўйма тағин. Дарвоза рўпарасидаги тошнинг устига ўтириб уч марта:

«Оч дарвозангни, гўзал Гулнора!  
Қайтиб кетиб яна бўлмай овора», –

десанг дарвоза очилади. Қолгани сенинг идрокинг, мардлигингга боғлиқ.

### Элёр

(*Кушни гижимлаб чўнтағига солади-да, дарвоза рўпарасидаги тошга ўтиради.*)

«Оч дарвозангни, гўзал Гулнора!  
Қайтиб кетиб яна бўлмай овора».

(*Уч марта тақрорлайди дарвоза секин очилади.*)

Элёр ўрнидан туриб югуриб ичкарига киради.  
Кираверишда таҳтда турқи совуқ Гулнора ўтирибди.

Гулнора. Ҳой йигит, менга қаранг!  
Элёр. Бу ёқда сендан гўзалроқ пари бор.  
Гулнора. Қани? (*Ҳамла қиласади*).

Элёр. Мана! (*Гулнорага қилич кўтаради. Бирдан тутун чиқиб кетади. Қора дөвга аланиб қолади. Этчилик билан қилич уради. Қора дөв шикиласади*.)

Гулнора қиёфасига кирган экансан-да, одамхўрнинг малайи. (*Девнинг орқасида чироили палак тортилган бўлади*.)

Зўр тикилган палак экан.

(*Бирдан палак осмонга кўтарилиб кетади. Гилам ёзилган супада бир нуроний чол қалин қора муқовали китоб ўқиб ўтирибди*.)

Ассалому алайкум, отажон!

Чол. Ваалайкум ассалом! Раҳмат! Элёр ботир болам, келдингми? Тўққиз юз тўқсон етти йилдан бери орзиқиб кутган меҳмоним, кел. Ахир келар кунинг ҳам бор экан-ку! Кел, сени бир ўпай. Зап мени ялмоғиздан қутқардинг. У 500 йилдан бери мени ҳеч қаёққа жилдирмай ўтқазиб кўйган эди.

Чол қийналиб ўрнидан туриб Элёрнинг пешонасидан ўпади.

Элёр. Ота, бу қандай китоб?

Чол. Бу шундай китобки, унда сенга асраб қўйган жавоҳирларнинг рўйхати, хили, ранги, нимага ва қаерда ҳамда қачон ва қандай ишлатиши ёзилган. Ҳов, анави ерда ер ости хазинасининг дарвозаси бор. Бу хазина қалитини ва жавоҳирларни ўз қўлим билан сенга топширишим керак. Шунда мен дунёдан рози бўлиб ўтаман. Энди бир ўтинчим, болам, ўзим юролмайман. Оёқларим шол, сен мени елкангга миндир. Ер остида бир катта шаҳар бор. (*Иҳраб.*) Қарилик курсин, қарилик!

Элёр. Хўп бўлади, отахон! Қани, елкамга мининг!

Чўк тушиб энгашиб туради. Чол иҳраб-иҳраб елкасига қийналиб минади. Ўзининг гавдасига нисбатан минг марта оғир чолни Элёр зўрга кўтаради.

Чол. Озгина қийналдинг-а, бўтам?

Элёр. Мунча оғирсиз?

Чол. Энди, бўтам, суягимиз оғир-да? Энди, ўнгга юр! (*Ўнгга юради.*)

Йўқ, чапга юр! (*Чапга юради.*)

Йўқ, тўғрига юр! Эсим қурсин. Кўзим ҳам хиралашиб қолдими дарвозани тополмаяпман.

Чолнинг оғирлигидан Элёр чарчаб, терлаб кетади.

Элёр. Дарвозани тополмаётган бўлсангиз, тушинг. (*Чол Элёрнинг елкасига ўрнашиб олади.*)

Чол (даҳшатли кулади). Ҳа, ҳа, ҳа, ҳа!!! Ҳа, итвачча, қўлимга тушмас экансанми? Энди оёқларим орасидан чиқаб бўпсан. Мен сени шу минг ботмон оғирлигим билан босиб ўлдирман.

Элёр елкасидан уни силкиб туширмоқчи бўлади. Чолнинг оёқларидан сон-саноқсиз томирлар ўсиб чиқиб Элёрни ўраб ташлайди.

Элёр (*ўзича*). Наҳотки халқимни қутқаролмай шу жотугарнинг оёқлари остида ҳалок бўламан. Йўқ, халқ мени япти. (*Узича.*) Шошма, шошма, «Тилсимот» китобининг

945- бетидаги бобда жодугардан ўсиб чиққан томирлар жимжилоқ билан илиб тортгандагина узилади, дейилган эди.(*Бир томирини жимжилогига илиб бир керишади.*) Ялмоғизларга лаънатлар бўлсин!

(*Ялмоғизнинг томирлари ипдай чирт-чирт узилиб кетади.*)

Чол (ялиниб). Жон Элёр болам. Сен ҳақиқий баҳодир, паҳлавон экансан. Сени синадим. Узр. Энди умримда бир яхшилик қилиб ўтаман. Мен ҳозир йиқилмас тўнкага айланиб қоламан. Тўнкадан сенга наф йўқ.

Элёр. Жодугарга ишонч йўқ.

Чол. Дунёдаги барча нуроний чолларнинг оппоқ соқоли ҳаққи, қасам ичаман! Мен жодугар эмасман, сеҳргарман. Агар бу гал алдасам, ичи илонга тўла кавак тўнкага айланиб қолай.

Элёр. Отам, оталар соқолини ўртага қўйганинг учун ишонгим келяпти. (*Чолга.*) Раҳм қилдим, тушиңг! (*Чол ерга тушиади.*)

Чол. Тила тилагингни!

Элёр. Менга булбулигўё керак.

Чол. Булбулигўё... (*Ўйлаб.*) Бор. Тўққиз ойлик йўл. Бир чўққи тоғнинг бағридаги горнинг тепасида ини бор. Шу горнинг оғзида минг йилдан бери бир ялмоғиз кампир яшайди. Булбулигўё сайраганини тинглагани учун узоқ яшаяпти кампир. шунинг учун кўзи равшан. Агар булбилигўё кетиб қолса, кампир соат сайин қариб, кўзи кўр бўлиб ўлиб қолади. Шу сабаб булбулигўёнинг олдига ҳеч зонни йўлатмайди. кампирнинг жодуси ўткир. Лекин унинг бир нозик томони бор.

Элёр. Айтинг нозик томонини.

Чол. Нозик томони шуки, у бир ойда атиги уч кеча-кундуз ухладиди. Ухлаб ётганда бирор келса, қоровул сичқонлари бор, югуриб келиб, кампирнинг бурнига думини тиқиб қитиғлайди. У акс уриб уйғонади.

Элёр. Сичқонларни қандай йўқотса бўлади?

Чол. Мушук. Лекин у ерда мушук зоти йўқ. Кампир ҳаммасини қовуриб еворган. Мен мушугимни ҳозир юбораман. Мендан ўн баравар тез учади. Ҳа, бугун қампирнинг уйғонадиган куни.

Элёр. Бўлмаса қачон борамиз?

Чол. Сени ўзим елкамга ўтқазиб икки соатда етказиб олиб бораман. Шарти шуки, елкамга ўтиришинг билан кўзингни юмасан. «Оч!» деганимда очасан. Агар кўзингни очворсанг, осмондан «шув» этиб тушиб кетасан.

Элёр. Хўп.

Чол. Сийлов! Сийлов! (*Мушугини чақиради. Югурив мушуги киради.*)

Мушук. Миёв, миёв. Топшириғингизни бажаришга тайёрман!

Чол. Ҳозир сен учасан. Булбулигўёли кампирни олдига бориб ҳамма сичқонларини қуритасан.

Мушук. Хўп бўлади, миёв!

Чол. Кетмай турасан. Биз орқангдан этиб борамиз. Хўпми?

Мушук. Миёв, хўп.

Чол. Уч!

Мушук. Хўп, учаман, миёв. Кейин одамлар билан бирга яшашга рұхсат берасизми? Миёв.

Чол. Бераман. Мана шу Элёр аканг билан бирга одамлар орасига кетасан.

Мушук. Ур-ре! Миёв-миёв, мен кетдим. (*Кетади.*)

Чол. Қани, Элёр ботир, елкамга мин. (*Чўқ тушиб елкасиги тутади. Чироқ ўчиб ёнади. Гўзал манзара, булбуллар сайраши, ялмоғиз кампир шоҳона каравот устига оппоқ ҳарир гулли пардалар ёпиб ётибди. Лекин ялмоғиз қоракесакдай парда орасидан хүнук кўринмоқда.*)

(Элёр бир дараҳтнинг панасида ўтирибди.)

Элёр. Чолнинг айтганига қараганда, яна оз вақтдан сўнг уйғониши керак. Ҳозир булбулигўёни тутмасам яна 27 кунга қолиб кетали. Девсафид унгача қанча одам миясининг қатигини чиқаради.

(*Мушук келади.*)

Мушук. Миёв, ҳамма сичқонларни қуритдим.

Элёр. Яша! Энди булбулигўёни қандай қилиб тутсам экан, а?

Мушук. Миёв. тутиб келайми?

Элёр. Ўлдириб, еб қўясан.

Мушук. Ҳа. Тўғри, миёв, Элёр ака, топдим, бир овчи кушларни тутганини кўрганман.

Элёр. Қандай қилиб?

Мушук. Бу ерда ҳамма нарса ҳам бор экан. Онсон. Ип, галвир, чўп, бўлди. Мана ҳозир кўрасиз, миёв.

Фалвирни олиб бориб чўпга тираб қўяди. Чўп тагига ип боғлайди ва бир учини Элёрга олиб келиб беради. Фалвир тагига идишдаги дондан олиб сочади.

Элёр. Яша, мушук!

Мушук. Ҳозир келиб дон чўқиётганда тортиб юборасиз, «пап» этиб босиб қолади.

Элёр. Тўғри, кампир уйғониб қолса нима қиласиз?

Мушук. Уйғонмайди. (Югуриб бориб қафас олиб келади).

Мушук. Шу қафасга солиб олиб кетамиз. Миёв.

Элёр. Ана, булбулигўё қўнди, чўқиятти.

Мушук. Шошманг! Тортинг!

Элёр ипни тортади. «Тап» этиб фалвир тушади. Элёр қафасни олиб, фалвир олдига боради. Кушни олиб қафасга солганда бирдан ҳаммаёқни сассиқ ҳид босиб, ялмоғиз кампир уйғонади.

Элёр. Уффа. Кампир 300 йил чўмилмаганми нима бало? Сасиб кетди.

Секин кета бошлайди.

Ялмоғиз (ҳидлаб). Одам ҳиди! Яна йигит кишининг ҳиди. Анча бўлганди барра йигитни ҳидламаганимга. Худо ўзи меҳрибон, ўз оёги билан етказибди-да. (Бирдан Элёрни кўриб қолиб.) Ҳа, сен кимсан?

Элёр. Мен Элёр ботирман.

Ялмоғиз. Элёр ботир... Эшитмаганман. Ҳозир ҳамма тирранча ўзини ботир ҳисобладиган бўлиб қопти. Вой, ботирлигингга ҳив (бурнини қийшайтиради). Нима қилиб юрибсан? Маликаи Гулруҳ Султониясида.

Элёр (ўзича). Маликаи тавия десанг тўғри бўларди. (Ялмоғизга.) Булбулигўё овозини эшитгани келдим.

**Ялмоғиз.** Булбулигүё қани?!

**Элёр.** Мана бу инида. (*Қафасни күрсатади.*)

**Ялмоғиз.** Нима! Қўйвор!

**Элёр.** 9 ойлик йўлдан келдим. Ҳалқ кўр бўлиб, Девсафиднинг чангалида ётипти. Уларни қутқариб, кўзларини очаман.

**Ялмоғиз** (хунук қаҳ-қаҳ уриб). Ҳиқ, мишиқи бола. Девсафиднинг чангалидан ҳалқини қутқариб, кўзини очармиш. Айби йўқ, анақароқ шекилли. (*Югуриб қолади. Элёр қочади. Етай деганда:*)

Аrimidон, паримадон,  
Якалақу, бақалақу,  
Таҳирата, аҳирата,  
Сата, ғата ,  
Fув! Fув! Fув! Fув!  
Бақ-бақ!!!

**Элёр** (чўнтағидан ниналарни олиб сочади). Отамнинг ниналари, чангальзор бўл!

Кампирнинг олдида чангальзор пайдо бўлиб, йўлинни тўсали.

**Ялмоғиз** қийналиб ўтади. Яна қувладайди.

**Ялмоғиз** (етай деб қолганда). Булбулигүёни бер.

**Элёр.** Тушингда кўрасан.

**Ялмоғиз.** Ҳў, бола, ҳалқим деб жа жонингни койитма.

Улар барибир билмайди.

**Элёр.** Туҳмат, билади!

**Ялмоғиз.** Ўзингнинг жонингни ўйла. Мен ўз жоним омон қолиши учун ҳалқимни, болаларимни, ҳатто чолимниям Девсафидга берворганман. Шунинг учун минг йилдан бери девларнинг эркасиман. Жоним роҳатда.

**Элёр.** Сотқинлар ҳамиша шундай ўйлади.

**Ялмоғиз.** Кел, яхшиси, менга ўғил бўл. Минг йил яшайсан. Яхши бир дев қизга уйлантириб қўяман.

**Элёр.** Ялмоғизга ўғил бўлгандан ўлган яхши.

**Ялмоғиз** (яна жадаи қувладайди). Ҳали шунақами?

Аримидон, паримадон,  
Якалдақу, бақалақу,  
Таҳирата, аҳирата,  
Сата, ғата,  
Ғув! Ғув! Ғув! Ғув!  
Бақ! Бааақ!!!

Элёр чүнтагидан тариқни олиб сочади. Кампир юролмай йиқилади.  
Элёр қочади.

*(Кампир ўтириб олади.)*

Ялмоғиз. Ҳийланг дуруст, болакай, лекин булар  
чүнтагимдан тушиб қолған. Минг йил яшаган ялмоғиз кече  
тухумдан чиққан жұжахұrozға енгилмайди. Яна үрнидан туриб  
югуриб кетади.

Аримадон, паримадон,  
Яккалақу бақалақу,  
Таҳирата, аҳирата,  
Сата ғата,  
Ғув,ғув,ғув,ғув!  
Бақ! Бааақ!!!

Элёр чүнтагидан ойнани олиб отади. Үртада дарё пайдо бўлади.  
Ялмоғиз ўтолмай, гаранг бўлиб у ёқ- бу ёққа югуради.

Ялмоғиз. Болакай, дарёдан қандай қилиб ўтдинг?  
Элёр. Ўтиш осон.

Ялмоғиз. Қандай қилиб?

Элёр. Кўйлакнинг устидан белни маҳкам боғлаш керак.  
Сўнг қўйнига оғир тошлардан солиб калла ташлаш керак.  
Ўзинг бу бетидан чиқиб қоласан.

Ялмоғиз (ўзича). Тўғри айтяпти шекилли. Тавакқал қилиб  
кўрай-чи.(Белини боғлаб, қўйнига тош тўлдириб ўзини сувга  
ташлайди.)

Войдод! Чўкиб кетяпман!

Элёр. Майли, сенинг чўкканинг менинг чўкканим.  
Чўкавер, тимсоҳга миниб, менинг олдимга келасан.

Ялмоғиз. Кутқар!

Элёр. Ялмоғизни қутқариш чаённинг бошини силаган билан баробар. Сенинг чўкканинг менинг чўкканим! Алвидо, сотқин сассиқ ялмоғиз!

(Мушук келади).

Муշук. Миёв, ур-ре, ялмоғиз чўкиб кетди. Мен кўрққанимдан форга кириб кетувдим. Чунки мушуклар зотини қийратворади. Ҳатто чол ҳам яқинлашолмай, тоғ орқасида бекиниб турганди.

(Чол келади).

Чол. Яша, азамат экансан. Ақлингга балли! Яхшиям нафаси тегмади, нафаси тегса ўлардим. Энди тезроқ елкамга ўтири. Девсафиднинг саройига олиб бораман.

Элёр. Тезроқ! Яқин йўлни кўзла! Ҳалқим азобда қолиб кетди.

Чол. Девсафидни енгиш осон эмас. Шошма. Унинг найранги кўп.

Элёр. Тезроқ.

Чол. Хўп.

Келиб елкасини тутади. Элёр минади.

Чироқ учиб ёнади.

Гўзал манзара, шоҳсупада хонтахта ясатиглик, атрофига беқасам кўрпачалар ёзилган. Идишларда қизил, сариқ ранги шарбатлар. Лаганда янги сузилган палов, қазилар, олма -анорлар, патир, ёпган нонлар.

Тўрқовоқларда беданалар, тўтиқушлар сайраб турибди.

Илоҳий парилар сурати. Ҳеч ким йўқ.

Элёр кириб келади.

Элёр. Ҳеч ким йўқ! Одамларни ютганми? Ҳей, ҳей, ҳой, ким бор! (Акс садо келади.) Ҳей, ҳей! Бу масканнинг эгаси ким!!!! Мен олис юртдан келган мусо фирмани.

Тўти қуш (овози келади). Мусо фирм! Олл! Шарр-батлардан ич!!!  
Па-ловв еээ! Қўрр-қ-ма!! Қўррқ-ма!!

Элёр. Раҳмат, тўтихон! Роса қорним очган эди. Бир қорнимни тўйдирив олай. Шарбатлардан ичиб, бир маза қиласай, қушлар ёлгон гапирмайди.

Хонтахтага яқинлашади. Отасининг овози келади.

Чол (овози). Ўғлим, түғри айтдинг, қушлар ёлғон гапирмайды. Лекин дунёда тутикуш ёлғон гапиради. Унинг ўз гапи йўқ. Сен ҳамиша тўтилардан эҳтиёт бўл! Шарбат ичма! Палов ема! Кўрпачага ўтирма! Заҳар!!! (Элёр орқага кетади).

Тўти қуш. Мусоо-фирр! Шарр-батт ич! Палов еээ! Кўрр-қ-маа! Элёр. Эганг роса ўргатибди-да.

### Мушук келади.

Мушук. Элёр ака, миёв, рухсат этинг, чакагини ўчирай. Элёр. Тинчт!

Мушук югуриб бориб қафасни йиртиб, қушни ютиб юборади. Патини «пух» лаб учирали. Шу пайт дев чиқади. Элёр қиличини қинидан сугуриб бекиниб тайёр туради.

Девсафид. Эй, ким бу, менинг тинчимни бузган? Уфдо, одам иси келяпти. Кимдир қафасни бузиб чиқдими?

(Бўкиради.)

Элёр сакраб чиқади.

Элёр. Мен.

Девсафид. Сен кимсан?

Элёр. Мен Нодиршоҳнинг фуқароси Элёр ботир Зол ўғли бўлгаман.

Девсафид. Яхши, сен қолиб кетибмидинг. Ўзинг оёғинг билан келибсан. Бундайлар мақтобга лойиқ бўлади. Миянгдан кўп қатиқ чиқади, ёғда қовуриб ейман.

Элёр. Йўқ. Қонхўр дев, бугун барча қилмишларингга жавоб берасан. Мен халқимни озод қилгани ҳамда сен ўлдирган одамлар учун қасос олгани келдим.

Девсафид (менсимаган, майна қилиш оҳангидага қаттиқ кулади). Ха, ха, ха, ха ҳувв! Сичқонни ўлгиси келса мушук билан олишар экан. Бир мишиқи бола Девсафид билан олишармиш. 680 йилдан бери бундай воқеа бўлмаган. Бундан минг йил кейин ҳам бўлмайди.

Элёр. Бўлали. Шу бугун бўлади.

Девсафид. Йе-е, сен қиличини, мен гурзини олмасдан один бир кураиниб кўрайлилек.

Элёр. Кураш ёш болаларнинг иши. Яхвиси, тухум синдиришдан ўйнаймиз.

Девсафид. Бўпти.

Элёр битта тухумни олиб кафтида сиқиб чил-чил синдиради.

Хуржунидан битта тухум пиёз олиб Девсафидга беради.

Ха, ха, буни синдириш нима экан. Мана ҳозир. (*Кафтининг орасига олиб шунча сиқса ҳам синмайди. Охири жаҳли чиқиб отиб юборади.*)

Элёр. Кучинг етмали-ку, мақтанчоқ!

Девсафид (*ғазабланиб, гўлдираб*). Кимнинг бити каттатикка ўйнаймиз.

Элёр. Бўпти.

Девсафид. Мана. (*Қўлтиғидан сичқондай бит олиб Элёрни кафтига қўяди. Элёр отворади. Сўнг нима қисам экан, деб бирдан хуржунига ҳар эҳтимолга қарши солиб олган тошбақани олади.*)

Элёр. Мана, мен битимни хуржунимга солиб юраман. (*Девсафиднинг қўлига қўяди.*)

Девсафид (*ўзича*). Ҳақиқатан зўрга ўхшайди-ю. Битта бит шунақа бўлса... Яхвиси, гурзи билан бир уриб яксон қилиб ташлаганим тузук. (*Элёрга*) Кел, яхвиси, сен қилич билан, мен гурзи билан уришамиз.

Элёр. Девсафид, яхвиси, таслим бўл! Менга асир туш! Жонинг омон қолади. Бизнинг юртга бориб қурилишга, тўғонга тош-пош ташиб юрадинг. Бўлмаса калланг сапчадай «чиrt» (*узилишига ишора қиласди*) кетади.

Девсафид (*қотиб-қотиб даҳшатли кулади*). Аскиячи!

Элёр. Бўлмаса ол гурзингни! Ўзингдан кўр! Номард.

Девсафид (*ғазабланиб*). Сен мард, мен номард бўлдимми?! Тирранча!!

Гурзисини олиб ўкириб, айлантириб бир урмоқчи бўлади. Элёр чап бериб қолади. Элёр қиличини бир селпигандага гурзининг дастасини узворади. Девсафид ўкириб бориб гурзини оламан дейди. Ололмайди.

Кейин чўк тушади.

Девсафид (*ўзича*). Ҳийла ишлатаман. (*Элёрга*) Сиз ҳақиқий Элёр ботир. паҳлавон экансиз. Сизга таслим бўлдим. Нима буюрсангиз, шунни қиласман.

Элёр. Халқимни озод қил!

Девсафид. Бўпти. Мана бу арқонни тортсак лип этиб панжарали уйча тушади. Уни ичига кириб тоққа кўтариласиз. Шу ерда тўққизта фор бор. Шуларнинг оғзини ўзингиз очсангиз сизни халқ танийди. Мен борсам ҳамма одам ўзини ичкарига уриб: «Менинг каллам катта эмас, уники»... деб тураверади.

Элёр (*ўзича*). Чол дев ҳам тавба қилиб, хизматимни қиляпти-ку. Бу ҳам тўғри айтгаётгандир. (*Девсафидга*.) Тушир лип уйчангни.

Девсафид. Лип уйча! Тезроқ туш!

Қафас тушади.

Элёр. Девсафид, қафасга ўхшайди-ю лип уйчанг.

Девсафид. Шунақа қилмаса тоққа чиқаётганданда тушиб кетишинг мумкин.

Элёр. Тағин бир балоси йўқми?

Девсафид. Калтакесак ҳаққи қасам ичаман. Ҳеч балоси йўқ.

Элёр. Нега калтакесак ҳаққи қасам ичасан? У сенга нима бўлади?

Девсафид. Девларнинг онаси туғилган заҳоти етим қолган. Шунда ёш қизча калтакесакнинг тухумини еб омон қолган. Шундан бизнинг худоимиз калтакесак.

Элёр. Худоинг калтакесак бўлса, пайғамбаринг чўл курбақадир.

Девсафид. Йўқ пайғамбаримиз. Сулаймон.

Элёр (*ўзича*). Ана, худосини ўртага солди-ю, мени алдаса ҳам худосини алдамас. (*Девсафидга*.) Мана, мен кирдим.

(*Лип уйчага киради.*)

Девсафид. Яхши.

Лип қафас,  
Ўтмай нафас  
Ёпил тақа-тақ,  
Чиқмасин мутлақ.

Қафас шақира-шукир ёпилади.

Элёр. Нега тепага чиқмаяпти?

Девсафид (*гулдураб кулади*). Ҳа, ҳа, ҳа, тентак болакай, иш мана бунақа бўлади.

Элёр. Ҳа, номард дев, ҳийла ишлатдинг, а?

Девсафид. Курашда ҳамма нарса ишлатилади, мишиқи. Шунинг учун ғолиблар байрам қиласидилар. Ҳеч ким уни ҳийлаи найранги учун уришмайди. Балки тадбиркор деб мақташади.

Элёрнинг биқинига, оғзига, кўзига таёқ тиқиб масхара қиласиди.

Элёр. Бас қил!

Девсафид (*масхаралашни давом эттириб*).

Қалайсан?

Қатиқ берсам ялайсан.

Мени енгаман деб келдингми? Қиличинг олма артишимга ҳам ярамайди. Мана (*тош орқасидан ишга тизилган кўз соққаларидан маржон олади*.) Мана шу маржон Девгулимнинг севимли тақинчоги. Уни сенга ўхшаганларнинг кўз соққасидан қиласиди. Сенинг кўзинг чиройли экан, ўртасига қўйиб қўяман.

Элёр. Девсафид, тўғри, сен ғолиб чиқдинг. Қойил, зўр экансан.

Девсафид (*гуурурланаби*). Ҳа, зўрман! Сен мишиқисан! Сен зерикмаслигинг учун олдингга маймун келтираман. (*Кетади*.)

Зол сиймоси кўринади.

Зол (*овози*). Ўғлим, сен қафасга тушган экансан. Шунинг учун нафасим сиқилиб кетаётган экан. Чол девни чақир, ўша қафасни очишни билади.

Элёр. Курр! Курр! Курр!

Чол дев келади.

Чол. Ия. Ҳозир очаман. Оббо ярамас, оббо шайтон-е. Вой. қалтакесак ургуре. Ҳийла ишлатибди-де. (*Тошнинг тагидан қалит олиб очади. Элёр сакраб тушади*.)

Чол дев тез кетади.

Элёр. Ҳўў! Номард дев! Кел бу ёқقا, Элёрнинг ишини кўр. Қиличингни ол! (Девсафид ҳовлиқиб келади).

Девсафид. Қандай қилиб чиқдинг?

Элёр. Марднинг дўсти, номарднинг душмани кўп бўлади. Қани, ол қиличингни!

Девсафид қиличини олади. Элёр билан Девсафиднинг қиличбозлиги бошланади. Харсанг орқасига ўтиб тушишаётганда Девсафиднинг калласи учиб кетади. Шу пайт Мушук келиб девнинг бурнига занжир солиб қўяди.

Чол дев келади.

Чол. Офарин! Элёр, зап қилдинг, иблисдан қутулдик.

Элёр. Одамлар қаерда?

Чол. Жар тагидаги форнинг ичида, форларнинг оғзига уйдай-уйдай тош қўйиб қўйилган.

Элёр. Юр кўрсат!

Чол. Йўқ. Сиз тушолмайсиз. Жар тикка. Сиз тепадан қараб туринг. Мен анави қоядаги тошдан учиб тушаман.

Элёр. Тезроқ туш! Тошларни сур! Халқим озодликка чиқсин!

Чол дев кетади.

Иблиснинг топган жойини қара.

Чол (овози). Элёр ботир! Форнинг оғзини очдим! Одамлар қўрқиб, «Менинг каллам катта эмас, уники», деб биқиниб кетишаётпи. Чиқмаятпи?!

Элёр. Чол дев ўзинг узоқقا кет!. (Мурожсаат қилиб.) Азиз ватандошларим. Мен Зол амакининг ўғли Элёрман. Девсафидни ўлдирдим. Сизлар озодсизлар! Фордан чиқинглар! Ўз юртимизга кетамиз!

Овозлар. Ур-ре! Уре! Яшавор! Минг раҳмат!

Элёр. Ватандошларим, сиз ётган форнинг ёнида булоқ бор экан. Шу сувда ювининглар, яра- чақа бўлган бўлсангиз тузаласиз.

Овоз. Элёр ботир, бизларнинг кўзимиз кўр, булоқни тополмаяпмиз.

Элёр. Ҳа, ҳа, сағал қопти эсимдан чиқишига. Мен булбулигүёни олиб келганман. Ҳозир сайрайди. Жим бўлиб эшитинглар. Кўзингиз очилади.

Хуржунидан қафасдаги булбулигүёни олиб дараҳт шохига илади.

Сайра! Сайра! Сайра, булбулжон,  
Сайроғингдан яшнасин жаҳон.  
Кўзи ожиз одамларнинг кўзлари  
Чарақлаб, ярақлаб очилсин шу он.

Булбул сайрагани эшитилади.

Овозлар. Вой, вой! Кўзим очилдӣ!

Одамлар сизни кўряпман!  
Ана сой! Вой, қандай гўзал экан-а?!  
Ана булоқ! Булоқжон!  
Келинглар ювинамиз!  
Дунё гўзал экан, а, қаранг!!!

Нодиршоҳ. Элёр, Зол, қаердасан?

Элёр. Жарнинг теппасида.

Нодиршоҳ. Сенинг олдингта чиқиб бўладими?

Элёр. Билмадим. Чол дев билади. Ҳозир айтаман.

Нодиршоҳ. Чол девга айт, айт! Тағин еб қўймайдими?

Элёр. Йўқ. Менга дўст бўлиб қўл берган. Чол дев!

Курр! Курр!

Чол дев (*овози*). Хўп бўлади.

Бир оз ўтгач Нодиршоҳ ва Элёр қучоқ ёзиб кириб келишади.

Нодиршоҳ. Баракалла, ўғлим! Сени бош вазир қилиб, қизимни бераман.

Кўришишади.

Элёр. Шукр, соғ- омон қўришдик. Энди, азизлар. мен халқ билан бир қучоқлашиб қўришиб келай.

Нодиршоҳ. Қандай тушасиз?  
Элёр. Чол дев олиб тушади.

Кетади.

Вазир. Шоҳим, озгина шошдингиз. Қизимни бераман.  
Бош вазир қиласман, деб.

Нодиршоҳ. Нега?... Ахир бизни қутқарди.

Вазир. Тўғри, раҳмат! Лекин бу шайтон бола дарров  
халқни ўзига оғдириб олади. Кейин авом халқ «Элёр подшо  
бўлсин!» деб ғалаён кўтарса нима қиласиз?

Нодиршоҳ. Ия, буёғи хуржун бўпти-ю. Тўғри, нима  
қиласай?

Вазир. Бу болани мамлакатга бориб, ўрнашиб олгандан  
кейин йўқотиш керак.

Нодиршоҳ. Йўғ-э.

Вазир. Ҳа, бўлмаса сизни йўқотади.

Нодиршоҳ. Қандай қилиб йўқотиш мумкин?

Вазир. Ўзим ўргатаман йўли кўп.

Парда.

## II ПАРДА

Биринчи кўринишдаги манзара. Зол қўлида ток қайчи, елкасида  
кетмон, боғбонларга хос кийинган. Хиргойи қилиб кириб келади.

Зол (јўзича). Шукр, яна юрт обод. Ҳамма ўз тирикчилиги  
билан банд. Дала яхши, ҳар бир майса, ҳар бир қуш сўзлайди.  
Куйлади. Буни боғбон дили сезади. Сарой диққинафас, кўп  
йил ишладим, етади. Ўғлим қистаяпти яна саройга қайтишга.  
Ўғлим бош вазир бўлганидан бери, тинчи йўқ.

Табиат қўйни яхши. Гўзал дунё. Оҳ! Оҳ!

Вазирона кийимда Элёр киради.

Элёр. Отажон!

Зол. Ўғлим!

Кучоқлашиб кўришишади.

Элёр. Отажон, соғлиқларингиз яхшими?

Зол. Ўзинг қандайсан? Бир ой бўлди кўришганимизга.

Элёр. Нодиршоҳ кўпинча овда. Кеча касал бўлиб келиб мснга юмуш буюрди.

Зол. Қандай юмуш экан?

Элёр. Табиблар, шоҳга фақат урғочи йўлбарснинг сути даво, депти. Шоҳ: «Бу ишни фақат вазир Элёр уддасидан чиқади,» деди. Хўп дедим. Урғочи йўлбарсдан қандай қилиб сут соғиб олиш мумкин, деб келдим.

Зол. Ҳей... ўғлим, душманларингиз ортибди. Сизни йўқ этиш учун бу гапни топишган. Сизни йўлбарсларга едириб, кутулишмоқчи бўлишибди. Ҳей, ўзингиз нима қилмоқчисиз?

Элёр. Чол девдан сўрасаммикан?

Зол. Балли. Чол дев барча ваҳшийларнинг тилини билади. Ҳозир у боғда ишлайпти. Мен унга одам қиёфасида юравер дедим. Отини ҳам Девон деб қўйдим.

Элёр. Яхши. Девон! Девон! Курр! Курр!

Чол. Лаббай!

Элёр. Девон дўстим, менга урғочи йўлбарснинг сути керак. Шоҳга дори учун.

Чол. Яхши, мен тилини биламан. Ҳов, ўнгирдаги ғорда боласи бор эмизукли. Чақирсам, дарров келади.

Элёр. Тезроқ чақир!

### Чол

Ҳайвонларнинг султени,  
Кийик гўшти жон- жони.  
Она йўлбарс, кел тезроқ,  
Сўзларимга сол қўлоқ.

Йўлбарсга ўхшаб гулдираб ўкиради.

Зол. Тағин бизга ташланмайдими?

Йўлбарс пайдо бўлади.

Зол. Буюринг, султоним!

## Ч ол

Эшит мени, йўлбаржон,  
Жаҳлинг чиқмасин бу он.  
Дил дардини сўйлайди,  
Одам бўлган бу Девон.

Сенинг сутинг шоҳга дорига керак бўляпти.

Йўлбарс (*гулдураб*). Кун иссиқ, саройга боргунча ачиб қолади. Ундан ташқари, етмай қолиши мумкин.

Элёр. Яхши. Девон, йўлбарсга айт, мен билан саройга бирга борсин.

Ч ол. Жонивор, сен ҳазрати Элёр Зол билан саройга бориб келақол.

Йўлбарс (*гулдураб*). Хўп бўлади.

Чироқ ўчиб ёнади. Сарой, тахтда Нодиршоҳ ўтирибди. Вазир қўл ковуштирган. Занжилар елпигич ушлаган.

Вазир. Шоҳим, одамнинг бошига не ишлар тушмас экан, а? Ўшанда... «Менинг каллам катта эмас, уники катта,» деб турганда Девсафидга мени олиб кетган эди Қора дев. Мен кийимларимни ечиб кўриб, эй, хомсемиз экансан. Баданинг офтоб кўрмаган, миянгни қатиги bemaza, деб қайтарган. Ўрнимга офтобда қорайиб ишлаган бир боғбонни олиб кетиб, миясининг қатигини чиқаришган.

Нодиршоҳ. Бахтинг... хомсемизлигинг иш берибди-да, а?!  
Вазир. Ҳа, ҳоҳим!

Элёр хурсанд кириб келиб, шоҳга енгил таъзим қилади.

Элёр. Шоҳим, урғочи йўлбарсларни келтирдим.

Нодиршоҳ. Менга сути керак. Ўзини бошимга ураманми? Маликамга пўстин қиласманми?

Элёр. Кун иссиқ, сути ачиб қолмасин, тағин етмай қолмасин, деб тўртта урғочисини бошлаб келдим.

Йўлбарслар ўкириши эшитилади. Нодиршоҳ, Вазир, Занжилар қўрқиб, довдираб, қалтирашга тушишади.

Вазир. О, вазири аъзам. Ҳазрати Элёр, ботир, Зол шоҳимиз сизни синаш мақсадида бу ишга буюрган эдилар.

Нодиршоҳ. Тўппа-тўғри, синашга... Сарой аҳлига зарар келтирмасин. Дарров маконига қайтаринг. Тўғрими, Вазирим.

Вазир. Ҳудди шундай, шоҳим.

Элёр. Хўп бўлади. Маконига қайтараман.

Нодиршоҳ. Бу шумтака тегирмондан ҳам бутун чиқади. Сен мени лақиллатиб, йўлбарслар пора-пора қилиб юборади. Кутуласиз, дегандинг.

Вазир. Тўғри. Шоҳим, кўп куюнманг. Бошқа тадбир, чора топамиз. Ҳозир келсин, айтаман. Сиз тасдиқлаб турасиз.

Нодиршоҳ. Албатта.

Чироқ ўчиб, ёнади. Яна ўша биринчи кўринишдаги манзара. Зол кетмон чопялти. Боши билан кетмон ярақлаши тош орқасидан кўринади. Элёр яна вазирона кийимда кириб келади.

Элёр. Отажон! Мададкорим, донишмандлар доноси.

*(Зол тош орқасидан чиқиб келади, қучоқлашиб кўришади).*

Зол. Кел, бўтам, кўзимнинг оқу қораси. Яккаю ягона гавҳарим. Ўтири! Тинчликми?

Элёр. Яна мушкул иш буюрди Нодиршоҳ.

Зол. Қандай иш экан?

Элёр. Кеча саройга кирсам, Нодиршоҳ фам тортиб маъюс ўтирибди.

Зол. Ҳўш?

Элёр. Дедики, мен бир туш кўрдим, шу тушимдан жуда хафаман. Тушимнинг таъбирини майда вазирларга айтсан, у махлуқлардан бир маъқул гап чиқмади: ўйлайманки, бу мушкулимни ҳам сиз осон қиласиз ва бу фамдан ҳам кутқарасиз. «Қандай фам?» деб сўрадим. Бу фам шундайки, деб сўзида давом этди. Тушимда отам, онам ва бувамни кўрдим. Уларнинг ҳеч қайсиси юзимга қарашмади. Энди сиз у дунёга бориб мендан нима учун хафа бўлишганини билиб келасиз. Сўнг сизга кўп инъомлар берурмиз, деди. Ҳизматингизни жоним билан бажарурман, деб чиқиб келдим.

Зол. Девон! Девон! Ҳо, Девон!

Чол (*кириб*). Лаббай.

Зол. Элёр ва Девон, сизлар ажралмас дўст бўлиб  
қолдинглар.

Чол. Албатта.

Элёр. Албатта.

Зол (*Элёрга*). Ўғлим, душманингиз сизни  
ғалабаларингиздан қаттиқ азобланиб, қаҳрланяпти. Астойдил  
сизни йўқотишига киришибди. Душманингиз яхши билади. У  
дунёга борган одам қайтиб келмаслигини. Шунинг учун сизни  
у дунёга юборибди. Девон. Биринчи сен кўп ўтин тўплаб катта  
гулхан ёқасан. Бутун шаҳар аҳолиси ва шоҳ кўрсин. Тутуни бир-  
икки кун ачиб димогни ўртасин.

Чол. Хўп бўлади, бораверайми?

Зол. Бор! (*Элёрга*) Қолган ишларни сенга уйда айтаман!  
Юр!

Чироқ ўчиб ёнади. Яна подшонинг тахти. Тахтда Нодиршоҳ, ёнида  
Вазир. Еллигичли занжилар. Элёрнинг юз-кўзлари қоп-қора,  
чопонлари, иштонлари куйган. Кўлида ярим ёнган қофоз билан кириб  
келади.

Элёр  
(*бақириб*).

Дунё-дунё, ярамасдир бу дунё,  
Дунё-дунё, ярим мастдир бу дунё.  
Дунё-дунё, фалокатдир бу дунё,  
Дунё-дунё, касофатдир бу дунё.  
Тилим лолу дилим беҳол,  
Бу дунёдан бўлдим bemажол.

Шоҳга таъзим қилиб хатни узатади.

Мана, жаноби олийларининг ота-оналари нега хафа  
бўлганликларини шу хатга ёзиб беришди. (*Хатни узатади*.)

Дунё-дунё, ярамасдир бу дунё,  
Дунё-дунё, касофатдир бу дунё.

Эй шоҳим, ўша дунёга кетаман,  
Бу дунёда туролмайман, кетаман.  
Дунё-дунё, фалокатдир бу дунё.

Нодиршоҳ (хатни ичида ўқиб). Воҳ, бу дунё қурсин.  
(Кўз ёшларини занжилардан бири артиб қўяди. Элёрга.) У дунёга  
биз ҳам бориб келсак бўладими?

Элёр. Бўлади.

Нодиршоҳ. Қандай қилиб?

Элёр. Сиз хув, Яккatoш майдонига юз саржин қуруқ ўтин,  
уч юз пуд кунжара йиғдирасиз. Уларни яхшилаб тахлашсин. Кулаб  
кетмаслиги керак. Ўтиннинг устига яхши гиламлар ёздириб,  
вазирларингиз, маслаҳатчиларингиз, амалдорларингиз билан  
чиқиб ўтирасизлар.

Нодиршоҳ. Сиз ҳам чиқасизми?

Элёр. Йўқ. Мен бориб келдим. Кейин. Пастроқда бирор  
оловни ёндиради. Қўрқиб тушиб кетмаслик керак. Тутунларга  
чидаш керак. Шунда уч кунда у дунёга бориб, ота-онангиз  
билан дийдор кўришиб, узр сўрашиб келасиз. Бўлмаса хафа  
бўлаверади улар. Фармонингизни ҳозир бериб, қайтариб  
олмаслигингиз шарт.

Вазир киради.

Нодиршоҳ. Халойик! Аъёнлар! Вазиру вузаролар!  
Яккatoш майдонига юз саржин ўтин йигиб, тахланг! 300 пуд  
кунжара тўкинг! Устига гилам кўрпачалар ёздиринг. Ҳамма сарой  
аҳли, Элёр, Зол, вазиру аъзамдан ташқари ҳаммамиз у дунёга  
бориб марҳумларни зиёрат қилиб келамиз. Фармон қатъий!  
Бош тортганларнинг боши дорга тортилади.

Вазир. Шоҳим, бу мумкин эмас. Фармонни қайтаринг!

Нодиршоҳ. Фармон қайтарилемайди. Қайтариб олсан  
шохи юмшоқ хўқизига айланиб қоламан. Кейин одамлар мени  
майна қиласди. «Нодиршоҳ, шохи юмшоқ», деб.

Вазир. Куллуқ, шоҳим! (Ўзича.) Ўзим ўйлаб топган ҳийла  
тузогига ўзимиз илиндик.

Чироқ ўчиб ёнади. Карнай-сурнай, ногора овози эшитилали.

Оломоннинг шовқини келади. Саҳна ўзгармаган.

**Нодиршоҳ.** Зап ҳимматли азамат ҳалқим бор-да! Мен истагандан кўра уч баравар ўтин, уч баравар кунжара тўплашибди.

**Вазир** киради.

**Вазир (хомуш).** Шоҳим, фармонингиз бажо бўлди.

**Карнай-** сурнай, ногора авжланади.

**Нодиршоҳ.** Қани, Вазирим, бошланг!

Улар тантана билан чиқиб кетишади. Гулхан ловиллагани кўринади.

Халқ шовқини эшитилади. Зол билан Элёр киради.

Зол. Ана, ўғлим, улар сенга ёққан ўтларида ўзлари ёндилар.

Элёр. Отажон, Мададкорим! Сизнинг донолигингиз эвазига мен қоқилмадим.

Зол. Ўғлим, сиз ота айтган йўлдан юрдингиз. Ота йўлидан юрган бола қоқилмайди. Оталар болаларига ёмонликни ҳеч қачон раво кўрмайди.

**Овоз.** Халойик! Нодиршоҳ ўз аҳмоқликлари туфайли бор амаллорлари билан куйиб қул бўлди. Ҳақ жойда қарор топди. Халқа кўп азоблар берди. Бизни балолардан қутқарган Элёр ботир подшо бўлсин!

**Овозлар.** Тўғри, фақат у подшоликка лойик! Халқнинг ғамхўри!

Зол. Халқ тўғри айтяпти. Сен подшо бўлишинг керак. Сен рустамдай полвон, донолик илмини ўрганган ёш, навқиронсан. Идрок, куч ёшларда.

**Овоз.** Элёр Зол, сизга подшолик муборак.

Элёр отасини қучоқлааб.

**Элёр.** Отажон, мададкорим! Битмас хазинамсиз.

**Карнай** сурнай, ногора тантанавор янграйди.

Парда

Тамом

1986 йил, май.

---

## ҲАЗИЛКАШ ШОХ

(Ўзбек халқ әртаклари асосида  
битеилган воқеий әртак-комедия)

### ҚАТНАШУВЧИЛАР:

Шоҳ	Умми
Ҳасан	Чол
Масрур	Табиб
Ҳаблалўлӯ	Зубайдабегим
Нажма	Давратулқамар
Вазир	

### I КҮРИНИШ

Ҳасаннинг уйи. Хонтахталар ясатилган. Уй содда ва гўзал безатилган. Шоҳ оддий савдогар кийимида ёнида хизматкори Масрур билан атлас кўрпачада ёнбошлишиб ўтиришибди. Ҳасан қўлида кўза ва пиёлалар билан киради.

Ҳасан (*тавозе билан*). Азиз меҳмонлар, мен онамга таомлар буюриб келгунимча зерикмадингларми?

Шоҳ. Йўқ, бўтам, одам меҳмондаям зерикадими, еб-ичиб, чақ-чақлашиб ўтирибмиз. Ўзингиз ҳам бирдам биз билан ўтиринг, суҳбатлашайлик. Сиздан сўрайдиган унча-мунча саволлар туғилди.

Ҳасан. Менгами?

Шоҳ. Ҳа, албатта, сизга-да.

Ҳасан. Унда сўранг, ақдим етганича жавоб қилурман.

Шоҳ. Ўғлим, ўзи сиз кимсиз? Сизни ҳар оқшом қўноқ меҳмон кутишинингиз бизни таажжубга қўймоқда. Нима учун фақатгина бир оқшом?

**Ҳасан.** Эй, тижорат аҳлининг билимдонлари, магрибдан машриққа юрган жаҳонгашталар, саволингиз ҳар нечук ўринли, жавобим анча узоқроқ, сизни зериктирмасмиканман деган андишам ҳам бор.

**Шоҳ.** Бундан ташвиш тортманг. Тонг-саҳаргача ҳам эшитишга тайёrmиз.

**Ҳасан.** Ундаи бўлса эшиting. Менинг иссими соддагина Ҳасан, онам Абуҳасан атайдилар, улфатларим Ҳасан ҳазилкаш дейишиади. Чунки улфатчиликни, шоду хуррамликни, кувончу шодликни, ҳазиллашишни хуш кўраман. Ўзим савдогарнинг ўғлиман. Отам ёшлигимдан мактаб-мадрасага бериб ўқитди ва қаттиқ тутди. Мен ўйин-кулгини яхши кўрсам ҳам рухсат бермали. Ёшлигинг ўйин-кулги билан ўтса, қарилигинг ғаму ҳасратда ўтади. Ёшлигинда ўқиб илму хунарлик бўлсанг, қарилигинг роҳат-фароғатда ўтади, дерди. Лекин, афсус, тижорат иши қалтис экан. Дарёдан ўтаётганда отам сувга гарқ бўлиб кетди. Отамнинг ягона меросхўри мен эдим. Отамдан қолган олтинларни иккига тақсим қилдим. Бир қисмини қаро кунга ярар, деб яшириб қўйдим. Ярмини улфатларим билан мени тергайдиган одам бўлмагани учун тараллабедодга сарф этдим. Онам бечора бу йўлдан қайтармоқчи бўлди. Мен онамдан кулдим, мазах қилдим. Негаки, кайфу сафо, таралла-бедод жилва қилиб домига тортар эди-да. Ҳулласи қалом, пулим тамом бўлди. Менинг қозонимда қайнаб, чўмичимда ўйнаб, соямга пойандоз ёзадиган жўраларим юзингда кўзинг борми демасдан қарамай қўйди. Пул сўраб борсам, ўзини гўлийка солди, ёрдам беролмасликларидан елка қисди. Отамдан қолган ер-сувда деҳқончилик билан кун ўтказишга қарор қилдим. Жўраларим билан улфатчилик қилмайман. Чунки улар фирром. Бошқа шаҳарлардан келган одамларни карвонсаройдан бориб олиб келаман. Бир кеча суҳбатлашиб кузатиб юбораман. Онам айтади, мусофирининг кўнглини овласанг, сенинг номинг ўзга юртларда ҳам оғизда бўлади, деб. Палон юртда палончи бор экан, деб бир умр ҳикоя қиладилар, дейди. Шунинг учун ҳар оқшом кўноқ меҳмон чорлайман. Энди ўзларидан сўрасак, мусофиirlар?

**Шоҳ.** Бале... Биз савдогармиз, Хурсондан Туронга, Турондан Эронга, Эрондан Шомга, Шомдан Йроққа мол элтиб сотамиз. Бу киши менинг солиқ хос хизматкорим. Аслим Турондан, онам Шомдан.

Ҳасан. Фоятда миннатдорман.

Шоҳ. Эҳ Абуҳасан, сен чиндан ҳам ажойиб, дилкаш, дилбар, хушчақчақ, мулло йигит экансан. Дилемизни равшан, кўнглимиизни хушнуд қилдинг. Сени яна дилингда орзутлагинг борми? Мени бу юртларда қўлим узун, бу ҳурмат - иззатинг, илгифоту саховатингга бирон- бир яхшилик қилиб дилингни овласам, дейман.

Ҳасан. Азиزلарим, мени зинҳор-базинҳор мазах қилиб кулмасангизлар, биргина орзуим бор, шуни айтаман.

Шоҳ. Биз яхши одамлар устидан кулмакка ҳаққимиз ва ҳаддимиз йўқ. Биз ўзимиз сўраяпмиз. Айт!

Ҳасан. Агар бир кун шоҳ ўрнида подшо бўлиб қолсам ўзим билардим.

Шоҳ (*айни муддао, дегандек, лекин ўзини сипо тутиб*). Шоҳ бўлиб қолсанг нима ишлар қиласдинг?

Ҳасан. Биринчидан, маҳалламиздаги тўртта қари миршабни, иккинчидан, юртимиз оқсоқолининг тинкасини қуритиб, боплаб жазо берардим.

Шоҳ. Улар нима ёмонлик қилди?

Ҳасан. Қишлоқни талаб, хароб қилди. Оқсоқол ўтакетган дилозор. Миршабларга имо қилади, улар исковичдай ириллаб талайди. Ҳа, деса, шоҳимизнинг фармони, Олий ҳазратларининг буйруғи, деб кўнглига келганини қилаверади. Уларга мабодо салом бериб қолсанг, «кўзинг чиқсин», деб жавоб беради. Ўз соқолига ўзи чангаль солади.

Шоҳ. Яна нима қиласдинг?

Ҳасан. Яхши кишиларга лутфу марҳамат кўрсатиб, совғасаломлар улашардим. Юртни обод — ҳалқни фаровон қиласдинг.

Шоҳ. Бир кунда-я?

Ҳасан. Ҳа, бир кунда.

Шоҳ. Қандай қилиб?

Ҳасан. Буниси сир, олдин подшо бўлай, кейин...

Шоҳ. Сени шунчалик ҳазилкаш, мулло йигитча деб ўйласам, адолатнارвар, ҳақгўй одам ҳам экансан. Ажабмас, фаришталар омин деб, шоҳ бўлиб қолсанг. Ҳа, Ҳасанбой, алла-вақт бўлиб қолли. Энди ётсак ҳам бўлармиди. (*Ҳўрз овози келади.*) Ана, ҳўрзлар ҳам қичқира бошлиши.

Ҳасан. Таом бор.

**Шоҳ.** Иним, увол бўлмасин, онангга айт, нонуштага еймиз.

**Ҳасан.** Хўп, мен итни ҳам узоқроқ боғлаб келай.

**Шоҳ.** Бале, зап йигит экансан, тунда мени бир-икки ҳовлига чиқиш одатим бор.

(Ҳасан чиқади. Шоҳ хонтахта устидаги шарбат тўла кўзага ухлатадиган дори солади.)

**Шоҳ.** Масрур! Мана шу уйқу дори Ҳасан ҳазилкаш, ишлари чалкашга ўз кучини кўрсатади. Ҳазиллашиш қанақалигини унга бир кўрсатиб қўямиз. А, лаббай? (Хурсанд.)

**Ҳасан** бепарво қайтиб киради. Шоҳ ва Масрур ҳеч нарса қилмагандек хотиржам ўтиришади.

**Ҳасан.** Хуш келибсизлар, азизларим. Итни боғлаб қўйдим олисга. Овқатни нонуштага қолдиридим.

**Шоҳ.** Абуҳасан ўғлим, ўтир ўзинг, эй баракалла, минг раҳмат, бўтам, кўп хизмат қилдинг. Менинг қўлимдан ҳам бир пиёла шарбат ичсанг, ўз қўлим билан қўйиб берсам.

**Ҳасан.** Бу ишингиз унча маъқул эмас. Мен қўйиб бераман. Сиз меҳмон, мен мезбон.

**Шоҳ.** Бўтам, менга ҳам савоб керак, мен ҳам савобдан қуруқ қолмай.

**Ҳасан.** Ҳай, майли, катта одамнинг сўзини ерда қолдириш одобсизлик, дерди онам. Сиздек жаҳонгашта кишиларнинг қўлидан шарбат ичмоқ биз фақирларга фахрdir.

**Шоҳ.** Бале, бўтам, мулло йигитнинг садағаси кетсанг арзиди. Қани, қани, мирзо йигит, олинг! (Шарбатни пиёланни узатади.)

(Ҳасан пиёланни олади ва шарбатни симиради.)

**Ҳасан** (пиёланни қайтариб). Раҳмат. Ўзингиз ҳам ичинг, хизматкор амакимгаям беринг.

**Шоҳ.** Албатта (шарбат қўниб хизматкорга узатади).

**Масрур** (рад этиб). Йўқ, мен анор шарбаги ичсан, бир қадар меъдам чириллайдир.

(Ҳасанга дори таъсир қилиб сесин ёнбошлийди ва хўррак отади)

Шоҳ. Масрур! Ҳасанни елкангга ол! Эътибор қил! Ҳовли эсингдан чиқмасин. Эшикни қия очиқ қолдир! Яна обкелиб қўясан. Уқдингми?

Масрур. Уқдим. Ё пирим. (*Ҳасанни елкага олади.*)

(Чироқ ўчиб ёнади.)

## II КЎРИНИШ

Сарой. Тахт ўрнида шийпон шаклида парда ичиди шоҳ ётадиган тахта каравот. Шоҳона тўшалган ўрин. Масрур Ҳасанни елкасида кўтариб киради. Каравот олдида кўтариб туради. Шоҳ ҳовлиқиб кириб, «қарс» уради. Ҳаблалўлў билан Нажматуссубҳ киришади.

Шоҳ. Мана бу Ҳасан ҳазилкашни ечинтириб, менинг тунги лиbosларимни кийинтириб ўрнимга ётқизинглар! Масрур!

Масрур. Лаббай, шоҳим.

Шоҳ. Сен Ҳасанни ётқизгач, чиқиб эшик оғага айт, тонг отиб қолди, вазир ва амирларга, бек ва амалдорларга айтсан. Ҳамма Ҳасан ҳазилкашни бир кун шоҳ деб қабул қилсин. Бор хазинани сарф қилгандаям чурқ этиб оғзини очмасин. Амримити бажо келтирсан. Уқдингми?

Масрур. Шоҳим, айтганингиздан зиёда бўлғай!  
(*Ҳасанни парда ичига олиб кириб, ечинтириб ётқизишади. Ётоқ пардасини икки ёққа очиб қўйишади. Абуҳасан кўриниб туради.*)

Шоҳ. Ҳаблалўлў!

Ҳаблалўлў. Сўзларингизга мунтазирман, шоҳим.

Шоҳ. Ҳасан ҳазилкашнинг қилмишларини мен беркиниб туриб кузатаман.

Ҳаблалўлў. Бош устига, олампаноҳим!

Шоҳ. Мени қандай эъзоз қилсанглар, уни ҳам шундай эъзоз қиласанлар, уқдингми?

Ҳаблалўлў. Уқдим, шоҳим, уқдим.

Шоҳ. Ҳасан ҳазилкаш — шоҳ. Бу мен. Мен — Ҳасан ҳазилкаш, англадингми?

Ҳаблалўлў. Англадим, шоҳим. Ҳасан ҳазилкаш — шоҳ, яъни сиз. Сиз — Ҳасан ҳазилкаш, шундайми?

**Шоҳ. Идрокинг дуруст.**

(Шоҳ бориб ётоқ пардаси орқасида туради. Тонг ёришади. Ҳаблалўлў Ҳасан ҳазилкашнинг бошига келади. Сўнгра Нажма-туссубҳ ҳам келади.)

Ҳаблалўлў. Шоҳим, олампаноҳим, ўринларидан турсинлар, вақт бўлди. (Ҳасан кўзини очиб қарайди. Боши оғирлашганидан сағал кўтариб ташлайди. Индамайди.) Үрнингиздан турадиган вақт бўлди, шоҳим.

Ҳасан. Шоҳим?.. Нима?

Ҳаблалўлў. Ҳа, подшоҳимиз, олампаноҳимиз сиз. Туринг, юз-қўлингизни ювиб, нонушта қилиб, девонга чиқасиз.

Ҳасан (бошини ушлаб). Вой бошим...

Ҳаблалўлў. (кўзадан пиёлага шарбат қуийб узатади). Шоҳим мана буни симиринг, бош оғриғингиз таққа тўхтайди.

Ҳасан (ҳайрон). Шоҳим?

Ҳаблалўлў. Ҳа, шоҳим...

Ҳасан. Нима, сен эчкимисан, шоҳинг бўламан? (Шоҳ оғзини беркитиб кулади.)

Ҳаблалўлў. Асло, ундей деманг. Сиз етти иқлиминг хукмдори подшоҳимизсиз.

Ҳасан. Етти иқлиминг қат бўлди?

Ҳаблалўлў. Мағриб ва Машриқ, кунчиқиши, кунботиш-ҳаммаси етти иқлимда, сиз шунга подшоҳсиз, билмайсизми?

Ҳасан (ўтириб олиб). Олла, топибсан аҳмоғингни, шоҳ эмишман. Мен Ҳасан ҳазилкаш -- ишлари чалкашман. Онам Абуҳасан дейди.

Ҳаблалўлў. Йўқ, шоҳим, сиз ёмонроқ туш кўргансиз, дейманов. Ўнгу сўлингизга қаранг, саройдасиз, ҳозир канизакларингиз келиб, сизга «Тонгги рақс»ни ўйнаб беришади. Битта қарс уринг, кўрасиз.

Ҳасан (ишенқирамай қарс уради, мусиқа янграйди, гўзал рақкоса чиқиб ўйнаб, Ҳасаннинг юзини силаб-силаб кетади). Ё тавба, ё тавба. Тушимми, ўнгимми? Йўқ, бу туш. кечакирилти-да, а? Ё тавба, ё тавба.

Ҳаблалўлў. Шоҳим, юз-қўлингизни ювишга атир ҳидли сув тайёрлаб қўйганман. Бугун қайси чўрингиз юзингизни ювиб қўйсин. Нажматуссубҳми, Давратулқамарми, Ёқуталлаълми?

**Ҳасан.** Нима бўляпти ўзи? Мен уйқудаги одам бўлсам, бирорни товушини қандай эшитяпман-а? Ё тавба, тавба?! (*Қайта ётиб бошини кўрпага буркайди.*) Ўйин тўхтатилсии! (*Ўйинчи кириб кетади*).

**Ҳаблалўлў.** Ёш болага ўхшаган ширинсиз, шоҳим. Туриңг энди.

**Ҳасан** (*кўрпани бошидан олиб*). Шоҳинг синсин, эчки. Мен ухлаб ётибман, туш кўряпман, кўясанми, йўқми?

**Ҳаблалўлў** (*босиқ ва ёқимили қилиб*). Асло ундаи деманг. Сиз уйроқсиз, ўрнингиздан туриңг.

**Ҳасан** (*ўрнидан ярим туриб ўтиради*). Тўғри, мўъжиза рўй бериб шоҳ бўлган бўлсам бўлгандирман, шунақасиям бўп турса керак. Қани, бир текшириб кўрай-чи? (*Нажматуссубҳа.*) Ойимча, мен кимман?

**Нажма.** Сиз бизнинг қиблагоҳимиз, подшоҳимизсиз, жами дарё ва қитъаларнинг ҳукмдорисиз.

**Ҳасан.** Ёлғон. Ўзинг чиройли бўлсанг ҳам ёлғонни сувдай ичаркансан.

**Нажма.** Чин сўзим, шоҳим!

**Ҳасан.** Ундаи бўлса бармоғимни тишлаб кўр! (*Бармоғини тутади.*)

**Нажма.** Бажонидил шоҳим. (*Бармоғини қаттиқ тишлайди.*)

**Ҳасан.** Войдод, ҳа, уйгоқман. Узволай дединг-а. (*Шоҳ кулади.*) Ҳай, турсам турақолай. (*Ҳаблалўлў оёғига олтин кавуш келтиради.*) *Нажматуссубҳа* қўлтиғидан олиб турғизади. (*Нажматуссубҳни елкасига қўлини солиб, ўзига тортади.*) Гўзал экансан-а! Эринг борми?

**Нажма.** Йўқ, шоҳим! (*Ювинтиргани ичкарига олиб кириб кетишади.*)

**Шоҳ.** Ётоқни олинглар! Хонтахта келтириңглар! Тезда овқатлантириңглар! (*Кулиб ўзича.*) Вой, вой, маза қилдим. Зўр эрмак. Антиқа томоша. Қани буёғига нима каромат қўрсатаркин. (*Шоҳнинг айтганини хизматкор ва чўрилар тезда бажаришади.*) **Ҳасан** Ҳаблалўлў билан *Нажматуссубҳни елкасига қўл ташлаган ҳолда чиқади.*)

**Ҳасан.** Нонушта шу ердами?

**Ҳаблалўлў.** Мана, тайёр, ўтириңг. (*Шоҳона курсига ўтқизади.*)

**Ҳасан.** Мен ростдан шоҳманми?

**Нажма.** Албатта!

**Ҳасан.** Ма, бармоғимни... (*Нажматуссүбҳ тишилайди.*)

Войдод! Ёмон тишлар экансан. Ҳа, ростдан шоҳман, а?

(*Ҳаблалўлўга.*) Дастурхондаги овқатдан озгина-озгина еб чиқ!

Тағин, шоҳни заҳарлаб қўймаларинг.

**Нажма.** Вой, шоҳим, нималар деяпсиз. (*Овқатнинг ҳаммасини бакавул татиб кўради.*)

### **Ҳасан**

Бўри баковул экан,

Тулки ясовул экан.

Қарға қақимчи экан,

Чумчук қақимчи экан.

Энди менга овқат едириб қўясанлар, хўпми, ахир мен шоҳман-ку.

**Ҳаблалўлў.** Бажонидил.

**Нажма.** Бош устига. (*Овқат едира бошлишади.*) Сенлар овқат едириб қўяркансанлар. Нега юз-қўлимни ювдирдиларинг?

**Нажма.** Бўлмаса ҳаром бўларди-да.

**Ҳаблалўлў.** Йўқ, Нажма, ҳаром бўлмайди. Қўл бизники, оғиз шоҳимизники, қозон бизники, ошқозон шоҳимизники, қозон тоза, қўл тоза, бўлди-да. Майли эртага юз-қўлни ювмай қўя қоларсиз.

**Ҳасан.** Ақлли чўри экансан. Шоҳ бўлганимда сени чўриликтан озод қиласдим.

**Нажма.** Мен-чи.

**Ҳасан.** Сени маликаликка олардим.

**Ҳаблалўлў.** Шоҳимизсиз-ку.

**Ҳасан.** Ҳа, дарвоҷе, шоҳман- а, ёш шоҳман. Эртага сени озод қиласман. Сени маликаликка оламан. Фармон битилсан.

(*Вазир киради.*)

**Вазир.** Шоҳим, вазирлар, амирлар ва сарой афёнлари, беклар девонда йўлингизга муғтазир.

Ҳабалал ўл ў. Сиз аъло олампаноҳимизни да, кимни бўларди? Менинг бурчим сизни уйғотиш. Узоқ ухлаш одатингиз йўқ эди-ку. Ҳамма сарой аҳли сизга салом беришга, рухкорингизни кўришга мунтазир.

Ҳасан. Ёлғон.

Ҳабалал ўл ў. Рост. Сиздан бўлак шоҳимиз ҳам, олампаноҳимиз ҳам йўқ.

Ҳасан. Ёлғон. Мен шоҳ эмасман, Абуҳасанман. Онам шундай дейди, оғайниларим Ҳасан ҳазилкаш дейди. Сенлар шайтон васвасалари эса, шоҳим, шоҳим. Эй шоҳинг синсин сенларни. (*Нажматуссубҳ гул кўтариб киради.*)

Нажма. Эй тангрι таолонинг севган кишиси, туринг. Мана бу жаннатул маъво гулларидан ҳидласангиз енгил тортиб, дунёга меҳр кўзи билан қарайсиз.

Ҳасан. Ҳа, жаннатга бориб келдингми?

Нажма. Йўқ, жаннатга борганим йўқ. Гуллар жаннатдан чиққан дейишади.

Ҳасан. Эҳтимол сен жаннатдан чаккангта тақиб чиққандурсан?

Нажма. Шоҳим, бизни калака қиляпсизми? Кеча узоқ ётиб қолганларига ҳайрон бўлмасинлар. Сабаби уйқу ғолиб келиб узоқ ухладингиз. Озор етказмаслик учун уйғотмадик. Ҳамма чўрию канизаклар, малиқалар оёғингизга бош қўйиб ухладик. Энди биздан ранжида бўлмасдан, хоҳишлиари бўлса кўрсинлар, олампаноҳим.

Рафиқо, сўйла токай, кечгусидир тунларим бедор,  
Фаму ҳасратларимни токай этмам ёрима изҳор.  
Дегил ёлғиз топиб маҳбубингга арзингни холис,  
Бўлур, токай, менга тунлар узоғу кечалар олис.

Ҳасан (*қулогини тортиб, бошини лиқиллатиб*). Ҳаммаси ёлғон! Байтинг ҳам, ўзинг ҳам ёлғон! Ҳасанлигимни ўз кўзим билан кўриб тўрибман. Нажма, мияни ғажиймад!

Нажма. Ҳасан деганингиз ким ўзи, шоҳим?

Ҳасан. Мен ўзим. Мен, мен, тушунасанми, Мен.

Нажма. Андак хаёлингиз қочган. Сиз ягона, хукмдоримизсиз. Ҳа, одам туш кўрса шунаقا бўлади. Уйғонинг

**Ҳасан** (*ярим туриб, ҳаммаёққа назар солиб*). Яна шайтон васвасаси, яна жиннихона. (*Яна ётиб олиб кўрпани бошига тортади. Оёғи очилиб қолади.*)

**Нажма.** Шоҳим, турмоққа хоҳишлари бўлмаса, ётаверинг, биз вазифамизни адо этдик. Вазирлар, амирлар, агёнлар, амалдорлар девонхонада йиғилишиб туришипти. Ташрифингизга мунтазир! Бу ишлар сизнинг измингизда. Сизнинг ўрнингизни ҳеч ким ола билмайдир.

**Ҳасан.** Мендан бошқа жинни йўқми? (*Шоҳ қотиб кулади.*)

**Ҳаблал ўлӯ.** Йўқ, жоним. Ягона шоҳ сиз. Қани, қани, мени қийнамай бир ўрнингиздан туринг-чи.

Чўрилар ҳаммаси чиройли қилиқлар қилиб, хуллас, турғазишиб, оёғига олтин кавуш кийдиришиади. Кийимларини бир чўри кўтариб туради.

**Ҳасан** (*Нажма билан Лўлўнинг бўйинларига кўлини солиб, юзларини силаб қўяди*). Ҳар қалай ўнгимга ўхшайди. Бармоғимни тишлиб кўр, Нажма! Лўлў, сен чимчилаб кўр! (*Нажма бармоғини қаттиқ тишлиайди, Лўлў қаттиқ чимчилайди.*) Войдод! Войдод! Ўнгим. Майли, шоҳ бўлсан яна бўпман-да. Яна жиннихона калтагини есам ебман-да. (*Нажма билан Лўлў бўйнидан қўлини олади.*)

**Нажма.** Шоҳим, кийиниб олинг, ички кўйлақдасиз.

**Ҳасан.** Шоҳлар хоҳласалар яланғоч юрадилар. Мен шундай зўрман, яхшиман. Тўғрими, Лўлў?

**Ҳаблал ўлӯ.** Фоятда тўғри.

**Ҳасан.** Ёлғон.

**Ҳаблал ўлӯ.** Нимаси ёлғон?

**Ҳасан.** Мен шоҳ эмасман.

**Нажма.** Кимсиз бўлмаса?

**Ҳасан.** Тўғри, мен кимман? Жинниманми, шоҳманми?

**Ҳасанманми?**

**Нажма.** Бу савол бизни ҳар гал хижолат қиласи. Ўзлари мағрибдан машриққача барча иқлиmlарнинг ҳукмдори эканликларини билмайдиларми? Биладилар. Лекин биз гариб чўриларни мазах ва калака қилиш учун мен кимман, мен кимман

фароғатда ўтгани яхши эмасми? Хотин деган зот ёмон чиқиб қолса, кунда уруш, кунда жанжал. Бошим пушаймону ғам-ғуссадан чиқмай қолади.

Шоҳ. Ўзинг барқамол, яхши одамларнинг фарзанди бўлғанлигинг учун соҳибжамол ва хулқи хуш қизга майлинг бўлгани яхши. Ташвиш қилма, айтганингдан зиёдроқ қизни ўзим топиб бераман.

Ҳасан. Йўқ, меҳмоним, сенинг гапингта кириш...

Шоҳ. Асло ғам чекма, йигит.

Ҳасан. Бир гап бўлар, мен иссиқ таом келтирай. (Чиқади.)

Шоҳ (*Масрурга*). Содда бола яна лаққа тушди. Яна бир ўйнатиб ҳангома қиласиз, а? (Шоҳ кўзадаги шарбатга ухлатадиган дори солади.)

Масрур. Яна маза қилиб, думалаб-думалаб куладиган бўлдингиз, шоҳим. Аввалги ҳангома саройда миш-миш, латифа бўлиб кетди. Ҳаммани оғзида шу гап. Доносиз, шоҳим. Ҳар кимни ҳам ақли етмайди, шоҳим. Жиннихона ҳам ақлини тоза киритмапти.

Ҳасан (*катта сопол лаганда палов келтиради*). Азиз меҳмонлар, кўлларингизни ювиб олинглар. (Обдастада сув ва дашиш тулади.)

Шоҳ (*қўл ювига*). Раҳмат, бўтам.

Масрур (*қўл ювига*). Ниятингизга еting.

Ҳасан обдаста ва дашшуни олиб чеккага қўйиб, сочиқ тутади. Улар қўл артишаётганда обдаста ва дашшуни олиб чиқиб, қайтиб киради.

Ҳасан. Қани, таомга марҳамат! Онам ўзлари тайёрланлар.

Шоҳ. Биз у кишининг таомларига мафтунмиз. Ўтган сафарги маза ҳали оғзимиздан кетгани йўқ. Офарин волидай меҳрибонингизга, дуоларини олинг, кам бўлмагайсиз. (Овқат ейишади. Сўнгра Ҳасан шарбат қуийиб шоҳга узатади.) Ҳалқимизнинг удуми бўйича аввал мезбон ичиб, сўнгра меҳмонга узатади, Абуҳасан. Чунки меҳмоннинг кўнглида шубҳа уйғонмаслиги учун.

Ҳасан. Афу этгайсиз, меҳмон, ўгитингизни бажонидил қабул қилгайман. (Пиёлани тўлдириб, симиради. Сўнгра қуийиб шоҳга узатади. Шоҳ ичаман деб оғзига олиб боради-ю,

эҳтиётизлик қилгандаи тўкиб юборади. Дори ўз кучини яна Ҳасанга кўрсатади. Секин кўрпачага чўзилади).

Шоҳ (*Масрурга*). Мана, маймун тайёр, қанча хоҳласанг шунча кулаверасан.

Масрур. Елкага олайми масхарабозни.

Шоҳ. Аввал онаси ухласин. Сўнг кўтариб саройга жўнаймиз.

(Чироқ учиб, ёнади.)

## V КЎРИНИШ

Сарой. II кўринищдаги манзара. Пардалар, шийпондаги шоҳнинг ётоги. Ҳасан яна шоҳнинг ўрнида ётибди. Ҳабалалўлў Ҳасанга хушига келтирадиган дори ҳидлатади. Ҳасан кўзини очади.

Ҳасан (*ҳайрон, ўзича*). Ё тавба, шоҳ бўлганимда ётган жойим-ку.. Бу қандай ҳол. (*Бармоғини тишлайди. Оғриқдан*.) Войдод! (*Бекиниб турган шоҳ кулади*.) Яна аввали ҳолимга қайтдим шекилли, яна жиннихонага бораманми? Яна миршаблар савалашадими? (*Эти сесканиб кетади*.) Ярамас, аблаҳ савдогарлар яна эшикни очиқ қолдирибди-да, иблислар экан-у. Зич ёпиб кетамиз деб онт ичган эди-я, яна қандай кўргиликлар пешонада бор экан... (*Бошини яна кўрпага буркайди*.)

Ҳабалалўлў. Шоҳим, тангрининг ердаги сояси, аёхукмдоримиз, вақт етди. Ўринларидан азот турсинлар!

Ҳасан (*кўрпа ичидан мўралаб*). Кимсан?

Ҳабалалўлў. Ҳаблалўлў. Сиз атаган Лўлўман.

Ҳасан. Ўл. Сен Лўлў шаклига кирган шайтонсан. Мен шоҳ эмас, Ҳасанман. Сен кўзимдан йўқолмагунингча турмайман. Йўқол! Мени энди алдаёлмайсан. Жиннихонага борадиган жинни йўқ. Йўқол, шайтон чўриси!

(Шоҳ маза қилиб кулади.)

Ҳабалалўлў. Ундей хунук гафларни қўйинг, ўрнингиздан хўп деб туринг, келинг, мен ўзим ёрдамлашиб юбораман.

(Ҳаблалўлў турғизмоқчи бўлиб, қўлини чўзганда Ҳасан қўлини силтаб ташлайди.)

Ҳасан. Эй, шайтон чўриси, сен кимни шоҳим деяётибсан?

деганинг, иситманг борми? Ўрнингдан туриб, юз-қўлингни юв! Сен менинг ўғлимсан.

Ҳасан (*кўзини гира-шира очиб*). Нега мен сенинг ўғлинг бўламан? Сен мени қандайдир Абуҳасан деб ўтирибсан. Мен етти иқлимнинг ҳукмдори — шоҳман! Миршаблар! Бу мегажинни кўзимдан йўқотинглар! Дарёга улоқтиринглар!

Умми. Вой, шўрим, шовқин солма, болам, кўзингни оч. Бақирганинг қўшнилар эшитиб қолишса, нима бўлади? Сени тўппа-тўғри жиннихонага жўнатишади. Эсинг борми ўзи?

Ҳасан. Ўзинг жиннисан, имонсиз кампир! Мен Абуҳасанмас, олампаноҳ, худонинг ердаги сояси, подшоҳи олийман, деяпман-ку. Ҳамма иқлим, дарёлар, мавжудотлар менинг измимда. Миршаблар! Навкарлар! Қуллар! Чўрилар! Канизакларим, қаёқдасиз?

Умми (*ийнгамсираб*). Ё тавба, «қуллар», «чўрилар», «канизаклар!» Бу нима деганинг! Энди бу кўргилик ҳам бормиди. Меҳмон савдоғарлар бир бало қилиб кетишдими, а? Ўғлим... мен онанг бўламан. Кўзингни яхши очиб, ўйингга назар сол. Сарой нимасси? Сен шу хонадонда тугилиб ўсгансан, бир қадам ҳам нарига жилмагансан. Ўғлим. Турақол, ўзингта кел, шайтоннинг васвасасига берилма.

Ҳасан (*ярим туриб, ўёқ-буёққа назар солиб, идроклолмай*). Ҳа, рост, мен Ҳасан, сен онам шекилли. Ҳа, Ҳасан бўлсан керак, (*қулогини тортиб, бошини лиқиллатиб кўради. Биррас туриб яна айнийди*). Ҳой, эсини еган кампир, нега мен Абуҳасан бўларканман! Сен илми амал билан мени ўғлинг Абуҳасан қилиб олмоқчимисан. Ўзиниям, ўглиният кўргани кўзим йўқ. Йўқол кўзимдан! Мен шоҳ бўламан! Биласанми, кампир! Девонда вазирлар, амирлар, беклар, амалдорлар амри фармойишимга мунтазир!

Умми (*куйиб*). Эй, худойим-ей, ўғлим, бу сўзларни қўй, тавба дегин. Оқибати ёмон бўлади. Яхшиси, туриб ўтириб. Сенга кеча холангнигига борганимда кўрган ҳангомани сўзлаб бераман.

Ҳасан. Хўп... мана... (*Туриб ўтиради.*) Гапир, кампир! Нима бўлди!

Умми. Қишлоғимиздаги оқсоқол ва тўрт миршабни подшо оғамлари ушлаб, ҳар бирини филнинг думи билан 400

даррадан уришди. Кейин-чи, эшакка тескари миндириб, юзига қоракуя суртиб шаҳарга олиб бориб сазойи қилишипти.

Ҳасан (*гуурури ошиб, ўрнидан туриб ўйнаб кетади*). Ўша подшо мен эдим, кампир. Абуҳасан дейсан-а.

Умми (*ўзича*). Вой, худойим-ей, яна айнияпти-ю, энди нима қиламан, а? Уни ўзинг бало-қазодан асрагин, парвардигор.

Ҳасан. Ҳа, кампиршо, мисинг чиқяпти, а? Мен сенинг ўғлинг эмас, подшоҳ эканимга энди ишоняпсан-ку. Менга «түш кўряпсан, болам», деб алдаяпсан. Лекин бу ерга қандай қилиб келиб қолганимга ҳайронман.

Умми. Эй нуридийдам, жигарпорам, шайтонга ҳай бер, ёш бошингга бало-қазо чорлайдиган гапларни оғзингга олма, девор орқасида одам бор, қўзингни оч, ўғлим!

Ҳасан. Эй, нобакор кампир, ҳадеб сўзимни қайтараверсанг. Шундай адабингни бердираманки, туғилганингга минг пушаймон ейсан.

Умми (*ийғлаб*). Ақли расо болам, эс-хушингни йифиб ол, оч! Эй воҳ, энди нима қиламан-а? Она ўз боласини билмайдими-я. Менинг ўғлим Абуҳасансан. Ўзингни пошшо, худонинг ердаги кўланкаси, дейишга қандай тилинг борди.

Ҳасан. Ҳа, малъун, бўлмаса мен кимман ўзи?

Умми. Ўғлим, Абуҳасансан.

Ҳасан. Эй, ўғлинг Абуҳасан билан кўшмозор бўл!

Умми. Ҳай, ҳай, болам, таёба дегин, тавба, ўзингни ўзинг шоҳ дема. Бизга подшоҳимиз мурувват қилиб 500 олтинли ҳамён юборди. Вазирнинг ўзи олиб келиб берди. Баҳтимизга шоҳимизнинг умрлари узун, давлатлари зиёда бўлсин. Шоҳга тил тегизма, ўғлим!

Ҳасан (яна жазавага тушив, кампирни савалай кетади). Ҳа, ҳа, кампир, мен кимман? Ҳозир айт, бўлмаса уриб ўлдираман. Иккинчи мени ўғлим Абуҳасан дема, сенга айтдиму, мен шоҳман, деб, ўша 500 олтинли ҳамённи мен юбортирганман-да.

Умми (*ўглининг жазавасига чидаб, ўзича*). Ҳақиқатан жин тегипти. Эшик қия очилиб қолганлиги бежиз эмас экан. Одамларни ёрдамга чақирмасам бўлмайди.

Ҳасан. Мени подшо дегин, қутулласан, кампир.

**У м м и (бақириб).** Войдод! Войдод! Войдод! Одамлар, күтқаринглар! Ўғлим уриб ўлдириб құяди. Войдод! Войдод!

**Ҳ а с а н (яна уриб).** Мен ўғлингмас. Подшоман, шоҳман, биласанми?

Кўни-кўшнилар югуриб чиқишиади. Обид тўғон югуриб келиб Ҳасаннинг қўлини ушлайди.

**Ч о л.** Тўхта! Ҳасанжон, одам ўз онасигаям қўл кўтарадими? Мехрибон онангни урасанми? У дунё-бу дунёинг куйиб кетади-ю. Туппа-тузук одам фарзандисан.

**Ҳ а с а н (уришдан тўхтаб).** Ўзларинг кимсанлар? Ҳасанжонинг ким? Сен мияси чириган чол бу гапни кимга айтяпсан?

**Ч о л.** Ё парвардигори олам! Ўз паноҳингда асра. Абуҳасан, сен онангни, кўни-кўшниларингни танимай қолдингми? Сенга нима бўлди, ўзи? Мен отангнинг жонажон дўсти Обид тўғонман-ку. Ҳамиша қишлоққа сув тошганда, сувга тушиб тўғон қурадиган.

**Ҳ а с а н.** Эй сўқирлар, ҳўқизлар! Мен Абуҳасан эмас, шоҳман! Билмасаларинг билдириб, ақлларингни кирғизиб қўяман, билдиларингми? Мен олампаноҳ, эл-юртнинг раҳнамоси, етти иқлим ҳукмдори, шоҳман!

**Ч о л (бошини афсусли тебратиб).** Тўғри сен шоҳсан, биз Абуҳасан билан адаштирибмиз. Фармони олийларига мунтазирмиз. (*Ёнидаги кишига.*) Жиннихонага юур!

*(Киши тез чиқиб кетади.)*

**Ҳ а с а н.** Ҳа, чол. Энди сенга ақл киряпти, кўзинг равшанлашяпти. Шундай подшоҳи оламни жиннига чиқаргани уялмадиларингми?

**Ч о л (ёлғондан).** Биздан ўтилти, шоҳим, мен кексаман, кўзим хира тортиб қолган. Сизни дўстимнинг ўғли Абуҳасанга ўҳшатибман. Бир қошиқ қонимдан кечинг, шоҳим.

**Ҳ а с а н.** Кўзинг эмас, ақлинг хира тортган, чол, ақлингнинг зангини тўкиш керак. Бунинг учун филнинг думи билан 16 марта калтаклатиш имони керак. Шунда ақлинг тиниқлашади. Дарров Абуҳасан билан шоҳни ажратадиган бўласан (*қўл кўтаради*).

**У м м и (Ҳасаннинг қўлига ёнишиб).** Ҳай, ҳай, болам, отангни жон дўсти-я, қўл кўтарма, имонинг куйиб кетади.

**Ҳасан.** Кампир, мен шоҳман. Фуқарони ёшу қарисига қарамай уриб туришим керак. Бўлмаса шоҳни жиннига чиқазадими? Тентак чол.

**Умми (ёлбориб).** Жон болам, ўзингни бос, майли, сен шоҳсан. Биз фуқаролармиз. Бизга нима буюрсанг шуни қиласиз. Айтинг, шоҳим, нима қилайлик?

**Ҳасан.** Ана, кампир, сенгаям ақл киряпти. Калтак яхшида. Ҳаммани дарров ақлли қилиб қўяди. Менинг амру фармоним! Ҳамманг ит-мушук, бўри-тулки бўлиб, увиллаб, чийиллаб, ўйинга тушинглар!

**Чол (одамларга кўз қисиб).** Майли, шикаст етмаслиги учун айтганини қилайлик. Мана мен бўриман. Уввв! (*Қўшилар вовиллаб, миёвлаб, увиллаб ўйинга тушишади.*)

**Ҳасан (ўзининг қулогидан тортиб, калласини лиқилатиб).** Ҳақиқатан ҳам мен шоҳ эканман. Айтганимни бажаришди! (*Қўшиларнинг орасига кириб у ҳам ўйнаб кетади.*)

«Мен пошшоман, мен пошшо,  
Ёнгинамга яқинроқ кел, ойпошшо».

(*Занжир, тасма, киshan қўтарган табиб ва иккита миршаб кириб келади.*)

**Табиб.** Бас қилинг, ҳамманг жиннига ўхшайсан-ку.

**Чол (табиб олдига келиб).** Биз атайдан. Аслида Абуҳасан жинни.

**Ҳасан (табибга).** Эй сўқир! Мен жиннимасман, мен шоҳман!

**Табиб.** Бизнинг шоҳ билан ишимиз йўқ. Биз Абуҳасанни кишангага соламиз. То эси кирмагунча савалаймиз.

**Ҳасан.** Ҳой, маҳлуқлар; мени шоҳлигимни кўра- била туриб кишангага солсаларинг, ҳамманг кўр бўласан!

**Табиб (чолга).** Обид ота, бола бечора чинданам ақлдан озибди. (*Чол бошини сарак-сарак қиласди.*) Миршаблар! Кишангага солиб, бир савалаб эсини киритинглар!

(*Ҳасанинн ушлаб, оёқ-қўлига кишангага солишади. Сўнгра дарра билан савалаб кетишади. Ҳар ургандада Умми хола инграб, миршабларнинг қўлига ёпишади.*)

**Ҳасан.** Войдод! Сенлар хато қиляпсанлар! Кейин пушаймон бўласанлар! Тавбангни қабул қилмайман. Мен олампаноҳларинг бўламан.

**Умми.** Ўзингта раҳминг келсин, болам, аъзойи баданинг қопқора қон бўлди-ку. Сен шоҳ бўлсанг, шунаقا азоб беришармиди? Болам, қалтак остида ўлиб қолмасдан эсингни йиф. Жиннихонага олиб кетишса адойи тамом бўласан. Сенга қўшилиб мен ҳам гўрга кираман, болам. Эсингни йиф. Мен онангман.

**Табиб.** Умми хола, ёпишманг! Фойдаси йўқ. Буни қалтак эсини киритади. (*Миршабларга.*) Жиннихонага!

Ҳасанни сузонгич буқани боғлагандек кишан, тасма, занжир билан олиб кетишади. Ҳасан қўйвор деб юлқинади. Юришга тихирлик қиласди. Судраб олиб чиқишиади.

**Умми** (*табибга*). Ўғлим, боламга раҳм қилинг. Кўп урманг.

**Табиб.** Жиннига раҳм қилинмайди. (*Чиқади.*)

**Умми** (*айғлаб*). Вой, болам, Абуҳасаним, бу не кўргилик. Вой, мен энди нима қиласман, вой болам, болажоним.

**Чол.** Болани кетидан онаям ақлдан озмасайди.

**Чироқ учиб ёнади.**

#### IV КЎРИНИШ

I кўринишнинг ўзи. Ҳеч нарса ўзгармаган. Орадан бир ойу ўн кун ювакт ўтган. Ҳасан отланган.

**Умми.** Ўғлим, йўл бўлсин?

**Ҳасан.** Ойижон, жиннихонадан келганимга уч кун бўлди. Юрагим сиқилиб кетди. Карвонсаройга бориб, бирон-бир мусофирини бошлаб келиб, меҳмон қилсан, суҳбатлашсан, озгина дилим ёзилармиди.

**Умми.** Ҳали унча дармонинг йўқ, ўғлим. Тағин узилиб қолмагин.

**Ҳасан.** Ойижон, юриб турмасам дармон кирмайдиганга ўхшайди. (*Эшик ҳалқаси одобли қоқиласди.*)

**Умми.** Ким бўлди?

**Ҳасан.** Эшик очиқ, ким бўлсангиз ҳам келаверинг.

**Умми.** Меҳмон. (*Ҳасанга.*) Мен овқатга қарай.

Чиқиб кетади. Шоҳ билан Масрур бир ою ўн кун аввалги кийимда киришиади.

Шоҳ. Ассалому алайкум. Абуҳасан, биродарим, бормисан? (Кулоч ёзib кўришмоқчи бўлади.)

Ҳасан (ўзича). Ия, бу ўша эшикни очиқ қолдириб, шайтон васвасасига солганилар-у, йўқ, уларнинг турқи курсин. (Шоҳни итариб.) Уйимда жой йўқ. Кетинглар!

Шоҳ. Азизим, кетаман. Жой бўлмаса бўлмас. Осмон ости уйимиз. Аввал сўрашайлик. Сени бир ою ўн кундан бери кўрганимиз йўқ. Соғинишиб қолганмиз, бир дийдорингни кўрайлик деб, жигар тортиб келдик-ку.

Ҳасан. Дийдорингиз курсин, йўлингиздан қолманг! Тушунарлими?

Шоҳ. Азизим, яхши одам эдинг-ку, мени ёдингдан чиқардингми, менга меҳмоннавозлик қилиб, лутфу марҳаматлар кўргазган эдинг. Ўшандан бери сени ўз юртимизда кишиларга сўзлаб юрибмиз. Қани, орамиздаги дўстлик риштаси? Ё бошқа ширин улфатлар топиб өлдингми?

Ҳасан (шоҳга). Кет! Кет! Мен сени танимайман, сен ҳам мени танимайсан. Эсламай қўя қол. Тортган азобларим бир умрга етади. Кет! Кет! Шайтон васвасалари.

Шоҳ. Азизим, бир ою ўн кун бурун кўришган эдик. Бунчалик тез ёдингдан чиқарасан, деб ўйламаган эдим. Ошначилигимиздан тонишингдан сенга бир нима бўлганга ўхшайди.

Ҳасан. Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Битта илтимосим. Кўзимдан йўқолларинг! (Кўкрагидан итариб.)

Шоҳ. Кетамиз, албатта. Мен сени икки кўзимдан ҳам ортиқ қўраман. Сенга меҳр-муҳаббат изҳор қилганиман. Бирон ҳожатинг бўлса айт. Хизматингга тайёрман, деганиман. Бирон ножёя иш қилганим йўқ-ку. Сен эса таҳқир қиляпсан, наҳотки...

Ҳасан. Кўй бу гапларингни, йўлингдан қолма! Йўқол! Сенга ҳеч қандай лутфу марҳамат кўрсатганим йўқ. Тезроқ кет! Сен туфайли чеккан азоб-уқубатларимни эсимга солма.

Шоҳ. Оҳ, биродарим Ҳасанбой. Сени бунчалик бағритош демагандим. Мен сени яхши одам, кўнглида кири йўқ, меҳроқибатли, одобли деб билар эдим. Икковимиз хурмат-иззат билан яхшиликча хайрлашган эдик. (Келиб Ҳасанни юзидан ўнади.) Мени сендан бўлак чин ва содиқ дўстим йўқ. Менга

бу гал ҳам лутфу карам қилиб, бу оқшом ҳам суҳбатингдан баҳраманд қилишга розилик бер. Суҳбатинг дилимнинг чигилини ёзади. Сени тоза соғинганман. Сени ўз олис шаҳримдан атайлаб кўргани келдим. Бир кечагина бирга бўлиб, хуморим ёзилсин, азизим.

**Ҳасан (тутақиб).** Уфф, мени ҳол-жонимга қўй! Бир марта жинни бўлганим етади. Ўз ногорангни чалиб, сурнайингни тортавер. Жўна! (Умми кўзада шарбат олиб кириб, хонтахтага қўяди.)

**Шоҳ.** Азизим, Абуҳасан, мени ҳайдаб соласан, ноумид қиласан, деб ўйламаган эдим. Нечук менга бу қадар бақирасан? Айт, нима гуноҳ қилдим, билиб қўяй. Ҳар нечук афвга лойик одамман, сени яхши қўришимни, саодат тилашимни ўзинг биласан-ку.

**Умми (Ҳасанга).** Ўғлим, одатимиизда меҳмонни бу қадар хор қилмайди. Ўзи келган меҳмон атойи худо дейдилар. Булар жаҳонгашта, азиз одамлар кўринади.

**Ҳасан (онасининг сўзидан ўтолмай).** Ҳа-а, майли, онам сўзи менга олтин. Бўлмаса, қани, тўрга ўтинглар!

**Шоҳ.** Эй, раҳмат, азизим!

(*Тўрга ўтишиб фотиҳа ўқшишади. Чой қуийиб узатади. Таомга ундейди. Улар овқатланишади. У-будан тотинишади.*)

**Ҳасан.** Энди сизлар туфайли бошимда нелар кечганини айтиб бераман. Нега сизлардан ранжиганлигимни билиб оласизлар.

**Шоҳ.** Билардим, Абуҳасан, сен одамохун йигитлигинг учун рухсат бердинг, ташаккур. Нечук ранжиганлигингни билиш биз учун жуда муҳим.

**Ҳасан.** Ўшанда мен ухлаб қолибман. Сизлар эшикни қия очиб кетибсизлар. Туш кўрибман. Тушимда подшо бўлибман. Саройда ҳалигиндай чўрилар, хизматкорлар, мулоғимлар, вазирлар, амирлар... Уйғониб, қаранг, ўнгимдаям шоҳман деб хархаша қолибман. Онамни урибман. Кишанлаб, жиннихонага олиб боришди. Жиннихонада ҳар куни уришади. Мен шоҳман дейман. Улар Ҳасансан, деб уришади. Хуллас, ҳаммаёғим дабдала бўлиб кетди.

(*Кўйлагини кўтариб баданидаги чандиқларни кўрсатади.*)

**Шоҳ.** (кулгисини босиб). Вой-вой-вой!

**Ҳасан.** Охирى бир ой деганда, ҳа, мен Ҳасанман, деган эдим. Ана энди тузалди деб чиқарып юборышы. Ҳа, сенларга күлгили, мен онамни урдим-а. Кечирилмас гунохга ботдим. Отамни жон дўсти Обид тўғон отани ҳақорат қилдим. Энди ҳамқишлоқларим олдида бошим эгик. Уйга қамалиб ўтирибман. Уятдан ер ёрилса-ю, ерга кириб кетсам. Онаизорим мени кечирди. Ҳаммасига сизлар зоминсизлар. Сабабки, эшикни ёпмагансизлар, шайтон кириб, сен шоҳсан, деб васваса қилган. (*Шоҳ кулади.*) Сен савдогарлар туфайли бошимга келган савдолар каммиди, куласан, ҳазиллашаётганим йўқ. Рост бу.

**Шоҳ** (ўрнидан туриб, Ҳасанни қучоқлаб). Шукр, омон қолибсан. Эшикни ёпмай кетишим орқасида бунчалик азият етишини билмабман. Шайтонни бўйни узилсин, ҳаммасини ҳали кўнглингдан чиқарып юбораман.

**Ҳасан.** Майли, ўтган ишга салавот. Бир илтимосим, бу гал эшикни қаттиқ ёпиб кетасизлар. Яна шайтон...

**Шоҳ.** Хотиржам бўл. Ҳали кўп яхшиликлар кўриб, азобларингни унутасан.

**Ҳасан.** Эрталаб эшикни ёпиб кетсанглар бас, гуноҳларингиздан ўтдим. Қани, дастурхонга, марҳамат!

**Шоҳ.** Бале, мардона йигит. Сендан ўтган бўлса биз кечирдик. (*Улар еб ичишади.*) Абуҳасан, ҳадеб эшикка қарайверасан?

**Ҳасан.** Эшик ёпилмай қоладими деб хавотирдаман.

**Шоҳ.** Кўр ҳассасини бир марта йўқотади. Хотиржам бўл. Эшик очиқ қолмайди. Дарвоҷе, умрингда биронта қизга кўнгил қўйганмисан?

**Ҳасан.** Ҳаёлимга келган эмас.

**Шоҳ.** Наҳотки, ҳеч кимга кўнглинг мойил бўлмаган бўлса?

**Ҳасан.** Ҳа, шайтон вассваса қилганда, ўзимни шоҳ ҳис қилганимда, бир соҳибжамол чўри байт айтиб кўнглимни олган эди. Бундай гўзал чўрилар подшонинг ҳарамида, вазирларнинг хонадонида бўлади. Агар унинг овозини эшитсангиз, ҳусну жамолини кўрсангиз, мендан кўра кўпроқ маҳлиё бўлиб қоласиз. У туш. Кимнинг туши ўнгидан келибди дейсиз.

**Шоҳ.** Абуҳасан, сенга раҳмим келяпти. Севгисиз умр зое.

**Ҳасан.** Эй, жаҳонгашта, уйланиб нима қиласман. Оғримаган бошимга олтин сирга осиб. Умрим ёлғиз, тинч-

## Ҳаблалүлү (шарбат қуийб узатади).

Узунми, қисқами, тун барибир-ку,  
Күзимда барибир йүк зарра уйқу.  
Тополсайдим агар ул ой висолин,  
Күриқлаб ётмас эрдим тун ҳилолин.

## Ҳасан

Ошиқ-маъшуқ туни қисқа ҳамиша,  
Висолга етганда тонг отар, эй воҳ!  
Ой ётоққа кетар қилиб андеша,  
Бундан фақат уйғоқ чўлпондир, огоҳ.

## Нажма

(Ҳасанга яқин келиб рашк қилгандек).

Рафиқо, сўйла, токай, кетгусидир тунларим бедор,  
Фамӯ ҳасратларимни тўкай, этмам ёrima изҳор.  
Дегил ёлғиз топиб, маҳбубинг арзингни холис,  
Билур, токай, менга тунлар узогу кечалар олис.

Ҳасан. Эй жону жаҳоним! Бу байтларни яна бир бс тақрорла, менга яна бир коса шарбат тутсанг, қўзларингн.. садқаси деб сипқарурман. Нажмабону, қўзларинг бир жаҳону.

Нажма. Бош устига, шоҳим. Сиз талабгор бўлсангиз бир умр тақрорлашга тайёрман.

Ҳасан. Нажмабону, ана тилу, ана забону.

Шоҳнинг панада рашки келиб, газаби қайнайди. Ҳаблалўлуга, шарбатига дори солиб бер, деган ишорани қиласди. Ҳаблалўлў пиёлага дори солиб, устига шарбат қуийб Ҳасанга узатади.

## Ҳаблалўлў

Эй мурувватли шоҳи жаҳоним,  
Ширин орзуларим, тандаги жоним.  
Менинг илгимдан ҳам олинг бир шарбат,  
Сипқариб берсангиз лер эдим раҳмат.

## Ҳасан.

Илгингдан шарбат ичмоқ насиб этди минг шукр,  
Ғунча лабингда табассум, ой юзингда шарофатли нур..

Шоҳ (ўзича). Гапни чўзма кўп, шарбатни ур.

(Ҳасан шарбатни сипқаради ва секин ийқилади. Шоҳ ўз ишидан мамнун қаҳ-қаҳлаб узоқ кулади.)

Шоҳ. Масрур! Шоирни орқала! Чордеворига элт! Жойига ётқизиб кел! Унутма, қайтишда эшикни қия очиқ қолдир.

Масрур. Бажонидил, шоҳим. (Ҳасанни елкасига олиб, кўтариб чиқиб кетади.)

Шоҳ (қотиб-қотиб кулади). Энди бу тентак шоир бир умр шоҳлик лаззати билан жинни бўлиб юради. Мен эса жиннилардан ҳузур қиласман. Ха, ха, ха!

Чироқ ўчиб, ёнали.

## III КЎРИНИШ

Ҳасан ўз уйида, биринчи кўринишдаги манзара такрорланади. Кўрпача устида ухлаб ётибди. Тўлғанади. Боши фум. Дорининг кучи билан карахт.

Ҳасан (кўзини ярим очиб). Ҳаб... Ҳаб... Лўлӯ! Ҳой, Нажма! Давратулқамар! Қаёқдасизлар? Дарров ёнимга келинглар! Хизматкорлар! Чўрилар! (Пауза.)

Ер ютиб кетдими ҳаммангни. Нега унларинг чиқмай қолди. Филни думидан калтак тилаб қолдиларингми? Лўлўйү?! Нажма!!! (Онаси киради.)

Умми (ҳайрон). Ҳай, ҳай, болам, сенга нима бўлди.? Намунча бақирасан. Довдираяпсанми, алаҳаяпсанми? Ҳали турмадингми? Кеча кечгача ётдингми? Мен холангниги бориб келдим. Турақол энди. Тур! Ланж бўлиб қоласан.

Ҳасан (карахт, ланж ҳолда онасига). Ҳой, кампир, ўзинг кимсан? Сени саройга ким киригди? Миршаблар! Кампирни дорга осинг! Диidorини кўрмай.

Умми. Ҳай, ҳай, сенга нима бўлди? Мени танимаяпсанми, мен онанг бўламан? Сен менинг ўғлим Абуҳасансан. «Миршаблар!», «Лўлӯ», «Нажма!» «Чўрилар!» Бу нима?!

Ҳасан. Нима ишлари бор экан?

Вазир. Шоҳим, сизга зафар ёр, душманларингиз хору зор бўлсин. Улар сизнинг янги амри фармонларингизга муштоқдирлар.

Ҳасан (*Нажматуссубҳга*). Ма, бармоғимни... (*Тишлайди*.) Войдод! Тўғри, шоҳман. (*Вазирга*.) Сен уларга айт. Бугун дам олишсин. Ҳа, миршаббошига айт. Етти ўрик қишлоғига бориб, тўрт миршабни ушласин. Оқсоқолни топсин. Ҳар бирини филнинг думи билан 400 даррадан урсин. Сўнгра эшакларга тескари миндириб, юзларига қоракуя суртиб, шаҳарга олиб келиб сазои қилиб айлантиrsин. Олдида жарчи юриб «Шоҳнинг фармонини бузиб, эл-юртдан солиқни ортиқча олиб, уларни хороб қилган одамларнинг жазоси шу!» деб жар солиб юрсин. Вазир! Яна ҳазинадан беш юз олтин олиб, ҳамёнга солиб, Етти ўрик қишлоғидаги Умми она деган хотинга олиб бориб бер.

Вазир. Бош устига, шоҳим. Фармонингиз чақмоқдек зудлик билан бажо бўлур. (*Таъзим қилиб чиқиб кетади. Шоҳ қотиб кулади*.)

Ҳасан. Оббо, шарбатни кўпроқ ичворибман шекилли, қорин гўлдираяпти. (*Ўрнидан туриб ҳожатхонани қидириб қолади. Қайси эшикка кишини билмайди*). Чўри! (*Нажматуссубҳ лагандга таом олиб келаётганда урилиб кетади. Таом тўкилади. Нажма бурчакни кўрсатади. Югурниб кириб кетади. Шоҳ кулади, ҳузур қиласи*.)

Шоҳ. Эҳ Ҳасан, Ҳасан. Ичакларимни уздинг. Вой ўламан,вой текин томоша-еий.

(*Ҳасан мамнун чиқиб келади. Нажматуссубҳ дарров дашишу ва сочиқ тутади. Ҳасан қўл ювади*)

Ҳасан. Исминг нима, гўзал!

Нажма. Нажматуссубҳ.

Ҳасан. Войбў, мунча қийин. Наж, наж.

Нажма. Нажматуссубҳ.

Ҳасан. Оддийгина Нажма деб қўя қоламан.

Нажма. Шоҳим, ихтиёр сизда.

Ҳасан.  
(чүнтағидан олма олиб).

Эй гүзалим, мана шу олмани сен етин,  
Типирчилаган юрагимга малҳам бўлгин.  
Сени кўргач кўксимга бир ўт тушди,  
Ақлу ҳушим бошимдан учди.

Ол, жоним, шоирлигим қўзиб қолди.

(Нажма олмани нозу истигно билан олади.)

Шоҳ (панада қулиб). Вой-вой, ўламан, шоирлиги қўзиб  
қолғанмиш. ҳали ҳаммаёқни

«Илон кирап вишиллаб,  
Илон чиқар вишиллаб»,

деган шеърга тўлдириб ташламаса.

Ҳасан (Ҳаблалўлӯга). Сени отинг нима, малак?

Ҳаблалўлӯ. Ҳаблалўлӯ.

Ҳасан. Ҳаб, ҳаб, лайл-лай. Сеники жудаем қийин экан-у.  
Сен мени ўрнимдан турғизиб, олтин кавушлар кийдиргансан-а.

Ҳаблалўлӯ. Ҳа.

Ҳасан. Тилинг ширин, ўзинг нозик, кўзинг шаҳло, ақлинг  
доно, барно қиз экансан. Сени ҳам оддийгина Лўлӯ дейман,  
майлими? Лўлӯ гўзал, сўзлари асал.

Ҳаблалўлӯ. Бажонидил, сиз Лайлай десангиз ҳам  
розиман.

Ҳасан. Лўлӯ, отингнинг маъноси нима?

Ҳаблалўлӯ. Бир шода инжу дегани.

Ҳасан. Нотўғри. Бирдан- бир инжу деса тўғри бўлади.  
(Ластурхондаги кўзадан шарбат қуайиб). Нажма, Лўлӯ, мана шу  
шарбатни иккаловингни бошингдан, гўзал кўзларингдан ўгириб  
ичаман.

Шоҳ (ўзича). Оббо, яна шарбат ичадиган бўлди-ку.  
Яна шоир югуриб қолмаса.

деб сўрайверадилар. Яна чимчилатиб, бармоқларини тишлатиб ҳам оладилар. Лекин жиннихона, Ҳасан каби гапларни тушда кўрганликлари аниқ. Мана кеча Етти ўрик қишлоғидан тўрт миршаб билан оқсоқолга жазо берганлари ростми, рост. Умми кампирга беш юз олтинли ҳамён юбортирганлари ростми, рост. Ўйинчи канизаклар билан рақс тушганлари ростми, рост. Мен билан баҳри байт айтишганлари ростми, рост.

Ҳасан. Рост. Лекин бадандаги жиннихона чандиқлариям рост. Бошим гаранг. Қизиқ. Бугун шоҳ, эртага жинни. Бугун жинни, эртага шоҳ. Бугун саройда, эртага жиннихонада. Ҳамма шоҳлар ҳам шунаقا жинни бўлармикан, а? Нажма! Лўлу! Мусиқа! (*Мусиқа янграйди. Ўйинга ҳамма тушади. Шоҳ ҳам ўйинга тушиб кетиб, Ҳасаннинг олдига келиб қолади*). Савдогар! Тавба! Яна жиннихона, йўқол! Йўқол. Мусиқа, тўхта!

### (Мусиқа тинади)

Шоҳ. Ҳасан ҳазилкаш, мени кулдириб, ичагимни уздинг.

Ҳасан. Ҳа, ярамас савдогар, сен туфайли мен онамга қўл кўтарган эканман-да. Кўни-қўшним бўлмаса уриб ўлдириб қўярканман-да. Сен экансан-да мени жинни қилган. Қасамхўр, калтак зарби ҳали баданимдан кетгани йўқ. Қишлоғим олдида юзимни қаро қилдинг. Аблаҳ сени бир адабингни бермасам... (*Кувлайди, қочади*.)

Шоҳ. Шошма, Ҳасан, бу балоларни бошингга мен келтирдим. Мен ҳақиқий шоҳман. Ҳозир сенга шундай инъомлар қиласманки, ҳаммасини унутасан. (*Ҳасанни қучоқлаб олиб*.) Азизим, Ҳасан ҳазилкаш, тила тилагингни! Сенга иззатхурматим чексиз. Чўрилар! Унга юксак, қимматбаҳо сарполар келтиринг!

(*Ичкаридан баркашда зарбоф тўнлар олиб чиқишиади.*)

Ҳасан. Ўзимнинг кийимимни келтиринг! Зарбоф тўнлар киймайман. Мен шоҳ эмас, жинни ҳам эмас, Ҳасан ҳазилкашман.

Шоҳ. Абуҳасан, орзу-умидингни айт!

Ҳасан. Эй шоҳим, не гуноҳим бор эдики, ақлимдан бегона қилдинг! Бу ишингнинг боисини айтсанг, бир қадар дилим таскин топарсан.

**Шоҳ.** Сен Абуҳасан, кўнгли тоза, ўқимишли, ҳақиқий инсон экансан. Сенингдек пок виждонли, билимдон инсон менинг тасарруфимда борлигидан чексиз хурсандман. Сен саройимда қоласан. Сенга лойиқ амал бераман. Кўнглинг мойил бўлган саройимдаги гўзални тўй-томуша қилиб олиб бераман.

**Ҳасан.** Шоҳим, инъом-эҳсонлар менга керак эмас. Давлатга ҳирс қўйиш ва суқлик одатим йўқ. Менинг тилагим онамнинг бағрида боғ-роғимни парваришлаб, экин-тикин ўстириб кун кечиришдир.

**Шоҳ.** Сенинг тилагинг шу бўлса, сенга меҳрим яна зиёда бўлди. Сенга бир маош тайин қилурман. Маликам айтди, сенинг кўнглинг Нажматуссубҳда экан. Унинг ҳам сенга мойиллиги кучли экан. Сен кетгандан бери ишқу изтиробингда. Сизларга шаҳардан бир қаср инъом этаман. Шу ерда тўю томоша бўлади! Мусиқачилар! Ҳасан ҳазилкаш ва Нажматуссубҳ никоҳи олдидан бир куй чалингларки ҳамма сарой аҳли ўйинга тушсин. (*Ҳамма ўйнайди. Ўйин тинади.*)

**Ҳасан** (ўзича). Шоҳ мени боплаб тузлабди-ю. Мен унга ҳазил қанақалигини бир кўрсатиб қўяман. Шоҳни ҳали бир ўйнатаман. Мана кўрасиз.

(Чироқ ўчиб ёнади)

## VI КЎРИНИШ

І кўринишдаги манзара. Ҳасанниг уйи. Фақат хонтахталар олинган. Тўрда Умми хола ғурур билан нуроний бўлиб ўтирибди, Ҳасанни жиннихонага олиб кетганда кирган кишилар келишади. Олдинда чол Обид тўғон.

**Ҳамма (баравар).** Умми пошшойимга таъзим!

**Чол.** Уммипошша, шоҳнинг онаси, сенга таъзим ва тасанно бўлсин.

**Умми.** Вой қанақа пошшо, Абуҳасаним осмонга устун, ҳовузга қопқоқ, кўрпага енг бўлсаям менга Абуҳасанжон. Жа унақа кўпам хушомад қиласвермаларинг. Отанг нешчилик, бўзчилик деган. Бир кун тушидами, ўнгидами шоҳ бўлса, мен дарров пошшойим бўлдимми?

Чол. Умми пошша, сен ўзингни гўлликка солма, бир кунми, бир соатми бўлсаям пошшо бўлдими? Бўлди. Демак, сен пошшони онасисан. Пошшонинг онаси пошшойим бўлади.

Умми. Энди мени жиннихонага жўнатмоқчимисанлар?

Чол. Йўқ, кўрдингми, бир кунда миршабларни, оқсоқолни нима қилди. Сенга 500 олтинли ҳамён келтириб беришди. Миршаблар бир ой бўлсаям мулоийим бўлиб юришдими? Юришди. Лекин яна жазавасига миниб кетишиди ярамаслар.

Овозлар. Тўғри, яна ўша-ўша, Алихўжа-Хўжаали. Соликни икки баравар оширворди. Бор-йўғингга қарамайди. Йўқ десанг ҳибсга олади. Ердам беринг, пошшойим.

Умми (кулиб). Вой, мен бир муштипар хотин бўлсам...

Чол. Йўқ, сен энди муштипар эмассан. Сен қудратли аёлсан. Пошшойим, Абуҳасан Мирза деган ўғлинг бор. Ўғлингга халқнинг аҳволини айт. Бир илож қилсин. У топади йўригини. Ақл-идроқдан худо берган унга.

(Табиб сўлғин кириб келади.)

Табиб (Умми олдига чўк тушиб). Пошшойим, мени кечиринг. Мен нодон, мен аҳмоқ, асли мен жинни, ўғлингизга кўп озор бериб қўйганман. Қаранг, ростдан у шоҳ экан-у, жиннимас экан, а? Кечиринг, айтинг, кечирсин. Бир умр хизматини қилай, пошшойим.

Умми. Илгариям жинни билан соғни ажратармидинг?

Табиб. Жиннилар бир сўзли бўлади. Сўзидан қайтса, соғайгани деб ўйлайман. Кейин ҳамма жинни деса бўлди. Ҳаммага ишонаман. Бутун қишлоқ жинни деди, сиз ҳам жинни дедингиз. Кечиринг, пошшойим, итингиз бўлай.

Умми. Майли, айтаман, жазо бермайди. Бугун келиним Нажматуссубҳи менга «салом»га олиб келади.

(Бир йигит югуриб кириб).

Овоз (хурсанд). Абуҳасан хотинини олиб келяпти шоҳона соябон аравада. Атрофида чўрилар ўтиришилти. Хизматкорлар ҳам бор. Карнай-сурнай чалинган овозини эшитяпсизларми?

(Карнай-сурнай, ногора овози келади.)

Умми (ҳаяжонланиб). Вой, худойим-ей, ўз паноҳингда асрагин ёлғизимни бало-қазодан. Ҳув Обид түғон, олдимга фақат ўғлим билан келиним кирсин. Қолганларни нариги ҳовлига олинглар. Вой, ғалати бўлиб кетяпман.

Чол. Хўп бўлади, Умми пошша (ҳамма чиқади). Шоҳона келин ва куёв либосида Нажматуссубҳ ва Ҳасан киради. Она ўрнидан туради. Нажматуссубҳ таъзим қилиб, келинсалом қиласди. Ҳасан ҳам эгилади. Таъзимда.

Умми. Ваалайкум ассалом, баракалла, кўп яшанглар, кўша қаринглар! (Кўзига ёш олиб, рўмолини учи билан артади). Сизларни етқизган худодан айланай. Болаларим, ўтиринглар, мен ҳозир дастурхон тузаман.

Нажма. Вой, ойижон, мен ўзим... Сиз ўтиринг.

Умми. Янгисиз, қаерда нима борлигини билмайсиз.

Нажма. Ойижон, ҳаммасини топиб оламан.

(*Нажма чиқади.*)

Ҳасан. Майли, ойижон, энди сиз тўрда ўтирасиз. Келинингиз хизмат қиласди, мен хизмат қиласман. Энди хурсанд-мисиз?

Умми. Вой, болажоним, хурсанд бўлмаслигим ҳам бор эканми. Сен ўзингга шаҳзодалардек шоҳ саройидан умр йўлдош олиб келасану хафа бўламанми, босган жойинг ўт бўлсин, бало-қазо йўқ бўлсин. Тупроқ олсанг олтин бўлсин. Олтин бошинг омон бўлсин!

Ҳасан. Қишлоқда нима гап, ойижон?

Умми. Эй, қишлоқда фақат сени гапинг, болам. Абу-ҳасан шоҳ бўпти. Сарой маликаларидан бирига уйланипти. Шоҳ алоҳида қаср инъом қипти. Саройда амалдор эмиш. Ҳаммани қулдириб ичагини узармиш, ҳатто малика Зубайдада бегимни ҳам қулдирап экан, деган гаплар, яна озгина таъна-дашномлариям бор.

Ҳасан. Қанақа таъна-дашномлар?

Умми. Ке, кўй, кейин бафуржা айтарман.

Ҳасан. Йўқ, бугун, ҳозир айтасиз.

Умми. Қўя қол, ўғлим.

Ҳасан. Йўқ, менга ана шу таъна-дашноми керак.

Нажматуссубҳ баркашда қанд-қурс, олма, узум, нок, олхўри олиб кириб хонтахтага қўяди. Кейин чиқиб кетиб патнисда қўза ва пиёлалар олиб киради. Таъзим- тавозе билан онасига шарбат қўйиб узатади.

**Нажма.** Ойижон, узум шарбати, биринчи шарбат, олинг.  
**Ҳасан.** Келинингиз қўлидан биринчи шарбат.

**Умми.** Кўп яшанг, умрингиз шарбати ширин сўзларингиздай бўлсин.

**Нажма.** Тилингизга бол, ойижон. (*Абуҳасанга ҳам қўйиб узатади.*)

**Ҳасан (шарбатни олиб).** Ҳалиги таъна-дашномни айта қолинг.

**Нажма.** Таъна-дашном? (*Ҳасанга ҳайрат билан қарайди?*)

**Ҳасан.** Менинг номимга қишлоқда хушомадлар билан бирга таъна ва дашномлар бўляпти.

**Нажма.** Ҳа??!

**Ҳасан.** Ойи, гапираверинг, орамизда сир йўқ. Эр-хотин орасида сир бўлса, эр-хотин эмас, бегона бўлади.

**Умми.** Қистама, болам. Эшиқдан келмасдан тешикдан таъна гапларни айтсан, келиним, ойим ҳасраттўй, гап чақувчи экан, демайдими?

**Нажма.** Ойижон, биз фарзандларингизмиз. Сиз бугун сир яширангиз, эртага афсус ва надомат бўлиши мумкин. Бугуннинг гапи бугун ҳал бўлса эрта равshan бўлади. Бугун ҳал бўлмаса, эртага газак олиши мумкин.

**Умми.** Айланай келинимдан, тўғри айтдингиз, истиҳола қилиб турувдим. Бўлмаса эшитинглар. Таъна-дашном ёмон нарса, таъна-дашном тоши мисоли камон ўқидай у ёқ-бу ёғингни тешиб ўтади. Ўғлим Абуҳасан.

**Ҳасан.** Лаббай.

**Умми.** Отангни дўсти Обид тўғонни биласан, а?

**Ҳасан.** Ҳа, биламан. Чўққи соқолли чол.

**Умми.** Ўша кеча олдимга келиб нима деди дегин.

**Ҳасан.** Ҳўш, нима деди?

**Умми.** Ўғлинг Абуҳасан мулло бўлиб келганда мен Ҳасан ҳазилкашман, бир ҳазиллашсам қал қишлоқни гул қишлоқ қилиб юбораман, деганди. Қани нима бўлди, шоҳга майна бўлди. Охири бир исқирт чўрисини қўшиб берди. Фуқаронинг устидан шоҳнинг бир умр кулгани шу. Ўғлинг бир кунлик пошшо деган лақаб олди. Энди умр бўйи кулги бўлиб ўтади. Сизни қўшнилар бир кунлик шоҳнинг онаси кимсан пошшойим, деб қалака қилишяпти. Шоҳ энди ўғлингни бир

умр маймундай ўйнатиб юради. Қейин сен ҳам пошвойиммас, пашшайим бўласан (*айеглаб*).

Ҳасан. Бир ҳисобда тўғри таъна-дашном, ойижон. Лекин келинингиз Нажматуссубҳ исқиртмас — гўзал. •

Умми. Тақдир баҳтингни очган, болам.

Ҳасан. Тўғри, шоҳ мени роса майна қилди. Лекин мени ҳам ҳазиллашиш қанақалигини бир кўрсатиб қўймоқчиман.

Умми. Йўқ-йўқ, болам, шоҳлар билан ҳазиллашма. Уларнинг қўлида дор, зиндан, қилич бор. Бекорга олтин бошинг гуваладай думалаб кетади.

Ҳасан. Ойижон, эшакни минорага олиб чиқсан одам, олиб тушишниям билади. Усиз ҳам фуқаронинг боши ҳамиша ғам-кулфат, азоб-уқубатда.

Умми. Камбағалнинг пешонасига шундай битилган-да.

Ҳасан. Лекин ҳаракат қилса нимадир бўлади. Сендан ҳаракат, мендан баракат, деган машойихлар.

Умми. Қўрқаман, болам, қўрқаман. Эҳтиёт бўл!

(Чироқ ўчиб ёнади.)

## VII КЎРИНИШ

Абуҳасаннинг қасри. Кўрпачада Нажма дутор чалиб ўтирибди.

Ҳасан кириб келади.

Нажма (*одоб билан ўрнидан туриб*). Оlam шодлиги ва менинг қувончим. Дилингиз равшан, кўнглингиз хушиуд бўлиб келдингизми?

Ҳасан. Келдим, уйимнинг офтоби, баҳоримнинг қалдирғочи, соз чалиб, соз ўлтирибсизми?

Нажма. Ташаккур, оlam шодлиги ва менинг қувончим. Саройда не гаплар?

Ҳасан. Ҳар қачонгидек қуллуқ ва таъзим. Дабдаба ва асъаса. Пичир-пичир ва миш-миш. Шоҳимиз билан ҳазиллашгани бир режа топиб келдим.

Нажма. Оlam шодлиги ва менинг қувончим. Қандай бўларкин?

Ҳасан. Баҳоримнинг қалдирғочи, ўйлайманки, соз бўлур. Чунки шоҳимиз ҳазилни хуш кўради.

**Нажма.** Менинг қувончим. Шоҳлар ҳазил қилса фуқаро кўтаради. Фуқаро ҳазил қилса шоҳлар кўтаролмайди.

**Ҳасан.** Уйимнинг офтоби, онам айтмоқчи, бир умр маймун бўлиб юрмоқлик эр кишига оғирдир. Яна кеча қишлоғимиздан етти кишини миршаблар ҳайдаб кетиб зинданга солишибди. Жумладан, чол Обид тўғон ҳам бор экан. Уларни қутқармоқ учун тўланмаган икки минг олтинни тўлаш керак экан. Онам қаттиқ илтимос қилдилар. Отангни дўстига жабр бўлди. Қариган чоғида зах зинданда ётиш, деб. Онамга мен «Амири фармон беролмайман. Лекин икки минг олтинни шоҳдан ундириб олишим мумкин», дедим.

**Нажма.** Қандай қилиб?

**Ҳасан.** Ҳазиллашиб, сен кўмак берсанг.

**Нажма.** Жоним билан.

**Ҳасан.** Ишонч ва садоқатингга тасанно, баҳорим қалдирғочи. Бундай найранг ишлатмоқчиман.

**Нажма.** Қандай?

**Ҳасан.** Сен ўласан?

**Нажма.** Нима? (*Кўйнига туфлайди.*)

**Ҳасан.** Аввал мен ўламан, кейин сен ўласан. Ўлимимиз ғалати ва кулгили бўлади. Бу қишлоғимиз шоҳи ва малика Зубайдада бегимни хушнуд қиласди. Нақд икки минг олтин ундирамиз. Етти киши зиндандан озод бўлади. Биз савобга қоламиз.

**Нажма.** Олам шодлиги, менинг қувончим, не дессанг қўнаману, лекин ўлимга тобим йўқ. Сен ўлмоқчи бўлсанг ихтиёринг. Мен йиглайман, қайғурман, аммо лекин мен ўлишни мутлақо истамайман.

**Ҳасан.** Ақлдан озибсан. Хотин кишисан-да, хотинларнинг ақли қисқа бўлади, дегани рост экан. Нега ўлар эканмиз. Ўзимизни ростдан ўлдирамидик. Аҳмоқ бор эканми? Қулоқсол! Найрангни айтиб берай.

**Нажма.** Ўлим бўлмаса, нима десанг розиман.

**Ҳасан.** Эшит, мен уйнинг ўртасида чўзилиб ётаман. Сен каттакон кўрпа келтириб, мени ўрайсан. Бетимга салламни туширасан, юзимни қиблага қаратасан. Мотам либосини кийиб малика Зубайдада бегим олдига югурасан. Бетингни юлиб, сочингни ёйиб йиглайсан. «Ҳа», деса «Абуҳасандан айрилиб қолдик», дейсан. Аминманки малика Зубайдада бегим кўп олтин ва тобутимнинг устига ёпгани мато беради. У матодан зўр либослар тикитириб оласан.

**Нажма.** Қўрқиб кетаётибман. Ниҳоятда, аломат найранг.  
**Ҳасан . Ҳа-да.**

**Ҳасан** уйнинг ўртасида узала тушшиб ётади. **Нажма** кўрпага ўрайди. Салласини кўзига туширади. Юзини қиблага қаратиб қўяди. Сўнгра мотам либосини кийиб, сочини тўзитиб, додлаб чиқиб кетади.

**Ҳасан** (салланинг тагидан). Омад ёр бўлсин.  
Нажматуссубҳ!

(Чироқ ўчиб ёнади.)

### VIII КЎРИНИШ

Малика Зубайда бегим хонаси, кўшкда ўтирибди. Давратулқамар чўриси ҳажвий ўйин ўйнамоқда. Зубайдабегим қаҳ-қаҳ уриб кулади. Кўзэшларини шоҳи дастрўмол билан артади.

**Зубайдабегим.** Вой қуриб кетмагур-ей, қотирдинг-ку. Балосан-у, бу ўйинингни ҳеч кўрмаган эканман, тасанно.

Давратулқамар. Зубайда бегим, сизни Абуҳасан кулдираверадими? Биз ҳам кулдиришни биламиз. Энди Абуҳасан сизни кулдиришга қўли тегмаяпти шекилли, кўринмайди. Нажматуссубҳ бонуни кулдиряпти шекилли, ўзидан тиниб қолди.

**Зубайдабегим.** Асли Абуҳасанга сени узатсан бўларкан. Жа хилига мос тушар экансанлар.

Давратулқамар. (кинояли). Нажматуссубҳ бону сизни севимли чўрингиз эди-да. Биззиям пешонага битилган биронта Абуҳасан бўлмаса Абутанбал бордир.

**Зубайдабегим.** Топаман. Беклардан таг-зоти асиллардан (Нажматуссубҳнинг додлаган овози келади.) Даврат, Нажманинг овозими? Чиқиб қара! Давратулқамар юзларини юлиб, ўзини уриб йиглаётган Нажматуссубҳни суяб киради. Вой, нима бўлди? Вой шўрим, нима гап? Гапир?

**Нажма.** Вой, маликам, шўрим қуриди. Войдод, Абуҳасандан айрилиб қолдим. Ҳозиргина гулдай очилиб ўтирган эди. Шамдай учди қолди. Йиқилди-ю, жон берди. Наинки, ўлганинг рост бўлса паҳлавоним Абуҳасаним, оламнинг шодлиги, менинг қувончим эдинг. Вой, мен энди қандай чидайман? (Сочларини юлади.)

**Зубайдабегим.** (*ишиониб йиглаб-сиқтаб*). Абуҳасан яхши йигит эди. Пешонангга сифмапти-да. Начора, ўзингни қўлга ол. Кўп йифидан фойда йўқ. Ўлган қайтиб тирилмайди. Бу жудолик менга катта мусибат келтирди. Абуҳасан, оқ, кўнгил, хушчақчақ, сўзамол одам эди. Сенга ачинаман, жоним, яқингинада тўйларинг ўтган эди. Жамолига тўймай қолдинг. У ҳам хусну латофатингдан тўйиб-тўйиб баҳраманд бўлмади. Ҳа, тақдир шу экан, бошқа илож йўқ. Бас, йифлама. Давратулқамар, хазинадан минг олтинли ҳамён бер, иззат-икром билан кўмсин. Тобутнинг устини ёпишга зарҳал матолар бер.

**Давратулқамар.** Бажонидил.

(Чироқ ўчиб ёнади).

## IX КЎРИНИШ

**VIII кўринишдаги ҳолат.** Зубайдабегим ўрнида шоҳ ўтирибди.  
**Ёнида Масрур.**

**Шоҳ** (хурсанд). Қаҳ, қаҳ, қаҳ, Масрур!

Масрур. Лаббай, шоҳим!

Шоҳ. Шоҳингда барг бўлади-да.

Масрур. Лаббай, шоҳим.

Шоҳ. Абуҳасан билан иш хамирдан қил суургандек бўлди-а. Роса кулдик, а? Уям бало, хотинлик бўлиб олди. Қасрлиқ бўлди. Кўринмай қолдими?

Масрур. Шоҳим, сизнинг қайси ишининг қойилмақом, таҳсин ва офаринга сазовор бўлмаган. Ахир сиз тангрининг ердаги соясидирсиз. Абуҳасан энди хотини билан айшу фарогатда. Таклиф этсангиз албатта боши билан югуриб келади.

Шоҳ. Зериккандайман.

Масрур. Қизилбошлар билан уруш қилинг.

Шоҳ. Улар урушга арзимайди, кўй, яшасин. Кўнгилочтига бир нарса топ. (*Ташқаридан Абуҳасаннинг «Дод ўлим, войдод ўлим!» деб йиглаган овози келади.*) Масрур, Абуҳасанми? Чиқиб қара!

Масрур. Бажонидил, шоҳим! (*Чиқади ва мотамсаро Абуҳасанни бошлаб киради.*)

**Ҳасан** (шоҳнинг олдига тиз чўкиб). Шоҳим, олампаноҳим. Дод ўлимнинг дастидан, войдод ўлимнинг дастидан,вой, мен энди нима қиласман?

Шоҳ. Онанг ўлдими?  
Ҳасан. Нажматуссубҳ.  
Шоҳ. Нима?

Ҳасан. Унинг умри қисқа экан, сизнинг умрингиз узун бўлсин. Оҳ, дилдорим, дилкашим. Нажмажоним, сен билан даври-даврон суролмадим, дийдорингга тўёлмадим. Не бўлганин билолмадим. Кулиб ўтириб, шилқ этиб тушиб, қазо қилди-қўйди. Войдод, менга бу дунё энди қоронғу, иложи бўлса мени ҳам бирга кўминглар. Зубайдабегимнинг энг севимли чўриси эди-я.

Шоҳ. Абуҳасан, дод- фарёддан фойда йўқ. Сен эркак кишисан, ўзингни кўлга ол. Хотин кишига бунчалик фарёд унчалик зарурмас, кўп қайғурма, чўрим кўп, олтин бошинг омон бўлса яна биттаси, Ҳаблалўлуми, Ёқуталқалбми, Давратулқамарми?

Ҳасан. Шоҳим, мен бошқасини демайман. Агар бирга кўммасанглар, дунёдан тоқ ўтаман. У дунёга борганда юзига қандай қарайман.

Шоҳ. Бирга кўмиш ҳиндуларда бор, бизниң таомилда йўқ. Эй, Абуҳасан, борган сари меҳру муҳаббатимга сазовор бўляпсан. Садоқатингта тасанно. Ҳақиқий яхши одам экансан. Кўнглимга келган шубҳага ишонмайман, Масрур! Айт, хазинадан Абуҳасанни юпатиш учун минг олтин, Нажматуссубҳни дафн қилиш учун минг олтин, жами тўрт минг олтинли ҳамён беришсин. Яна тобут устига ёпиш учун қимматбаҳо зарҳал шойи матолар беришсин. Марҳумани дабдаба билан кўмишсин!

Масрур. Амри фармонингиз бош устига.

Ҳасан (*ер ўтиб*). Олампаноҳим, қиблагоҳим, ҳиммат ва муруватингиз учун бир умр содик кулингизман. Сиз мени сийладингиз, сизни тангри таоло сийласин. Олам шоҳларининг боши оёғингиз пойига таъзимда бўлсин. (*Ҳасан ва Масрур чиқади. Масрур қайтиб киради.*)

Шоҳ. Масрур!

Масрур. Лаббай, олампаноҳ.

Шоҳ. Айт, Зубайдабегимни чорлашсин.

Масрур. Бажонидил. (*Кета бошлайди.*)

Шоҳ. Шошма!

Масрур (*таъзимда*). Қулогим сизда, шоҳим.

**Шоҳ.** Зубайдабегим чўриси Нажматуссубҳни фоятда яхши кўрар эди. Унинг ўлими хабарини эшитиб, фифон чекиб ўтиргандир. Зубайдабегимни жонимдан ҳам азиз кўришимни биласан.

**Масур.** Биламан.

**Шоҳ.** Бале. Тасалли берайлик. Сен ҳам бир-икки оғиз ширин сўз айт. Шояд юпанса-ю, қайғудан фориғ бўлса.

**Масур.** Бажонидил.

**Шоҳ.** Шошма, йўл-йўлакай девонхонага келган одамларни тарқат. Шоҳимизни бугун юмушлари бор. Девонхона берк, дегин. Зубайдабегим олдига ўзинг бориб кела қол.

**Масур.** Бажонидил. (*Масур чиқади-ю, Зубайдабегим ва чўриси Давратулқамарни бошлаб киради*). Олампаноҳим, Хизрни йўқласангиз бўларкан. Малика Зубайдабегим ўзлари қадам ранжида этдилар.

**Зубайдабегим** ва **Давратулқамар** шоҳга таъзим бажо қилишади. Шоҳ ўрнидан туриб бориб, боши этиқ йиглаётган Зубайдабегимнинг бошини силаб, тасалли беради.

**Шоҳ.** Эй, Зубайдабегим, сени қайғуга солган хабардан огоҳ бўлдим. Худо ҳаққи, бошинга тушган бу қайғу мени эзиб юборди. Нажматуссубҳни ниҳоятда яхши кўрар эдинг. Бу қиз бошқа чўрилар орасида азизроқ эди. Ўзи хушсурат ва сенга ошифута эди. Абуҳасан туфайли ҳам ичим ачиdi. Бечора унинг жамолига тўймай қолди. Абуҳасан ҳозир келиб, ёш боладай фарёд чекди. Мен Масур билан ўзимни тутолмай йиглаб юбордим.

**Масур.** Ҳа, маликам, йигладик. (*Йиглайди.*)

**Шоҳ.** Мен тасалли бердим. Сен тоза қайғуга қолган бўлсанг керак, деб таскин бермоқчиман. Қайғурма, энди йигламоқдан фойда йўқ. Бу жом навбати ҳаммага келади. Тақдири азалдан қочиб қтулиб бўлмайди. Сенга қайғу-ҳасратдан бирон зиён-заҳмат етмагай деб қўрқаман.

**Зубайдабегим.** Олампаноҳим, менга таскин-тасалли билдирганингиздан фоятда миннатдорман. Сиз чўримни «раҳматлик» дедингиз, мен Абуҳасанга аза тутиб куяётибман, сабабки, сиз уни яхши кўрар эдингиз. Раҳматлик кўп яхши одам эди. Кўп соатларимизни у билан чақчақлашиб ўтказган эдик. Ҳазиллари баҳри дилимизни ёзар эди, Абуҳасан туфайли сиз қайғуга қолдингиз, деб таскин-тасалли бергани келаётган эдим. Умрингиз боқий бўлгур, ўлган чўрим эмас, Абуҳасан.

**Шоҳ** (*қаттиқ кулади*). Вой, нималар деяпсан? Ўлган чўринг Нажматуссубҳ.

Зубайдабегим. Шоҳим, мени масхара қиляпсиз, ўлган Абуҳасан.

**Шоҳ**. Қўй, жоним, кўп кулдирма, ичагим узилиб қолади. Ўлган Нажма!

Зубайдабегим. Шоҳим, мени хотин киши деб кўп масхара қилаверманг, азбаройи худо, ўлган Абуҳасан!

**Шоҳ**. Хотинларнинг ақли қисқа бўлади, дейилгани рост экан, ўлган Нажматуссубҳ! Масрур!

Масрур. Лаббай, шоҳим.

**Шоҳ**. Абуҳасан йиғлаб ўзини уриб келганини ўз кўзинг билан кўрдингми?

Масрур. Кўрдим.

**Шоҳ**. Хотиним Нажматуссубҳ ўлди деганини ўз қулоғнинг билан эшитдингми?

Масрур. Эшитдим.

**Шоҳ**. Сен хато қиляпсан, Зубайдабегим, ўлган Абуҳасан эмас, чўринг, Абуҳасанга тўрт минг олтинли ҳамён, зарҳал матолар бериб юбордим. Сен чўринг учун йиғлашинг ўринли, ўз фарзандингдай тарбият қилиб, ўстирган эдинг. Абуҳасанга мотам тутишнинг ҳожати йўқ.

Зубайдабегим. Йўқ, мен Абуҳасанга аза тутяпман. Абуҳасан аза тутишга лойик одам.

**Шоҳ**. Эй, Зубайдабегим, азиз бошинг учун қасамёд этаманки, Абуҳасан тирик, чўринг Нажматуссубҳ ўлган. Ҳазиллашаётганим йўқ.

Зубайдабегим. Ўлган Абуҳасан, чўрим Давратулқамар гувоҳ, Нажматуссубҳ юзини юлиб, дод солиб келди. Аҳволини кўриб йиғладим. Йиғладик. Раҳмим келиб юпатмоқ ва Абуҳасанни дабдаба билан дафн қилмоқ учун минг олтинли ҳамён ва зарҳал матолар бердим. Тўғрими, Давратулқамар!

Давратулқамар. Тўғри, Зубайдабегим.

Зубайдабегим. Энди ишонгандирсиз, шоҳим. Мен Абуҳасанга мотам тутяпман.

**Шоҳ**. Зубайдабегим, сен умрингда бугунгидек саркашлиқ этмаган ва мени ёлғончи қилмаган эдинг. Мен сенга ҳозиргина Абуҳасан келди, уни Масрур кўрди десам, сен ўлган деб ўтирибсан.

**Зубайдабегим.** Мени шу гапларга қаноат қиласы, чүри-си ўлганига ишонади, деб ўйламанг, қасамёд қилиб айтаманки, Абуҳасан ўлган, чүрим тирик. Намунча у бечорага ўлим тилаб қолдингиз?

**Шоҳ (ғазабланыш).** Масрур! Абуҳасаннинг қасрига бори, билиб кел. Ўлган ким? Нажматуссубҳ ўлганини Зубайдабегим ўз қулоғи билан эшиитсину саркашлигини ташласин.

**Зубайдабегим.** Ўлган Абуҳасан!

**Шоҳ (бақириб).** Сўзинг ҳақ чиқса, мамлакатимнинг ярмини бераман! Абуҳасан соғ-саломат, гаров боғлашаман.

**Зубайдабегим.** Бўпти, гаровга бор- йўғимни тикаман. Чўрим Нажматуссубҳ соғ-саломат, ўлган Абуҳасан!

**Шоҳ.** Сўзим рост чиқса, катта қасрингни оламан. Абуҳасан ўлган бўлса, Бўстонхулуд боғидаги қасримни сенга бериб, алоҳида шоҳлик қиласман.

**Зубайдабегим.** Сўздан қайтиш йўқ.

**Шоҳ.** Йўқ. Масрур ютур!

**Масрур.** Бажонидил. (*Чиқади*).

(Чирок ўчиб ёнади. Ўша ҳолат. *Масрур кириб келади.*)

**Шоҳ.** Масрур! Не хабар келтирдинг?

**Масрур.** Сиз ютдингиз. Нажматуссубҳ ўлганлиги рост экан, ўз кўзим билан кўрдим. Нажматуссубҳни кўрпага ўраб ётқизиб қўйишибди. Абуҳасан дод-фарёд қилиб ўтирибди. Аз эр шу қулоқларим том битмаган бўлса, дод-фарёдни ўз қулоғим билан эшийтдим. Ёлғон айтсан, қоним қиличингизда қотсин.

**Шоҳ.** Демак, Зубайдабегим, катта қаср менини бўлди. Энди не дейсиз. Яна, йўқ, ўлган Абуҳасан, чўрим тирик дейсанми? Кўнглинг жойига тушдими? Катта қаср менинг измимга ўтди.

**Зубайдабегим.** Лаънати, қаллоб Масрур сўзига ишониб гаровни ютдим деб ўтирибсизми? Мен нечук ўз кўзимга ишонмай, бу фирибгар, ялтоқнинг сўзига ишонар эканман. Чўрим Нажматуссубҳни мана шу икки кўзим билан кўрдим.

**Масрур** (Зубайдабегимнинг ғазабидан титраб). Бегим, менга шафқат қилинг. Азиз бошингиз ва шоҳимиз боши ҳаққи онт ичиб айтаманки, ўлган Нажматуссубҳ, Абуҳасан тепасида йиғлаб ўтирибди.

**Зубайдабегим.** Оҳ, малъун, юзи қаро, мен ёлғончи-ю, сен ростгўй бўлдингми? Шошма, сен исқирг, япасқини шармандаю шармисор қилиб қаллангни олдирмасам. Давратулқамар?

**Давратулқамар.** Кўрдим. Агар ёлғон сўзласам эрсиз ўтай.

**Зубайдабегим** (*Masrurga*). Эй, малъун, ўлик билан тирикни кўп фарқ қилас экансан-да.

Шоҳ. Худо ҳаққи, аёл кишининг ақл-идроки кирди-чиқди бўларкан. Эй товуқ калла маликам. Масрур Абуҳасаннинг қасрига бориб, кўриб келди-ку. Ўлган Нажматуссубҳ эканлигига қасам ичди. Сен бўлсанг яна...

**Зубайдабегим.** Сўзимни қайтариб, гашимга теккани қулингиз билан тил биритиргансиз. Сўзимдан қайтмайман. Нажмат ўлганига ишонмайман. Давратулқамарни юбориб, бу ёлғончи малъунни шармандаю шармисор қиласман. Давратулқамар!

Давратулқамар. Лаббай, бегим!

**Зубайдабегим.** Абуҳасаннинг қасрига бориб, ким ўлганлигини аниқ хабарини келтир!

Давратулқамар. Бош устига. (*Чиқади*).

(Чироқ ўчиб ёнади. Ўша ҳолат. *Давратулқамар югуриб кираади*.)

Давратулқамар. Зубайдабегим. Суюнчи. Нажма тирик. Абуҳасан ўлиб ётилти. Кўрпага ўралган, салласи юзига туширилган, чўрингиз фарёд чекяпти.

Зубайдабегим. Ростини айт!

Давратулқамар. Етти иқлимнинг ҳокими, шоҳларнинг шаҳаншоҳи, олампаноҳимиз ва сиз малика Зубайдабегимнинг азиз ва мўътабар бошлари ҳаққи қасам ичиб айтгаманки ўлган Абуҳасан. Нажматуссубҳ тирик. Агар ёлғон айтган бўлсам, бошим қилич дамида кесилиб, қора сочим қаро қонимга ботсин.

Зубайдабегим (*Masrurga*). Эй, иблис, хўжангга хушомад қилиб, ёлғон гапирдинг. Шарманда бўлдинг-ку. Энди ёлғон сўзловчи тилингни яширган аҳмоқ каллангни қилич дамига тут! Токи, ёлғончиликнинг оқибати қандай бўлишилигини сарой аҳли кўриб қўйсин.

Масрур (зардаси қайнаб). Эй, нобакор чўри. Абуҳасан тирик эканини шоҳимиз билан иккимиз ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Шоҳ ва мен ёлғончи бўлдигу сен ялоқи ростгўй бўлдингми? Адолат ва саодатнинг офтоби шоҳимга, қасамёд қилиб айтгаманки, бу товоқ-қошиқ ёлғон сўзлаяпти. Ўлик билан тирикнинг фарқига бормаган чўрининг кўзини ўйиб, бурнини кесмоқ керак.

Давратулқамар (қичқириб). Эй баттол Масрур! Соқолинг кўксингга тўкилсин. Абуҳасанни тирик кўрган

күэзингга ришта чиқсан. Кир күрпача лабларинг бир-бирига ёпишсин. Ҳақиқатни айтишдан күркасан.

Масур. Сенинг сочларинг ит бўйни а занжир бўлсин. Эринг ит, улфатинг ит, боланг ит бўлсин Умринг сакиллаб, бошинг ялоқда ўтсин, «Ит тўйса эгасини Қопади», дейдилар. Сен эгангни қопяпсан. Шоҳни мулзам қилмоқчисан.

Давратулқамар. Рост айтдим! Ким бўлсаям ёлғончи мулзам бўлади. Агар шоҳим қабоҳатга қўл уриб, ёлғончи, деб бошимни олдирсалар, мингдан-минг розиман.

Шоҳ (*сағосиматди*). Бас! Масур, тўхтат! Чўри, сен тилингни тий! Мен ва Масрур Абуҳасанни тирик кўрдик. Зубайдабегим ва Давратулқамар Нажматуссубҳни тирик кўрган. Бу ерда бир ҳийла борга ўхшайди. Албатта кимдир ёлғон сўзлаяпти. Ёлғончини топиб, эртага дорга осдираман, ҳозир ҳаммамиз бир бўлиб Абуҳасан қасрига борамиз. Ўз кўзимиз билан кўрамиз.

(Чироқ ўчиб ёнади).

## Х КЎРИНИШ

VII-кўринишдаги манзара. Ўртада Ҳасан билан Нажма ўзларини ўликка солиб ётишибди. Шоҳ, Зубайдабегим, Масур, Давратулқамар кириб келишади. Уларни кўриб ҳангуманг бўлиб қолишади.

Зубайдабегим (*фарёд чекиб, ўзини Нажматуссубҳ устига ташлаб*). Ҳаммаларинг ёмон нафас қилиб, охири чўримни ҳам ўлдирдиларинг! Бечорагинам эрининг дого фироқида куйиб, адойи тамом бўлган.

Шоҳ. Йўқ. Ҳаммаларинг ёмон нафас қилиб Абуҳасанимни ўлдирдиларинг. Аввал Нажматуссубҳ ўлган, сўнгра Абуҳасан куйиб адойи тамом бўлган.

Зубайдабегим. Йўқ, аввал Абуҳасан ўлган. Чўрим унинг дого-фироғида ўлган.

Шоҳ. Йўқ, чўринг олдин ўлган.

Зубайдабегим. Йўқ, Абуҳасан олдин ўлган.

Шоҳ.. Йўқ.

Зубайдабегим. Йўқ.

Масур. Олдин Нажма ўлган.

Давратулқамар. Олдин Абуҳасан ўлган.

Шоҳ. Баҳсни бас қилинглар! Илло-билло Аббоснинг разваси ҳаққи, қасамёд этаманки, буларнинг қайси бири олдин ўлганини айтган кишига мамлакатимнинг ярмини бераман. Ўзи алоҳида подшоҳ бўлади. (*Ҳасан иргиб ўрнидан туради*).

Ҳасан. Шоҳим, мен олдин ўлган эдим.

Нажматуссубҳ ҳам иргиб ўрнидан туриб Зубайдабегимнинг қучогига отилади. Давратулқамар Масрурга тилини чиқаради. Масрур бурнини қийшайтиради.

Зубайдабегим. Эй, келинпошша тушмагур-ей, менга шунча фам-ғусса чектирдинг, шукр, ўлмаган экансан.

Шоҳ (*қотиб-қотиб кулиб*). Абуҳасан, бир кунлик шоҳ бўлганингда ичагимни узган эдинг, энди бу ҳангамани ўйлаб топибсан. Қойил.

Ҳасан. Эй, олампаноҳ, сиз ҳазилга мойил одамсиз. Мени устимдан кулдингиз. Менга алам қилди. Унинг устига Етти ўрик қишлоғимдаги миршаблар, оқсоқол яна пишқириб кетди. Зулмни кучайтирди, солиқни оширди. Солиқ тўламаган етти киши зинданда. Уларга икки минг олтин тўласа қутнулар экан. Шу пул учун шу ҳангамани топдим. Масрур келганда Нажма ўлиб ётган бўлди. Давратулқамар келганда мен ўлиб ётган бўлдим. Энди ҳамма келишини фаҳм этиб, иккаламиз ўлган бўлдик. Ақл-идрок омон бўлса...

Шоҳ. Абуҳасан, ақли ўткир, диди нозик инсон экансан. Мен ким биринчи ўлганини айтса мамлакатимнинг ярмини берамаи, деган эдим. Мени ақлинг билан лолу ҳайрон қолдирдинг. Сенга бор мамлакатимни бердим. Ўзим сенинг маслаҳатчинг бўлиб яшайман. Фарзанд кўрмадим. Сен фарзандим бўлдинг! Сен шоҳимизсан!

Ҳамма. Етти иқлимининг ҳукмдори Абуҳасан ибн Абуҳасан, шоҳлик муборак бўлсин!

Акс садо. Муборак бўлсин!

Зубайдабегим. Нажматуссубҳ султон бегим, маликалик муборак бўлсин.

Парда

Тамом

---

## ХУНАР ЎРГАНГАН БОЛА

(Халқ әртаги асосида әртак- пьеса)

### ҚАТНАШУВЧИЛАР

Нодир  
Назокат  
Сарбон  
Бой

Дев  
Шоҳ  
Хизматкор

### I ПАРДА

#### I КҮРИНИШ

Кенг сахро, узоқдан карвон бир текис қўнғирогининг овози тобора яқинлашади. Таҳтачага «Қудуқ» деган ёзув қоқилган. Ёнида арқони боғланган пақир ҳам бор. Бола югуриб киради.

Бола (*чақиради*). Бой ота! Сарбон бобо! Қудуқ!!! Қудуқ!!!  
Бой (*югуриб киради*) Эй, Худога шукр! Чанқовдан ўлаёздим.  
Отларим оёғи судралиб, оғзилари кўпириб кетганди-я!

Сарбон ҳалпиллаб кириб келади.

Сарбон. Хайрият, етиб келдик. Олдинги қудуқ қуриб қолганига ҳайронман, бўлмаса, ўша ердан сувни мешларга фамлаб олардик. Суғорардик. Майли, худо меҳрибон, бунга етиб келдик. Шукр.

Бой. Сарбон бобо, туяларни, йилқиларни қудуқ бошига олиб келишсинми?

Сарбон. Йўқ. Шошманг, бой, олдин бир пақир сув олиб, ўзимиз чанқов босди қиласийлик. Қани, мен пақир туширайми?

**Сарбон арқон бөгланған пақириң туширади, қудуққа тақ этиб тегади. Сарбон құрқиб кетади.**

**Бой. Ҳа, сарбон бобо!**

**Сарбон. Бой, шүримиз қуриди.**

**Бой. Ҳа, нечук?**

**Сарбон. Қудуқда сув йўқ!**

**Бола. А?**

**Бой. Нима?**

**Сарбон. Бунда ҳам сув қуриб қолибди. Илон йили курғоқчилик келади. Қудуқлардан сувлар қочади, дейишарди, қаранг.**

**Бой. Энди нима қиламиз? Қандай илож бор?**

**Сарбон. Энди бир ҳафталик йўлдан кейин бир сардоба бор. Ўша сардобага етиб борсак омон қоламиз. Бўлмаса саҳрова жон таслим қилишга тўғри келади.**

**Бой. Йўқ. Сарбон, иложини қилиш керак. Чўлда бекордан-бекорга шоқолларга ем бўлиб кетадиган аҳмоқ йўқ.**

**Сарбон. Пешонага ёзилгани шу бўлса, на чора.**

**Бола. Сарбон бобо! Ўйланг. Сиз чўлда кўп юргансиз-ку, наҳотки, бир иложини топмасангиз?**

**Сарбон. Бунақа бўлмаган, бўтам. Бири қуриса, иккинчиси бўларди. Кетма-кет икки- учтаси қуrimасди. Буям худонинг бизга юборган балосими, синовими? Билмадим.**

**Бой. Энди нима қиламиз? Узатадиган қизим бор эди... Ўлиб кетсан... Сарбон бобо, ўйланг! Ўйланг!**

**Сарбон. Бой, ўйладим. Қудуқ ичига бир одам тушиб қазиса, сув чиқиши мумкин.**

**Бой. Бор экансиз-ку, бобо! Бўлди, шундай қиламиз.**

**Сарбон. Бўлмаса ким тушиб қазийди? Ўзингиз тушасизми?**

**Бой. Ҳех, Сарбон бобо! Бой қудуққа тушиб ер қазийдими? Карвондагилардан бири тушсин! Ёки ўзингиз.**

**Сарбон. Бўлмаса мен карвондагилардан сўрай-чи?**

*(Чиқиб кетади)*

**Бой. Хўш, болакай, қўрқмаяпсанми? Санни шум қадаминг бўлдими? Қудуқларнинг қуриб қолганини қара.**

**Бола.** Бой ота, ундей бўлса мени шу ерда қолдириб кета қолинг. Шум қадамим йўлдаги сардобаю қудуқларният куритиб қўймасин.

**Бой.** Ҳо, киноя қилишният биласанми? Яхши, сен шум-қадам бўлмасанг отанг билан онанг ҳовли-жойини сотиб, савдо-сотиқ ишларини ўргансин, деб қўлингга дастмоя қилиб берса, сен Боғдодга бориб, илм ўрганиб, Шомга бориб, чолғу чалишни ўрганиб, Турондан шахмат ўйнашни ўргандим, деб пулни қуритиб келармидинг. Шунинг учун сенинг олдинг қуруқ чиқаверади. Кудуқлар ҳам қуриб қолиши шундан. Пулни пул топади. Аҳмоқ пулни бўлар-бўлмасга сарф қиласди. Қани айтчи, ўрганган илминг, созандалик, шахматинг бир чеълак сув топиб берадими? Йўқ!

**Бола. Керак бўлади.**

**Бой.** Ҳа, керак бўлади. Туянинг думи ерга текканда! Қизил қор ёқсанда. Менга ҳозири керак. Эртага сувсизликдан! бўриларга ем бўлгандан кейин илминг кимга керак!

*(Сарбон тушкун, қўлида чўкич киради.)*

**Сарбон.** Бой, ҳеч ким қудуқقا тушишга унамади. Қуриган қудуқда илон, чаён, қоракуртлар бўлади. Тушиш хавфли, дейишиди. Ҳар қалай ўзингиз тушсангиз керак, деб чўкич олиб келдим.

**Бой. Мен?**

**Сарбон. Ҳа, сиз.**

**Бой. Йўқ.** Мен тушмайман. Мана бу бола тушади. Боғдоддан илм, Шомдан созандалик, Турондан шахматни ўрганган илмини ишлатсин.

**Бола. Хўп.** Мен тушаман, белимга арқон боғланг. Чўкични беринг. Бой ота! Сарбон бобо! Мабодо вақти қазойим етиб, бир нарса чақиб ўлсам, ота-онамга айтинглар, мен бебош ўғилларини кечирсинглар. Мен уларнинг қаддини кўтаролмадим. Улар мендан кўп умид қилишган эди. Қариганда боқадиган, ўлсак тепкилаб-тепкилаб кўмадиган тобуткашимиз деб. Агар ўлмасам, бир куни ўз меҳнатларим билан ота-онам қаддини тоғдай кўтараман. Бутун бор вужудим билан уларни хурсанд қилишга ҳаракат қиласман. Ота-онасининг қаддини кўтартмаган ўғил ўғил эмас. Мен уларни ўз ҳунарларим билан

хурсанд қиласан, деган эдим. Қани, Сарбон бобо, оқ фотиҳа беринг. Қудуққа тушай.

Сарбон. Омин! Болам, тупроқ олсанг олтин бўлсин, босган жойинт ўт бўлсин, бало-қазо йўқ бўлсин. Омон-эсон ер қазиб, сув олиб чиққин. Отанг-онанг роҳатингни кўрсин. Аллоҳу ақбар!

(Боланинг белига арқон боғлаб қудуққа туширишади. Боланинг овози қудуқдан келиб туради.)

Сарбон. Бўлдими?

Бола. Бўлди. Оёғим ерга тегди. Бу ер негадир ёп-ёруғ. Ниманидир ердан шуъласи чиқяпти.

Сарбон. Сувнинг шуъласидир. Ўша ёруғ чиқаётган жойга чўкич ур, сув чиқиши мумкин.

Бой. Худога шукр. Сувнинг шуъласи бўлса...

Бола (ҳаяжонда). Сарбон бобо! Бой ота! Чўкич урган жойдан олтин қайнаб турган хум чиқди.

Бой. Нима?

Сарбон. Олтин қайнаб турган хум чиқибди.

Бой. Олтин қайнаб турган хум?!

Сарбон. Худди шундай.

Бой. Ундей бўлса, олтинларни пақирга солиб узатсин.

Сарбон. Болам, сен олтинларни пақирга солиб, пақир билан узатиб тур, биз тортиб оламиз.

Бола. Хўп бўлади. Сарбон бобо, маҳа, тортинг пақирни.  
(Сарбон бобо тортади.)

Бой. Қопни очинг!

(Бой қопни очади.)

Бой. Худо бераман деса қуриган қудуқдан сув ўрнига олтин чиқади. Мани ўзи қадамим кутлуғ.

(Сарбон бир пақир олтинни қопга ағдаради.)

Сарбон. Бой, энди Шомга бориб юрмасдан ҳам қайтаверсак бўлади. Шуни ўзи бир умр қилган савдонгиздан ортиқ.

Бой. Сарбон бобо! Кўп гапирмасдан олтинни тортинг. Бунга сизнинг дахлингиз йўқ. Сизга ўз ҳақингизни бераман, хўпми?

**Сарбон.** Бе, менга олтиннинг нима кераги бор, бир коса овқатга қорним тўяди, қолганига Худо пошшо. Сиз олинг, олтин бойга керак.

**Бой.** Баракалла, бобо. Тўғри, сизга нима кераги бор? Кампирингиз битта шафтоли қоқини бир ҳафта шимса бўлди-да.

**Сарбон.** Ҳа, олтинни илон, аждаҳо, девлар қўриқлади.

**Бола.** Сарбон бобо, тортинг!

*(Сарбон яна пақир тортиб бойнинг қопига солади. Пақирни яна туширади.)*

**Бой.** Худо бераман деса, ўзи бераверади.Худо деган қулига, элтиб қўяр йўлига.

**Бола (ҳаяжонда).** Бобо, горнинг ёнида бир эшик бор экан, қия очилиб қолди. Ичидা бир дев ухлаб ётибди.

**Сарбон.** Бой! Дев бормиш.

**Бой.** Хумни тортиш керак. Қандай қилиб тортса бўлади?

**Бола.** Бобо! Иккита арқон туширинг. Хумнинг икки қулоғига боғлайман. Иккита туяга боғлаб тортсангиз чиқади. Кейин мени тортиб оласиз.

**Сарбон.** Хўп бўлади. Мен ҳозир, иккита арқонни туяга боғлаб келаман.

*(Чиқиб кетади. Иккита арқоннинг учини қудуққа туширади.)*

**Бой.** Дев чиқиб қолса нима қиласиз? Чорасини қўриш керак. Тағин гурзиси билан бир уриб тариқдай сочвормасин. Яхшиси, менинг учкур отимни тайёрлашсин, айтиб келай.

*(Чиқади.)*

**Бойнинг овози.** Ҳой, кал отбоқар, менинг қўлтиғида қаноти бор отимни тезда эгарлаб тайёрла!

**Овоз.** Хўп бўлади. Зумда тайёр бўлади.

*(Қайтиб киради.)*

**Сарбон.** Хумларни маҳкам курмак боғла. Тағин ечилиб кетмасин.

**Бола.** Хўп бўлади. Курмак боғладим. Тортиб текшириб қўрдим. Узилмаса бўлди, ечилмайди. Тортинг!

Сарбон. Ўзинг четроқ тур, тортаман. Чў, жониворлар! (Туялар кўринмайди, арқон тортилаётгани кўринади. Бирдан яраклаб қуёш чиққандай хум чиқсади.) Тур! (Арқон тортимиши тўхтайди. Бой билан Сарбон хумни қудук четига қўйишади. Кейин бир неча қопга тўлдиришади).

Бола. Сарбон бобо! Хум чиққан жойдан сув ҳам чиқди. Арқонни туширинг, энди пақирда сув узатаман. Ундан кейин мени тортиб оласиз.

Бой. Сувв!!!

Сарбон. Ҳа, сув.

Бой. Худога шукр. Бераман деса... тезроқ арқонни туширинг.

(Сарбон арқонни туширади. Пақирда сув чиқади. Бой ютақиб ичади. Сарбон ҳам ичади.)

Сарбон. Бола барака топсин. Мешгаям ғамлаб олиш керак.

(Меш туширади.)

Бола. Мешни тўлдирдим. Тортинг!(Сарбон мешни тортади!)

Сарбон. Энди болани тортиш керак.

(Кудукқа арқон туширад).

Бола. Бобо! Арқонни белимга боғладим, тортинг энди.

Сарбон. Хўп, тортаман.

(Торт бошлияди. Шу пайт Бой келиб арқонни қўлидаги пичоқ билан кесиб юборади.)

Бола. Вой-й-й!

Сарбон. Бой, бу нима қилганингиз?

Бой. Сарбон, овозингни ўчир! Бола чиқса, олtingга шерик бўлади. Мен умримда бирор билан шерикчилик қилмаганман. Шерикчилик ошни ит ичмайди. Билдингми?

Сарбон. Бой, яхши эмас. Бу яхшилигинг худога ҳам, бандага ҳам хуш келмайди. Қари ота-онаси бор экан. Шундан умид қилиб сенга қўшиб берган. Сен хиёнат қилдинг. Олдингда бола-чақанг бор. Худодан умидинг бор.

Бой. Кўп ақл ўргатма! Чириган каллангдан сасиган гап чиқади-да.

Сарбон. Бой, ҳақорат қилма, отанг тенги келаман.

**Бой.** Сарбон, отамни пеш қилма, отамнинг ёшидан қагта тошбақалар ҳам бор, уларга ҳам қулоқ солиб, косасига қуллук қилишим керакми? Йўқ!

**Сарбон.** Бой, энди тек турасан. Мен болага яна арқон ташлайман.

**Бой.** Ташламайсан!

**Сарбон.** Ташлайман. Ахир уволи тутмайдими сени Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган ғунчани жувонмарг қиляпсан.

**Бой.** Фунчалар кўпи очилмасдан сўлийди. Ҳали осмон ўйилиб тушгани йўқ. Шулардан биттаси шу. Ҳеч нарса қилмайди. Уйга борганда битта қора қўчқор сўйиб, худойи қилиб юбораман. Ҳамма гуноҳимни ювиб кетади.

**Сарбон.** Йўқ, мен чидаб туролмайман. Тортиб оламан. Арқон ташлайман.

**Бой.** Ташламайсан.

**Сарбон.** Ташлайман.

**Бой.** Унда жонингдан умидингни узавер.

**Сарбон.** Агар ажалим сенинг қўлингда бўлса, пешонамдагини кўраман. Қоч!

**Бола.** Бобо! Белимни боғладим тортинг!

(Сарбон торта бошлайди. Яқин қолганда Бой арқонни кесиб юборади ва шу ханжарни бобога уради.)

## II КЎРИНИШ

Девнинг уйи. Дев ҳарсанѓтошлардан ясалган супачада ётилти. Сирли дарахтлар, дарахт шоҳларига ҳар хил чолғу асбоблари: дутор, танбур, гижжак, най, ногора, карнай-сурнайлар осилган. Дев ўқтин-ўқтин қаттиқ йўталиб, «Эҳ, Хубро Сулаймон!» деб қўяди. Бола киради.

**Дев (ўкириб).** Эҳ Хубра! Сен кимсан?

**Бола (чўчиб).** Мен Нодирман.

**Дев.** Нодирмисан?! Эҳ, Хубро Сулаймон! Мен етти йилдан бери ётуғлик касалман. Энди келдими? Эҳ, Хубро Сулаймон! Сен Шомда мусиқа илмини ўрганаётганингда мен бетоб бўлганман. Фолбинларим келиб фол очишганда, «Сени Нодир деган йигит келиб касалингни тузатади. Унгача сен бу маконингда «Эҳ, Хубро Сулаймон!» деб ётавер», деган.

**Бола.** Мен табиб эмасман. Сени қандай тузатаман?

**Дев.** Сен күнгилларнинг табибисан. Сен чолгу чалишни биласан, ашуалар айтасан, ўйин тушасан. Менинг париларим бор. Улар ўйин ташишади. Шунинг учун кўп чолгу асбобларини париларимга обкелтириб, дараҳтларга илдириб қўйганман. Ана, кўряпсанми?

**Бола.** Кўряпман.

**Дев.** Бўлмаса, вақт ўтмасин, мени даволашни бошла.

(*Бола танбурни олиб чалади. Дев жони ором олгандай бўлади.*)

Эҳ, Хубро Сулаймон!

Танбур куий ёқимли жаранглаб тугайди.

**Бола.** Дев қалай, маъқулми?

**Дев.** Барака топ! Етти йиллик оғриқ азоблари энди тарқагандай бўляпти. Энди бир ғамгин ашула айтиб бер. Согайиб кетсам, сенга дунёдаги энг яхши яхшиликларни қиласман,

**Бола**

(*ғамгин қўшиқ куйлайди*).

Ота-онам, ғамгузорим,  
Йўлларимга интизорим,  
Сиз билмайсиз, қудуқдаман,  
Чекаётган оху зорим.

Бу қудуқдан чиқарманми?  
Бағрингизга борарманми?  
Мен ҳам ахир одам бўлиб  
Бир коса сув тутарманми?  
Ё гунчадек сўларманми?  
Қон-зардобга тўларманми?  
Ё қудуқда қурбақадек  
Офтоб кўрмай ўларманми?  
Ота-онам, ғамгузорим,  
Йўлларимга интизорим.  
Сиз билмайсиз, қудуқдаман,  
Чекаётган оху зорим.

Дев. Эх, Хубро Сулаймон! Дардимга бер дармон. Нодир, танимга дармон кирыпти. Энди туриб ўйнагим келяпти. Раҳмат! Сен менинг табибимсан. Энди шүх құшиқдан айт. Ўйнай! Париларим! Сизлар мен билан бирга ўйнайсизлар.

### Бола.

Ўйнасин, ўйнасин,  
Танбур, дутор ўйнасин.  
Ўйнасин, ўйнасин,  
Деви бемор ўйнасин.  
Соғ бўлгани рост бўлсин,  
Соғлиқ девга хос бўлсин,  
Танбур-дутор қуйига  
Дев амаким маст бўлсин.  
Ўйнасину ўйнасин,  
Деви бемор ўйнасин.

Іарилар Девни қуршаб шүх ўйнашади. Нодирни ҳам атрофидан йнаб ўтиб, юзларидан силаб ўтади. Шунда бирдан сафарга иқаётганда Бойнинг қизи Назокат бир кун олдига келиб фойибона кузатгани кўз ўнгига келади. Бирдан девлар, парилар кўринмай қолади. Хаёлида ўша кузатув манзараси гавдаланади.

**Назокат.** Нодир ака, сиз менинг тушимга кириб чиқдингиз. Тушимда сиз менга қип-қизил олма отган эмишсиз олманинг теппасидан туриб. Мен илиб олиб бундай қарасам, катта девнинг болиши эмиш, войдод деб ташлаб юборсам, бирдан девннинг боши учиб кетиб, осмонга чиқиб, тип-тиниқ катта ой бўлиб қолган эмиш. Сиз менга яна олма отаман, деб шохга қарасангиз, биттаям олма қолмапти. Шу пайт мен қушга ўхшаб учиб бориб ёнингиздаги шохга осилиб, аргимчоқ учайдган эмишман.

Бирдан сиз турган шох қарсиллаб сина бошлабди. Мен бир кўлим билан ушлаб қолдим. Бирдан чўчиб уйғонсам тушим экан. Эрталабгача ўйлаб чиқдим. Тушимни ҳар балоларга йўйдим. Кейин ҳовлимиз этагидаги оқадиган ариқ бўйига бориб, тушимни сувга айтдим. Сафарга кетишингиздан олдин

сизга дилимдаги ҳаяжонимни айтиб қўяй дедим. Сафарингиз бехатар бўлсин! Соғ бориб, омон келинг!

Нодир. Раҳмат. Сиз ҳам келгунимизча соғу саломат бўлинг. Тушга нималар кирмайди. Душман нималар демайди, деганлариdek, хавотир олманг, ҳамма нарса яхши бўлади! Мабодо йўлда бир шикаст бўлса қайғурасизми?

Назокат. Вой, оғзингиздан ел учирсин. Бунақа гапни оғзингизга олманг. Агар сизни этингиз тирналса, менинг юрагим тирналади. Агар сизвой десангиз, мен нола қиласман. Агар сизга парилар қиё қараса, менинг кўзларимдан ёш булоғи қайнайди.

Нодир. Агар мен дунёдан кўз юмсан-чи?

Назокат. Унда Назокатнинг умри ҳам тугайди.

Нодир. Отангиз келяптилар. Ўша осмонга чиқиб кетган ойдин тунлар мени ўйлаб ётинг. Мен ҳам ўйлайман. Ва секин тушларингизга кираман. Сиз ҳам менинг тушимга кирсангиз ажаб эмас.

(Бирдан бу манзара йўқолади. Яна дев ва парилар ўйини давом этади.)

Нодир

(Янги қўшиқ куйлайди.)

Назокату Назокат,  
Сенда ҳусну латофат.  
Омон чиқсан бу гордан,  
Сенсан менга саодат.

Назокату Назокат,  
Отанг экан бешафқат.  
Севигига содиқмисан,  
Сенда борму садоқат.

Қўшиқ тугагач парилар кириб кетади. Дев хурсанд, қаҳ-қаҳ уриб кулиб, Нодирнинг олдига келади.

Дев. Нодир, табибим, мана мен соғман. Сенинг оромбахш овозинг, ширин жаранглаган қуйларинг мени оёқقا турғизди.

Етти йил чўзилиб ётиб орқаларим яра бўлиб кетган эди. Ҳаммасини кўрмагандекман. Сен менга умримни қайтариб бердинг. Энди мен сенинг қулингман. Нима десанг шуни бажараман.• Қўҳи Қофда девлар макони бор. Уларнинг бутун дунёга кучи етади. Мен сенга бир кичкина тош бераман, шуни бўйнингга уч бурчак тумор қилиб осиб оласан. Қачон керак бўлсам, «Эй, Хубро араҳмон!» десанг бўлди. Дарров етиб келиб сенга ёрдам бераман. (*Бўйнига осилган туморни олиб беради.*) Ҳозир не истайсан?

Нодир. Мен ҳозир, мен ҳозир бой қаерда турган бўлса ўша ерда бўлиб қолишини истайман.

Дев. Маъқул. Кўзингни чирт юмасан, хўпми?

Нодир. Хўп, қачон очаман?

Дев. Қачон оёғинг ерга тақ этиб текканда очасан, хўпми?

Шунда сен ўша истаган жойингда бўласан.

Нодир. Бўлти, ҳозир юмайми?

Дев. Юм!

Нодир кўзини чирт юмади.

Эх, Хубро Сулаймон!

### III КЎРИНИШ

Сўлим бот. Қушлар сайраган, гуллар очилган. Бизга нотаниш бўлган дараҳтлар мевасидан нур тарапади. Ўртада нақшинкор шийпон. Қушларнинг овози ҳам сеҳрли ва фалати. Шийпон ўртасида тахт. Лекин ҳеч ким йўқ. Бой ўзининг карвонидаги одамлар билан кириб келади.

Бой. Қизиқ, қандай жой бўлди? Саҳронинг ўртасида жаннат. Дунёда мўъжиза кўп экан-да?

Хизматкор. Отам айтарди, дунёнинг сирли ҳар қопқаси мўъжиза деб, шу мўъжизалардан бири-да бу, Бой ота.

Бой. Тўғри, сирли жойлар хавфли бўлади. Тағин бир фалокат рўй бериб, Худо кўрсатмасин.

Хизматкор. Қўрқманг, Бой ота. Бир бошга бир ўлим. Бу дунёда ўлмаган ким бор, дунёга устун бўлармидик.

Бой. Ҳай, ҳай, оғзингга қараб гапир. Шунча мол-дунё кимга қолади? Бекорга ўлиб кетиш одамга алам қилади.

Хизматкор. Омади гапни айтдим-да, Бой ота.

Бой. Омади гапинг курсин. Совук!

Хизматкор. Тавба қилдим. Энди чурқ этмайман.

Бой. Бу ишинг бошқа.

2 - Хизматкор. Агар Сарбон бобо ўлмаганларида бу ерларни билардилар. Бу ёнда қўниш мумкини, йўқлигини айтардилар. Энди ким билсин... ҳозир бирдан нима бўлишини, сувидан ичиб бўладими, мевасидан еб бўладими? Ахир бекорга бу боғ саҳро ўртасида пайдо бўлмагандир. Одамлар қаёққа кетган? Парилар боғими, девлар меконими, ажиналар саройими? Ҳозир бирдан тошга айланиб ёки илон-чаёнга айланиб қолишимиз ҳеч гап эмас.

Бой. Ҳой, ҳой, оғзингга қараб гапир, шунча мол-дунё.

2 - Хизматкор. Бўлти.

Тахтга бориб ўтиради. Ўзини шоҳ ҳис қилади. Бирдан гумбура-гумбур бўлиб совут кийиб, қалқон ушлаган, дубулға кийган аскарлар тўғри кела бошлайди. Ҳамма қўрқиб кетади. Хизматкор ҳам қўрқиб кетади. Нима қилишини билмайди.

Қайтинглар! Омонлик! Биз савдогар карвонмиз. Мен хизматкорман. Бой отам шу ердалар.

Бой (қўли билан ишора қилиб). Оғзингни юм!

Лашкарлар ғойиб бўлади. Яна жимлик.

Хизматкор (*тахтдан тушиб*). Ана, Бой ота, бир балоси бор бу ерни, тез кетамиз.

Овоз. Ҳеч ким ҳеч қаёққа кетмайди. Ҳамманг шу ерда қоласан. Бу сеҳргар, жодугарлар подшосининг тахти. Жодугар малика ҳозир ҳаммомга кетганлар. Қирқ канизак парилари у кишини ювинтирумокда. .

Бой (қўрқиб). Энди нима қиласиз? Энди нима қиласиз? Бошимизга шу фалокат ҳам бор эканми? Юр кетамиз. (Хизматкорга ёпишади.)

Овоз. Ҳеч қаёққа бормайсанлар! Ҳаммаёқ соқчилар билан

ўралган, йўл йўқ. Боғдан чиқсанг соқчининг найзаси қорнингни тешиб ўтиб дарахтга михлайди.

**Бой** (*тиз чўкиб ёлвориб*). Эй овоз, қаёқдан келяпсан? Кимсан? Наҳотки мендек бегуноҳ одамни ҳам шундай қийноққа қўйсанг. Мен ахир умримда бировнинг мушугини пишт, товуғини кишт демаганман. Одамларга яхши бўлсин деб йилқи боқиб, савдогарлик қилиб кун кўраман. Ҳозир ҳам бошқа мамлакатга савдо-сотиқ учун юқ ва йилқилар олиб кетяпман. Исмим Козимбой. Ҳамма йилқичи бой дейди. Бизга раҳм қил, соқчиларингта айт, йўл очсин, биз кетайлик.

**Овоз**. Эй, Бой, менинг кимлигимни сен сўрама. Мен фойибдан келадиган сирли овозман. Ростини айтаман. Мен айтганим билан соқчилар қулоқ солмайди. У фақат жодугар маликага қулоқ солади.

**Бой**. Малика ойим қачон келадилар?

**Овоз**. Билмадим. Уч кунда энди хизматкор парилар маликанинг чап қўлларининг тирнофини олиб ювиб бўлишибди.

**Бой** (*хизматкорига*). Уч кунда чап қўли... Ҳали ўнг қўли, ўнг, чап оёғи, яна 15 та тирноғи, боши, танаси, сочи, қошу кўзи, юзи бор, камида бир ой керак экан-а? Шўrimiz қуриди. Овқатлар карvonда эди. Бориб бўлмаса. Очдан ўламизми? (*Овозга*) Эй овоз!..

**Овоз**. Бой, нима демоқчи бўлганлигининг эшитдим. Очдан ўлмаслик учун, албатта, овқат бор. Дарахтларда осилиб турған турли меваларнинг ҳаммаси емиш. Булар жаннат таомлари. Уни истеъмол қилган одам бир ойгача қорни очмайди. Балки яшариб, кучга тўлиб, бақувват бўлиб кетади. Нурол меваларидан еб, булоқ сувидан ичсангизлар ҳузур ва роҳат қиласизлар.

Бой билан хизматкорлар бориб Нурол мевасидан узиб олиб, биттадан тишлиб ейишади.

**Бой**. Оҳ, оҳ, маза. Вой, бунақа мевани умримда емаганман.

**2 - Хизматкор**. Мен ҳам.

**1 - Хизматкор**. Мен ҳам.

**Бой**. Оҳ, жаннат меваси Нурол қандай яхши!

**Овоз**. Бой, бир нарсани унтибман.

**Бой** (*қўрқиб*). Нимани?

**Овоз.** Кимда- ким умрида бирорга ноҳақ жабр қилган бўлса ёки ўлдирган бўлса, у ювош дайди итга айланиб қолади. Кўриниши одамга ўхшаган бўлса ҳам, лекин қилиғи ит бўлади. Лекин мияси одамникига ўхшаб ишлайди.

**Бой.** Вой ! (*Кўлидаги Нуролни ташлаб юборади.*)

**Овоз.** Кимда-ким бирорнинг жиноятини кўриб- билиб билмасликка олиб кетган бўлса, улар маймунга айланиб қолади.

**Хизматкорлар.** Вой! Вой!

Секин-аста Бой итга ўхшаб акиллаб, тўрт оёқлаб юра бошлайди. Хизматкорлар маймун бўлиб сакрашади. Шу пайт ҳаводан гулдураган овоз келади. Нодир билан дев кириб келади.

**Дев.** Мана, уч кечак-ю уч кундуз ҳавода учиб келдик. Сен ҳам кўзингни чирт юмиб чидадинг. Агар кўзингни очганингда шув этиб ерга тушиб кетиб ўлардинг.

**Нодир.** Раҳмат! Ия, Бой ота-ку. Бой ота, туринг. Нега итга ўхшаб юрибсиз.

**Бой.** Вов! Вов!

**Нодир.** Нима бўлди?

**Бой.** Вов! Вов!

**Нодир.** Ия, бу хизматкорлар-ку, булар маймунга ўхшаб сакрашяпти.

1- хизматкор (*бурнини ковлаб*). Чий! Чий!

2- хизматкор (*қулогини тортиб*). Чий! Чий!

**Нодир.** Ё тавба. Дев, бу қандай ер ўзи?

**Дев.** Мана бу мевалар Нурол жаннат меваси, уни ҳалол-пок одам еса, роҳат ва ором олади. Янада бақувват бўлиб, гўзаллашади. Нопок одам еса, ит, маймунга айланиб қолади.

**Нодир.** Ҳа. Мен еб кўрсам бўладими?

**Дев.** Бўлади. Ҳалол одам еса, бирдан жодугар маликаси ўлиб, дунёни тўзон тутади. Ва бу кошоналар йўқ бўлиб қолади. Мана булар итлигича, маймунлигича қолади.

**Бой.** Вов! Вов! (*Нола қилиб, Нодирнинг оёғи остига келиб, этигини ялай бошлайди.*)

**Хизматкорлар.** Чий! Чий!

Нодирга сакрашиб хушомад қилишади.

Нодир. Дев! Буларга раҳмим келяпти, уларни ўз ҳолига қайтариш мумкинми?

Дев. Агар сен рози бўлсанг, қайтариш мумкин.

Бой келиб Нодирнинг оёғига суйкалиб, қўллари билан юзларини силаб, вовиллаб ялинади. Хизматкорлар ҳам сакраб чийиллашади.

Нодир. Булар ит бўлиб, маймун бўлиб қилмишларидан тавба қилишгандир. Тавба қилишган бўлса мен рози.

Бой ва хизматкорлар ишора билан тавба қилганликларини билдиришади. Нодир дутор чалади. Бой ит ўйинга, хизматкорлар маймун ўйинига тушищади. Бой музика охангига «Вов! Вов!» деб қўяди. Хизматкорлар «Чий! чий!» дейишади. Дев ҳам ўйнайди. Ўйин тугагач.

Дев. Нодир, мен кетайми?

Нодир. Йўқ, кетма! Мана булар тавбасига таянибди. Одам ҳолига қайтар.

Дев қўлтиғидан бир нарса олади, кафтида майдалайди.

Дев (*Бой ва хизматкорларга қараб*). Эй Хубро Сулаймон! Сеҳримга бўл дармон, сенга илтижойим бор, бу ит-маймунларни одам ҳолига келтир. (*Кафтидаги нарсаи и туфлайди. Бой билан хизматкорлар асл ҳолига келиб, Нодирни келиб қучоқлашади.*)

Бой. Раҳмат!

Хизматкорлар. Раҳмат!

Нодир. Арзимайди.

Бой. Энди бу ердан кетишнинг иложини қил.

Нодир бориб битта Нуорлдан узиб олиб, тишлайди. Бирдан қоронғилашиб, чийиллаган бўрон эшитилади.

Дев (*овози*). Нодир, мен кетдим. Раҳмат!

Саҳна ёришади. Яна қум саҳроси. Бой хизматкорлар билан суҳбатлашмоқда.

Бой. Содик хизматкорларим, Нодирни йўқотиш керак.

1- хизматкор. Қандай қилиб?

Бой. Бу ерда уни йўқотиб бўлмайди. Унга Дев ёрдам бериши мумкин.

2- хизматкор. Ахир у сизни кутқарди-ку.

Бой. Нима, кутқарди деб бойлигимнинг ярмига шерик қилишим керакми? Йўқ. Уни йўқотмасак бўлмайди.

1- хизматкор. Нима қиласиз?

Бой. Ман хотинимга хат ёзиб бераман.

«... Ушбу хатни элтувчи йигитчани қандай бўлмасин ўлдириб юборинглар...» деб. Бола одобли, хатни очиб ўқимайди. Тўғри олиб бориб беради. Нима кўп, бизнинг каллакесарлар, хизматкор барзангиларимиз кўп. Вассалом, гап тамом. Кутуламиз. Ота-онаси мендан домангир ҳам бўлмайди.

2- хизматкор. Офарин! Доносиз, Бой ота! Яшасин Бой отамиз!

Нодир кириб келади.

Бой. Кел, Нодир болам. Қалай, билдингми?

Нодир. Бийдим. Ҳов тоғнинг орқасида экан. Шаҳар бир кунлик йўл экан. Эрта саҳар жўнасак, шомда кириб борамиз.

Бой. Яхши. Нодир болам, бир иш чиқиб қолди. Мен бугун ноxуш туш кўрдим. Шу кенжা ўғлимга бир нарса бўлдиёв. Тушимда ўғлимни ит тишлаб олиб кетаётган экан.

Нодир. Ит бўлиб қолганингизга киргандир.

Бой. Нодир болам, Бой ота билан ҳазиллашмайди. Ҳазил ҳаром дейдилар.

Нодир. Майли, Бой ота, қандай иш?

Бой. Иш шундайки, сен ёшсан, хотиринг жам, йўлларни эслаб қолгансан. Мени саман отимни миниб уйга қайтасан. Биз хотиржам етиб қолганимизни айтасан. Ва мен боргунча кутиб турасан. Ҳайми?

Нодир. Ҳай.

Бой. Мана бу хатни бой ойингга берасан, бўлди. Сенга оқ йўл. Сафаринг бехатар бўлсин.

Нодир. Омон қайтинглар. Тезда дийдор кўришайлик.

Бой. Ҳайр!

Хизматкорлар. Алвидо!

Биринчи парда тугади

## II ПАРДА

### IV КҮРИНИШ

Бойнинг ҳовлиси. Бойнинг қизи Назокат соғинч алангасида ғазал  
үқимоқда.

Назокат. Бугун отам сафарга чиққанига уч ой тўлди.  
Нодир кетганига ҳам уч ой бўлди. Ана, ой ҳам кўрина бошлади.

(Ой тўлиб тиниқ осмонга кўтарилади.)

Ой тўлибди бу оқшом,  
Жоним, сени ўйлайман.  
Йўллайман дилдан салом,  
Сен ҳақингда куйлайман.

Софинчimu армоним,  
Юрагимга дармоним.  
Қай элларда юрибсан,  
Менинг жону жаҳоним?  
Каптар бўлиб ёнингга  
Учиб борсам, қанийди?  
Дафтар бўлиб ёнингда  
Кучиб борсам қанийди?

Қанийди шу пайт келиб қолса. Оҳ, унинг пойига бутун  
олам гулларин гиламдай поёндоз қилиб тўшардим. Тўлин ойни  
шундай осмондан олиб, қўлига берардим. Жоним, ой сенинг  
тунлардаги фонусинг бўлсин. Фурур мардлик шамширинг  
тутардим. Бу сенинг эрлик номусинг бўлсин деб. Лекин бу  
армон ушалармикан? Бу орзу рўёбга чиқармикин? Биз қизларда  
орзу кўп, армон бисёр, лекин ўргада тенгсизлик дарёси бор.  
Унинг тўлқинлари бераҳм, тош гирдобли қаърига чирпирак  
қилиб тортиб кетади. Биламан, отам унинг ота-онасини  
қашшоқ дейди. Йўқ, дейди, унда мен нима қиласман? Эй, ой,  
нурларингдан арғимчоқ ясаб, мени Нодиримнинг олдига элт.  
Мен бир кўзларини кўриб қайтай!

Ой (овози). Эй гўзаллик мулкининг танҳо маликаси. Мен  
оқшомдан тонггача ер устидан юриб ўтаман. Қай юртда қай

гўзал борлигини, қай ошиқ аҳд-нола чекаётганини кўриб ўтаман. Мен неча йил ер устидан айланиб ўтган бўлсам сендеқ гўзални кўрмаганман. Сенинг гўзаллигингга монанд садоқатинг, меҳринг, муҳаббатинг борлиги мени шодлантириди. Сен тилаган йигит Нодир донолар доноси, мардлар марди. Уни уч ойдан бери кузатаман. Кўп азоб-уқубатларни бошидан кечириди.

**Назокат. А?!** Қандай қилиб, сўзла менга, тўлин ой?

**Ой (овози).** Мен сенга сўзласам ишонмаслигинг мумкин. У сен томон келяпти. Отангдан хат олиб келяпти. Сенга етиб келишига бир ойлик йўл қолди.

Назокат. О, тўлин ой. Сен мени қувонтирдинг. Лекин мен бир ойгача қандай чидайман. Бирон кор-ҳол бўлиб дийдорини кўролмай қолсан нима бўлади? Эй, тўлин ойжон, сени Олло таоло яраттандан бери ўз нуринг билан ошиқ-маъшуқларнинг дийдорига етказасан. Юракларига муҳаббат чўғини соласан. Сендан мен ёлвораман. Сен менинг Нодиримнинг олдига нур аргимчоқларингда етказ. Унинг дийдорига тўяйин.

**Ой (овози).** Эй хусну латофатда ягона, ўз исми жисмига монанд Назокат. Сенинг илтимосингни бажо этсам, сени Нодирнинг олдига элтсам, бир ой чўлу саҳро кечиб, азоб - уқубатлар тортишингга тўғри келади. Шунинг учун мен Нодирингни аргумоги билан нур аргимчоғимда сенинг хузурингга элтай. Розимисан?

**Назокат.** Розиман! Минг бор розиман!

Эй тўлин ой, сенинг бу яхшилигинг, севги деган қалб оташи инсон юрагидан сўнмагунча тилларда достон бўлур.

**Ой (овози).** Менга достоннинг нима кераги бор? Икки дил қувониб, муроду мақсадига етса бўлди. Шунда менинг юзим одам зотига нурлироқ, равшанроқ кўринади.

Назокат. Эй тўлин ой. Қалбинг ҳам юзингдай нурли экан. Майли, сен не десанг кўндум. Нодиримни нурли аргимчоқларингда ошёнимга келтириб, муродимни бер.

**Ой (овози).** Нафосат оламининг Назокат номли нурли ва жозибали гули, сен муродингга етгунг.

*Аллақандай сеҳрли нур янграйди. Шу куй оҳангига монанд Нодир кириб келади.*

Нодир. Назокатим.

Назокат. Омон келдингизми, пәхлавоним?

Нодир Соғмисиз, малоҳатим?

Назокат. Оллоҳга шукр, интизорлик тунларини соғинч алангасида ўтказиб, бугун дийдорингизга мушарраф бўлдим. Энди тунларни биргаликда, сизни менга тезроқ етказган ой сеҳрининг оғушида ўтказмоқ орзусида яшайман.

Нодир. Сизга тонг пардасидан кўйлак тикиб, этагингизга оламнинг олмос юлдузларини тўкишни истайман. Сиздек гўзал қизларимиз бўлишини армон қиласман.

Назокат. Сиздай донишманд, ақлу тадбиркор, марду саховатли ўғилларимиз бўлишини ният қиласман.

Нодир (*осигуриқ дуторни олиб*). Мен куйласам, сиз ўйнасангиз.

Назокат. Айни муддао.

Нодир  
(*Куйлайди.*)

Лаззатли умр кўришмоқ дийдор,  
Ойдай тўлиб ёнда юрса ер.  
Дили бўлса дилимга пайванд,  
Ёрдан ширин дунёда не бор!

Сен куйласанг, ёrim ўйнаса,  
Мойил бўлиб кўнгил сўйласа.  
Кеча- кундуз боқиб ҳуснига,  
Сира-сира кўзлар тўймаса.

Ёринг билан учсанг аргимчоқ,  
Бошларингдан гул сочса баҳор.  
Менга айтгил, Назокат, у чоғ  
Ёрдан ширин дунёда не бор?

«Ёрдан ширин дунёда не бор?» сўзини Назокат ўйнаб туриб такрорлайди, ўйин тугагач бориб Нодирнинг бағрига отилади.

Нодир. Сиз ҳаётнинг қийинчиликларига бардош берурмисиз?

**Назокат.** Юрагим бардоши жисмим садоқатидир. Сиз менинг учун каллангиз олинишидан кўрқмайсизми?

**Нодир.** Сиз учун бошим кетиши менинг учун баҳт. Негаки ишққа содиқ қолиб ўлмоқлик ошиқлар муродидир. Ишқсиз юрагу севгисиз бош оламда ортиқчадир. У денгиздаги ёғоч парчасидек сувга сингимайди. Ва ниҳоят тўлқинлар қирғоққа улоқтиради. Менинг ниятим ишқ уммонига сингиб кетмоқлиkdir.

**Назокат.** Ўғил кўрсангиз исмларини не кўюрсиз?

**Нодир.** Ўз исмимга уйқаш ботир: Бобир, Қодир, Зокир ... Сиз-чи?

**Назокат.** Мен ҳам: Лазокат, Латофат, Шарофат каби.

**Нодир.** Ана, олти фарзанднинг ота-оналари бўлдик. Энди, азизим, дадангиз менга мактуб бериб юборган эдилар ва тайинлаганлар, фақат Бой ойингизнинг ўз қўлларига топширурсан, деб.

**Назокат.** Мактуб нима ҳақида?

**Нодир.** Билмадим. Бирорвнинг мактубини очмоқлик одобдан эмас. Мен сўрамадим. Улар айтмадилар.

**Назокат.** Яхши, унда мен онамга бу хабарни етказай. У киши шоҳимизнинг маликалари билан шаҳзоданинг тўйларига тарааддул кўришмоқда эди.

**Нодир.** Ҳм. Шаҳзода Сардорми?

**Назокат.** Худди шундай.

**Нодир.** Келинни қай вилоятдан олишяпти?

**Назокат.** Араб халифотидан.

**Нодир.** Тўй бўлсин. Бўлмаса хабар етказинг.

**Назокат.** Мен хизматкорга айтай.

*Чиқади.*

**Нодир**

*(Дутор чертиб куйлади.)*

Не баҳтки, шу гўзал бўлса ёrim,  
Мангу узилмасди дўстим – дуторим.  
Чайлаларда ўтса ҳам умрим,  
Файзли бўлаверарди умрим – баҳорим.

Ия, нима деяпман ўзи? Мен кимман? Бир фақир чолу кампирнинг тилаб олган битта-ю битта боласи. Бой ота бунга рози бўлармиди?

*Назокат киради.*

Назокат. Хизматкорларга буюрдим. Ҳозир Бой ойингиз келиб қоладилар. Нима ёзилган экан-а? Юрагим ҳовлиқиб кетяпти. Мактубни менга беринг-чи.

*Нодир найча қилиб думалоқланган ва муҳрланган хатни олиб беради.*

*Назокат хатни олиб айлантириб кўради.*

Назокат. Очайми?

Нодир. Одоб.

Назокат. Ҳа, тўғри, одоб.

Нодир. Назокатни биз ишқ аргимчофида қалбимизни шифиллатиб учирдик. Лекин менинг бир қўрқинчим бор.

Назокат. Қандай?

Нодир. Мен бир фақиру фуқаронинг фарзанди, сиз доно, бадавлат хонадоннинг гўзал қизи. Сизга шаҳзодалар харидор деб эшитаман.

Назокат. Ташвиш тортманг.

Кимки бўлса тадбиркор,

Унга бўлар омад ёр.

Сизнинг донишмандлигинги менинг тадбиркорлигим, ўйлайманки, шаҳзодаларни қулвачча, қулваччаларни шоҳ қилиб қўяди.

Нодир. Тағин манманлик қилиб қўймаймизми?

Назокат. Олий ниятлар манманликка кирмайди.

Ёшлилар ҳамиша олий ниятли бўлур. Шу боис манманликка ўтмас, деб ўйлайман.

Нодир. Офарин, Назокатим.

Хизматкор овози. Бекам!

Назокат. Хизматкор келди. Чиқай-чи?!

*Чиқади ва тез қайтади.*

**Назокат.** Бой ойингиз айтитпиларки, мен ижозат бераман, хатни қизим ўзи ўқисин, бирон мұхым гап бўлса, хабар келтирарсан, деб.

• **Нодир.** Ундей бўлса, марҳамат!

**Хатни тутқазади.** Назокат хатнинг муҳрини бузиб очиб ўқиди.

**Назокат.** «Дуойи саломдан сўнг, етиб маълум бўлсинким, каминаи камтарин соғ ва саломатмиз. Тез орада етиб бориб қолсам ажаб эмас. Гапнинг индаллоси, ушбу хатни элтувчи йигит кўп ақлли, уни ўғлимдан зиёд кўрганимдан куёв қилишни ўйладим. Шаҳзодаларни қўй, тезда тўй қилиб, шаҳардаги кунгурали уйни шуларга бер. Мен етиб борганимда, насиб этса, фарзанд тўйларида бутун вилоятга ош берурмиз. Салом или эринг Козим бой».

**Нодирим!**

**Нодир. Назокатим!**

*Бир-бирининг қучогига отилишиади.*

## V КЎРИНИШ

IV кўринишдаги манзара. Ҳеч ким йўқ. 2- хизматкор югуриб киради.

2- хизматкор (*ҳовлиқиб*). Бей оий! Бой оий! Қаердасиз?

Бой ойим чиқади.

**Бой ойим (овози келади).** Шу ердаман. Кимсиз?

2- хизматкор. Мен кулингиз Ҳалимман. Бой отам савдодан келяптилар. Пешвоз чиқинглар! Оёқларининг тагига гилам поёндоз ёзинглар! Ортиб, тортиб, түя-түя олтинлар!

Сархил шоҳи-атлас матолар билан бойиб келяптилар. Худомадларини, баҳту саодатларини берди.

Хизматкорлар кўча бошида карнай, сурнай, ногора билан кутиб олсинлар!

Сиз фарзандларингиз билан ясан-тусан қилиб, шу ерда кутиб олишингларни Бой отам айтдилар.

**Менга ижозатми?**

**Бой ойим. Ижозат. Йўлда хизматкорларга бу хабарни етказинг.**

**2 - хизматкар. Бажо бўлгай, Бой ойим!**

**Чиқади.**

**Бой ойим (ҳовлиқиб). Назокатбону!**

**Назокат. Ҳув (чиқиб келади).**

**Бой ойим. Күёвга айт, дугори билан шайлансан! Сен ҳам сархил кийимларингни кий! Отангни кутамиз!**

**Назокат. Ҳўп бўлади.**

**Кириб кетади.**

**Саҳна бир зум бўш қолади. Биринчи зарварақ тўн билан Нодир чиқади. Кўлида дутор.**

**Нодир. Худо у кишига сахийлик ато қилиб мени ўзларига куёв қилганларига минг раҳмат. Бугун, мана, бағримиз тўлиб қолади.**

**Бой отамга бағишланган ашуламни айтиб, кутиб оламан.**

**Ясаниб Назокат ва Бой ойимлар чиқишиади ва Нодирнинг олдига келиб туришади. Хизматкор эни қисқа, бўйи узун гиләм йўл тўшайди. 2-хизматкор киради.**

**2-хизматкор. Бой отам ташриф буюрдилар! (*Ташқарида карнай-сурнай овози келади.*) Хуш келибсиз, Бой ота!**

**Оёгингиз гардини кўзимизга суртамиз, деган шовқин келади. Карнай-сурнай, шовқин пасаяди. Нодир қўшигини бошлайди.**

**Назокат ва Бой ойимлар қўшилишади.**

**Нодир**

**Не-не юртларни кезиб,  
Дарёю денгизда сузиб,  
Саҳро, тоғларни кесиб,  
Хуш келибсиз, отажон!**

## Назокат

Кутдик сизни интизор-зор,  
Туну кун соғиниб бисёр.  
Оlam бўлиб кўзга тор,  
Хуш келибсиз, Отажон!

## Бой ойим

Ёр соғинчи оғир экан,  
Қалбга санчаркан тикан,  
Оlam бугун бир чаман,  
Хуш келибсиз, ёрижон!

Нодир. Ортиб-тортиб...  
Бой. Бас!!! Бу не найранг?

Бой ойим яқинроқ келиб.

Бой ойим (яқинроқ келиб, одоб билан). Хуш келибсиз, азизим! Соғ-омон келдингизми? Нечук. Кувонч ўрнига жаҳл? Ахир олти ой дийдор кўришмадик. Омад ёр бўлдими? Кўп хушхабарлар эшигдим. Биз сизнинг дуойи жонингизни қилиб, амрингизни бажо келтириб ўтирибмиз.

Бой (Нодирни кўрсатиб). Бу ким?

Бой ойим. Ким бўларди. Куёвингиз.

Бой. Куёвим?! Қандай қилиб?

Бой ойим. Ўзингизни мактубингизга асосан.

Бой. Мактубимга асосан? Қанақа мактубим?

Бой ойим. Ўзидан бериб юборган мактубингиз.

Бой. Қани ўша мен бериб юборган мактуб?

Бой ойим ичкари кириб олиб чиқади. Ва Бойга беради.

Бой (мактубни шошиб ичидаги ўқийди). Йўқ, бу менинг мактубим эмас. Мен мактубимда бошқача ёзганман. Хизматкорлар, бу қаллобнинг оёқ-қўлини боғланг! Мени мактубимни йиртиб ташлаб ўзи хат ёзган.

*Хизматкорлар Нодирнинг оёқ-қўлини боғлашади.*

Нодир. Бой ота. Мен хатга текканим йўқ.

Бой. Ит тегдими бўлмас! Ҳозир сен билан гаплашмайман. Шоҳ гаплашади. Шоҳга арз қиласман. Сени осадими? Бошингни

кесдирадими? Зиндон қиладими? Адолатли шоҳимиз ўз хукмларини бердилар.

Назокат. Ота, у жазога нолойиқ. У донишманд, у истеъодод, у элимизга фахр. Уни асраб қолинг. У мени эрим, күёвингиз!

Бой. У қаллоб, фирибгар, у номард! Олиб чиқинг, дийдорини кўрмай. (*Олиб чиқишиади*.)

Бой ойим. Қандай қаллоблик қилибди, айтинг.

Бой. Айтдим-ку, мен берган хатни қайта ёзибди деб.

Бой ойим. Сиз не ёзган эдингиз.

Бой. Мен... Ушбу хатни элтувчи йигитни қандай бўлмасин ўлдириб юборинглар... деб ёзганман. Бу эса «куёв қилинлар» деб қайта ёзган. У менинг бойликларимга эга бўлишни истаган. Мана унинг қаллоблиги. Буни худоям, бандаям кечирмайди.

Бой ойим. Ё тавба. шу йигитча-я. Унда уни тириклай терисини шилдириш керак.

Назокат. Мени бева қилиб-а? Йўқ, мен ундан айрилмайман. Кўшиб мени ҳам қўлимни боғланглар. Йўқ, у ундей одаммас. У донишманд, у ҳалол, у...

Бой ойим. У сени жоду қилиб, ўзига маҳлиё қилиб қўйган, қизим.

Назокат. Шундай бўлса, мени маҳлиёликдан уйғотинг, мени шу ҳолда бирга жазо беринглар. Мен у билан то қиёмат биргаман.

Бой. Тентак бўлма, у сенга ёрлик қилмайди. Вассалом, гап тамом! У дорга тортилади.

Назокат. Менинг таним балиқларга ем бўлади.

Бой ойим. Не кунларга қолдим-а? (*Йиғлай*...)

## VI КЎРИНИШ

Шоҳ вазири билан катта шахмат тепасида тикилиб ўтиришипти. Соқчи киради.

Соқчи. Шоҳим, ҳузурингизга Козим бой рухсат сўрайдир. Фурсатми? Рухсатми?

Шоҳ. Козим бой, Козим бой (*шахматни суриб*), келинг, вазири аълам... Ҳа, Козимбойга рухсат!

Соқчи чиқиб Козим бойни бошлаб киради. Козим бой ер ўпид таъзим қиласи?

**Козим бой.** Шоҳим, хазинангизга бир хум тилло кўшдим. Йилқиласингизга беш така туркман отларидан кўшдим.

**Шоҳ.** Тилагингиз?

**Козим бой.** Анави қаллоб Нодирниadolat юзасидан жазосини берсангиз. Хатимга хиёнат қилди. Қизимни хотинликка олиб, йўлдан оздирди. Энди молу мулкимга эга чикмоқчи.

**Шоҳ (от суреб).** Кишт... Ўзингиз не истайсиз? Осилинми? Боши кундада чопилсинми? Вазири аъзам, энди сизга йўл йўқ.

**Козим бой.** Олдин осилиб, кейин чопилсин.

**Шоҳ (пёда юриб).** Олдин осилсин, кейин... (кишт) майли, олиб киринглар.

Қўл-оёғига кишан солинган Нодирни олиб киришади.

**Шоҳ (бепарво фарзини юриб).** Олдин осилсин, кейин эй, йўқ, шошманг. Вазири аъзам, бир он шахматни тўхтатамиз, шундай турсин.

**Вазир.** Амрингиз...

**Шоҳ (Нодирга).** Хўш, ёш бўла туриб нечук қаллоблик қилдинг?

**Нодир.** Шоҳим, мен қаллоблик қилмадим.

**Шоҳ.** Хатдаги гапдан хабаринг бормиди?

**Нодир.** Ўлимдан хабарим бор, бундан хабарим йўқ эди.

**Шоҳ.** Унда қандай қилиб хат мазмуни ўзгариб қолди?

**Нодир.** Билмадим. Ягона тангрим билади.

**Шоҳ.** Унда йўлда бирон одам хат алмаштиридими?

**Нодир.** Алмашди.

**Шоҳ.** Қаерда ва қачон?

**Нодир.** Уч кеча- кундуз отда йўл босганимдан кейин Бой отамнинг 1- хизматкорлари Бойнинг учқур отида югуриб келиб, менга хатни алмаштириш зарурлигини айтди. Бой отам бир жумла кўшиб, қайта ёзиб бериптилар, деди. Мен эски хатни бериб юбордим. Янги хатни олиб йўлга равона бўлдим.

**Бой.** Ёлгон! Мен хат алмаштирамадим. Бу бетовфиқ бу тұхматни ичидан тўқиб чиқармоқда.

**Шоҳ.** Ёлгон сўзлассанг, биласан, у дунё- бу дунё имонинг куяди. Дўзах ўтида куйиб, тўзонга айланиб кетасан.

**Нодир.** Ёлгон сўзласам ҳам, сўзламасам ҳам Олло таолонинг ҳузурига кетяпман. Шоҳни алдарман-у, худони қандай алдайман. Нега деганда, мен Бағдодда илм ўргандим. Куръонни ёд олдим. Худонинг бир, расулнинг барҳақлигини билурман.

**Шоҳ.** Унда хат алмаштирган хизматкорни келтиринг!  
*(Нодирга.)* Яна қандай ҳунарларинг бор?

**Нодир.** Яна соз чалиш ва қўшиқ айтишни билурман.

**Шоҳ.** Бу ҳунар эмас. Бу кўнгилхушлиги. Яна қандай...

**Нодир.** Яна шахмат ўйнашни ўрганганиман.

**Шоҳ (хурсанд бўлиб).** Мана бу ҳунар. Соз билурмисан?

**Нодир.** Шахмат ўйинини соз билурман деб айтиш қийин, фақат ўйнаб кўрсатмоқ лозимдир.

**Шоҳ.** Тўғри айтдинг. Мен билан ўйнай оласанми?

**Нодир.** Шоҳлар билан шахмат ўйнамоқ қалтис ишдир. Шоҳлар ютқазишга ўргангаган. Ютишга ўрганган. Дарвозага кираверишда икки кесилган ва дарвоза тепасига илинган бошни кўрдим. Булар кимларнинг боши, десам, Шоҳга шахматдан ютқизган шахматчиларнинг боши, дейишиди.

**Шоҳ.** Тўғри айтишишти.

**Бой.** Шоҳим, бир ўйнанг бу қаллоб билан. Дарров қаллоблиги қўлга тушади. Ҳали бу омон бўлса шоҳликка ҳам даъво қиласди.

### *Соқчи киради.*

**Соқчи.** Шоҳим, хизматкор келтирилди. Фурсатми?  
Рұксатми?

**Шоҳ.** Рұксат!

*Хизматкорни уриб олиб киришиади.*

**Шоҳ.** Бас! Сен Козим бойнинг хизматкоримисан?

1- Хизматкор. Шундай, шоҳим.

**Шоҳ.** Козим бой сизнинг хизматкорингизми?

**Бой.** Хизматкорим.

**Шоҳ.** Ислминг нима хизматкор?

1- хизматкор. Ислим Эгамқул.

**Шоҳ.** Эгамқул, эгамнинг олдига кетаётибсан, тўғрисини айт. Нодирга янги хат олиб бориб, эскисини олиб келдингми?

1- хизматкор. Шундай қилдим.

**Шоҳ.** Нима мақсадда шундай қилдинг?

1- хизматкор. Бир навқирон йигит бекорга жувонмарг бўлиб кетишини истамадим. Бу йигит билимдон, жасур, ақлли, ширин овози бор, халқимизга кўп наф келтириши мумкинлигини ўладим. Бизни жодугарлар маликасининг бандилигидан ҳам шу қутқарди. Менга ўшаганинг юз мингтасидан кўра кўпроқ манфаати тегади сизнинг шоҳлигингизга.

**Шоҳ.** Бу қилмишинг учун бошинг танангдан жудо бўлишини билармидинг?

**1 - хизматкор.** Билиб туриб шу ишни қўлдим. Мендан элга наф ниҳоятда кам. Лекин Нодирдан кўп. Элни, юртни ўйладим.

**Шоҳ.** Маъкул. Эгамқул дорга осилсин! Шу шарти билан. Мен Нодир билан шахмат ўйнайман. Агар ютса, сени ҳам озод қиласман. Агар ютқазса, иккаловингни бошинг кетади. Негаки, сени ёлғончилигинг маълум бўлади.

**Нодир.** Розиман.

**1 - хизматкор.** Ундаи қилма, сен элга керак йигитсан!

**Нодир.** Шахматдан енгилиб юрган инсон кимга керак? Ташвиш тортманг, Эгамқул ака.

**Шоҳ.** Маъкул. Шахмат қайта тикилсин! Нодир бўшатилиб, вазир ўрнига ўтигисин!

Шахматни қайта тикиб, ўйин ҳолига келтирилади. Нодир оқ дона тарафда бўлгани учун юришни бошлайди.

Раққоса!

Куй янграйди. Раққосалар чиқиб ўйнашади.

**Нодир.** Шоҳим, мот!

**Шоҳ.** Офарин! Йигит, ҳақиқий билимли-илмли йигит экансан. Сенга тан бердим. Сен юртта шоҳ бўлишинг керак экан (*ўрнидан туриб*). Сарой аҳли, тингланг! Бугундан бошлаб мен шоҳлик тожимни ёш йигит Нодирга кийгаздим. Ўйлайманки, элни тўқ, юртни обод, мамлакатни фаровон қилишга қодир инсон. Мен анча қариб қолдим. Мен саройда бош маслаҳатчи бўлиб қоламан. (*Тожни Нодирнинг бошига кийдиради.*) Тож муборак, шоҳим! Айтинг, мамлакат қирқ кун тўй- томоша, ўйин- кулги қилсин.

**Бой.** Билардим. Нодир ҳақиқатан ақлли йигит, мен шоҳнинг қайнотасиман. (*Нодирга.*) Шоҳим, гуноҳларимни кечиринг.

**Нодир.** Назокат қизингиз туфайли кечирдим. Азизлар, мен ҳунар, илм ўргандим, ҳаётимда йўлчи юлдуз бўлди.

Карнай-сурнай, ногора авжига чиқади. Ўйин-кулги томоша сайлига айланаб кетади.

Тамом

---

## ЁДГОР АЛПОМИШ ЎГЛИ

(«Алпомиши» достони асосида эртак-пьеса)

### ҚАТНАШУВЧИЛАР

**Алпомишиш**

**Барчиной**

**Ёдгор**

**Кунтуғмиш (Алпомишининг онаси)**

**Ултонтоз – ҳукмдор**

**Бойбўри Алпомишининг отаси**

**Баковул**

**Баковулнинг хотини**

**Бодом – Ултонтознинг онаси**

**Қалдирғоч – Алпомишининг синглиси**

**Қултой**

**Хизматкорлар, уларнинг овозлари келиб туради.**

### I КЎРИНИШ

Бойсун – Қўнгирот элининг Олатоги. Юртига қайтган Алпомишиш  
суқланиб энтикиб қарамоқда. Юради.  
Саҳна айланади.

**Алпомишиш (ҳайқуриб).** Эй Бойсун! Қўнгирот элим, салом –  
ассалом! Боботогим! Олатогим! Мен зиндандан озод бўлиб,  
ўз элимга қайтдим! (Бу сўзлар тоглардан акссадо бўлиб қайтади.)  
Тавба, ҳайвон зоти эсидан чиқазмас экан-а. Олатогга отим  
учиб келиб тушди-ю, бир юракни эзиб кишинади. Бирдан  
йилқилар баравар кишинашди. Шу пайт тўқай томондан  
Бойчиборнинг онаси чиқиб, кишинаб югурди. Йилқичиларнинг  
«ҳаё-ҳай»си беҳуда кетди. Она-бала учрашиб, ҳидлашиб,

кишнашиб сакради. Бойчибор онасини эмди. Тўйиб эмди. Онаси Тарлон ийиб, роҳат қилди. Мен отимни, уюргингда яйра, деб кўйиб юбордим. Мен ҳам энамни тезроқ кўрсам, оёғига бошимни кўйиб ётсам.(*Куллар ёнбошлаб ётгани кўринади.*)

Бу йилқилар кимники?

Овоз. Бу йилқилар беэга.

Ал помиш. Беэга йилқи бўлмайди. (*Гапирган қулга.*) Ўзинг кимсан? Авлодинг ким? Эгасини айт!

Овоз. Мол эгаси ўлган. Йўқ одамни сўраб нима қиласан?

Ал помиш. Ўлган одам ким эди? Чамамда, қаттиқ зулм кўрибсан. Дардинг бўлса гапир?

Овоз. Ҳакимбек деган мирзам бор эди. Кашал элда қолган Бойдадасини олиб қеламан деб кетиб, қайтиб қелмади. Кейин, кейин қалмоқлар ўлдирибди, деган хабар келди. Мулки вайрон, моли талон бўлди. Ёдгор деган сафири ҳали ёш. Юртга Ултонтоз эгалик қилмоқда. Менинг кимлигимни айтсам. Отим Жиловдорқул. Отамни исми Қултой. Ҳакимбек билан қадрдан эди. Афсус-афсус, шундай улуф зот бекорга ўлиб кетди. Ултонтоз бизни қамчи билан урмай хизматга жўнатмайди.

Ал помиш. Ўглон, дуода бўл, мирзанг келиб қолар. Ҳой, оёғини узатиб ётган ботирлар. Бирон коса қимиз берсангиз, кўп йўл юриб чарчадим.

Овоз. Қўриб турибмиз, ўша юртдан келасан. Ана, сова - кўнакда қимиз бор, пўқонингта ичиб кетавер. Сенга қимиз сузиб хизмат қиладиган аҳмоқ йўқ. Бизни унча- мунча одам деб ўйлама.

Ал помиш (*иҷида*). Ўзбекнинг қуллари ҳам фурурли. (*Уларга.*) Тангрим муродингизни берсин! (*Ичкари кириб, сова-кўнакдан бор қимизни симириб ичиб кетади.*)

Овоз (*иҷкаридан*). Вой-бў, бор қимизни бир томчи ҳам қолдирмай ичиб кетибди-я. Одам зоти бунча қимизни ичса қорни шишиб ўлади-ку. (*Саҳна айланади, Алломиши кетиб боради.*)

Ал помиш. Ассалому алайқум! Ярақлаб турган Бобир кўлим! Бу ерлар тия яйлов, ана, туялар юришибди. Кўплигидан кўз қамашади. Ана, бир тия мен томон келмоқда. Орқасидан жулдур кийимли аёл киши қайтариш учун югурди. У тияни танидим, менинг энчи туям. Менинг ҳидимни олди шекилли. (*Саҳна айланади. Тия қувлаган аёл – Қалдирғоч келиб кийимлари жулдурилигидан уялиб бута орқасига яширинади.*)

**Қалдирғоч (иҷида).** Бу жулдур кўйлагимдан ярим очиқ баданимга йўловчининг кўзи тушмай қўя қолсин.

**Ал помиш (бута ортида Қалдирғочни кўради).** Эй, бокира аёл, мени танимайсан. Сени сарсон қилган туюнинг бориб бошини олайми? Эгаси довлаб келса хунини тўлайман.

**Қалдирғоч.** Кўй, йўловчи, уни ўлдириб, бошимни балога кўйма. Ултонтоз бошимни кесади. Уруг-аймогимни дорга торгади.

**Ал помиш.** Юришинг мунча ғарид, бирон раҳбаринг йўқми? Нега жулдур, қора кийиб юрибсан? Мунча Ултонбекдан кўркиб, титраб-қақшамасанг? Ҳолинг кўриб, кўнглим бузилди. Жуда мунглиф ва ғарид кўринасан, кимнинг қизисан?

**Қалдирғоч.** Аслим, Бойбўрининг қизиман. Алпомиш деган акам Кашалда ўлди деган хабар келган. (*Йиглайди.*) Шундан қора кийганман. Янгам Барчинойни Ултонтоз тўй бериб олмоқчи. Барчиной қабул қилмаяпти. Акам ўлган, зўрлаб бўлсаям олади.

**Ал помиш.** Мен Қалмоқдан келяпман, аканг тирик. Бирга зинданда бўлдик. Дўст бўлдик. Келади, золимлар шарманда бўлади.

**Мен.** Мен аканг эмасман, дўстиман. Икки-уч кунда келиб қолади. Мен у келгунча дўст-душманни билиб туришим керак.

**Қалдирғоч.** Эй йигит, мард бўлсанг номардинг ишини қилмагин. Ҳийла қилмагин тағин. Акам бўлсанг Ёдгор ўғлингни кўрсатай. Акам бўлсанг ғарид аҳволимга қарагин. Акамни айтишинг билан юрагим эзилиб кетди.

**Ал помиш.** Аканг шу йўл билан келади. Кутиб тур. Менга, акам, деб туҳмат қилма.

**Қалдирғоч.** Ундай бўлса, хайр! (*Иҷида.*) Акам бўлганда бундай гапларни гапирмасди.

### Йигланган Қултой кўринади.

**Ал помиш.** Бобо, мунча бўзлаб йиглайсан? Шум фалак бошингга оғир савдо солдими? Бирон боланг ўлганми? Сен йигладингу, менинг тоқатим қолмади. Кулфатингни айт, бобожон.

**Қултой.** Эй йўловчи, йиглаганим, ўғлим эмас, Бойбўрининг ўғли Алпомиш ўлган. Мен билан ота-бала эди. Билганлар қули дерди, билмаганлар ота-бала дерди. Кашалда ўлиб кетди, шунга хўрлигим келиб, баъзан йиглайман.

Алпомиш. Бобожон, Алпомиши кўрсатсан нима берасан?

Қултой. Укангни қорнини бераман. Кўрсам ўзим танийман.

Алпомиш. Мен кимга ўхшайман?

Қултой. Сен гўрга ўхшайсан, жўна! Қанча одам, ана Алпомиш келаётир, деб қанча серкаларимни еб кетди. Энди сен қолибмидинг лақиллатмаган.

Алпомиш. Мени танимадинг, хайр, бобо. Алпомишининг нима белгиси бор эди?

Қултой. Ўнг курагида Шоҳимардон пиrimнинг беш панжаларининг доғи бор.

Алпомиш. Бобо, бир куракларимни силаб кўринг-чи?  
*(Култой куракларини силайди.)*

Қултой. Алпомиш, кўрап кўзим, юрг эгаси, бормисан? Энди ўз юрtingнинг давронини сур! Мехрибоним, жоним болам, бормисан?  
*(Кучоқлашиб кўришади.)*

Алпомиш. Култой бобом, элда қандай гаплар бор?

Қултой. Гап кўп, болам. Айтсан адо бўлмайди. Гапнинг индаллоси, Ултонтоz тўй бериб хотингни олмоқчи. Ўттиз кунча бўлди ҳаракатда.

Алпомиш. Култой бобо, мен хуни ноҳақ қилмайман. Аввал ким дўст, ким душманлигини билиб олайин. Бироннинг чоригига бирор тойиб ўлиб кетмасин.

Қултой. Шундай қил.

Алпомиш. Бунинг учун сиз билан кийим алмаштирамиз. Мен Култой бобо бўламан. Сиз мен бўласиз. Бойчиборни чақириб бераман, минасиз. Мен пиёда юраман.

Қултой. Шундай қил. Ултон кўпкар беради, Бойчибор билан йигитларни бир доғлай.  
*(Иккалови бутанинг орқасига ўтиб, кийим алмашиб чиқшишади.)*

Алпомиш. Култой бобо гўзал йигит экан-ку. Курей-ку! Бойчиборим, кел!

Қултой. Ҳакимбек ҳам сулув чол бўпти-ю.  
*(Отнинг кишинаган овози келади.)*

Сахна айланади.

## II КЎРИНИШ

Барчиной ўғлини етаклаб чиқади.

**Барчиной** (*от кишинайды*). Ҳайто-ҳайт! Султонимнинг Бойчибори, ҳайто-ҳайт. Болам, уй гирдида, тўйхонада отанг ўзини билдиримай юрипти. Бойчибор, «ҳайто-ҳайт» имга кишина бувоб берди. Отанг билдиримай ким яхши, ким ёмонни ажратмоқда. Отанг йўлбарс! Ҳали йўлбарслигини кўрсатади. Душманлар қиёмат кунини кўради.

Ёдгор. Отанг, отанг дейсиз. Отам ўзи ким бўлган? Айтиб беринг.

**Барчиной**. Отанг асли исми Ҳакимбек бўлса ҳам дунёдаги 90 алпнинг бир Алномиши бўлган.

Ёдгор. Қандай қилиб?

**Барчиной**. Отанг етти ёшга етганда Арпа кўлдаги 14 ботмонли ёйни олиб, ўқ отганда Асқар тоғининг бир чеккасини учирив кетган. Шунда Хизр бува унга сен Алномиш бўлдинг. Энди сени қилич кесмайди, ўқ ўтмайди, найза ботмайди, ўт олмайди, деганлар.

Ёдгор. Етти ёшда?! Менинг ёшимда-я! Мен ҳам отамга ўхшаб ёй отаман.

**Барчиной**. Отасан, ўғлим. Сен ўзбек зотининг фарзандиссан. Сенда ҳам отанг шиҳоати бор.

Ёдгор. Нега отам Кашал кетган?

**Барчиной**. Сабаби, отангни отаси менинг отам билан ака-ука бўлишган. Бойбўри билан Бойсари иккаласи аразлашиб қолишган.

Ёдгор. Нега?

**Барчиной**. Отанг мактабга 5 ёшдан борган. 7 ёшга етганда бобонг Бойбўри, ўғлим, нима яхшию нима ёмон, деб сўраган. Отанг саҳий яхши, баҳил ёмон, деган. Баҳил ким, деганда, молидан закот бермайдиган одам, деган. Унда укам Бойсари баҳил бўлиб қолмасин, иримиға бир озғин эчкини шу закот, деб берса бўлди, деб хизматкорларини юборган. Улар иримиға бир озғин эчкини берсанг бўлди, деган гапни айтмасдан молингдан закот берасан, деб боришган. Бойсари бобонгнинг жаҳли чиқиб, закотчиларнинг қулоқ- бурнини кесиб, отига

тескари миндириб жўнатганда, мен ўз юртимга сифмадим, акам ўғилсизлигимни юзимга солди, деб Қалмоқ юртига кўчиб кетган. Унда қалмоқларнинг аллари мени оламан деб талашишган. Мен хат ёзиб отангни чақиртирганман. Отанг 90 қалмоқ алпни енгиб, мени ажратиб олиб келган. Отам қайсарлик қилиб келмаган, Қалмоқда қолган. Унга қалмоқлар кўпазоб бериб, мол-дунёсини тортиб олиб, ўз молларига ўзини чўпон қилиб кўйган. Кейин отанг қутқараман деб борганда, Сурхайл деган жодугар алдаб зиндонга ташлатган. Шунга етти йил бўлди. Мени назаримда, отанг юртга келгандай. Бойчибор отини кўрдим.

Ёдгор. Отажоним, отажоним келсайдилар. Маҳкам қучоқлаб олардим. Ундан кейин ҳеч ким мени сағир-яғир, шум етим, демасди. Эй отажоним, тезроқ кела қолинг.

Эй отажоним, жону жаҳоним,  
Томиримда ўйнаган қоним.  
Бир кўрсам эди, яйрарди жоним,  
Келганингиз рост бўлса эди.

Эна, мен бу золимларнинг жонига бир тегаман. Агар отам келган бўлса ажратиб олади. Келмаган бўлса ўлганим ўнгай бўлади. Энди мен кўпкарга ташлаб кетган серкаларни кувлаб юраман.

Барчиной Ундей қилма, болам!

Ёдгор. Ҳайдаб юбораман, тамом! (*Ёдгор югуриб чиқиб кетади. Алномишга дуч келади.*)

Алномиш. Серкаларни кувлаб чарчаган болам, кимнинг ўғлисан? Қайси уруғдансан?

Ёдгор. Ия. Култой бобо, мени танимай қолдингизми? Кулларнинг ичидаги меҳрибоним эдингиз-ку?

Алномиш (ўзини ноқулай сезиб). Сени бир синай деяпманда, болам. Ҳар бир бола ота-бобосини яхши билиши керакда, шунга қайта сўрадим. Чунки сен ўн минг қўйли бойга ўхшайсан, бойвачча сифатлисан. Сени туққаннинг армони борми? Одам десам, филмон юзлисан.

Ёдгор. Бобо, бунақа мақташ одатиз йўқ эди-ю. Биласиз, Добонбийнинг ўғли Алпинбий. Алпинбийнинг ўғли Бойбўри,

Бойбўрининг ўғли Ҳакимбек – Алпомиш. Алпомишинг ўғли Ёлгорбек бўламан.

Алпомиш. Баракалла, асли наслингни яхши билар • экансан.

Ёлгор. Бобожон, икки қул келяпти, серкасини ҳайдаб юборганим учун мени ҳозир ўлдиришади. Бобожон, мени уларга берманг. Мен сагирман, менинг меҳрибоним йўқ. Бобожон, ўлимдан қўрқманг, мени олиб қолинг! Мен ўлсам, Алпомишинг изи ўчиб қолади. (*Икки қул кириб Ёлгорни судрашади.*)

Қул. Ҳа, ярамас етим, онангнинг қорнида отангни бошини егансан, серкаларни қаёққа ҳайдаб юбординг? Мана сенга (*Қамчи билан уради.*) Мана сенга! (*Алпомиш бориб икки қулни икки қўли билан ушлаб бир сиқади, қўзлари ёшланади.*)

Алпомиш. Буни шум етим деб урмаларинт! Бунинг ҳам отаси бор эди. Худо қилди, етим бўлди. Етимга раҳм қилмай ура берадими? Муни қўйинглар, ўз вақтихушликларингни кўринглар. (*Ичидা.*) Мабодо булар мени фаҳмлаб қолмасин! Кўйиб юборай. (*Кулларни қўйиб юборади.*)

Ёлгор. Бобожон, жа зўр экансиз-ку, ўлимдан қўрқмадингиз-а! Тағин Кашал кетган отам бўлманг. Отангман денг. Ҳийла қилманг, отангман денг! Култой бобонинг бунақа кучи йўқ эди-ку! (*Багрига суйканади.*)

Алпомиш (*жеркиб*). Бобонгни отам дема, отанг қоронги зинданда ётипти. Мен Култой бобонгман. Отанг бўлсам бағримга босмасмидим. Кўтариб тўйхонага олиб бормасмидим. Душманларга оғир кунлар солмасмидим. Нодон болам, мени отам дема. Отанг ўлган. Қайдан келади?

Ёлгор (*ичида*). Култой бобонинг зўр кучи бор экан. Бир сирлашиб кўрай-чи, энамни Ултонтозга бермайман, чатоқ қиласман, деб. Шунда кўнглини биламан. (*Алпомишга.*) Жоним бобо, сиз билан бир сирлашайин, майлими?

Алпомиш. Майли, болам, сирлашайлик. Дилингдагини айт, болам, енгиллашасан.

Ёлгор. Ўттиз кундир Ултонтоз энамга совчи қўяди. Энамни унга қандай бераман? Не бет билан Бойсун фортида бош кўтариб юраман. Энам ҳам қабул қиласмайпти. Бобожон, маслаҳат беринг, нима қиласай?

**Алпомиш.** Болам, Ултонтоз юрт-элнинг муҳрдори – зўравони. Улар билан ўралашиб бўлмайди. Кунинг учун берасан. Бермасанг қийнов билан ўласан. Ўйла, асло лодон бўлма. Элтўра қўлида ғариб бўлма, зўрлаб бўлса ҳам энангни олади. Сафирсан, унинг зарбидан бутун юрт титрамоқда. Энанг унга тегса, сен тинч бўласан. Локин сенда ҳам ихтиёр бор.

**Ёдгор (ғазабланиб).** Энамни унга бергунча қийновда ўлганим яхши. Барибир тўйини бузаман. Бошимни кесгунча ўрлаб тураман. Ултонтоз фақат бошимни кесиб онамни олади. Бобо, мени йўлдан қайтарманг!

**Алпомиш.** Баракалло, ўғлим! Мен ҳам тўйни бузаман. Сен ёш, мен чол бирикиб бир бутун бўламиз. Тўй бузмоқни бобонгдан кўр. Сен кўпкар тарафдан бор, мен тўй тарафдан бораман. Келишдикми?

**Ёдгор (хурсанд).** Келишдик, бобожон! (*Кучоқлашиб хайрлашади*.) Мен кўпкар тарафдан бораман.

Алпомиш Қултой қиёфасида тўйхонага очиқ дарвозадан кириб боради. Онаси Кунтуғмиш ғариб ҳолда сўйилган қўйларнинг ичак-чавафини тозаламоқда. Алпомиш онасини таҳийди, лекин танимагандай бўлади.

**Алпомиш.** Ҳа, Кунтуғмиш янга, омонмисиз? Тўйга қўйлар кўп сўйилиби-ю, сиздан ёшроғи йўқмиди ичак-чавақ тозалашдай оғир ишга.

**Кунтуғмиш.** Секинроқ, Ултон эшитса, сени ҳам, мени ҳам дорга илади. Шу тўй деб ҳар куни қанча одамнинг боши, жони кетмоқда. Алпомиш бўлгандайди...

**Алпомиш.** Дуо қиласкеринг, келиб қолади.

**Кунтуғмиш.** Ҳой, товушинг Алпомишимга ўхшайди-я, овозингни эшитиб банди-бўғиним бўшашиб кетди. Куриган қўкрагимга сут келгандай бўлди. Сен Қултой эмассан, Ҳакимбек ўғлимсан. Алдама мени, ўзидан- ўзи кўз ёшлиримни тиёлмаяпман. Келдингми, жон болам! Диidorингни қўрадиган кун бор экан-ку. Қалдирғочни кўрдингми? Туя боқиб, чўлда кўзи хира бўлиб қолди. Қултойман деб ҳийла қилма. Келбатинг Қултой чолга ўхшамайди. Сен Қултоймассан. Йўқ!

**Алпомиш.** Янга, қарибсиз, одам танимайдиган бўлиб қолибсиз. Алпомиш келса, олдингизга Алпомиш бўлиб келарди. Наҳотки, Қултой чол бўлиб келса.

**Кунтуғиши.** Не билайин, күзим хаста бўлиб қолган (*Култойдан умид қилиб сирлашади*). Култой бўлсанг, жоним қайним, бери кел. Ўглимдан ҳеч хабар борми?

**Алпомиши.** Дуо қиласеринг, келиб қолади.

**Кунтуғиши.** Ўлгани энди билинди. Юрти вайрон бўлди. Барчинойнинг олдига борай десам Ултонтоз золимнинг зулмидан қўрқаман. Не бўлса ҳам тегмасликка қўндиргин. Зўрласа ҳам қўнмасин. Ўглим ўлгани билинмасин. (*Йиглайди*.)

**Алпомиши.** Янга, ишингиз бўлмасин, ўзим созлайман.

**Кунтуғиши.** Қадрдоним, жоним Култой, созлай қол!

**Алпомиши.** Ишонинг, созлайман, хайр!

Отаси Бойбўри елкасида катта меш. Тўй қозонларини ювиш учун инқиллаб сув келтираёттандан бирдан боши айланиб йиқилиб тушади.

Икки-уч хизматкор билан Ултонтоз кириб келади.

**Хизматкор.** Давлатпаноҳ, бу қари тулки Бойбўри айёрлик билан ишдан қочиш учун ўзини йиқитди.

**Ултонтоз.** Тепиб турғизинглар! Мен Бойсун — Қўнғирот хукмдори эканман, ёшу қарига ибрат бўлсин. Ишдан қочган ҳатто отамга ҳам шафқат қилмайман. Сувни ташисин. Айт, яна бир марта шундай қисса бўйинни чоптираман. Мен Ултонтозхонман! Кўзимдан чақмоқ учкуни сачрайди, қиличимдан қон томади. Тўра-бекларим ҳам шундай бўлиши керак. Жаллодларим қиличи қонсираб турибди. Хонни отаси деб ҳадик қилмаларинг, мана, мен ўзим тепишини бошлаб бераман. (*Бориб тепади*.)

**Алпомиши.** Ултонтўра, отангни тепма, оқладар бўласан. Бу Бойбўрибий деган инсон шу юрганинг султони бўлган-а? Қариганда азоб берма, Алпомиши аканг келиб қолса нима жавоб берасан?

**Ултонтоз.** Култой бобо, қачон ўлган одам тирилган. Бир неча бор Қалмоқдан ўлган деган хабар келган. Мабодо келиб қолиб, финг деса, таъзирини бериб қўяман. Хонлар ишига кўп аралашма, бобо. Онам қуллар ичидаги сени кўп ҳурмат қиласи, шунинг учун сенга тегмайман. Бўлмаса, бу гапинг учун қонсираган қиличимга топширадим. Бундан буён тилингни тийиб юр, тушунарлими?

**Алпомиши.** Тушунарли, Тўрахоним, лекин Бойбўри менинг кўп йиллик мирзам бўлган. Нон-тузини еганман. Мешни олиб, сувни мен ташиб берай?

**Ултоноз.** Майли. Мен түйхонадан бир хабар олай-чи...  
*(Кетади.)*

Ал помиш. Мирзам, мешингни бер.

**Бойбүри.** Э, қўй, у тезда айниб қолади. Нега мешингни бердинг, деб қайта бошдан азоб беради. У урмаса, атрофида юрган куллар уради. Кўшиб сенинг ҳам адабингни бериб қўяди. Бошингга бало сотиб олма.

Ал помиш. Мешингни бер, мирзам! Аҳволингни кўриб юрак-бағрим ээзилди. Ўзим жавобини бераман. Жоним мирзам, мешингни бера қол.

**Бойбўри.** Майли, ол. Барака топ, узоқ йиллар ўлмагин. Қариганда хор бўлмагин.

**Овозлар.** Энди Қултойга бир бало бўлади, «Тўрам омон қўймайди», «Ултон олдин кулади, кейин тилади», «Ўз бошига ўзи бало тилаб олди», «Отасини билмаган Қултойни билармиди?»

Ултон қайтиб киради.

**Ултонтоуз.** Бобо, қўйдан келибсиз-да?

Ал помиш. Ултонтоуз тўй бераётир, сулув Барчинойни олаётир, деб этиб, замон ўзимизники бўлиб қолди, бориб хизматда бўлай, бир инқиллаб паловга тўяйин, ўнғайи келса, дўп-тўнини кияйин, деб келавердим.

**Ултонтоуз.** Яхши келибсиз, сув ташиб бўлгач, қозонларга ўт ёкувчи бўлинг. Бойбўри мирзангиз қари тулкилик қиласин. Қозонларни ювиб, ўт ёқсин. Амримни айтинг, хўпми?

Ал помиш. Айтаман, лекин уни қўй энди, минг қилса ҳам отанг.

**Ултонтоуз.** Ҳа, майли, сизни онам кўп ҳурмат қиласди.  
*(Кетади.)*

Ал помиш (*отасини ўчоққа ўт ёқ деб қистаётганини кўриб, қулни елкасидан олиб ерга уради*). Ўчоққа ўтни мен ёқаман.

**Баковул.** Ҳа, бобо, нега у кулни урдинг?

Ал помиш. Замон ўзимизники бўлиб қолди. Ҳамма ўчоққа ўтни ўзим ёқаман. (*Ёдгор кириб келади.*)

**Баковул.** Ҳой, зангар Ёдгор етимча, сенга тўйхонада нима бор? Йўқол, кўзимга кўринма!

**Ёдгор.** Бир илик беринг?

**Баковул.** Мана илик сенга! (*Калгирни отади. Ёдгорнинг юз-кўзиага тегиб, қонайди.*)

Алпомиш. Етимга зулм қилма! Батрак Фармонқул, бир илик билан гўштинг адо бўлиб қоладими? Эсингдами, отаси Ҳакимбек сени қулликдан озод қилган эди. Ҳозир ошназлар сардори баковул бўлибсан. Алпомишнинг арвоҳини чирқиратма, тўйиб қолдингми? Билсанг бутун мол эгаси шу бола-ку, нонкўр. (*Ёдгорнинг юз-кўзидағи қонни белбоги билан артиб, силаб, битта катта илик олиб беради. Ёдгор хурсанд, иликнинг бир ёғини еб югуриб чиқиб кетади.*)

**Овозлар.** Култой бобо тўйни бузяпти. Ёдгорнинг кўлидаги иликни олинглар. «Кўй-е, Култой ҳам ўзимизники», «Ҳа-да, ҳар қалай каттамиз. Ахир катталик қилиб олиб берса нима бўлти, осмон узилиб ерга тушибдими, Ёдгор ея кўйсин».

**Баковулнинг хотини** (*эрни четга тортади*). Нега манманлик қилдинг, эртага чошгоҳда ўласан. Нега Ёдгорни урдинг? Биласанми, Алпомиш шу ерда, бошқа одам бўлиб юрибди. Бойбўрининг мешини Алпомишдан бошқа ким кўтаради. Шу ишинг, кўрасан, бошингни ейди.

**Баковул.** Алпомиш келганини қаёқдан билдинг, мегажин? Ултон шоҳим билса, сен тайин ўласан. Алпомишнинг оти ўчсин. Сенга тўйхонада нима бор, жўна! Йўқ одамни бор қилиб гапирансан, касофат, йўқол! Шу гапингга шоҳим кўзингни ўйиб, оғзингдан кўрошин қуяди.

**Баковулнинг хотини.** Ўзинг ўйла, Бойбўрига шу вақтгача ким ғамхўр бўлиб юкини кўтарган-а? Қули тош остида қолганда ҳеч ким қайрилиб қарамаган? Ҳеч ким. Култой бобонинг меш кўтаришга ҳоли борми, айт? Менимча, Алпомиш Култой бўлиб ҳаммани синааб юрибди. Кўрасан, эртага Ултонтоз ҳам ўлади. Ҳаммадан Ёдгорни урганинг ёмон бўлди-да.

**Баковул.** Култой бобони танимай кўр бўлибсан. Эртага ўзинг ўлиб, мени чиқимдор қилма, йўқол! Ўз тилингдан илинма, кет! Бўлмаса капгир билан уриб, бошингни узиб ташлайман! (*Хотини кетади.*)

**Барчиной** киради. Дарвоза олдида Ёдгор илик еб хурсанд кўринади.

**Барчиной.** Ёдгоржоним, хурсандчиликдан ҳаволаниб учасан. Иликни тўйдан ким олиб берди? Сен ҳеч бунақа кулиб келмасдинг, доим йиглаб, калтак еб келардинг. Сенга ким меҳрибон, раҳбар бўлди?

**Ёдгор.** Култой бобом. Баковул менга капгир отиб, урган эди, Култой бобом уриб таъзирини бериб қўйди. Менга, йиглама, деб манглайимни силади, бағрига босди. Култой бобом зўр экан. Шунга хурсандман.

**Барчиной.** Култой бобонг ўзини кунини кўролмайди-ю, сенга қандай қилиб илик олиб беради. Отанг келгандир, Култой бўлиб юргандир. Отанг келибди, болам. Бойсунга даврон келибди, хурсандчилигинг шундан, болам.

**Ёдгор.** Йўқ, энажон, мени ота дема, мен Култой бобонгман, деди.

**Барчиной.** Сир бермай шундай деган-да. У Култой эмас. Алпомиш отанг.

**Ёдгор.** Йўқ, Култой бобом.

**Барчиной.** Ҳа, майли, Култой бобонг.

Саҳна айланади.

### III КЎРИНИШ

Тўй сайли. Сарой аҳли ва аҳоли шу ерда. Ёйандозлик ўйини бўлмоқда.

**Овозлар.** «Вой, қара, Култой бобо нишонга урди!»  
Култой бобо зўр чиқди-ку!

«Яйловда тоза машқ қилибди-да!», «Қанча ёйларни тортиб синдирворди-ей».

**Ултонтоz.** Култой бобо, ёйандозлик таълимими кимдан олдинг? Тоза ҳадисини билибсан-ку. Сенда бир бало бор, бобо!

**Алпомиш.** Алпомиш билан иккимиз ёй тортишар эдик. Арпа кўлида Добонбийнинг 14 ботмонлик парли ўйини отиб ўрганганман. Ёйни кўтариб отганимда Асқар тогининг катта чўққиларини юлиб кетарди. Алпомишнинг ёйидан менинг ўқим ўтарди.

**Ултонтоz.** Бобо, қариганда лоппи-лоппи кўтаришма чол бўлибсан. 14 ботмонни отлар, ҳўкизлар тортолмайди-ку, кўтариб олармуш...

**Алпомиш.** У вақтларда оғир-енгил нималигини билмасдик. Уни чивинча күрмасдик.

**Ултонтоz.** Йўқ нарсани айтасан-да, бобо. У ёйни қаердалигини билмасак, билсак, келтириб, сенга бир оттириб кўриб, ана шунда ишонардик. Ана ундан кейин сени ҳақиқий ёйандоз дердик.

**Алпомиш.** Мен биламан, Алпомиш кетганига 7 йил бўлди. Ажриқ босиб ётгандир.

**Овоз.** Биз илгари бориб, от-хўқизлар билан торгиб қимирлатолмаганмиз.

**Ултонтоz.** Беклар, биттанг қолмай арпали кўлга бориб 14 ботмонли ёйни тортиб келасанлар! Ким бормаса, жаллоднинг қиличи қонсирамоқда.

**Овозлар.** «Ултонтоz уйланмай ўлсин!», «Қултой бобонинг ёйандозлиги курсин», «Бошимизга бало бўлди», «Ултонтоznинг зулми ортиб тушмоқда», «Ёмоннинг бир қилиги оргик дегандек».

**Барчиной** (*ўртага чиқиб*). Беклар, ўлим ваҳмидан қўрқманглар! Мен Ёдгоржон боламни бераман, сизлар билан бирга бориб олиб келади. (*Ҳамма ҳайрон.*)

**Овоз.** Етти ёшли бола-я?!

**Барчиной.** Ҳа, от ўрнини той босади. Нортуюнинг юкини норча кўтаради, дейдилар. Отасининг ёйини Ёдгоржон ўғли олиб келади. Зулм билан бекорга ўлиб кетманглар!

**Ултонтоz** (*ичида*). Энди менга кўнгил қўйгани билинди. Ўғлини ўлимга атай юборяпти. Бошига қамчи уриб олиб бориш керак. Боргуңча бола ўлиши керак. (*Бекларга.*) Ҳамманг отда, болани яёв олиб боринглар. Қайсаарлик қилса, қамчи билан уринглар, жаллодлар қиличи қонсирамоқда. (*Ёдгорни ушлаб, боғлаб тортишади.* У қайсаарлик қилади. Ултонтоz келиб, мана бундай қамчи уринг, аяманг, деб бошига бир-икки қамчи уриб кўрсатади. *Юрмаса, уриб кўзини чиқариб, судраб олиб боринглар.*)

**Барчиной.** Ҳой, Ултонжон, бошига урма боламни. Жоним болам қайсаарлик қилмай, гайрат қилиб ёйни олиб кел. Халойик кўрсин Алпомиш ўлмаганлигини. Ҳай, қайножоним, уришингни тўхтат! Акангнинг арвоҳини ҳурмат қил, жа бўлмаса.

## **Барчиной (Қүшиқ)**

Ултонбек, эшиттин айтган сўзимни,  
Олмадай сўлдирма гулдай юзимни.  
Ҳам қайнимсан, ҳам мирзамсан, Ултонжон,  
Сен етимни урсанг ўрганади эл-жаҳон.

Мен йиглайман Яраттанга зору зор.  
Ҳеч кимнинг боласи бўлмасин етим, хору зор.

**Ёдгор.** Қайгурма, энажон, навбат уники, ураверсин, ураверсин. Ўлмасам бир кун мен ҳам отамнинг таҳтига минарман. Шунда қасосимни оларман. Ҳозир уравер, уравер, Ултонтоз тўрам, аяма! Энажон, дуо қилинг!

**Барчиной.** Мард боласи мардон бўлади. Уни яздон билади. Фамга чидамли бўл, болам. Номардга мўлтирама. Култой бобонг ёнингда боради.

## **Барчиной**

Дуо қилиб йиглар энанг муштипар,  
Отангнинг пирлари бўлсин мададкор,  
Отангнинг кучин берсин парвардиғор.

Хулкар бориб тарозига таялур,  
Хизмат қилган эл олдидан жой олур,  
Ортингдан онанг мунглиғ йиглаб келур.  
Жоним болам бўлиб келган хизматкор,  
Файрат қилиб, ёй келтиргин бек Ёдгор,  
Онанг қолур йўл термилиб зору зор.

Мадад берсин ўзи сенга Парвардиғор,  
Эрмак учун ўлмасин беку амалдор.  
Болам, иккиланма, файрат билан йўлга бор!  
Оллоҳу акбар!

**Ултонтоз.** Мен шу элнинг эгаси, ҳукмдориман. Не қилсам ўз ихтиёримда, менга боламни урма, деб нола қиласан.

Боланг қайсар. Қайсар боланинг жазоси қамчи. Қамчи кўзни очади, дилни юмшатади. Асовни ювош қиласди.

### Барчиной

Ҳўй, ҳукмдор, бу уч қунлик амалингта кўп пишқирма.

Қанча яхши гапирдим, билмадинг,  
Ёдгоримни урарингни қўймадинг,  
Отасин арвоҳин ҳурмат қилмадинг,  
Пишқиришу манманлиқдан қолмадинг.

Ҳар бир ишни жавоби бор, билиб қўй!  
Худонинг қамчинин заҳрига сен ҳам тўй!  
Оллоҳу акбар!

Ултонтоз. Беклар! Ҳайданг буларни Арпа қўлга! Бу урочи чигиртканинг чирқиллашига кулоқ солманг!

### Ёдгор

Уравер, уравер, навбат сендадир,  
Бу сўзларни етим Ёдгор айтадир.  
Йиғламайман нола чекиб зору зор,  
Майли менга қурдир баланд дор.  
Нима бўлса навбатингни олиб қол,  
Ултон золим, билганингни қилиб қол.  
Ўлмасам мен камолга етарман,  
Ҳақ сўзини бир кун сенга айтарман.  
Шунда сендан қасосимни оларман,  
Золим бошга қиёмат кун соларман.

Ултонтоз. Тилини бермайди-я. Бошига ур! Тили айланмай қолсин!

Овоз. Эътибор берманг, ҳукмдорим, ёш бола-да.

Овоз (*Ёдгорни юпатиб*). Мард бўл, болам, чида! Отанг Қўнғирот тўраси эди. Шу ерлар отангнинг майлисхонаси эди. Бу азобга энанг сабабчи. Чида! Идрок қил!

Давлат қўнса бир чибиннинг бошига,  
Семурғ қушлар салом берар қошига,  
Банда қўнар худо қилган ишига.

Ёдгор. Чидайман. Ишонаман. Менга ҳам навбат келади.  
Алпомиш (*иҷида*). Баракалла, ота боласи. Умидли бўл!  
Умид эртанги баҳтингдир

Овозлар. Арпа кўлни кўрадиган бўлдик. «Ултонбекнинг  
кўнглини олиб, иззатига эришадиган бўлдик», «Ултонбек  
замонида бир давр сурадиган вақт келди», «Арпа кўлга кетдик».

Чироқ ўчиб ёнади.

#### IV КЎРИНИШ

Ажриқларга чирмашиб кетган 14 ботмонли камон ёнида парли ўқи  
санчилган.

Ултонтоз хизматкорлари Ёдгорнинг оёқ-қўлини боғлаб, арқон  
 билан судраб олиб келишмоқда.

Овоз. Мана. Арпа кўлга ҳам етиб келдик.

Овоз. Ултонбекни иззат қилсак кўп даври даврон сурамиз.

Овоз. Барчинойни олиб берсак, тўйида тўппи рўмол  
оламиз. Тўйини ўзимиз қиздирашимиз.

Овоз. Ёдгор дегани бало экан. Биз отда, у биз билан баравар  
келди. Қанча урганимиз билан кўзидан ёш оқди-ю инграб  
додламади. Ё тавба. Отасига тортибди. Бу болада ҳам бир  
хислат бор.

Ёдгор. Ана шу отамнинг парли ёйи. Отам Ҳакимбекка  
Алпомиш номини берган. Мен ота ўғли бўлсан, шу ёйни суғуриб  
оламан. (*Югуриб бориб тортади. Кўзғатолмайди. Хизматкорлар  
ваҳимага келади.*)

Овоз. Сени деб биз Ултон султон олдида юзимиз ерга  
қарashi керакми? Тортиб ол! (*Юз-кўзи аралаш қамчи солишади.*)

Овоз. Олмасанг, шу ерда сени ўлдириб кетамиз. Ўзимиз  
бошқа юртга қочамиз. Қайтиб борсак, тайин ўламиз.

(*Ёдгор яна уринади. Қимирлатолмайди. Хизматкорлар яна  
жазавага тушишиади.*)

**Ёдгор (ноилож ҳаммага бирма-бир төрмилиб). Эй тангрим!**

### **Ал поми ш**

*(ицида эзилиб, барибир ўзиńи билдиrmай чидаб).*

Эр боласи шерсан, сагир Ёдгор,  
Ҳар кимга термилиб турмогинг не даркор?  
Ҳарна бўлса пирга қилгин эътиқод,  
Худо, деб инграпиб тортгин, Ёдгор.

Отангни кучини берсин ҳақ парвардигор,  
Дўсту душман ичра бўлма шармисор.

### **Ёдгор**

*(Бу мададдан қад ростлаб.)*

Отам Алломишdir, мен ундан Ёдгор,  
Ўзинг мадад бергин, ҳақ парвардигор.  
Юзим шувут бўлиб, номусдан ўлиб,  
Энам номардга бўлмасин хору зор.  
Ё мадад ўзинг!

*(Ёйни бир силтайди, ажриқлар қўпорилиб чиқади.*

*Хурсандчилик қий-чуви бўлади.)*

Овоз. Воҳ, бу сагир отасидан баланд бўлингти. Ўлдирмасак эртага давлатни олади. Бунга ким бас келади. Сагал кунда бошга бало бўлади. Ултон Султон бугун бу боланинг ҳисобини қилмаса эртага, тайин, ўзи ўлади.

Овоз. Тўғри, буни олиб бориб, тезда айтиш керак. Йўлда бунга тегмайлик. Тириги бир бало, ўлиги икки бало бўлади.

Чироқ ўчиб ёнади.

### **V КЎРИНИШ МАНЗАРАСИ.**

Овозлар. «Во ажаб, Ёдгор сагир 14 ботмонли биринчи темир ёйни ажриқдан суфуриб олиб, шу ергача кўтариб келиб, майдонга ташлади-я!»

*(Беклар қуршовида, Қултой бобо ёнида, Ёдгор хурсанд келади.  
Барчиной пешвоз чиқиб, бағрига босади.)*

Барчиной. Худога оху нолам етди. Отаси ўрнини боласи босди. Энди кулбахонам обод бўлади. (Ултонтоz киради.)

Ултонтоz (Алпомишга). Қултой бобо, энди томошибинларга хунарингни кўрсат! Удда қиломасанг, дорга илиб, кўкрагингни нишонга олиб, ўзим томоша кўрсатаман.

Алпомиш. Ултонхон тўрам, ҳов катта чинорни кўряпсизми?

Ултонтоz. Ҳа, кўряпман.

Алпомиш. Шу чинорнинг катта бир шохини узиб тушираман.

Ултонтоz (киноя билан). Орзуга айб йўқ. Ҳалойиқ, бобо ҳов катта чинорнинг катта бир шохини ёй билан уриб, узиб туширап эмишлар. Ишонасизларми? Ҳа, ҳа, лоппи бобоей-э!

Овозлар. «Лоппи чол, шарманда бўлмай қўя қол», «Беш юз йиллик чинорнинг катта бир шохи тол хивичмиди», «Майли, майли, чолнинг кўнгли ўзида қолсин», «Эй, чолга йўл бўлсин», «Тўрамнинг ўқлари Култойнинг юрагини тешиб ўтиши ҳам завқ-да».

Ултонтоz. Қани боринг, бобо, тағин 14 ботмонли ёй кўтарганда ўқнинг ўрнига «ғинг» деб ҳаво чиқиб кетмасин, боринг. (Беклар қотиб-қотиб қулишади.)

Овозлар. «Эй балли, Култой бобо парли ёйни кўтариб камонга торти-я, азамат», «Файратиям, кучиям бор экан». «Ана, отди!» (Ўқнингчувиллаган овози, чинор шохининг гумбурлаб қулагани эшиштилади). «Эй, отангга раҳмат, Култой бобо!», «Тоза машқин олган экан бобо», «Агар янгилишмасам шу Алпомишнинг ўзи», «Ултонтоzнинг тўйи бошга бало бўлмаса дейман». (Култойни олқишилаб олиб киришади.) «Култой бобо, минг йил яшанг», «Офарин, тасанно, марду майдонсиз!»

Қизлар овози. Пўшт, пўшт! Бодом бекач келяптилар. Ўзлари шу ерда ҳалойиқни ўлан кечасига хабарламоқчилар.

Овоз. Вой савил. Илгари куллар орасида Бодом чўри эди. Энди Ултонтоzга амал тегиб, Бодом бекач бўлиб қолиптиларми?

Овоз. Овозингни ўчир! Ултонтоz Бодом чўри дегани эшитса тилини кесади.

**Овоз.** Алломиш замонида чўри эди-да, қовун қўриб, қўчкор боқиб, дуч келган ерда ухлаб қоларди. Бир кун оғзини очиб, тилини чиқариб ухлаб ётганида, ҳакка тилини қип-қизил гўшт экан, деб чўкиб кетган. Шундан тили чучук бўлиб қолган.  
*(Бодом бекач қизлар билан қийқиришиб киришади.)*

**Бодом.** Одамлайу-одамлай! Мен қайигандан кўйган боямни тўйида ўйим бий хизмат қияман деб ҳамма томошамонлайди «Тўй ўлан»ига хабай қийиб юйибман. Ҳой-хуй томошамонлай! Кўғийотнинг чечан баччалайди, бизникига тўйга бойинглай! Қоймасин ёшу қайи. Бойинди хотин-қизлайи, бизникига тўйга бойинглай!

**Овоз (мазах қилиб).** Бойсинди хотин-қизлайи, бизникига тўйга. Тўйга, ҳов, ҳув!

**Бодом.** Хон Ултоннинг тўйин кўйинг, олай бугун Барчин гулди! Боймаган аймонда қолади-ю, томоша қизиқ бўлади-ю  
*(ўйинга тушиб хабарини айтади).*

Кўнғийотнинг чечан қизлайи,  
Ақли ясо тамизлайи.  
Қолмасин-да ёшу қайи,  
Бойсинди хотин-қизлайи.

Бизникига бойинг тўйга!  
Бизникига бойинг тўйга!  
Хон Ултоннинг тўйин кўйинг,  
Катта-кичик қолмай бойинг.  
Бир тўй куйиб қойил қойинг,  
Келин бўлай Байчин ойинг.

Бизникига бойинг тўйга,  
Бизникига бойинг тўйга!

Олай бугун Байчин гулди,  
Боймаган аймонда қолди.  
Бодомни хабайи шулди,  
Бойчининг баҳти кулди.

Бизникига бойинг тўйга,  
Бизникига бойинг тўйга.

**Ёдгор** Бодом бекачни масхара қилиб хабарини тескари айтади.

## Ёдгор

Кўнгиётнинг ола кўзлайди,  
Сири йўқ тами элайжи,  
Билиб кўйинг ёшу қайи,  
Бойсинди хотин-қизлайи.

Уникига борманг тўйга!  
Уникига бойманг тўйга!

Ултонтознинг тўйин кўйманг,  
Катта-кичик асло бойманг.  
Бир тўй кўйиб ўлиб қойманг,  
Келин бўлмас Байчин энам.

Уникига бойманг тўйга!  
Уникига бойманг тўйга!

Ололмайди Байчин гулди,  
Ёдгор бекнинг сўзи шулди.  
Бодом чурин шури кўйди,  
Уникига бойманг тўйга!  
Уникига бойманг тўйга.

**Бодом.** Ҳой шум етим, масқайа қийма! Мен хоннинг энасиман. Ушлангла бу бемаза бояни.

**Ал помиш.** Ҳой, Бодом бекач, бола билан тенг бўласанми? Бола—бола-да. Тўйингга боравор, ҳамма боради. Боланинг айтгани билан бирор бормай кўярмиди.

**Бодом.** Ҳа, майли, сен, Култой, ўйтага тушмаганингда бу бояни дойга остиядим.

Саҳна айланади.

Ўлан кечаси. Саройга йигит-қизлар йигилган. Ал помиш, Ёдгор, Қалдирғоч шу ерда. Бодом Қалдирғочнинг икки қўлига икки шамчироқ берган. Бошига ҳам икки шамчироқ кўйган. Янгасини олаётганига тағин наъма қилмасин деб Ёдгор Қалдирғоч олдига келади.

**Ёдгор.** Қалдирғоч, амма жон, ҳамма ёғингиз чироқ бўлиб кетяпти-ю.

**Ха, ха, ха!**

**Қалдирғоч.** Ёдгоржон, нега куласан, бирон яхши сўз эшитдингми? Ёки менинг устимдан куляпсанми? Айта қол, нега кулдинг? Жа, вақтинг хуш кўринади. Аммангни хафа қилмай, айта қол?

**Ёдгор.** Энажон, аммамнинг чироғини осмонга улоқтирсанг бўлмайдими? Отамнинг ароҳини чирқиратибсанку! Бодом бекач аммамни хор қилиби-я. (*Барчиной келиб чироқларни улоқтиради. Қоронги бўлиб, шивир-шивир гап бошланади.*)

**Овоз.** Бодом чўри келса Барчинойнинг ит кунини бошига солади.

**Қалдирғоч.** Ҳой қизлар, шивирлашманглар. Тавба денг. Биласиз, мен ҳам ўрданинг ойим қизларидан эдим. Тақдир мени дарбадар тұябоқар қилди. Биздан даврон кетиб, уйимизга сиғинди бўлиб қолдик. Кулманглар! (*Бодом киради.*)

**Бодом.** Нега ўйнинг ичи қойонғу?

**Овоз.** Барчиной чироқларни улоқтирди.

**Бодом (ицида).** Койиш қилсам, келин хафа бўлиши мумкин. (*Қизларга.*) Майли, бўяқдан ёқамиз. Созгайчийик қўйдан кетмасин! (*Чироқ ёқишиади.*) Энди ўйин айтисамиз. (*Алномиш кириб келади.*) Култой, сен нима қийиб жуйибсан?

**Алномиш.** Енга, сен асли менга қариндошсан-да, Ултонбекнинг тўйинда сен билан уч-тўрт оғиз ўлан айтишгани келдим.

**Бодом.** Ўлан айтисга тенгин бизлай бўпмизми-а? Кулми, қўтонми, подачими, чўпонми, сомонхонами, тезакхонадами айтишабийда, саройда сенга нима бой?

**Алномиш.** Енга, сен тенгингни танимай қолибсан. Тенгинг мен-да, илгари тезакхонада ҳазил қилиб юрардинг. Энди тенгинг бўлмай қолдимми?

**Бодом.** Қизлайдинг ицида айнимай ўл! Култой, эшит, қайигандада қўйган боламнинг тўйи ўланини ўзим бошлаб бейаман. Ултонбек сениям яхши кўяди.

**Алномиш.** Бошла, Бодом бекач! (*Ҳамма қизиқиб эшишишга чоғланади.*)

## **Бодом**

Кўй ёйилайкан добонингда, ёй-ёй,  
лон қолмайди оқ буғдой сомонингда, ёй-ёй,  
Айтгангинанг келсин-да, Култой қайин, ёй-ёй,  
Ўлан айтган Ултонбек замонида ёй-ёй.

## **Алномиш**

Ўра тортиб, ёйлар кўйинг, Бодом, ёр-ёр,  
Нов теракдай улашгач бўйинг, Бодом, ёр-ёр,  
Қариганда келинли бўлақопсан, ёр-ёр,  
Куллуқ бўлсин, енгажон, тўйинг, Бодом, ёр-ёр.

## **Бодом**

Қизиқ-қизиқ айтганлай қиз-келинлай, ёй-ёй,  
Қизиб кетса Ултонбек тангга ташлай, ёй-ёй,

## **Алномиш**

Қизиқ-қизиқ айтмангизлар қиз-келинлар, ёр-ёр,  
Алномишдан қолган молни Ултонтоз кимга ташлар, ёр-ёр.

## **Бодом**

Қизиқ-қизиқ айтганлай қиз-келинмай, ёй-ёй,  
Бу ўланнинг охии қизиқ бўлай, ёй-ёй.

## **Алномиш**

Үйнинг кўрки тубурлик, узук бўлур, ёр-ёр,  
Қизнинг кўрки билакузук, узук бўлур, ёр-ёр,  
Қизиқ-қизиқ айтманглар, қиз-келинлар, ёр-ёр,  
Бу ўланнинг охир бузуқ бўлур, ёр-ёр.

**Бодом.** Култой, сенга бий бало бўйдими? Гапни айнитиб айтасан.

**Ал помиш.** Енга, кўнглингта оғир олмагин-да, мен гални қойим айтәтирман.

### **Бодом**

Ундей бўса тўйга, яна бошлидик.  
Ҳайдан келдинг, Қутойқул, ҳайдан келдинг, ёй-ёй,  
Кўк қайгадай қанқиллаб қўйдан келдинг, ёй-ёй.

### **Ал помиш**

Хови, сенинг, енгажон, ровишишингга, ёр-ёр,  
Зебодайин бу майин товушингга, ёр-ёр,  
Дуппа-дуруст одамни қарға дейсан, ёр-ёр,  
Кўк қарғалар уя қўйсин кавушингга, ёр-ёр. (*Қийқириқ.*)

### **Бодом**

Аннияма, Қултойқул, мандиям, ёй-ёй,  
Саккуч деган қўппаклай сандияма, ёй-ёй,  
Оқ чандалнинг тубига чийиб келдим, ёй-ёй,  
Ичиб оланг,чувчунинг қондияма, ёй-ёй.

### **Ал помиш**

Андириингман, енгажон, мандириингман, ёр-ёр,  
Кулча ёпиб нон еган тандириингман, ёр-ёр,  
Дуппа-дуруст одамни кўппак дейсан, ёр-ёр,  
Кўппак итлар тортсинг-да чандириингдан, ёр-ёр.  
(*Қийқириқ.*)

### **Бодом**

Ўлан айтган қўп қойим тилим бойди, ёй-ёй,  
Хови менинг бийавим элим бойди, ёй-ёй,  
Оғзингта келган сўзни қайтаймайсан, ёй-ёй,  
Юйт эгаси бек Ултой бойди, ёй-ёй.

## Алпомиш

Үлан айтган хуб қойим тилинг бордир, ёр-ёр,  
Энди айтайин.

Хов қаерда бир қавим элинг бордир, ёр-ёр,  
Тез бозорга солғанда қирқ танга олар, ёр-ёр,  
Қирқ тангалик Ултонтоз қулинг бордир, ёр-ёр...

(*Вой-вой, қизлар...*)

## Бодом

Үлан айтиб, Қултой, сен күпни ўйла, ёй-ёй,  
Үз тилингдан сен ёзиб қолма, ёй-ёй,  
Не бўлса-да тилингни тойтиб сўйла, ёй-ёй.

## Алпомиш

Мен ҳам айтар сўзимни билиб сўйлаб, ёр-ёр,  
Гуноҳкорман тилимни тортиб сўйлаб, ёр-ёр,  
Култойкулга, енгажон, тегиб қўйма, ёр-ёр,  
Мен сўрайинг кўнглингни, тобинг борми, ёр-ёр.

Ёдгор. Култой бобо, мен бир ўлан айтишай Бодом бекач билан.

Алпомиш. Бодомойим, Ёдгоржон билан бир айтишасанми?

Бодом. Энди бий камим, сафий гўдак билан ўлан айтишим қойибмиди.

Ёдгор. Култой бобо, бир байт айтай.

Алпомиш. Айт.

Бодом. Айтсин.

Алпомиш. Айтади. Айт, болам.

## Ёдгор

Қору музлар етиб бормас чилла ёзга,  
Таёқ темир урилмайди олтин созга.

Минг бир бурда қилиб танам ташла тозга,  
Барчин энам бермагайман Ултонтозга.

**Овозлар.** «Бопладинг, Ёдгор!», «Қойил!», «Эр боласи эр, шер боласи шер». Уни ҳайданг ўлан кечадан!

**Ал помиш.** Боладе. Энасини ўгай отага бергиси келмайди. Шунга шунчами? Барчин тегади. Бола эртага күнади. Қаёққа боради. Гапираверади-да. (*Ёдгорга.*) Энди тинч, болам.

**Ёдгор.** Йўқ. Тегмайди онам, мен тинчимайман.

**Овозлар.** «Култой курғур қўйда юриб тоза машқ қилибдида!», «Бекнинг энасини ер қилиб, тоза беобрў қилиб боплади-я!», «Энди нима бўлсаям, беобрў қилмайлик», «Култой бобони Барчин билан айтиштирсак қандай бўларкин?», «Ултонбекнинг кўнглига гап келмасмикан?», «Олдидан ўтайлик, сен бориб сўраб кел! (*Бир аёл тез ташқарига чиқиб келади.*) Айттира беринглар, деди.

**Овоз.** Қултой бобо, сиз жуда бало экансиз, энди келинингиз билан айтишингиз қандай бўларкин?

**Ал помиш.** Айтишганим бўлсин. Айтишишга шаймисиз, келиним Барчиной?

**Барчиной.** Шайман, Қултой бобо. (*Ҳамма қизиқиб, қулоқ солади.*)

### Ал помиш

Тоғда анғиз, сувда кундуз, ёр-ёр,  
Ол ўланни юборди қайноғангиз, ёр-ёр,  
Тўқиганинг гиламдир, Барчин келин, ёр-ёр,  
Тўқиб берган белбоғинг адо бўлди, ёр-ёр.  
Белбоғликка ярайми чарчин, келин, ёр-ёр.

### Барчиной

Ўлан айтиб банди бўғним бўшатма-чи, ёр-ёр,  
Соф суягим жой-жойидан шовшитма-чи, ёр-ёр,  
Довушингни алпима ўҳшатма-чи, ёр-ёр.

### Ал помиш

Алл дегани бундай аҳмоқ бўлармикан, ёр-ёр,  
Үлган одам тирилиб келармикан, ёр-ёр,

## **Барчиной,**

Үлган алпим тирилиб келар дейман, ёр-ёр,  
Ёдгоржоним отали бўлар дейман, ёр-ёр.

## **Ал помиш**

Ўлиб кетган алпингдан умид бўлса, ёр-ёр,  
Ултонтоздай қулларга нега тегдинг, ёр-ёр.

## **Барчиной**

Ҳақдан келган ишга бўйним эголмадим, ёр-ёр,  
Ёдгоримни ўлимга қиёлмадим, ёр-ёр,  
Фифон қилиб, ғамли қуллар кўп қақшатди, ёр-ёр,  
Ўлан айтганни, Ёдгоржон, кимга ўҳшатдинг ёр-ёр,  
Бобосининг олдига борар бўлур, ёр-ёр,  
Тумоғингни бошидан олар бўлур, ёр-ёр.

## **Ал помиш**

Фарибликда хаста кўнглим бузиб турман, ёр-ёр,  
Тумоғини ол дема, Барчин келин, ёр-ёр,  
Тонг отқали ўлана айтиб қизиб турман, ёр-ёр.

## **Барчиной**

Ҳарфдош айтган сўзин билур бўлур, ёр-ёр,  
Айтиб-айтиб ҳарфдош қизиган сўнг, ёр-ёр,  
Тумоғини бошдан олар бўлур, ёр-ёр.

## **Ал помиш**

Тонг отгунча сабр сақлаб тураг бўлур, ёр-ёр,  
Сўнг эрганги гайратин кўур бўлур, ёр-ёр,  
Тар очилган баҳорда гул бўлибдир, ёр-ёр,  
Қариганда қайноғанг кал бўлибдир, ёр-ёр.

## Барчиной

Аёл тақдир бизларга шул бўлгани йўқ, ёр-ёр,  
Шукурулло, қайноғам.кал бўлгани йўқ, ёр-ёр.

## Алпомиш

(ёнида Ёдгор ухлаб қолади.)

Ол болангди, деганда ол болангди, ёр-ёр,  
Калла катта болангта қўлим толди, ёр-ёр.

## Барчиной

Отасининг келганини ўғлим билди, ёр-ёр,  
Исин олиб отасини ухлаб қолди, ёр-ёр.

## Алпомиш

Ўлан айтиб кўнглингни хушламайсан, ёр-ёр,  
Фаним сиррин ҳар ерда фошламайсан, ёр-ёр,  
Ол деганда болангни сен олмайсан, ёр-ёр,  
Тұхматингта ўғлингни ташлагайсан, ёр-ёр.

## Барчиной

Отасининг олдига ўғли борса, ёр-ёр,  
Хов, шул ҳам тұхмат бўлармиカン, ёр-ёр.

## Алпомиш

Ойбарчиним, ёр-ёр, Гулпарчиним, ёр-ёр,  
Ақдинг бўлса ўйла-да, бил, Барчиним, ёр-ёр,  
Ултонтозга теккунча ўл, Барчиним, ёр-ёр.

## Барчиной

Уй демайин, қайноға, бўй дейсана, ёр-ёр,  
Булбул қўнар тўқайнинг жийдасина, ёр-ёр,  
Ултонтозга теккунча қаро ерга тег дейсана, ёр-ёр.

## Ал помиш

Биздан қолган құзилар қүй бўлибди, ёр-ёр,  
Бунда қолган Барчиной бўй бўлибди, ёр-ёр,  
Бўй қиз бўлиб жуда ҳам, тўй бўлибди, ёр-ёр,  
Биздан қолган қулунлар от бўлибди, ёр-ёр,  
Биздан қолган Барчиной ёт бўлибди, ёр-ёр.

## Барчиной

Хозир гумон қилибсиз, ёт бўлибди, ёр-ёр,  
Сиз билан айтишиб мот бўлибди, ёр-ёр.  
(*Қийқириқ.*)

**Овозлар.** «Шу Қултой Алпомиш», «Қултой бошқа», «Оҳ, тонгда қиёмат бўлади», «Ана, тонг ҳам ота бошлади», «Ҳаво ёришди». (*Ҳақиқий Қултой кириб келади.*)

**Ал помиш.** Қултой бобо, менинг келғанимни шаҳарга билдиринг! Алпомиш келди денг! (*Алпомиш тумогини ечади. Ҳамма ҳайрон бўлиб қолади.*)

**Қултой.** Алпомиш келди десам, ошиб кетган баччағарлар мени ўртага олиб уриб ўлдириб қўядими дейманов.

**Ал помиш.** Қўрқманг, айта беринг! Ўзим хабардор бўламан.

Саҳна айланади.

## VI КЎРИНИШ

Тахтда Ултонтоз ўтирибди. Атрофида аъёнлари. Қултой овози эшитилади.

**Қултой (овози).** Бугун қадр кечалари! Бойсун элин баччалари, чувиллаб Алпомиш келди-э-э-э! Обод бўлур Бойсун энди. Меш кўтарган Бойбўри, пешвоз чиқ! Алпомиш келди-э-э-э! Ўн саккизда бева бўлиб қолган, Барчиной, Алпомиш келди-э-э-э, Алпомиш келди-э-э-э! (*«Қултой» ўзи кириб келади.*)

Рұхсат олмай шикор кетган,  
Етти йил зинданда ёттан,  
Қолмоқ юртими бүзлаттан,  
Омон-әсөн зәлға еттан,  
Пешвоз чик, Алпомиши келди!

Даврон сурған нодон күллар,  
Эл совиган жирканч қуллар,  
Чақыб олган чаён тиллар,  
Ақли ноқис ғұр-дұмбуллар,  
Қоч энди, Алпомиши келди.

Үн саккизда тул бүп қолган,  
Дилга алам, қайғу солған,  
Етти йил ёр күтиб толған,  
Ёдгор ўғлим күнглин олған,  
Барчин, чик, Алпомиши келди.  
Мингани тулпор-Бойчибор,  
Келибди давлатли шунқор.  
Эл дилида қолмасин губор,  
Ўзбек, энди бағр очиб бор,  
Фарзандинг Алпомиши келди.

Ултонтоз. Күлтой бобо, сенга жин тегдими? Нечун  
Алпомиши келди деб қичқирасан?

Алпомиши. Ултонтоз, Алпомиши келди! (*Одамлар күз*  
*үнгіда Күлтой кийимини ечиб, соқол-мүйловини шишиб отади.*  
*Алпомиши ичидаги ўз кийиміда намоён бўлади.*)

Алпомиши. Отажон!

Бойбўри. Вой, болам, Алпомиши болам! Сениям  
кўрадиган кун бор экан-а.

Алпомиши. Падари бузрукворим, берухсат сафар кетган  
ўғлингизни кечиринг! Отажон! (*Қучоқлашиб кўришишади.*)

### Кунтуғмиш

Яратганга етибдир оху нолам,  
Келиб қолди олис кетган болам,

Бүйгинаңдан энанг ўргилсін,  
Тоғларда очилған қызил лолам.

Алпомиши. Фаріб бўлган энажоним, дармон бўлай  
белингизга, асо бўлай қўлингизга. Энажоним, энамов. (*Онаси  
 билан кўришади.*)

Барчиной. Тўрам, тўражоним! Кўзимни тўрт қилган  
султоним. (*Барчинойни кўтаради.*)

Алпомиши. Садоқатли, саодатли Барчиним!

Қалдирғоч. Акажоним, эмакдошим! Туя боққан синг-  
линг — Қалдирғочингман.

Алпомиши. Сингилжоним, маслаҳатдошим, кўмак-  
дошим, фариблик қаддингни букибди, кўздан ёшиңгни  
тўкибди. (*Кўзини артади.*)

Қалдирғоч. Ака, кўзим равшан тортди! Кўзим яхши  
кўрмоқда! Кўзим очилди!

Алпомиши. Хабарчилар! Ўн олти Бойсун — Қўнғирот  
уругига хабарланг (*Алпомиши тахтига қараб юра бошлайди.*).  
*Ултонтоз тахтдан тушиб секин жўнаётганде Ёдгор сапчиб  
бориб, Ултонтознинг қўлини қайириб боғлайди. Алпомиши мағрур  
юриб келиб тахтга ўтиради.*)

Ёдгор (*Ултонни қўлини қайириб, боғлаб*). Сен золим, кечак  
мени уриб, не азобларни бошимга солган эдинг. Бугун, худога  
шукр, ўзингта қайтиб келди.

Ултонтоз. Мен эмас. энанг сендан кутулмоқчи бўлиб  
ўша балога чорлаган. Мени урма! Қўлинг темирми?

(*Бир уриб думалатворади. Турғизиб яна уради.*)

Ёдгор. Ўзингни шум ниятинг бошингта етади.

Ёмонлар жазосини шу дунёда кўриб ўлади. Мана бу бобом  
Бойбўрини тепганингга. (*Уради, у думалаб кетади.*) Мана бу  
Кунтугмиш момони хору зор қилганингта, ман бу отамни  
ўлдига чиқариб, энамга ифлос чангалингни урмоқчи  
бўлганингга. Қолган жазони Бойсун, Қўнғирот эли беради.

Ултонтоз (*тиз букиб, ииғлаб*). Ёдгоржон, мен тавба  
қилдим. Мен манмансираб кетибман. Кечир! Жонимни олиб  
қол. Бир умр қулинг бўлиб, қўй, молинг боқай.

Ёдгор. Буни элдан, ҳалқдан сўра, мендан сўрама.

Ултонтоз (*Алпомишига*). Қуллуқ бўлсин!

**Алпомиш.** Халойик, Ултонтоз қандай хон бўлди?

**Овозлар.** «Золим бўлди!», «Ҳаммани хонавайрон қилди», «Эл рўшнолик кўрмади», «Юртни зиндан қилди».

**Алпомиш.** Ота, Ултонтозга сиз не дейсиз? Ул ҳам ўғлингиз?

**Бойбўри.** Ҳа, Ултон ҳам менинг ўғлим. Юртнинг хони бўлди. Юртни обод қилмади, барбод қилди. Элнинг тинкамадорини қурилди. Зулмини ҳаддан оширди. Ҳеч бир гапга қулоқ солмади. Отаси, мени ҳам билмади, энасини хор қилди. Ота рози, худо розилигини инобатга олмади. Тангрим эл дилига не солса, шу, болам.

**Алпомиш.** Халойик, худонинг бирлигида, Расулнинг барҳақлигида дилингизда не ният бўлса айтинг! Хуни ноҳақ бўлмасин!

**Овозлар.** «Золимга ўлим!», «Зулм қилган зулм кўрсинг!», «Зулмнинг оқибати ўлим эканлигини халойик билсин», «Халқни ўйлаганга баҳт берсин!», «Халқни ўйламаган жазосини олсин!», «Манманга завол!», «Ултонтоз манмансираф, халқни ўйламади».

**Алпомиш.** Халқ ҳукми – ҳақ ҳукми. Ясовуллар, Ултонтозни қирқ кун ҳибсда саклаб сўроқ қилинглар! Адолатли ҳукм бўлсин.

**Барчиной.** Қаранг, ота-бала топишди. Юрт золимдан кутулди. Элнинг боши қовушди. Бу эл ўғлони **Алпомиш** жасорати, мардлиги ва адолатидандир.

**Ҳамма қўшиқ** айтади.

Юртимизнинг Алпомишбек сultonи бор,  
Ёдгорбекдек жасоратли ўғлони бор.  
Энди дунёда ўзбек ўзibек бўлур,  
Жаҳоннинг гўзал шаҳло кўзидек бўлур.

**Тамом.**

Тошкент, 1999 йил июль

---

## ТАНБУРИЙ ВА САНАМ<sup>1</sup>

(Мусиқали эртак-радиопъеса)

(«Муножот» күйи берилади.)

Бошловчи.

Санам.

Танбурий.

Ноиб

Подшох.

Вазир.

Фармонбардор.

Халойик.

Зиндонбон.

Чақимчи.

Соқчи.

Чопар.

Чол.

Хофиз.

Бошловчи. Шашмақом. Бу дил тилаклар куйларининг тарихи узун, елкасида замонавий юки, бағрида асрлар ноласи. Қаршисига пешвоз чиқиб, қулоқ тутган инсонларга дардини сўйлаб, ҳамон йўлида давом этади. Хоразмда шашмақомни асраб қолган инсон ҳақида бундай ривоят бор экан. Бу ривоятни сизга бадиий гавдалантириб тақдим этишга жазм қилдим. Хива хони узоқ урушлардан сўнг ўз давлатини анча мустаҳкамлаб олгач, мамлакатда санъатни ривожлантиришга жазм қиласди. Афсуски, қўпчилик ҳофизу созандалар қирғинларда ўлиб кетганлигини айтишади. Битта- яримта қолганлари чала, овози йўқ ҳофизу созандалар бўлиб чиқади. Вазир мамлакатнинг бир чеккасида билимдан ҳофиз созанда борлигини айтади. Бориб, суриштиурса, бир ҳафта олдин вафот

---

<sup>1</sup> Бу асарнинг қисқача сюжетини Ўзбекистон Халқ артисти, бастакор, найчи Сайджон Калонов сўзлаб берган эди. Сайджон Калонов машҳур бастакор Тўхтасин Жалиловдан эшиттан экан. Эшиттаним асосида ушбу эртак- радиопъесани ёздим.

этган бўлади. Лекин ҳофиз 12 мақомни ўғлига ўргатиб кетганлигини айтишади.

Ҳофизнинг ўғли Танбурийни саройга олиб келтиришади.

Хон богининг бир шийпони. Ёз. Минг хил анвойи гуллар очилган, тиниқ сувли ҳовузларнинг тубидан турли рангдаги тошлар кўриниб турибди. Булбуллар чақчақи қулоққа чалимокда.

Санам Танбурий қаршисида ўтириб чанг созида куй чалмоқда (*куй тингач*).

Танбурий. Куйнинг дардини илғай олдингизми, Санамжон??

Санам. Албатта, бу куй кечагидан кўра ҳазинроқ, дардлироқ экан.

У мени сел қилди. Юрагимни эритиб, томиртумирларигача ҳам сингиб борди.

Танбурий. Наҳотки.

Санам. Ҳа, сиз чалган куй менинг учун азиз ва муқаддас. Лекин сиз учун оддий танбур чалиш бўлса керак.

Танбурий. Наҳотки менинг юрак дардимни шу танбур сўйлаётганини англаган бўлсангиз?

Санам. Нечук англамай? Танбур тилини билмасам эди...

Танбурий. Сизни англаганингиз менинг учун бошимни кесувчи қилич, бўйнимдаги дор. Фақат мени эмас, сизни ҳам.

Санам. Не қилай, устоз, кўнглим амри подшю амридан устунроқ бўлса. Сиз бир йилдан бери менга ўргатаётган куйларингиз билан бирга сингиб кетгансиз.

Танбурий. Санамжон, менинг ҳам юрак дафтаримни варақлаб юбордингиз. Бир йилдан бери сизнинг дардингиз билан қовурилишимни ўзим билардим, ичим биларди. Лекин менинг қалбим тилидан ҳар куни сиз тинглар эдингиз. Бу куйлар биринчи бор сизнинг қулоғингизга чалинар эди. Бироқ мен ўйлардим. Мен кимман? Бир кўзи филай, бир ёқ елкаси қийшиқ, бўйи пакана танбурчи бўлсам. Сенга ишқни ким кўйилти, нотавон, деб дилимни вайрон қилардим.

Санам. Асло ундоқ деманг, менинг кўнглимга тош отган бўласиз. Сиз қалби гўзал улуғ одамсиз.

Бошловчи. Хон саройи, хон тахтда ўтирипти. Ноиблардан бири киради.

**Ноиб** (*ер ўпіб, тиззасида үйкекалаб туриб*). Подшои олам, сизга бир хунукроқ хабар келтирдим.

**Подшоҳ.** Қандай хунук хабар экан?

**Ноиб.** Бу ҳозирча хунук бўлса ҳам олдини олиш мумкин. Кети чиройли бўлади.

**Подшоҳ.** Гапир!

**Ноиб.** Сизнинг канизагингиз Санам чангчи Танбурий билан ошиқ-маъшуқ бўлиб қолиптилар. Мен буни ўз қулоғим бирлан гул орқасидан эшитиб ҳузурингизга югурдим.

**Подшоҳ.** Ёлғон бўлса-чи?

**Ноиб.** Қоним билан қиличингизни бўянг.

**Подшоҳ.** Сизга жавоб (*икки қарсак уради*).

**Бошловчи.** Вазир киради.

**Подшоҳ.** Танбурий билан Санам чангчининг ошиқ-маъшуқлигини текширинг, аниқ бўлса, эргага майдонга дор курдирасиз.

**Вазир.** Айтганингизни бажо қилурмиз, олампаноҳ!

**Бошловчи.** Майдон. Одам билан лиқ тўла, олағовур. Улар Подшо саройидаги исломга шак келтирган гуноҳкорлар кимлигини билиш учун йигилган. Дор тагида оёқ-кўллари кишанланган Танбурий билан Санам турибди. Фармонбардор фармон ўқимоқда.

**Фармонбардор.** Мұхтарам жамоат, Подшо саройидаги икки мусиқачи: бири «кўр» лақабли Танбурий, иккинчиси – Санам чангчи саройда ғайришаръий иш билан шуғулланганлари учун дини ислом олдида ва ҳалойиқ олдида гуноҳкордирлар. Адолатли олампаноҳ шоҳимиз осиб ўлдириш ҳукмини буюрмишлар. Бу буйруқни бажармасдан олдин бу икки гуноҳкор олампаноҳдан бир савол сўрашни ўтиниб сўрайдирлар.

**Рухсат эттагимисиз, олампаноҳ.**

**Халойиқ.** Рухсат этилсин!

**Подшоҳ.** Сўйласин.

**Танбурий.** Олампаноҳ, сизнинг мутрубларингизга ўргатаётган мақомларим бирордан ўрганган куйларим эмасdir, балки Санамжонни севиб қолганда қалбимдан отилиб чиқаётган куйлардир. Мен билган куйлар бу куйлар олдида ҳиссиздек бўлиб қолгандир. Шул сабаб демоқчиманким, бу тун қалбимда бир куй түғён урмиш. Агар лозим топсангиз шу

куйни чалиб берсам танбурда, сүнг ўлсам армоним йўқ. Шу куй аҳли ислом дилидан ўрин олса ажабмас.

Халойиқ. Танбур беринг, олампаноҳ! Танбур беринг!

Подшоҳ. Танбур беринг!

Бошловчи. Бир зумда танбурини олиб келиб тутқазишади. Танбурий халойиққа қараб икки-уч оғир, ғамгин бош силкиб олгач бошлайди.

(*Куй чалинади, қўшиқ айтиласди.*)

Халойиқ. Балли, дод, умр кунингдан барака топ. Увол бундай санъаткорларни осиш! Болалар ҳам гулдай экан. Подшоҳи олам, сиздан сўраймиз, бу гуноҳкорларни афв этинг. Увол.

Бошловчи. Қўшиқ тинглаб шоҳнинг кўзидан ёш қалқан эди. Халойиққа сездирмаган ҳолда кўз ёшини артиб олади.

Подшоҳ. Амирлар, фуқаронинг талабини инобатга олиб, осиб ўлдириш жазосини бекор қилиб, зинданбанд қилинг. Иккиси икки зинданда сақлансин.

Бошловчи. Зиндан. Ярим кеча. Танбурий танбурсиз куй хиргойи қилмоқда.

(*Зиндан қўшиғи.*)

Бошловчи. Қулф шарақлаб, эшик очилади ва хузурига кекса зинданбек киради.

Зинданбон. Ассалому алайкум, муғанийлар султони Танбурий.

Танбурий. Ва алайкум ассалом! Янглишманг, зинданбон, бўйни, қўли боғлиқ киши Султон эмас, балки банди қулдир.

Зинданбон. Асло, сиз ундан деманг, сиз муғанийлар султони бўлгансиз ва бўлиб қоласиз. Бу кишанлар ўткинчидир. Сизнинг султонлигингиз шу ердаким, бундан бир ой муқаддам тупроқ остига пано бўлган бўлур эдингиз. Сизнинг ширин мақомингиз ўлим чангалидан олиб қолмиш. Мен бир кекса зинданбон ишончим бирлан айттурманки, сиз бу уқубатдан ҳам мусаффо бўлурсиз.

Танбурий. Айтганингиз келсин, ажаб эмас. Худойи таоло жаллодларнинг ҳам кўнглига раҳм солса. Муҳтарам бобо, сиз пок ниятли киши экансиз. Айтинг-чи, Санамжоннинг ҳоли не кечмақдадур?

Зиндонбон. Санамжон яхшидур, мен ўзим аҳволидан воқиғ бўлиб турибман. Фақат кечаю қундуз «оҳ» тортадур. Сизга ўшаб ғамли ва мунгли қуйладир.

Танбурий. Мендин салом денг.

(Кўшиқ...)

Зиндонбон. Ўғлим, менинг кўнглимни ҳам ларзага солиб, кўзимдан ёшимни шашқатор қилдингиз. Бугун сизни ўз гап-гаштагимизга олиб кетурман.

Танбурий. Бу мен банди учун буюк илтифот. Лекин бир нарсадан қўрқадирман. Бу гап олампаноҳнинг қулоғига еткудек бўлса, мен ва ҳамманигинги бошингизни қундада кесдуур. Мен бундан қўрқмайман, бусиз ҳам менинг бошим қундада туриптири. Сизларга жабр бўлур.

Зиндонбон. Ўғлим, сиз фоят тўғри фикр қилурсиз. Дарҳақиқат, бу гапдан олампаноҳ воқиғ сиз айтгандек бўлур. Лекин бизнинг улфатларимизнинг оғзи ғунчадек юмуқдир. Биронга чурқ этиб оғиз очмайдур.

Танбурий. Мен розидурман. Фақат илтимосим бордир. Бирров Санамжонни қўрсатурмисиз?

Зиндонбон. Кўрсатурман:

Бошловчи. Гап -гаштак. Улфатлар йифилган, Танбурий қуйлади. Кўшиқ сўнги янги куй кетади.

Танбурийга улфатлардан чексиз раҳматлар ёғилади. Улфатчилик тугагач тонгга, яқин зиндонбон Танбурийни Санамжон олдига олиб киради ва ўзи чиқиб кетади.

Танбурий. Санамжон, бормисиз.

Санам. Муҳтарам Танбурий, сизмисиз?

Танбурий. Мен, мен, бу ўша баҳти қаро, кўнгли яро Танбурий.

Санам. Эй худо, висолингизни кўриш насиб бўлганига шукр.

Танбурий. Ҳа, бу қўли, бўйни занжирили, аммо кўнгли ҳамиша эркин қўллари учрашуви.

Санам. Ҳа, мен ўлай, аввало, сизни шу кулфатларга солган. Фақат мени ўзимни ўлдириб, сизни қутқариб юборишса нима қилас экан, эй, худовонда карим.

Танбурий. Бунда, албатта, сиз мени ер билан яксон қилган бўлар эдингиз. Тириклай ўлган бўлар эдим. Сизсиз

менга олам қоронғу гүристондир. Ҳозир, мана, сизнинг қаршингизда гарчанд зинданда бўлса ҳам олам менга мунаввардек ҳис қилмоқдаман.

Санам. Сизни озгина бўлса ҳам ранжитган бўлсам, кечирасиз. Сизни кўзим қиймаганидан айтган эдим.

Танбурий. Узрингизни қабул қилдим. Энди зинданда нима қиляпсиз?

Санам (*кулиб*). Нима қилар эдим? Қўли боғлиқ одам нима қила олар эди. Кўнглим тўлиб, дилимдан мунгли куй бўлиб оқмоқда. Аммо дилимни шарҳловчи создан маҳрумдурман. Дарвоҷе, қўлингизда танбур, оёқда кишан. Менинг «кошонам»га қандай йўл топа олдингиз?

Танбурий. Сизнинг ҳузурингизга зинданбон олиб келди. Тонггача уларнинг улфатида қўшиқ айтиб турдим. Сўнг сизни кўрсатишни илтимос қилдим.

Санам. Барака топсин зинданбон.

Танбурий. Ишқилиб, шоҳга бирор етказиб қўймаса бўлди.

Бошловчи. Сарой. Қуёш терак бўйи кўтарилиган. Ҷақимси бир одам ҳовлиқиб келиб соқчилардан шоҳ ҳузурига киришни илтимос қилади.

Соқчи. Шоҳда не ишингиз бордир?

Ҷақимчи. Сенга айтмайман.

Соқчи. Бўлмаса сенга йўл йўқ, аравангни торт!

Ҷақимчи. Фақат ҳеч кимга айтмасанг, айтаман.

Соқчи. Гапир.

Ҷақимчи. Ҳов, зинданбанд қилинган бетавфиқлар борки, шоҳ осмоқчи бўлиб турганда танбур чалиб ўлимни зинданга алмаштирган.

Соқчи. Ҳа.

Ҷақимчи. Шуни бугун зинданбон ўзининг гапига олиб келиб тонггача базм қилдирди. Бу менга девор қўшни. Қулоғимга ишонмай, томдан чиқиб тоғамдан қолган яқинлаштирадиган ойнак билан қарадим. Ўша! Бунинг касофати, биласизми, Султонимизнинг давлатига, қолаверса, фуқаронинг мол-жонига уради. Мен ислом йўлида ҳолисанлиллоҳ, ишқилиб, ушбу хабарни олампаноҳга етказмоқчиман. Энди менга рухсатми?

Соқчи. Маъқул, сенга раҳмат!

Бошловчи. Соқчи чақимчига рухсат берди-ю, кейинги соқчига дарҳол тутиб гумдон қилишлик ишоратини билдириди. Чунки кечаги улфатда бу соқчи ҳам бор эди.

Үртадаги соқчи уни ушлаши билан одам бақириб юборди. Шу вақт Шоҳ ичкаридан чиқади.

Подшоҳ. Бу не шовқин?

Чақимчи. Олампаноҳ, менинг арзим бор, сизнинг адолатингизга ҳавола, шариат учун, дини ислом учун, поклик учун!

Соқчи. Ақлдан озган, олампаноҳ.

Чақимчи. Йўқ, йўқ, мен ақлдан озган эмасман. Остонангизга адолат тарафиндан келдим. Мен ишонаман, сиз мени тинглайсиз!

Подшоҳ. Менинг ҳузуримга киритинг!

Бошловчи. Шоҳ ичкарига кириб кетади. Сўнг чақимчи киради.

Подшоҳ. Гапир!

Чақимчи. Олампаноҳ, сизнинг амрингиз барча амалдор ва фуқаролар учун вожиб, шундай эмасми?

Шоҳ. Албатта!

Чақимчи. Амри фармонингизни бузгувчиларга жазо лозимdir.

Подшоҳ. Албатта.

Чақимчи. Энди менинг арзимнинг тингланг. Кеча зинданбон уйида улфатларига «гап» берди. Шу «гап»ига зиндандан исломни оёқ ости қилиб ғайришаръий иш тутган маҳбус Танбурийни олиб чиқиб, тонг отгунча базмida хизмат қилдириди. Танбурий зинданда тўқилган куйларини чалиб берди. Бунинг касофати Сизнинг давлатингизга, қолаверса, фуқарога тегмасин, деган мақсадда ҳузурингизга киришни жазм қилдим. Мана бу соқчиларингиз ҳам базмда бўлғонми дейман. Мени оёқ-қўлимни кишанламоқчи бўлиб тургандарида ўзингиз чиқиб қолдингиз. Менинг арзим шудир, олампаноҳ.

Подшоҳ. Сен бу гапларни не билан инонтуурсен.

Чақимчи. Каломилло ва қиличингиз дамида турган жоним билан.

Шоҳ. Чора қилурмен, сенга жавоб.

Бошловчи. Икки марта қарсак чалади. Вазир киради.

**Шоҳ.** Зудлик билан зинданбоннинг оёқ-қўлига кишан солинг. Янги зинданбон тайинланг ва менинг ҳузуримга олиб келинг. Дарҳақиқат, шу гаплар тўғри бўлса, ўн кишилик дор курдиринг. Эртага чошгоҳда осилади. Менинг амри фармонимни икки қилувчи киши бўлмаслиги керак менинг давлатимда.

**Бошловчи.** Биринчи соқчи келган одамнинг подшо ҳузурига кириб кетганлигидан шубҳаланиб, тезда яшириниш учун зинданбонга одам юборади. Зинданбон энди осто надан чиқиб келаётган эди. Шу вақт соқчи юборган чопар кириб келади.

**Чопар.** Мұхтарам бобо, Зокир соқчи юборди, тезда Танбурий билан Санамжонни олиб яширинар экансиз. Бўлмаса ҳозир подшо аскарлари келиб банди қилиб кетиши мумкин экан. Хўп хайр, тез бўлинг, шошилинг. Кечагини етказишипти.

**Зинданбон.** Во ажаб, энди нима бўлади? Қаерга яширинсак экан. Яхшиям Танбурий билан Санамжоннинг бир зиндандалиги. Эй топдим. Бундан 20 йил аввал амир қурдирган кuduқдан шаҳар ташқарисига чиқувчи фор бор, шу фор орқали қочамиз. Ё оллоҳ, ўз паноҳингда асрарин.

**Бошловчи.** Зинданбон тез зинданга тушиб уларни олиб чиқади ва қuduққа арқон билан бир-бир осилиб тушишади.

**Танбурий.** Мұхтарам бобо, бунинг ичи қоронги зими斯顿-ку, қаёққа борамиз?

**Зинданбон.** Бу ерда шағам бор, ёқиб мен йўл бошлайман Шаҳардан ташқарига чиқадиган йўл бор.

**Танбурий.** Шоҳ бу йўлни билмайдими?

**Зинданбон.** Эҳтимол билмас. Отаси бундан 20 йил бурун қурдирган. Унда бу бошқа шаҳарда тарбия олар эди. Фақат мен билардим бу йўлни. У бирор марта ҳам мендан сўрамаган.

**Танбурий.** Санамжон, сиз кўрқмаяпсизми?

**Санам.** Йўқ. Бобо, сиз бор, мен кўрқмайман.

**Танбурий.** Жуда соз. Бобо, уловимиз бўлмаса қўлда, бизни қувиб етиб олишиб дор тагига олиб келиши мумкин.

**Зинданбон.** Бу кеча шу чоғ ичida тураймиз. Тунда мен подшонинг отхонасига борадиган йўлдан бориб икки от олиб келаман. Сиз иккаловинг кетаверасизлар. Мени қўяверинглар, болаларим, мен ошимни ошаб, ёшимни яшаган одамман, сизлар яшашларинг керак. Ҳали нимани

кўрдиларинг. Бундан ташқари, иккаловингнинг ҳам дилингда авлодларга мерос бўлгудек дил эритувчи куйларинг бор? Шулар ўлмаслиги керак. Менда нима бор? Мен қуруқ гавда. Ҳеч нарсам йўқ.

**Танбурий.** Ундан деманг, яхшилигингиз яшаши керак ўзингиз билан.

**Бошловчи.** Соқчилар воқеадан воқиф бўлгач, подшоҳга хабар беришибди.

Жарчилар тўзғиб қолишибди:

Одамлару одамлар!  
Эшитмадим деманглар!

Сарой зиндонидан Танбурий билан Санам қочипти. Кекса зиндонбон ҳам ғойиб бўлган. Агар кимда-ким бу қочқин гуноҳкор бандаларга ўз хонадонидан жой бериб яширган бўлса, у хонадоннинг барчаси – ҳатто бешикдаги боласигача гуноҳкорларга қўшилиб осилур. Агар кимда-ким гуноҳкорлар қаердалиги хабарини етказса, бир лаган олтин билан тақдирланур!

Одамлару одамлар!  
Эшитмадим деманглар!  
Билмаганга билдиринг!  
Кулоғига илдиринг!

Подшои олам фармони шундайдир!

**Бошловчи.** Сарой. Яна чақимчи киради.

**Чақимчи.** Адолатли олампаноҳ! Зиндонбонни кўрдим. Отхона олдида кўрдим. Ярим кечада – ойдинда боришга ботина олмадим. Сизга хабарини етказишга шошилдим.

**Подшоҳ.** Кетавер, ушланса тақдирланурсан.

**Бошловчи.** Янги дор майдони. Одамлар тўпланишган. Учта дор тагида уч киши. Танбурий, Санам ва Зиндонбонлар туришипти. Фармонбардор фармон ўқимоқда.

**Фармонбардор.** Мамлакатимизнинг фуқаролари, бугун яна дор атрофида йиғилдингиз. Яна ўша гуноҳкорлар – Танбурий ва Санам, буларнинг ёнига осий бандаларга қўмак бўлган кекса Зиндонбон ҳам бордир. Кўриб турибсиз. Бу учалови ҳам осиб ўлдиришга лойиқ одамлардир. Лекин,

олампаноҳ бу бандаларнинг ҳолига раҳм қилиб, биттасини осишни халойиқ белгиласин, иккитасини зинданбанд қилишга буюрдилар. Сиз нима дейсиз, халойиқ?

Халойиқ. Иложи бўлса учалови ҳам омон қолсин.

Фармонбардор. Бундай бўлиши мумкин эмас.

Халойиқ. Унданай бўлса, ўзларидан сўранг кимни осиш кераклигини? Дилда армон кетмасин.

Фармонбардор. Маъқул. Қани, ким ўзини гуноҳкор деб ҳисоблади

Санам. Ҳаммасидан гуноҳкор мендирман. Ожизаман... Буни ҳамма билади. Шунинг учун ожизаларнинг гўрини эркаклар гўридан бир газ чуқурроқ ковлашади. Агар мен шу бечора Танбурийни севиб қолганимни юрагимга кўмиб кетолганимда эди, бу маломатлар ҳеч кимга йўқ эди. На зинданбон, на Танбурий дор тагига келарди. Мен шуни билардим, не қилай, юрагимнинг буоргани шу. Ожизалигим шу ерда билинди. Севгимни бўғиб ташлай олмадим. Шоҳнинг басавлат ва қудратли гавдасидан шу бир камсуқум бир мусофири афзал кўрдим. Чунки бу йигит ишқ ва мусиқа бобида султондир. Шоҳ учун мен фақат эрмак бўладирман, холос. Шу боис мен ўзимни энг гуноҳкор ҳисоблайман. Мени осинг!

Танбурий. Йўқ, халойиқ, энг гуноҳкори мен. Агар мен бу юрга келмаганимда, танбур чалиб қалбини эритмаганимда эди, бу савдолар йўқ эди. Бундан ташқари, бу бир муштипар ожизадир. Ожизани осмоқ ҳар қандай жаллодларнинг ҳам юрагини ларзага келтиради. Ахир уларнинг ҳам ожизалари йўқдур дейсизми? Бор, албатта! Кўз ўнгизга келтириб кўрингчи. Шунинг учун мени осинг.

Зинданбон. Эй халойиқ, буларнинг ичиди энг гуноҳкори мен. Хабарингиз бор, бундан бир ой олдин булар дордан қолдирилиб, зинданбанд қилинган эди. Танбурийни мен «гап»имга олиб чиқиб, шу маломатларга қолдиридим. Бундан ташқари, бу иккалови ҳам навқирон, яшаши керак. Юрагида неча-нечча авлодга етгувчи куйлар бор. Шулар ҳаққи, мени осинглар. Мен ошини ошаб, ёшини яшаб, шарти кетиб, парти қолган чолман. Қолган ўн-ўн беш йишлик умрим бўлса, шулар учун кечдим шу умримдан.

Фармонбардор. Сиз нима дейсиз, халойиқ!

Бошловчи. Халойиқ жим. Мамлакатнинг энг кекса донишманд чоли ўрнидан турди. Бу чолнинг фикрларига

подшо ҳамиша қулоқ соларди. Донишманднинг гапи билан неча марта жангларда ғолиб чиққан эди.

Чол. Халойиқ ва амирлар, мен бундай дейман. Бу уч гуноҳкор бандаларнинг гуноҳи бир-биридан ниҳоятда оғир экан. Шу сабаб учалови ҳам ўлим ҳукмига лозимдир. Шоҳим, менинг бир ўтичим бор. Бу шундай: зинданбон чолни ўла-ўлгунча зинданга ташланса, ўзи ўша ерда чириб ўлиб кетади. Бу иккаловининг гуноҳи оғирроқ, булар иккисининг ўлиги ҳам, тириги ҳам шу ерда бўлмаса. Бунинг учун иккисини алоҳида-алоҳида отнинг терисига оёқ-қўлини боғлаб солиб, устидан тикиб, асов отнинг думига боғлаб, чўлу биёбонга ҳайдаб юбориш керак. Жасади кўз кўрмас жойларда қолиб кетсин. Буларнинг ўлиги касофати ҳам олампаноҳ давлатига, қолаверса, фуқарога уради. Шу маъқулмидир?

Халойиқ. Маъқул.

Чол. Амирлар, олампаноҳга таклифини етказинг. Бу ишга ўзим бошчилик қилурман.

Бошловчи. Чол уйига қайтгач, орқасидан кекса хофиз кирди.

Ҳофиз. Бобо, бир нарсани сўрамоқчи бўлиб кирдим. Сиз билан ота -бала бўлиб кетганмиз, биласиз. Бу икки мусиқа аҳлига бунчалик қаттиқ жазо таклиф қўлдингиз.

Чол. Буларга бўлак чора йўқ.

Ҳофиз. Бирор тадбир қилиш мумкинмасмиди?

Чол. Бундан бошқа тадбир йўқ, тилингга тугун тушса, бу тадбирнинг ҳаёт эканлигини айтаман.

Ҳофиз. Каломилло ўртада, тилим тугун.

Чол. Бу бундай: таклифим подшога маъқул келипти. Эргага бу ишни амалга оширамиз. Бу икки навқирон мусиқачиларни от терисига тикириб, бўшроқ узилиб қолиши мумкин бўлган арқон билан чўли биёбонга ҳайдаймиз. Одамлар тарқалганда орқасидан иккита отлиқни югуртирамиз, узилиб қолган жойида уларни озод қилиб, иккаловини бирлаштириб, иккита отта миндириб, Бухоро томонга жўнатиб юборамиз. Булар омон қолишича ажаб эмас.

Ҳофиз. Офарин, устоз, тадбирингиз ниҳоятда тўғридир.

Чол. Сен иккита яхши отни тайёрла, икки хуржунни қўзи-қўчкор думбасига тўлдир. Чўлда думбадан бир кап, бир кап отнинг оғзига солиб турса от ҳоримайди. Икки хуржун талқон тайёрла. Булар ҳаммаси шу Танбурийнинг сенга ўргатган мақомлари ҳаққи.

**Хофиз.** Хўп бўлади, тақсир!

Ҳа, Танбурий омон бўлса, яна қолган мақомларни ҳам халққа бериб кетади.

**Бошловчи.** Чўл, Танбурий билан Санам бир қудук тепасига келишган.

**Санам.** Танбурий, сиз менга ростданам бугун пир бўлиб қолдингиз. Қаранг, дунёда қандай меҳрибон одамлар бор-а! Агар ўша одамлар бўлмаса, чўл ўртасида шу қудуқни ким қазиган бўларди. Агар меҳрибон одамлар бўлмаса, бизнинг ҳолимиз нима кечарди-а? Зинданбон чол нима бўлганийкин?

**Танбурий.** Билмадим, албатта, зинданга ташланган бўлса керак. Бизни қутқарган чол омон бўлса, уни ҳам қутқаради. Қандай тадбиркор чол-а? Ҳудойи таоло шунинг учун ёшини узун қилиб қўйипти. Ҳалқ дилини овлаб юргани учун. Кўп дусоси кўл, дейишади-ку! Қанча-қанча одамларни қутқариб қолганикин? Умрингга яна юз йил умр қўшилгур чол танбурни ҳам хуржунга солиб юборипти.

**Санам.** Барака топсин чол!

**Танбурий.** Хоразмда мақом олти яримта бўлиб қолдида. Қолганини ўргата олмадим. Ўша куни дор тагида дилимга бир куй тўлқини келди. Бу куйни «Пашрави дор» деб атагим келди. Ҳозир хуржундан танбурни олиб чалиб бераман.

**Санам.** Олинг, Танбурий, куйган ҳам қўшиқчи, суйғақ ҳам, бир куйлашайлик?

**Танбурий** (*хуржундан танбурини олиб созлай бошлайди*). Бухорода, насиб қилса, ҳамма мақомни ўргата олсан, ўлсан армоним йўқ эди. Мана, тингланг. (*Жўр овоз бўлиб қўшиқ айтишади*.)

**Бошловчи.** Танбурий билан Санам не-не укубатлар билан Бухорога етиб келишади. Ҳон уларни яхши қарши олади. Улар сарой мусиқачиларига мақом ўргатишга тушишди. Олтита мақомни ўргатгач, уларнинг умри тугаб вафот этишди. Шунинг учун Хоразм мақоми олти яримта, Бухоро мақоми олтита бўлиб қолган экан.

---

## НАВОЙ БИР КУНИ

(Ривоят-пьеса)

### ҚАТНАШУВЧИЛАР

Мир Алишер

Мулозим

Ҳусайн Бойқаро

Оқ Соқол

Үнг құл Бек

Қора Соқол

Чап құл Бек

Жарчи

Элчи

Ривоят вожеи бүлган бүлса, Ҳирот ва Балхда қечади. Бүлмаган бүлса...

Муаллиф. Мұхтарам дўстлар, Ҳазрати Алишер Навоий ҳақида кўп ривоят ва афсоналар халқ орасида авлоддан авлодга ўтиб юради. Уларнинг баъзилари халқ оғзаки ижодининг тўпловчи олимлари томонидан бизнинг давримизда нашр қилинмоқда. Булар тарихий манбаларда бўлмаслиги мумкин. Шундай афсоналарнинг бирини Ойбек «Гули ва Навоий» достони қилиб ёзган.

Достон бошларида Ойбек шундай ёзади:

Афсонанинг кўпидир қуруги,  
Ҳақиқатнинг баъзан уруғи.  
Уюм-уюм тош ичра гўё,  
Бир гавҳардай беради зиё.

Мен ҳам Ҳазрати Алишер Навоийга ҳурматим сифатида қулогимга чалинган бир ривоятни кичик саҳна асари қилдим. Унинг номини «Навоий бир куни ...» деб атадим.

## I КҮРИНИШ

«Муножат» куйи янграмоқда. Вазирлик тахт атрофида саф тортиб туришибди. Тахт бүш. Мулозим киради.

Мулозим. Мұхтарам сарой аҳли! Вазири аълам Низомулмұлк Мир Алишер ҳазратлари ташриф буюрадилар.

(Хамма бир-бирига қараб сергакланиб таъзим-ла ҳозирланади.  
Мир Алишер вазирлик либосида кириб келадилар, беклар таъзим бажо қилиб салом берадилар.)

Мир Алишер. Ваалайкум ассалом ва раҳматуллоҳ (Тахтга келиб ўтиради. Ўнг тарағидаги бек таъзим ҳолидан ўзгармайды).

Бек. Вазири аълам Мир Алишер! Саройда оизни әлчилар кутмиш.

Алишер. Қай юртлардан экан?

Бек. Така Ёвмут туркмандан.

Алишер. Тилаклари не эмиш?

Бек. Тилаклари фоятда мұхим, фақат Вазири аълам жаноб олийларига айттурлық, дедилар.

Алишер. Матькул. Үнда әлчилар оқсоқолига рухсат!

Мулозим (күрениб). Лаббай!

Бек. Така Ёвмут әлчилар оқсоқолин чорланг!

Мулозим. Фармонингиз бажо бўлғай.

(Чиқиб кетади ва тезда туркман әлчисини бошлаб киради.)

Туркман әлчиси. Ассалому алайкум (тиз чўкиб, таъзим қилиб Алишерга рўбару бўлиб ўтиради).

Алишер. Ваалайкум ассалом ва раҳматуллоҳ! Келинг, әлчи бобо, қадамларингизга ҳасанот. Юртларингиз тинч- омонми? Фарзанди қобилларингиз, набираларингиз Оллоҳнинг паноҳида хотиржамми?

Элчи. Шукр. Ҳазрати Мир Алишер бутун бир зл-юрт, халқнинг тили ва дили бўлиб келдим. Мен Туркманий тахаллуси билан ашъорлар битурман.

Алишер. Ҳа, ҳа, эшитганим бор. Нурнепес Туркманий шундай (бир байт шеър ўқииди).

Элчи. Худди шундай, офарин.

Алишер. Шоир шоирнинг олдинда тиз чўкмоғи ножоиздир. Келинг, менинг ёнимга ўлтиринг.

Элчи. Вазири аълам ёнинда ўтироқ мендек әлчига мумкин эрмасдир.

Алишер. Мен вазирликни, сиз элчиликни бир фурсат унубиб, икки шоир рўбарў ўтирайлик. Розимисиз?

Элчи (хурсанд). Албатта розиман.

Алишер. Икки курси келтирилса.

Бек. Икки курси!

(Мулозим икки курсини келтириб қўяди. Ўртада безакли думалоқ стол ҳам қўйишади. Алишер ва элчи рўбарў ўтиришади. Мушоира бошлиниб кетади. Навоий ва Туркманий ўз шеърларидан ўқишиади.)

Алишер. Хўш. Нурнепес, ҳаётнинг қай жабҳалариндан сўрашмоқ мумкин?

Элчи. Эй, мен ҳаётнинг ана шу қийин ва оғир сўқмоғиндан бир сўров билан келдимким, бунга фақат сиз халқнинг дили ва тили бўлган алломаи уламо шоир сифатида идрок қилгайсиз ва тўғри тушунгайсиз деб бошимни кундага қўйиб келдим.

Алишер. Не экан у халқнинг сўрови?

Элчи. Халқнинг сўрови Ҳусайн Бойқаро мамлакатининг тасарруфидан чиқиб, ўзи мустақил Така Ёвмут туркман хонлиги бўлиб яшамоқлиkdir.

Беклар бир-бирига ҳайратланиб қараб олишади.

Алишер. Халқнинг иродаси шундайми ёки айrim бекларнинг иғвосими?

Элчи. Бутун халқ шуни истайдир.

Алишер (ўйлаб). Анча мушкул муаммо. Беклар, сизлар не дейсизлар?

Биринчи Бек. Бу олампаноҳ Ҳусайн Бойқаро ҳазратларига исён. Бу Оллоҳнинг иродасига қарши турмоқлик. Бу юртларни Жаҳонгир Абусаид худонинг иродаси Алининг қиличи бирлан бирлаштирган ва қудратли мамлакат бунёд қилганлар. Туркмандарнинг пешонасига азалдин қум-саҳрова яшаб, чорва билан шуғулланиш, подшоҳимизнинг черикларига Така Ёвмут аргумоқларини етказиб бериш битилган. Шунинг учун элчининг сувори бекор деб билурман, Вазири аълам Низомулмулк Мир Алишер!

Алишер (иққинчи бекка). Сиз не дерсиз?

**Бек.** Ўнг қўл бекимизнинг айтқонлари ўринлидир. Саҳройи халқ қандай ўзи ҳокимлик қила олади. Аждод-авлоди куллиқда ўтган бўлса. Хат -саводи бўлмаса. Хон ўтирадирғон жойи – тахти йўқ эрса. Унда олампаноҳимиз юбортиргон хону бекларимизнинг аҳволи руҳияти не кечади. Уларни дорга тортадиларми? Йўқ. Бу Оллоҳнинг иродасига қарши бормоқлиқдир. Бу совуқ ва мудҳиш хабарни келтурган мана бу сапчабошни танидан жудо қилмоқ жоиздир.

**Алишер.** Дуруст. Сиз не дейсиз, муҳтарам элчи Туркманий.

**Элчи.** Вазири аълам, мен икки бекнинг фикрларини рад этурман.

**Алишер. Нечук?**

**Элчи.** Нечук мулким. Қуръони шарифда шундай гаплар бор. Машриқ ҳам мағриб ҳам Оллоҳ мулкидир. У ўзи хоҳлаган кишиларни ҳақ йўлига ҳидоят қиласди, деган. Бизнинг юртимизга Оллоҳ мустақилликни солиб, эрклик нуридан баҳраманд қилмоқлиқка иноят этмоқда. Энди яҳши отларимиз туфайли инсон зоти қул бўлиши керак, деган фикрнинг ўзи Оллоҳга шак келтирмаклиқдир. Нега деганда Оллоҳ бундай деган: От зоти ҳамиша эллар хизматинда, биз албатта яхши қўшинлар сифатинда отлар билан савф қилиб турамиз. Илм-маърифатга келсак, албатта, гўр йигитларни Бухорои шарифда, Самарқандда, Ҳиротда, Бағдодда ўқитиб мулло қилғаймиз. Мустақил хон бўлмагунумизча биз қулликдан чиқмаймиз. Халқ жунбиущда, агар куч ишлатилса, кўп қон тўкилгай. Инсон зоти табаррук, унинг ҳар бирини Оллоҳнинг паноҳинда сақламоқ жоиздир.

**Алишер.** Така ёвмутларнинг ўз султонлигин тузиб, ўз салтанатларига эта бўлғонлиги тарих китобларинда битилмиш. Қолаверса, Гўрўғли султон ҳам туркман султонларидан биридир. Туркман қавми шундай қарорға келғон экан. Уни олқишлиамоқ керак.

**Ўнг Бек (хотиржам).** Сўз қотмоқлик одобдан эрмасдир.

**Чап Бек. Ҳазрати Алишер!**

**Алишер (хотиржам киноя қилиб).** Муҳтарам бек... лаббай... бирор юмуш буюрадиларми?

**Чап Бек (тушуниб).** Афу этгайсиз.

Алишер. Сарой аҳли, мұхтағарм әлчилар! Подшоҳимиз олампаноҳ Султон Ҳусайн Бойқаро узоқ ва олис сафарга кетищдан олдин менға фармон берғанларким, мен йүғимда Мовароуннарда сиз шоҳсиз, сизнинг ҳар бир фармонингиз менға муборакдир, дебдурлар. Шунинг учун бутун айтадирган фармоним шулки, Султон Бойқаро салтанатининг тасарруфиндаги Така Ёвмут туркман юрги озод деб әйлон қилинади. Ўзга Султон тайинлаб, Туркман султонлиги деб юритилади. Улар ўз туркман фарзандлариндан Султон кўтариадилар. Биз билан яхши қўшничилик: савдо-сотик, илми маърифатни әлчилар орқали шартномалар билан яхши муносабатда олиб борадилар. Бир-бирларига босқин ва талон- торож қилмайдилар. Faразли ниятда воқеанавис-хуфиялар юбормайдилар. Султонимиз томонидан тайин этилган беклар, мирзалар ва бошқа касб-кордаги кишилар истакларига яраша иззат-икром билан мол-мулкларини бутун сақлаб, ўз юртларига қайтарадилар, қолган ҳамма гапларни әлчилар орқали ҳал қиласидилар. Фармон зарварақларга битилиб, элчи жаноб Нурнепес-туркманийга топширилсин!

Элчи. Алишер озод туркман ҳалқи номидан то қиёматгача сизга ҳазор ташаккур! Бу фармон билан сиз минглаб ҳазар навкарлари, фуқаро, гўдаклар жонини сақлаб қолдингиз. Бўлмаса, қирғинга бормоги ҳеч гап эмас эди (*таъзим қиласи*).

Алишер. Тулинг, шоирға шоир таъзим ножоиздир. Мулозимлар, элчиларни ҳурмат- эҳтиром ила кузатиб кўйинглар. Юртларига омон етсинглар.

Беклар сўзсиз ғазабланишади.

Элчи (*чиқаётуб*). Қани энди, жаҳондаги шоҳу вазирлар Сиздек адолатли бўлса! Ҳар ким ўз юртининг эгаси бўлган бўлур эди.

Алишер. Шундай замонлар келур. Хайр, шоири замон!

Элчи. Хайр! (*Алишер элчини кузатиб чиқади*).

Ўнг Қўл Бек билан Чап Қўл Бек бир-бирига яқин келади.

Ўнг Қўл Бек (*сирли*). Ҳей, бек, менга қара, илгари эътибор қиласи эрканман.

Чап Қўл Бек. Ҳа.

Ўнг Қўл Бек. Бу шоир дегани фирт аҳмоқ бўлар экану. Вой, чумчуқнинг калласича мияси йўқ экан-а. Туркманга озодлик берворди-я! Буни Султон Абусаид Мирзо қанча жангу

жадал билан босқын қилиб тиз чўқтирган экана. Бобом иштирок этган экан. Вой, хом калл-еей.

Чап Қўл Бек. Тўғри айтасан, шоирлар девонароқ бўлади. Бир сополнинг синигини топиб қолса, бу бир гўзалнинг қўли бўлса керак, деб силаб ўтиради, дерди қози калон. Шунинг учун шоир аҳли ғазалини тингланг-у, ўзини салтанатга яқинлаштирманг, дерди. Тўғри айтаркан. Султоним, мактабдошим деб вазир қилиб олдилар. Мана оқибат. Бутун туркманга жавоб берворди-я. Соғин сигир кетди-я!

Ўнг Қўл Бек. Нимасини айтасан, мен бўлганимда, бош кўтарганинг ҳаммасини қиличдан ўтказиб, қонидан лой қилиб, томсувоқ қиласдим. Томлар лола очилгандек қип-қизил бўларди. Туркманнинг қуруқ ери, қуми, қўли, саҳросининг ўзи мамлакатимни қиёматгача боқарди. Султоним келади-ю, худо хоҳласа, дорга торгади.

Чап Қўл Бек. Тўғри, бўлмаса, бу чумчуқ калласи ҳали кўп бемаъкулчиликларни қиласди. Оҳ, туркман отлари, учкур! Энди йўқ. Уларни бизга эмас, қалмиққа сотади. Улар бизга ҳужум қиласди. Ўзини ҳам тобе қиласди. Вой, вой! Бу бедодликка нима дейиш мумкин? Салтанатни раҳмдиллик билан бошқариб бўлмайди. Салтанатни қилич, дор, қирғин асрайди!

Алишер кириб келди. Булар таъзим қилишди. Алишер тахтга ўтириди.

Ўнг Қўл бек. Ҳазратим, фоят улуғ саҳоватпешалик қилдингиз. Бир юрт зулм ва истибдоддан озод бўлди.

Чап Қўл Бек. Боя сўзлаганимда анча калтафаҳмлик билан сўйлаган эканман. Бундай идрок қилиб кўрсан, сизнинг фармонингиз фоятда олижаноб экан.

Мулозим кирди.

Мулозим. Вазири аълам. Балх вилоятиндан келган вакиллар рухсат сўрайтилар. Рухсатми, фурсатми.

Алишер. Икки улуғига рухсат!

Иккита чол киради. Бири узун оқ соқол, иккинчиси қора патак соқол. Тиз чўкишади.

Оқ Соқол. Ассалому алайкум, олампаноҳ!

Алишер. Ваалайкум ассалом ва раҳматуллоҳ. Келинглар, азизлар!

Оқ Соқол. Балх вилоятинда очарчилик.

Қора Соқол. Хут- ют келди. Совуқ қаттиқ қаҳрига олди. Чорва бутқул ҳаром қотди совуқда. Эл тирқираб қочмоқда. Қишдан беҳол чиққан эдик. Йўл-йўлакай очдан ўлганлар кўп. Дон-дунлар тугаган. Ҳалқни Оллоҳ асрасин паноҳида. Шоҳлар Оллоҳнинг ердаги соясидир, демушлар. Султонимиз сафарда эканлар. Сиздан нажот истаймиз.

Алишер. Ҳа, бу йил илон йили. Илон йиллари шундай кўнгилсизликлар кўп бўлур, демишлар. Тангirim инояти бирлан бирон тадорик кўрумиз.

Оқ Соқол. Ҳазрат, раҳмат! Бизлар, майли, озми-кўпми тангirim насиб этганини кўрдик. Лекин норасида гўдаклар нон деб чинқираётганини кўриб, қўлига тушган нарсани чайнаб ташлаётгандарини кўриб чидай олмадик. (*Кўзига ёш олади.*)

Алишер. Умум Балх вилоятида қанча аҳоли бордир?

Оқ Соқол. Чамаси 12 минг бордиров бола-бакра билан.

Алишер. Яхши. Бўлмаса бундай. Менинг ихтиёrimдаги қўйдан 24 мингини Балхга етказиб, ҳар бир жон бошига 2 донадан улашилсин. 35 минг қоп буғдой берилсин. Туя, арава, от- уловлар билан зудлик билан етказилсин.

Қора Соқол. Тангirim бизга сиздай меҳрибон инсонни Вазири аълам қилганидан ҳазор шукр.

Оқ Соқол. Ҳазратим! Бу омонатларни бизга қанча муддатга бергайсиз. Биз, албатта, бу яхшиликларни ортиғи билан қайтарумиз.

Алишер. Муддатими... муддати Султоним Ҳусайн Бойқаро ўлганларидан кейин қайтарасиз.

Оқ Соқол (*ҳайрон*). А?!

Қора Соқол (*ҳайрон*). А?!

Алишер. Ҳа, ҳа. Султонимиз вафотларидан кейин қайтарасизлар. Мана, сарой аҳли ҳам эшитиб қўйсин. Сизларга рухсат! Энди тез ҳалқقا емак етказишига шошилинглар. Ҳар дақиқа ғанимат. Одамлар жони омон қолсин. Овмин, йўлларингиз оқ, сафарингиз бехатар бўлсин! Оллоҳу акбар.

Ҳамма. Оллоҳу акбар! (*юзига фотиҳа тортади*).

Вакиллар туриб, хурсанд, тез чиқиб кетишади. Мулозим киради.

**Мулозим. Айтганингиз тайёр!  
Алишер. Жуда соз!**

Мулозим ва Алишер чиқади. Ўнг қўл Бек билан Чап қўл  
Бек бир-бирига яқин келади.

Ўнг қўл Бек. Мана, вазири аъламнинг нияти султонни  
тезроқ ўлдириб, ўрнига шоҳ бўлмоқлик экан. Салтанатни  
парчалаб, кучизлантиromoқчи. Туркман кетди.

Чап қўл Бек. Жуда тўғри. Ҳаммани олдида айтди-я.  
Султон ўлгандан кейин қарзни берасан деб. Вой тавба, одам  
шу даражадаям юзсиз бўладими?

Ўнг қўл Бек. 24 минг қўйини берворди-я. Ўзи нима  
қилади?

Чап қўл Бек. Подшоҳ бўлса Султонимнинг мулки унга  
үтади-да.

Ўнг қўл Бек. Жуда айёр, фирибгар экан-а? Буни тезроқ  
султонга чопар орқали етказмасак, салтанатни хонавайрон  
қилиб юборади.

Чап қўл Бек. Эртагаёқ жўнатамиз Бу гапдан кейин  
албатта шоир боши сапчадек узилади. Вой сени ёзган  
ашъорингдан ўргилдим!

«Кеча келгумдир девон ул сарви гулрӯ келмади».

Битта жононни қошига келтиролмаган салтанатни  
бошқарадими.

Навои киради. Беклар таъзимда.

Ўнг қўл Бек. Вазири аълам, сиздек меҳрибон инсон  
100 йилда бир таваллуд топса керак!

Чап қўл Бек. Худди шундай. Тангirim бошингизни  
тошдан қилсин!

## **II КЎРИНИШ**

**Сарой. Ҳусайн Бойқаро тахти бўш. Жарчи жар чақириб ўтади.**

**Жарчи. Султон Соҳибқирон Ҳусайн Бойқаро  
салтанатининг боёнларию аъёнлари! Амирларию беклар!  
Мулозимлару, эшик оғаларию мирзолари! Миршабларию  
соқчилари, эшифтадим деманглар!**

Олампаноҳ султонимиз соҳибқирон Ҳусайн Бойқаро  
ғалабаю тантана, омонлик ва совғаю тортиқ билан  
Дорулсалтанатга кириб келмоқдалар!

*(Карнай-сурнай, ногора овози келади.)*

Ҳамма Султонимизни кутиб олмоққа пешвоз чиқсин!  
Адолатпеша султонимиз ўз фуқаролариға омонлик тилаб,  
уларга қўп мурувват кўрсатгайлар. Жангда ўлжа олинган  
ашёларни инъому тортиқ этгайлар!

Мир Алишер Ўнг қўл, Чап қўл Беклари билан кириб  
келишиб Султонни кутишади. Тантана овози янада баландланади.  
Ниҳоят, Султон Ҳусайн Бойқаро ёнида аъёнлари билан кириб  
келади. Ҳамма таъзимда, кутади. Навоий бориб қучоқ ёзиб кўришади.

Алишер. Азизим, Султоним, ғалабалар муборак! Сизни  
соғ-омон кўрганимдан бошим осмонда

Сизга тангрим жаҳонгир Амир Темур ғолиблигини ато  
қилган. Сиз ҳеч қачон енгилмагаймиз. Сиз ҳамиша ғолиб  
қайтгайсиз. Сарой аҳли сизни соғинч ва интизорлик билан  
кутмоқда.

Ҳусайн Бойқаро. Алишер, дўстим. Соғиндим. Сиздек  
Вазири аълам борлигидан хурсандман.

Сиз менинг қанотимсиз.

*(Халққа мурожсаат қилиб.)*

Азиз жамоа, аҳли аъён! Фуқаро! Бизга бостириб келган  
душманни қувиб, ўз уясинда мажақ қилдик. Боши майдаланган  
илондек тўлғаниб қолди. Энди асло бош кўтармагай.  
Подшосини дорга тортиқ. Ўзидан янги подшоҳ кўтардик.

Иншооллоҳ биз билан энди аҳил ва иноқ яшагай. Ҳар  
йили бож тўлаб тургай.

Энди дорулсалтанатда бир ҳафта ғалаба нашидаси эълон  
қиласман! Ботирлик қилганларга тухфа- инъомлар тортиқ  
қилингай.

Ғалабани биринчи мадҳ этиб, ҳофизлар куй бошласин.  
Алишер, аввал сиз, яъни ғазаллардан ўқинг, соғинганман!

Алишер. Бажонидил. Султоним, андак фурсат беринг,  
яъни битукларни олиб келай.

Ҳусайн Бойқаро. Мулозим келтиргай.

Алишер. Ҳали оқقا күчирilmаган. Ўйлайманки, қофозлар орасындан ажратиб топа олмас. Ўзим...

Хусайн Бойқаро. Үнда, сабрсизлик билан кутурман.

Алишер чиқади Ўнг қўл ва Чап қўл беклар Ҳусайн  
Бойқаро олдига тиз чўкиб ер ўпишади.

Ўнг қўл Бек. Олампаноҳ, бир қошиқ қонимдан кечинг.  
Мен сизга саройдаги нохуш хабарлардан мактуб юбормоқчи  
эдим. Юборолмадим. Хабарчим тўсатдан шол бўлиб қолди.  
(Қўйнидан қофоз узатади.) Шунга ҳаммасини ёзганмиз.

Чап қўл Бек. Ҳа, иккаламиз имзо чекдик.

Ҳусайн Бойқаро. Майли, қофоздаги гапни ўқирман. Лекин  
ўз оғзинг билан қисқа, лўнда қилиб тушунтири, нима гап?

Ўнг қўл Бек. Гап шундаки, Мир Алишер туркманларга  
озодлик бериб, сизнинг тасарруфингиздан чиқариб юборди.  
Сизни катта ҳазина дарёсидан маҳрум қилди.

Ҳусайн Бойқаро (*ўйчан*). Майли. Яна қандай гап?

Чап қўл Бек. Яна Балх вилоятида хутда ют бўлгани  
учун 24 минг қўй қарзга берди. 10 минг қоп буғдой берди. Улар  
бу омонатни қачон қайтарурмиз, деб сўраганда, подшоҳ  
ўлгандан кейин, деди. Сарой аҳли эшилди. Бу шум ниятдан  
ҳамма таажжубда.

Ҳусайн Бойқаро (*ҳайрон*). Рост айттурмисиз?

Икки бек қўйнидан «Куръон» китобини олиб, ўпиб, пешонасига  
суртади.

Ўнг қўл Бек. Ёлғон сўйласам, мана шу «каломулло» урсин.

Чап қўл Бек. Ёлғон гапирсам, Куръон урсин.

Ҳусайн Бойқаро (*ўзича ўйлаб*). Тавба, Алишерга ўлимим  
нима учун керак бўлиб қолди? Ёки ўрнимга Султон бўлмоқчими?  
Бундай совуқ ният чиқишига сира ақлим бовар қилмаяпти, тавба!  
Сағал совуқроқ кўришгандай бўлдими? Йўқ... У ялтоқлиkn  
бilmайди. Самимий эди шекилли... Нима учун туркманларга  
озодлик бериб юборди, қизик. Ёки уларга хон бўлмоқчими, йўқ...  
Ўнта туркманга хон бўлгандан ўзининг вазирлиги аъло эмасми?  
Ҳай, келсун, аниқлармиз (*бекларга*), яна қандай гаплар?...

Үнг құл Бек. Салтанатга ларза солувчи гаплар ҳозирча шулар, қолғанлари майда-чуйда ўткинчи.

Чап құл Бек. Худди шундай...

Хусайн Бойқаро. Садоқатингизга балли, туринглар!  
*(Улар ўрнидан туриб, аввалги ҳолатларида таъзим қилиб тушишади.)*

Мулозим. Олампанох, ҳофиз ва раққосалар тайёр.

Хусайн Бойқаро. Ижозат.

*(Музика, қүшиқ, раққосалар хиром айлаб Султон олдида рақс тушшишади.)*

Хусайн Бойқаро тахтга ўтириб ҳузур қиласы. Рақс тугагач, мулозим киради.

Мулозим. Олампанох, Вазири аълам Низомулмұлк Мир Алишер ижозат сүрайдурлар. Рухсатми, фурсатми?

Хусайн Бойқаро. Рухсат.

Алишер Навоий құлида ўроғлиқ қоғоз билан киради.

Алишер (*таъзим қилиб*). Султоним, келтирдим. Янги битуклардан.

Хусайн Бойқаро. Фазаллармидур?

Алишер. Ҳа, ҳам фазаллар, ҳам рубойлар, фардлар, туоктар.

Хусайн Бойқаро. Бас! (*Машшоқлар тинади, рақслар тугайди*)

Мир Алишер, ҳозир мен эшитган хабарлар гоятда ташвишга солди. Қандай қилиб катта бир вилоятта менинг раъи ихтиёrimсиз озодлик бериб юбордингиз. Ахир туркман эли бизнинг соғин сигиримиз эди-ку?!

Алишер. Султоним, ўша соғин сигир қисир қолиб, сутдан чиққан экан. Шунинг учун пақирни тепиб, дилни вайрон қилмасдан олдин рухсат бердим. Иншооллох, оқибати хайрли бўлғой. Ўтган йили ҳам сизга мурожаат этганида кўрурмиз деб эдингиз.

Хусайн Бойқаро. Тўғри қилибсиз. Ҳа, кўп вақтдан бери тўпалон, қўзғолон бўлиб, сутдан кўра қон ичлаётган эди. Идрокингиз ва жасоратингизга тасанно!

Бизга шу икки дарё оралиғи— Мовароуннаҳр ва Хурросон ҳам етиб ортгай.

Алишер. Султоним, ожиз қулингизнинг бошини кўкка кўтардингиз. Сизга Оллоҳ ҳамишалик саодат ато қилгай. Султонлар ўзгалар юртига кўз тикмай, ўз салтанатини қўриқлаб, ободлигини таъмин этсалар, бундай султонлар то қиёмат Оллоҳ олқишига мушарраф бўлғайлар. Инишооллоҳ.

Ўнг қўл Бек (ўзича). Султон ҳам айнапти. Ҳадемай салтанат тутдай тўкилади.

Чап қўл Бек (ўзича). Туркман эли майли. Султоннинг этагининг учи куймайди. Энди ўз жонига қасд қилганига қандай қарап экан. Шунга ҳам лоқайд қараб қўл силтаса, унда бу саройдан кўра бозорда ҳожатхона тозаламоқ маъкул.

Ҳусайн Бойқаро. Мир Алишер, яна бир таажжуб ишки, сизга менинг ўлимим нечук керак бўлиб қолди? Сиз очларга қўйлар инъом этиб, «Султон ўлимидан сўнг берарсизлар», дебсиз, тўғрими?

Алишер. Тўғри, Олампаноҳ. Тўғри етказишипти.

Ҳусайн Бойқаро. Бу қилмишдан муддао не эди?

Алишер. Олампаноҳ, Султоним! Бу синоатни бу ерда сўз билан тушунтирмоқ бир оз мушкул. Шунинг учун ўша беклар ва сиз аъёнларингиз билан Балхга борумиз. Синоат ўша ерда аён бўлгуси.

Ҳусайн Бойқаро. Ҳай, маъкул. Балхга сафар эълон қилинсин!

### III КЎРИНИШ

Балх шаҳрининг майдони, халойиқ тўпланган. Минбарга Султон Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоий, Ўнг қўл Бек ва Чап қўл беклар карнай-сурнай, ноғора тантанаси билан келишади.

Жарчи. Халойиқ! Балх вилоятининг боёну аъёнлари. Бугун подшоҳимиз Султон Ҳусайн Бойқаро Балх вилоятига муборак қадамлари ила ташриф буюрдилар?

Овозлар. Пойи қадамлари кутлуғ бўлсин!

Жарчи. Олампаноҳ подшоҳимиз Балҳдаги хут ойиндаги ютдан фоятда қайгу чекиб, ўз фуқароларини улуғ зафардан сўнг аҳволи руҳиятидан хабардор бўлғони келибдилар.

**Халойик.** Олампаноҳимизга ҳамиша зафар ёр бўлсин!  
**Оlam тургунча турсунлар!**

**Ҳусайн Бойқаро. Иншооллоҳ!**

**Овозлар. Иншооллоҳ!**

**Жарчи.** Халойик! Хут ойиндаги ютда эл nochor, болалар оч қолганда Вазири аълам, Низомулмулк Мир Алишер Навоий 24 минг кўй, 10 минг қоп буғдой қарзга берган эдилар. Ҳозир Мир Алишер қарзларини қистаб келиптилар. (*Fala-ғовур орада қарз сўраб борган Оқ Соқол билан Қора Соқол келиб, таъзим қиласидилар.*)

**Оқ Соқол (Ҳусайн Бойқарога).** Олампаноҳ, бир қошиқ қонимдан кечинг, мен ҳақиқатни айтай.

**Ҳусайн Бойқаро. Ижозат.**

**Оқ Соқол.** Халойик! Улуғ вазиримиз бизга қўю галлани қарзга берган эдилар, қачон берамиз, деганда, Подшоҳ вафотидан сўнг, деган эдилар. Тўғрими, ҳазрати Алишер!

**Алишер.** Худди шундай.

**Оқ Соқол.** Халойик, мана, олампаноҳимиз— ҳамиша музаффар Соҳибқирон Султон Ҳусайн Бойқаро соғ-омон ўз фуқароларидан ҳол сўраб турибдилар. Тўғрими?

**Халойик. Тўғри!**

**Оқ Соқол.** Халойик. Ютдан омон- эсон чиқиб олдик.  
**Улуғ подшоҳимизга ҳазор раҳмат!**

**Халойик. Ҳазор раҳмат!**

**Оқ Соқол.** Халойик, келинг, олампаноҳ Султонимиз Ҳусайн Бойқарони бир дуо қиласильик, умрлари узун бўлсин!

**Халойик. Илоҳо омин!**

**Оқ Соқол.** 100 га кирсинглар!

**Халойик. Илоҳо омин!**

**Оқ Соқол.** Қиличлари Ҳазрати Алининг қиличидек кескир, ўзларига Соҳибқирон Амир Темур боболарининг музаффарлари ато қиласин, омин! Мир Алишер ана ундан кейин қарзларини сўрасалар, ул лафзларида турган бўладилар. Шундайми, улуғ вазир.

**Алишер.** Халойик, менинг тилагим ҳам худди шундай. Олампаноҳимизнинг умрлари узун бўлишлигини дуо қилишингизни ният қилиб, сизга қўй ва ғалла берган эдим. Иншооллоҳ, ниятим холислиги бугун ошкор бўлди.

**Ҳусайн Бойқаро.** Алишер, сизнинг садоқатингизга тасанно. Сиз борсиз, ифво тахти ҳамиша қулайверади. Сизга бўй баробар зар инъом қилурмен. Менга бу ифво хабарларни етказган бекларга жазони ўзингиз айтурсиз.

**Алишер.** Олампаноҳ. Булар ҳам сизга садоқатини изҳор қилган садоқатли қуллардир. Шулар бўлмаса менинг ниятим ичларда қолиб кетармиди. Менга инъом қилган сийму зарни шуларга бўлиб берсангиз.

**Икки Бек** эмаклаб Алишернинг этагини ўпади.

**Ҳусайн Бойқаро.** Алишер, Сиз ҳақиқий инсонпарварсиз. Сиз борсиз, разолат ҳам адолатга бурилгай. Извогарлар, туҳматчилар яхшилик ва садоқатни касб этгайлар. Сиз борсиз, салтанат ҳамиша равнақ топгай. То қиёматгача яхшилик рамзи бўлиб қолгайсиз. Омин! Мир Алишер, тангirim битмас ақлу заковат ато қилғай!

**Халойиқ.** Илоҳо омин!

**Ҳусайн Бойқаро.** Оллоҳу акбар!

**Халойиқ.** Оллоҳу акбар!

**Парда**

**Тамом**

*11.12 май, 1990 йил*



---

## ХИСЛАТ

(2 пардали эртак-пьеса)

1974 йил 10—16 июль  
Тошкент. «Сўқоқ» дам олиш уйи

ҚАТНАШУВЧИЛАР

Хислат  
Ҳикмат ака  
Турсунмат ота  
Бой  
Кози

Бойнинг хотини  
Мулла Йигит  
Хўжамқул Бобо  
Хизматкорлар

### I ПАРДА

#### I КЎРИНИШ

Ҳикмат аканинг ҳовлиси. Супада ота-бала гаплашиб ўтиришибди.  
Ҳовлида гуллар очилган. Терак дарахтлари.

Хислат. Ота, ойим қанақа бўлганлар?

Ҳикмат ака. Ойинг санга ўхшаган чиройли, эпчил, чаққон, ширинсўз бўлган. Энди онангдақа аёл дунёга келмаса керак (*огир хўрсинади*).

Хислат (*хаёл суради, бирдан ҷўчиб*). Вой, ота, Турсунмат отанинг дарвозаси очилиб иккита одам жийрон қашқа билан саман отини етаклаб чиқиб кетди. Ана, дарвоза ёпилди. Ота, Турсунмат ота чойхонада ўтириптила, юринг, бориб отларини қароқчилар олиб кетганини айтамиз.

Ҳикмат ака. Эсинг борми, ўғлим? Довдираяпсанми? Турсунмат отанинг уйи қаёқда-ю, сен қаёқда. Ло илоҳо иллолоҳ, Калима келтир, кўзингтга кўрингандир.

Хислат. Йўқ, ота, ростдан кўрдим. Юринг, тез Турсунмат отага айтамиз.

Ҳикмат Ака (*ўйлануб*). Ҳа майли, юр-чи!

## II КҮРИНИШ

Чойхона. Одамлар гурунглашиб ўтиришибди. Бир ҳофиз ашула айтяпти.

Бир ғарип күнглини қила олсанг шод,  
Шулдир ер юзин қылгандек обод.  
Лутфинг-ла бир дилни қул қила олсанг,  
Афзалдир юз қулни қымоқдин озод.

Ота-бала югуриб Турсунмат отанинг олдига боришади.

Ҳикмат ака. Турсунмат ота, уйингиздаги отхонадан иккита отингизни қароқчилар олиб чиқиб кетишиди.

Турсунмат ота (*менсимаган ва пичинг оҳангда*). Нима деяпсан, камбағал, қаердан кўра қолдинг мани ҳовлимни?

Ҳикмат ака. Уйда ўтирганимизда ўғлим кўрди. (*Ҳамма кулиб юборади.*)

Турсунмат ота. Ўғлинг уйдан туриб ўғрини кўрса, ойнаи жаҳони борми, нима бало?!

Ҳикмат ака. Ойнаи жаҳони йўқ, кўрди, мана ўзи айтсин.

Бола. Дадам билан гаплашиб ўтирганимда иккита қароқчи келиб, аввал эшикни қия очиб кўрди, сўнг секин отхонага қараб юрди. Биттаси кўппакни олдига бир нарса ташлади, биттаси тезда жийрон қашқа билан саман отни етаклаб чиқиб кетди. Дарвоза ярим очиқ ҳолда қолди. Шуни кўрдим, ундан кейин сизни чойхонада ўтирганингизни кўрдим.

Турсунмат ота. Қандай қилиб кўрдинг, зумраша? (*Жаҳли чиқиб.*)

Хислат. Билмайман, ишқилиб, кўрдим-да!

Бир Кishi. Ота, балки болага кўрингандир, ҳар эҳтимолга қарши уйдан хабар олдиринг.

Турсунмат ота. Ҳай... Бола, лақиллатсанг, мендан яхшилик кўрмайсан, худди бўйнингни суғуриб олиб қўяман. Назармат! Отга мин, югар уйга, тез хабар олиб кел!

Назармат. Хўп, дада. (*Югуриб чойхонадан чиқиб кетади.*)

Турсунмат ота. Ҳайрон бўлиб қолдим, тағин ота-бала қароқчиларга шерик бўлган бўлмаларинг, бизга ҳийла-найранг ишлатиб.

**Ҳикмат ака.** Худо сақласин, бироннинг ерида ётган чупига кўз олайтиргмаганмиз.

**Хислат.** Отам девор қўшнимизни боғидан осилиб тушган олмадан ҳам олиб бермайдилар, бироннинг ҳақи, деб.

**Турсунмат ота** (*пўпса билан*). Назармат келгунча шу ерда ўтирасанлар, ёлғон бўлса, ота-бала иккаловингни терингни шилдириб, сомон тиқаман.

**Хислат.** Майли, сизга яхшилик қилдик-да, Назармат амаким келгунча ашула айтиб берайми?

**Турсунмат ота.** Ашулаям биласанми? Оббо зумраша-ей.

**Хислат.** Биламан, **Хўжамқул** бободан ўрганганман. (*Ҳамма қизиқиб.*)

**Ҳамма.** Қани эшитайлик-чи, камбағалзоданинг ашуласи қанақа экан. (*Ашула айтади.*)

### Хислат

Йўлдан топдим бир қамич,  
Уни бердим бир чолга.  
Чол менга ипак берди,  
Ипакни қизга бердим.  
Қиз менга рўмол берди,  
Рўмолни сувга бердим.  
Сув менга балиқ берди,  
Балиқни бойга бердим.  
Бой менга тариқ берди,  
Тариқни товуққа бердим.  
Товуқ менга тухум берди,  
Тухумни ўтга кўмдим.  
Пақ этди, шақ этди,  
Тухум ёрилиб кетди.

**Ҳамма** ашулага қулоқ солиб турганда Назармат ҳовлиқиб киради.

**Назармат.** Ота, ҳақиқатан жийрон қашқа билан саман от йўқ, дарвоза очилиб қолибди.

**Турсунмат ота.** Ростданми? (*Ўрнидан туриб.*) Назармат, Аширмат, Маҳамат, Аҳмад, турларинг, ўғилларим, от миниб тўрт тарафга югар, эҳтимол, ҳали қирдан ошириб кетгани

йўқдир. (*Ҳамма ҳайрон, бир-бирига шивирлашади, бу бола авлиёми, нима бало.*)

Аширмат (*отасига*). Балки бола билар ўғрилар қаёққа кетаётганинги.

Турсунмат. Дарвоқе, бола, биласанми, ҳозир улар қаёққа кетяпти?

Хислат (*бир оз ўйланиб, бир нуқтага қараб қотиб қолади*). Ҳув, қирнинг орқасидаги тушургига кетишяпти.

Аширмат. Мен кетдим ўша ёққа.

Турсунмат ота. Қолганларинг у тарафга, бу тарафга борларинг.

Бир киши. Бу боланинг ўқийдиган кулиёсини борми нима бало?

Иккинчи киши. Катта бўлса авлиё бўлса-я!

Учинчи киши. Бэ, катта бўлса ялмоғиз чол бўлади.

Бир киши. Унақа дема, олдингда ўғил-қизинг бор.

### III КЎРИНИШ

Бойнинг ҳовлиси. Чиройли безатилган хонада хонтахта. Ҳар хил ноз-неъматлар кўйилган. Бой хотини билан гаплашиб ўтирибди.

Бой. Хотин.

Хотини. Лаббай.

Бой. Биласанми, ану камбағал бору, катта ерда ишлайдиган.

Хотини. Ҳа, отам раҳматлик, мен нариги қишлоққа отда бориб келдим, десалар, бу қишлоқдан ҳам бошқа жой борми, ё тавба, оламнинг бағри кенг экан-да, деган кишиими?

Бой. Ҳа, ўша. Худойимнинг қудратига ҳайронман, ўша пандавақини ўн ёшлиқ боласига ҳамма ҳайронмиш. Миянгда нима ўйлаётган бўлсанг шуни айтиб берармиш. Яқинда Турсунмат отанинг уйидан намошшом-хуфтон орасида улоқ чопадиган жийрон қашқаси билан саман йўргасини отхонадан қароқчилар етаклаб олиб чиқиб кетаётганини икки чақирим наридаги уйида кўрпани ичидаги ётганида кўрибди. Отни қаёққа олиб кетаётганини ҳам айтиб берибди. Ё тавба, ҳамма ёқасини ушлайпти, яна Паркатли узумчини тиши қаттиқ оғриган экан.

амаки тишизни тузатиб берайми, дебди. Ҳа, қани, тузатибок, деса, узумчининг башарасига қараб бир тиржайган экан, тишининг оғриғи таққа тўхтаб қолибди. Яна зумрашани қилган ишини қара. Бир куни отанг Ҳайитбой оқсоқол келганда болалар билан баҳс бойлашиб, бир оёқда сакратиб юргизибди. Кўрдингми, бу бола бир балони бошламаса дейман. Бунақа болаларни хосияти йўқ бўлади, дейишади. Бунақа болаларни тезроқ қуритиш керак, бўлмаса бир куни мени ҳам тегимга этиши мумкин. Нима дейсан, хотин?

Хотини. Нима дердим, ихтиёр сизда.

Хизматкорлардан бири киради.

Хизматкор. Бой ота, сизни катта ердаги Ҳикмат ака сўрайяпти.

Бой. Ҳалиги ўғли гап бўлаётганми?

Хизматкор. Ҳа, ўша.

Бой. Йўлакда туриб турсин, мен чиқаман. Исқирти билан молга ўхшаб тағин кириб келмасин.

Хизматкор. Қуллуқ, ота.

Бой йўлакка чиқади.

Бой. Ҳа, Ҳикмат, менда нима ишинг бор эди?

Ҳикмат ака. Бир зарур ишим бор.

Бой. Фўза чопищдан ҳам зарур иш бўладими сен исқиртда.

Ҳикмат ака. Бой ота, бугунги тушимда бир нуроний чол кириб, сен бой бўлишинг керак, бой отангдан сўра қандай бой бўлишни, дели. Шунга олдингизга келдим.

Бой. Ҳа, девонаи понсон, танинг соғ, ризқингни териб, еб юрибсан, бундан ортиқ сенга бойлик бўладими? Худо сени пешонангга қолу балода камбағалликни битган-да. Қидирган билан ризқинг ортмас, кетар ҳаргиз қадринг ортмас, дейди машойхлар.

Сен бой бўлиб қаёққа бораардинг, шўр пешона.

Ҳикмат ака. Майли, нима бўлсаям бой бўлгим келди-да, айтақолинг, жон бой ота. Қандай қилиб бой бўлишим мумкин?

Бой (бирдан ўзича). Шошма-шошма... Сопини ўзидан чиқармайманми. (Ҳикматга юзлануб). Бўпти, бой бўласан, фақат менинг айтганимни қилсанг.

**Ҳикмат ака.** Албатта, қиласман. Шунинг учун сўрагани келдим-да!

**Бой.** Ўртага каломуллони қўйиб қасам ичасан. Бўптими?

**Ҳикмат ака.** Бўпти, нима десангиз, шуни қиласман. Гап битта, худо битта.

**Бой.** Ундаи бўлса гап бундай: энди ўғлинг сифадиган битта темир қафас ясатасан, шуни ичига ўғлингни солиб тоққа олиб чиқасан. У ерга боргандан кейин ўғлинг билан қафасни булоқ бошида катта тошга тираб қўйиб, кўп янтоқ йигасан. Йиққан янтоғингни устига босиб, ёқворасан. Аввал ўғлингни ўнг оёғи қизаради оловда, сўнг иккинчи чап оёғи қизаради, ундан кейин бутун танаси қизаради, кейин боши қизаради. Ўғлинг ёниб, қип-қизил чўғ бўлганидан сўнг янтоқ ёқишини тўхтатиб, олти соат совутасан, ана ундан кейин ўғлинг олтин бўлади. Оёгини силкитсаям олтин тушади, кўлини силкитсаям олтин тушади. Билиб қўй, ёнаётган вақтида ўғлинг финг деса ёки додласа, ўғлинг олтин бўлмасдан, сопол бўлиб қолади. Тушундингми? Ана шунда сен тез бой бўлиб кетасан.

**Ҳикмат ака.** Тушундим, бой ота. Албатта айтганингизни қиласман. Агар қилмасам каломуло уради.

**Бой.** Ҳа, баракалла, бор! Камбағал ҳамиша мард бўлади. Бўлди, боравер энди, тез бой бўла қол. Баракалла. Бор!

**Ҳикмат ака.** Хўп, бой ота, берган маслаҳатларингиз учун раҳмат. (*Ҳикмат ака кетади.*)

**Бой (ҳахолаб келади).** Эй, миямдан ўргилай, бир ишлаб қолди-да, ана энди зумрашадан қутуладиган бўлдим. Қачон одам ёнганда олтин бўлган. Каллаварам?

#### IV КЎРИНИШ.

**Ҳикмат аканинг ҳовлиси.** Супачанинг устида қафас турибди.

**Ҳикмат ака** хаёл суриб ўтирибди. Ўғли ашула айтиб келади.

#### Хислат

Агар бўлса саман тойим,  
Минар эдим уни доим.

Санам тойим учар бўлса,  
Булутлардан ўтар бўлса,

Ер юзини чир айланиб,  
Хатто ойга етар бўлса.

Агар бўлса саман тойим,  
Минар эдим уни доим.

Бориб артсам ойнинг доғин,  
Қайнатворсам нур булоғин.  
Коронғу тун бўлмаса ҳеч,  
Ойдин бўлса қириу боғим.

Агар бўлса саман тойим,  
Минар эдим уни доим.

Ҳикмат ака. Ўғлим, келдингми?

Хислат. Ассалому алайкум, ота, келдим.

Ҳикмат ака. Кел, ўғлим, сен катта йигит бўлиб қолдинг.  
Сен билан бир маслаҳатлашмоқчиман.

Хислат. Майли, отажон.

Ҳикмат ака. Мен бой бўлмоқчиман.

Ҳаслат. Ростданми? Уре! Қандоқ яхши! Ундан кейин  
бой отани болалари мени ялоқи, иштони қирқ ямоқ, демайди-  
а?! Ану кичкинаси бору, чўчқадай семиз, ўша доим, мозорда  
латта қолмаган, ҳаммасини иштонига тикиб олгансан, дерди.  
Сиз бой бўлсангиз, демайди. Ота, сиз бой бўлсангиз, чинни  
косада овқат еймиз! Атлас кўрпада ухлаймизми?

Ҳикмат ака. Ҳа, ўғлим, мактабгаям борасан.

Хислат. Ростданми, мангаям кўк духобадан шим олиб  
берасизми?

Ҳикмат ака. Ҳа, ўғлим.

Хислат. Ота, сиз унда кумуш юганли отда юрасиз-а?

Ҳикмат ака. Ҳа, ўғлим, отда юраман. Сангаям от олиб  
бераман.

Хислат. Уре!

Ҳикмат ака. Баракалла, ақлли ўғлим. Бой бўлсагам,  
иккаламиз ҳаракат қилсак бўлади. Бунга, албатта, сен ёрдам  
беришинг керак. Сенсиз мен бой бўлармидим, сен менинг  
кўзимнинг оку қораси, онангдан ёдгоримсан.

**Хислат.** Ота, нима буюрсангиз, тез бажараман. Ишқилиб, бой бўлсак бўлди.

**Ҳикмат ака.** Бўпти, ўғлим, сенинг азаматлигинг мени жуда хурсанд қилди. Бой бўлиш осон экан, бой отадан сўрадим. Сен мана бу қафасга кирасан. Мен сени орқалаб тоқقا олиб бораман, катта тошнинг устига қафасни қўйиб, янтоқ йигиб келиб, сени янтоқ ўтини билан ёқаман.

**Хислат.** Куйиб қолмайманми?

**Ҳикмат ака.** Йўқ, ўғлим, куймайсан. Аввал ўнг оёғинг қизариб олтин бўлади, сўнг чап оёғинг олтин бўлади, ундан кейин қўлинг, ана ундан кейин тананг ва бошинг олтин бўлиб қолади. Сен совийсан, совиганингдан кейин қўлингни силкитсанг ҳам олтин тушади. Ана ундан кейин иккаламиз бой бўлиб кетамиз. Бир нарсани эсингда тут, Хислат болам, олов ёнаётган вақтда сен финг демаслигинг керак. Додламаслигинг керак, бўлмаса олтин бўлмай сопол, бўлиб қоласан.

**Хислат.** Бўпти, ота, ҳамма айтганларингизни қиласман. Финг демайман, бақирмайман, индамай тураман. Фақат, отажон, ҳозир озгина ўйнаб олсан майлими?

**Ҳикмат ака.** Майли, ўғлим, ўйнаволақол.

Бола роса ўйинга тушади, ҳовлини гир айланади. Бориб деворларни кўзига суртади, қийшиқ эшикларни ўпади, дараҳтни қучоқлайдинг ва отасининг олдига келиб тиз чўқади.

**Хислат.** Отажон, мана, ўйнаб келдим, қани, қафасингизни очинг тезроқ, олтин бўлақолай, камбагалликдан кутуламиз.

**Ҳикмат ака** (*қафасни очади, бола киради, қафаснинг эшигини қулфлайди. Камбагал қафасни кўтариб иўлга тушади. Ofir музика.)* Худо, ўзинг мадад бер!

Парда

## II ПАРДА

### V КҮРИНИШ

Ҳикмат ака ўғли солинган қафасни катта қора тошнинг ёнига  
қўяди.

Ҳикмат ака. Уф, тинкам қуриб кетди.

Хислат. Ота, олтин бўладиган жойга келдикми?

Ҳикмат ака. Ҳа, ўғлим, келдик. Эртага шу вақтда сен  
олтин бўласан, мен бой бўламан.

### Хислат

Йиғинг, ота, янтоқ.  
Олтин бўлай тезроқ.  
Бойни ўғли демасин,  
Иштонлари қирқ ямоқ.

### Ҳикмат ака

Балли, ўғлим, балли,  
Бой бўламиз биз ҳали.  
Келар бизни кўргали  
Юртимиздан кўп қишлоқ.

### Хислат

Йиғинг, ота, тез янтоқ.  
Олтин бўлай мен тезроқ.  
Қуриб кўйсин бизларни.

Ҳикмат ака. Бой бўлганмиз биз қандоқ.

Ота янтоқ йига бошлайди.

Бола (*огир ва сеҳрли овозда*). Мен финг демаслигим керак,  
дод демаслигим керак. Финг десам олтин бўлмай қоламан,  
сопол бўлиб қоламан. Сопол билан отам бой бўлмайди, мен  
яна қирқ ямоқ кўйлак-иштонимни кийиб юравераманми?

Йүқ! Дод демайман.  
Дод демайман, дод демайман,  
Фарёд демайман.  
Бул қафасдан айланг, ота,  
Озод, демайман.

Йиғинг, ота, тез янтоқ,  
Олтин бўлай мен тезрок.

Ота бирпасда янтоқни йиғиб, бутун қафасни кўмиб ташлайди,  
сўнгра янтоқ орасидан ўғлига бир қараб қўяди.

Ҳикмат ака. Бисмиллоҳу раҳмону раҳим, худоё ўзинг шарманда қилма, ўғлим, бардам бўл, ғинг дема, сопол бўлиб қоласан, бисмилло, облоҳу акбар (*гуғурт чақиб юборади*). Гулхан гуриллаб ёнади, яна янтоқ олиб келиб ёқаверади, гулхан орасидан оёғи қизарганини кўриб қолади.

Мард ўғлим, ботир ўғлим,  
Сен мардона тур, ўғлим.  
Бой айтгандек энг олдин  
Оёғини бўлди олтин.  
Буткул олгин бўласан,  
Элга ҳайрат соласан.

Ана у оёғи ҳам олтин бўляпти. (*Қувонганидан ўйнаб кетади.*)  
Мард, ўғлим, ботир ўғлим,  
Сен мардона тур, ўғлим.

Қафас ичидаги қип-қизил чўғ бўлиб қолади. Ҳикмат ака хурсанд.

Олтин бўлиб қолдинг, мана, жон болам,  
Олтин мисол нур сочиб ён ва ён, болам.  
Камбағалликдан қалбим бўлди қон, болам,  
Энди келди бизларга ҳам шон, болам.

Энди совусанг бўлди, хислатли ўғилжоним, оёғингни силкитсанг ҳам, қўлингни силкитсанг ҳам олтин тушаверади.

## Ҳикмат ақа

Олтин болам, ой болам,  
Отанг энди бой, болам.  
Чиқ қафасдан, тезроқ чиқ!  
Олтин бўлган, ҳой болам.

Бола индамай тураверади.

Қани чиқмайсанми, ўғлим (*ота қафаснинг оғзини очиб ўғлини қўлидан тортади, бола гурс этиб ишқилиб, боши бир бўлак, оёғи бир бўлак бўлиб сочилиб кетади. Довдираб қолган ота бошини қўлига олиб қараса, қип-қизил сопол тош.*)

Вой дод, кўзимни оку қораси,  
Инсонларнинг сараси,  
Фарзандимдан айрилиб қолдим.  
Сенинг ўрнингда мен ёнсам бўлмасмиди,  
Бу кўзимга янтоқ чўфи тўлмасмиди.  
Менга шумлик қилган бой ўлмасмиди,  
Қайга бошим олиб мен кетарман,  
Бахти кулмас бу жаҳонни мен нетарман.

Бутун тогу тош, ер унинг бошида айланади. Ва у бир тош ёнига  
гурс этиб йиқилади.

## ПАРДА

### VI КЎРИНИШ

Ҳикмат ақа бир сой бўйида йиқилганча ётибди. Тепасида ўғли  
ўтирибди.

## Хислат

Отажон, кўзингизни очинг,  
Қайта меҳрингизни менга сочинг.  
Мен тирикман...  
Сопол эмасман.

Кўринг, мана, ёлғон демасман,  
Бўлак-бўлак бўлмадим асло,  
Бир гул эдим, сўлмадим асло,  
Мен олтимман, қаранг кўлимга.

Дур сочилар юрсам йўлигма.  
Алдаган бой, ўша серсоқол  
Бўлиб қолар ўзи бир сопол.  
Отажон, кўзингизни бир очинг,  
Қайта меҳрингизни менга сочинг.

**Ҳикмат ака** (*ўзига келиб, кўзларига ишонмай*). Ўғлим,  
бу сенмисан ёки арвоҳинг?

Сен янтоқда ёнган эдинг-ку,  
Ўз қўлларим билан ёқдан эдим-ку.  
Ёки мен у дунёда аросатда ётибманми,  
Сен мендан аламингни олиш учун дуч келдингми?

**Хислат.** Йўқ, отажон, сиз бу дунёдасиз, мен ҳам,  
иккаламиз ҳам тирикмиз.

**Ҳикмат ака.** Қандай қилиб сен тирик бўласан, ўғлим,  
сени ўзим ёндиридим-ку янтоқ билан.

**Хислат.** Эҳ, отажон, отажон, сиз жуда соддасиз,  
соддасиз. Бой мендан қутулиш учун сизга шу ишни буюрди.  
Мен уйдан туриб ҳамма гапларни эшийтдим.

**Ҳикмат Ака** Қандай қилиб эшиласан уйда туриб?

**Хислат.** Билмайман, отажон. Менга ҳамма нарса  
эшитилиб туради. Кимни ўйласам шу кўринади. Одамларнинг  
башарасига ҳам қараб нима ўйлаётганини билиб тураман.

**Ҳикмат ака.** Нима, авлиёмисан?

**Хислат.** Йўқ, йўқ, ўзим ҳам билмайман нега шунақа  
бўлишини. Агар хоҳласам, бутун қишлоқ ҳозир сизни  
олдингизга бирма-бир келиши мумкин.

**Ҳикмат ака.** Кўй, ундан қилма, болам, битта-яримта  
сенга шикаст етказиб кўяди. Уни-муни қўй, сен қандай қилиб  
тирик қолдинг, шуни менга галириб бергин.

**Хислат.** Қандай тирик қолдим, дейми. Сизни қилаётган  
ишингиз ҳаммаси бойнинг найрангидан бўлаётганини

билардим. Сизга шу гапларни олдинроқ айтсам сиз мендан хафа бўлиб ишонмасдингиз, шунинг учун сиз мени қафасга солаётганингизда мен бир ўйнаволай дедим-ку.

Ҳикмат ака. Ҳа, ҳа.

Хислат. Ана ўшанда қафаснинг иккинчи калитини қозиқдан олиб чўнтағимга солиб қўйган эдим. Сиз янтоқ йиққани кетганингизда булоқни бўйидаги лойдан дарров бир одам ясад қафаснинг ичига киритиб қўйиб қўйдим. У ёнаверди, сиз янтоқ қалайвердингиз, мен катта тошнинг орқасида беркиниб кузатиб турдим. Энди, ота, мени жонимга қасд қилган бойнинг ўзини қафасга солиб олтин қиласиз.

Ҳикмат ака. Қўй, болам, ундаи қиласиз!..

Ёш бошингни тиқма балога,  
Қариганда чўқтирма мени.  
Қасам ичдим Каломуллога,  
Ёшларимни тўқтирма мени.

Мадад бўлгин қўлингдан келса,  
Мен ҳам яшай ҳамма одамдай.  
Ҳамма сендан шод, хурсанд бўлса,  
Қўнглим очилар атири гулдай.

Хислат. Ҳўп, отажон!...

Айтганлариз бажо этаман,  
Яхшиларни ҳурмат қилиб мен,  
Ёмонларга жафо этаман,  
Шунда мен муродимга этаман.

Бойдан ахир оламан қасос,  
Иш қилмади одамларга хос.  
Уни ўзим қафасга солиб,  
Ҳар бир кўзин этаман олмос.  
Қўл-оёғин «олтин» қиласман,  
Масалани ойдин қиласман.

Ҳикмат ака. Уддасидан чақасанми, болажон?

## Хислат

Рози бўлинг, отажон фақат.  
Фақат сиздан керакдир рухсат.

## Ҳикмат ака

Олгин ўғлим, олдирма фақат.  
Жазо бергин, ўлдирма фақат.

## VII КЎРИНИШ

Бойнинг ҳовлиси. Бой Қози билан суҳбатлашмоқда.

### Бой

Тингланг мени, қозикалон,  
Гўдак бола чиқди шайтон.  
Омон бўлса бу зумраша,  
Кўп кўрсатар хўп машмаша.  
Зумрашанинг исқирит отаси,  
Одамларнинг ярамас ҳаси.  
Қасам ичиб Каломуллога,  
Тил тегизди қодир Оллоҳга.  
Тадбир топмоқ керак бирон.

Қози. Тадбир... (*Ўйлайди.*)

### Бой.

Тадбир шу, қилмоқ тошбўрон,  
Сиз не дейсиз, пири мададкор,  
Бу таклифга қандай тадбир бор?

Қози. Тадбир ... Гуноҳи ней оси банданинг?

Бой. Бой бўлай, деб ичганди қасам,

Қози. Гувоҳлари бормидир анинг?

Бой. Гувоҳ... Оллоҳ бўлган ушбу дам.

## Қози

Оллоҳни сиз гувоҳ қилдингиз,  
Мұҳаммадни паноҳ билдингиз.  
Бой аҳлига керак ишонмоқ,  
Тезлик билан йиғилса қишлоқ.  
Осийларга ясалған қафас,  
Кечиктирманг буни бир нафас.  
Күриб құйсін буни халойиқ,  
Гуноҳқорга не жазо лойиқ.

## Бой

(Енгидан бир нарса олиб қозига узатади.)

Олинг, тақсир, дил қувватига,  
Адолаттинг шоҳ муруватига.  
Сиз қозига бойлар таянур,  
Хар сүзингиз оллойи бир нур.

## Қози

Давлатингиз бўлсин зиёда,  
Кам бўлмангиз икки дунёда.  
Омин. (Қўлини очади.)

Бой. Омин!

Қози. Олоҳу акбар!

## VIII КЎРИНИШ

Ота-бала уйида, нимқоронги хонада ўтиришибди. Бойнинг  
чорикорларидан бири— Хўжамқул бобо киради.

Ҳикмат ака. Келинг, бобо, ассалому алайкум.  
Хўжамқул Бобо. Ваалайкум ассалом. Тани жонингиз  
соғми? Омонмисан (болага қараб) сен-чи, ўғлим?  
Ҳикмат Ака Раҳмат, худога шукр.

**Хислат.** Раҳмат, бобо.

(*Бола дастурхон ёзмоқчи бўлади.*)

**Хўжамқул бобо.** Ҳўй, Ҳикматжон, менга қара, дастурхонга овора бўлма, бир зарур гапни айтгани келдим.

**Ҳикмат ака.** Қандай гап экан, бобо?

**Хўжамқул Бобо.** Оллоҳнинг ишларига баъзан киши ҳайрон қолади. Бой билан ўргангда бир гап ўтган экан. У нима эди?

**Ҳикмат ака.** Ҳеч гап ўтгани йўқ. Фақат қандай бой бўламан, десам, «Ўғлингни қафасга солиб ёқсанг, бой бўласан», деди, «олтин бўлади», деди. Айтганини қилиб ёқдим, Оллоҳ бир асрари, ўғлим омон қолди.

**Хўжамқул бобо.** Каломуллони тилингга олганмидинг?

**Ҳикмат ака.** Ҳа.

**Хўжамқул бобо.** Ундан бўлса, ҳозир маҳфий иш қилишяпти. Сени диндан қайтган, Каломуллони хор қилган, ўғли шайтондек фирибгар, уларни тошбўрон қилиш керак, деб кеча бомдод намозида фатво беришди. Сенлар бировга билдирамай секин қишлоқдан чиқиб кетинглар, бўлмаса ўн гулидан бир гули очилмаган шу болангнинг ёш жони увол бўлиб кетади. Кейин ўзингни ҳам бёжаназа ўлигингни қарга-кузунга ташлаб юборишади.

**Ҳикмат ака.** Эй худо, бундай маломатларинг бор эканми бу шўр пешонамга!

**Хўжамқул бобо.** Вақтни ўтказма. Тараддудингни қил. Ҳайр, мен кетдим.

**Хислат.** Ҳайр, бобо. Раҳмат бобо!

**Ҳикмат ака.** Раҳмат, бобо, невараларингизнинг тўйини кўринг.

(*Ўғлига қараб.*)

Нима қилдик, болам?!

Энди қочамиз.

Тоғу тошда мева еб,

Бир кунимиз кўрармиз.

Тезроқ бўлайлик,

У- бу олайлик.

Пешонада не бўлса,

Шуни кўрайлик.

Бўлгин, ўғлим, тезроқ,

Бундан қочайлик.

## Хислат

Ота, менимча, бундан қочмасак,  
Күрқоқликка эшик очмасак,  
Қани, қонхүр нима қиларкин?  
Қандай макру ҳйла биларкин?

**Ҳикмат ака.** Ўғлим, сен ҳали бойни билмайсан. Улар жуда қонхүр. Сен билан менга ўхшаган камбағалларни пашибадек эзиб ўлдириб юбориши ҳеч гап эмас. Ҳамма бойнинг гапини айтади, «Бой бойга боқар, сув сойга оқар», деб бекорга айтишмаган, ўғлим. Сен билан менинг гапимни ҳеч ким инобатта олмайди. Чунки биз ҳечвақоси йўқ камбағалмиз. Агар отамнинг гапига кирай десанг, тез йифиштириб, бу кулбадан кетамиз.

**Хислат.** Отанинг гапини қайтариш менинг учун уят. Бўпти, Ҳозир тугунларни олиб чиқаман. (*Югуриб уйга кириб кетади.*)

**Ҳикмат ака (ўзича).** Қаёқ тарафга қочсак экан-а. Тоғлар орасигами ёки Тошкентга қочсақмикан. Яхиси, шаҳарга қоча қолайлик. У ерда одамлар кўп. Яхши одамлар ҳам бор. Ахир меҳнат қилсак, бир қоринни эви бўлар.

**Хислат (югуриб уйдан чиқади, қўлида бўхча).** Ота, мен тайёрман, кетдик.

**Ҳикмат ака.** Балли, ўғлим, камол топ. Кетдик. Хайр, кулба. (*Булар эшикдан чиқиши билан, дарахт панасида бекиниб, юз-кўзини бойлаб олган тўрт киши-иккитаси отасига, иккитаси ўғлига ёпишиб, қўлларини орқасига боғлаб олишади.*)

**Ҳикмат ака.** Кимсанлар, номардлар? Қўйворларинг, бизда нима гуноҳ?

**1 - Одам.** Кимсан эмиш? Бизлар худонинг қулларимиз. Нима гуноҳ, эмиш, Каломуллони хор қилган бетавфиқ бандаларни темир исканжага олувчилармиз. Сени биз эмас, худонинг амри ушляяпти. Мана бу ўғлинг шайтон макридан хабардор махлуқ. Итдан ит, одамдан одам туғилади, деганлар. Сенек бетавфуқдан туғилган бола шайтон бўлгани аниқ. Сенлар Оллоҳнинг ҳукми билан тошбўрон бўлурсанлар.

## IX КҮРИНИШ

Саңнада ота-бала битта қафасга солинган. Оёқ-құллари боғлиқ, қүриқчилар түрт чеккасида қараб турибди. Қози халойиққа қараб вәз үқимоқда.

**Қози.** Мұхтарам жамоат, азиз қишлоқ аҳли, бугун биз худога шак келтирған, Каломуллони оёқ ости қылган, бизга сахиілік қылган, муруватли бўлған, етимларнинг бошини силаб, камбағалга ош-нон ва иш берган бойнинг сўзини туфлаган тупукдек макруҳ қылган мана бу бандай гуноҳкор Ҳикмат акани ҳамда бу бетовфиқнинг макри бирлан бойнинг қайнатаси мұхтарам зот –Ҳайитвой оқсоқолни бир оёқлаб сакратиб, болаларга майна қилдирған Хислат зумрашани шариат фатвоси бирлан тошбўрон қилурмиз. Ҳар бир мусулмон бир дона тош отса, худога қул, Мұхаммадга уммат эканлигини яна бир бор исбот қылган бўлади. Юртга қирқта қозонда ош дамлаб, худойи қылганинг савобини топади. Кимда- ким раҳмидиллик қилиб, тош отмаса, у шу осий бандалардек гуноҳига шерик бўлади. Қиёматда белбоғ баробар қонга ботади.

**Хўжамқул бобо.** Қозикалон пири, сиздан бир ўтинчим бор.

**Қози.** Қандай ўтинч? Гапир, лекин бу бандаларнинг гуноҳини сўрама.

**Хўжамқул бобо.** Ўтинчим шуки, бу Ҳикмат акага келсак, майли, ёшини яшаган, ошини ошаган. Эҳтимол, Каломуллони билибми ё билмайми сёғости қылгандир, лекин мана бу норасида гўдак Хислатжон увол кетади. Чунки, ҳали бунга ҳеч ким мактабда ўқитиб Оллони танитганий йўқ.

**Овоз.** Бобо тўғри айтади. Хислатжонда гуноҳ йўқ.

**Овоз.** Хислатни қўйиб юбериш керак.

**Хўжамқул Бобо.** Отаси ўзи жуда содда. Худо қандай яратган бўлса, шундай, соддалигича қолган. Менимча, бу Хислат исмли бола кароматли авлиё бола. Буни ўқитиб одам қилиш керак.

**Овоз.** Ҳа, авлиё бола. Турсунмат отанинг отини ўғирлаган қароқчиларни топиб берган. Болани озод қилиш керак.

## Хислат

Ота, менимча, бундан қочмасак,  
Күркөңлилкка эшик очмасак,  
Қани, қонхүр нима қиларкин?  
Қандай макру ҳийла биларкин?

Ҳикмат ака. Ўғлим, сен ҳали бойни билмайсан. Улар жуда қонхүр. Сен билан менга ўхшаган камбағалларни пашшадек эзиз үлдириб юбориши ҳеч гап эмас. Ҳамма бойнинг гапини айтади, «Бой бойга боқар, сув сойга оқар», деб бекорга айтишмаган, ўғлим. Сен билан менинг гапимни ҳеч ким инобатга олмайди. Чунки биз ҳечвақоси йўқ камбағалмиз. Агар отамнинг гапига кирай десанг, тез йигиштириб, бу кулбадан кетамиз.

Хислат. Отанинг гапини қайтариш менинг учун уят. Бўпти, Ҳозир тугунларни олиб чиқаман. (*Югуриб уйга кириб кетади.*)

Ҳикмат ака (*ўзича*). Қаёқ тарафга қочсак экан-а. Тоғлар орасигами ёки Тошкентга қочсакмикан. Яххиси, шаҳарга қоча қолайлик. У ерда одамлар кўп. Яхши одамлар ҳам бор. Ахир меҳнат қилсак, бир қоринни эви бўлар.

Хислат (*югуриб уйдан чиқади, қўлида бўঁচা*). Ота, мен тайёрман, кетдик.

Ҳикмат ака. Балли, ўғлим, камол топ. Кетдик. Хайр, кулба. (*Булар эшикдан чиқиши билан, дарахт панасида бекиниб, юз-кўзини бойлаб олган тўрт киши—иккитаси отасига, иккитаси ўғлига ёпишиб, қўлларини орқасига боғлаб олишади.*)

Ҳикмат ака. Кимсанлар, номардлар? Қўйворларинг, бизда нима гуноҳ?

1-Одам. Кимсан эмиш? Бизлар худонинг қулларимиз. Нима гуноҳ, эмиш, Каломуллони хор қилган бетавфиқ бандаларни темир исканжага олувлармиз. Сени биз эмас, худонинг амри ушляяпти. Мана бу ўғлинг шайтон макридан хабардор маҳлук. Итдан ит, одамдан одам туғилади, деганлар. Сендеқ бетавфуқдан туғилган бола шайтон бўлгани аниқ. Сенлар Оллоҳнинг ҳукми билан тошбўрон бўлурсанлар.

## IX КҮРИНИШ

Саҳнада ота-бала битта қафасга солинган. Оёқ-қўллари боғлиқ, кўриқчилар тўрт чеккасида қараб турибди. Қози халойиққа қараб вавз ўқимоқда.

**Қози.** Мұхтарам жамоат, азиз қишлоқ аҳли, бугун биз худога шак келтирган, Каломуллони оёқ ости қилган, бизга сахийлик қилган, муруватли бўлган, етимларнинг бошини силаб, камбағалга ош-нон ва иш берган бойнинг сўзини туфлаган тупукдек макруҳ қилган мана бу бандай гуноҳкор Ҳикмат акани ҳамда бу бетовфиқнинг фарзанди бўлмиш, ҳали мурти чиқмасдан шайтоннинг макри бирлан бойнинг қайғотаси мұхтарам зот –Ҳайитвой оқсоқолни бир оёқлаб сакратиб, болаларга майна қилдирган Хислат зумрашани шариат фатвоси бирлан тошбўрон қилурмиз. Ҳар бир мусулмон бир дона тош отса, худога қул, Мұхаммадга уммат эканлигини яңа бир бор исбот қилган бўлади. Юртга қирқта қозонда ош дамлаб, худойи қилганинг савобини топади. Кимда- ким раҳмдиллик қилиб, тош отмаса, у шу осий бандалардек гуноҳига шерик бўлади. Қиёматда белбоғ баробар қонга ботади.

**Хўжамқул бобо.** Қозикалон пиrim, сиздан бир ўтинчим бор.

**Қози.** Қандай ўтинч? Гапир, лекин бу бандаларнинг гуноҳини сўрама.

**Хўжамқул бобо.** Ўтинчим шуки, бу Ҳикмат акага келсак, майли, ёшини яшаган, ошини ошаган. Эҳтимол, Каломуллони билибми ё билмайми сёқости қилгандир, лекин мана бу норасида гўдак Хислатжон увол кетади. Чунки, ҳали бунга ҳеч ким мактабда ўқитиб Оллони танитгани йўқ.

**Овоз.** Бобо тўғри айтади. Хислатжонда гуноҳ йўқ.

**Овоз.** Хислатни қўйиб юбориш керак.

**Хўжамқул Бобо.** Отаси ўзи жуда содда. Худо қандай яратган бўлса, шундай, соддалигича қолган. Менимча, бу Хислат исмли бола кароматли авлиё бола. Буни ўқитиб одам қилиш керак.

**Овоз.** Ҳа, авлиё бола. Турсунмат отанинг отини ўғирлаган қароқчиларни топиб берган. Болани озод қилиш керак.

**Қози.** Бобо, сиз янгишманг, саксон саккиз минг машойиқлар ва түқсон түққиз минг сарвари оламлар айтган, «Қарисан—қартасан, асли зотингга тортасан», деб. Шу боис, мана, ўз кўзингиз билан гувоҳ бўлиб турибсизким, отаси динсиздир. Шубҳасизким, динсиз банданинг боласи шайтон бўлади. Дарҳақиқат, шайтонлигининг намуналари кўринмоқда. Шу сабаб боланинг гуноҳи кечирилмайди.

**Бой.** Қозикалон тўғри айтадилар, бундайларнинг уруғини кўпайтириш керак эмас.

**Хислат.** Хўжамкул бобо, сиз менинг гуноҳимни сўраманг, аслида шу қози бобо билан бойнинг ўзи гуноҳкор. Улар ҳозир ўзлари шу қафасга тушадилар. Биз қишлоқ аҳолиси бойнинг ўз буюртмаси билан «олтин» қиласиз.

(*Fala-fowur.*)

**Овоз.** Ростдан шунақа қиласмикан-а?

**Овоз.** Ҳақиқатан бу бола шайтонга ўхшайди.

**Овоз.** Шайтон эмас, авлиё.

**Қози.** Ана кўрдингизми, халойиқ, бундай шайтонни кечириб бўлурми? Асло мумкин эмас. Мен кечирсан ҳам худо кечирмайди.

**Хислат** (*пичирлаб сирли овоз билан*). Қози ғўлдираб қолади.

**Қози** (*ғўлдираб*). Ҳа, ҳа, ҳа, ло, ло, ло... қ...қ... тов... тов... тов... ба... ба...

**Хислат** (*сирли оҳангда гапириб*). Қафасни қулфлаган одам келиб қафасни очсин! Қўлларимни бўшатсин! Қози билан бой ўзи эмаклаб келиб қафасга кирсин! (*Саҳнага қафасни қулфлаган одам оғир ва вазмин қадамлар билан юриб келиб, қафаснинг қулфини очади ва ота-боланинг қўлларини бўшатиб, «Қани чиқинглар марҳамат!» деган ишорани қиласи*) Қози билан Бой кетма-кет чопонларини судраган ҳолда ярим эмаклаб пилдираб келиб, қафасга кишишиб, кишин солинг дегандай, қулф очган кишига қўлларини чўзишишади. Киши ўларнинг қўлига кишин солиб, қафасни қулфлаб, яна юриб кетади. Бу ҳолатдан ҳамма ҳайрон, қотиб қолади.)

**Овоз** (*бирдан бақиради*), Халойиқ, қочларинг! Ҳақиқатан бу бола шайтон экан! Ҳозир ҳаммангни тескари жинни қилиб қўйиши мумкин!

**Мулла йигит.** Қочишга шошманглар! Шошманглар! Қочманглар! Бу бола шайтон эмас. Мен гапирай.

**Овоз. Гапир! Қочманглар, азизлар. Мулла йигит гапирсин!**  
**Овозлар. Гапирсин! Гапирсин!**

**Мулла йигит.** Ахли жамоа. Асло бу болани шайтон деманглар! Бундай болалар Оллоҳимнинг марҳамати билан кароматли — башоратли бўлиб туғиладилар. Улар келажақда азиз-авлиёлар бўлиб қолишлиги ҳеч гап эмас. Мен Миср мадрасасида ўқиётган вақтимда шундай бир талабани билардим. Бармоғи билан темир сандиқ ичидаги ҳужжатларни ўқиб берарди. У шу ерда туриб Истамбулда отаси нима ўйлаётганини гапириб берарди. Унинг олдига ҳозир бир аёл келиб, ёқаларини йиртиб, ҳамёнидаги тилла тақинчоқларини ўғирлаб қўйганлигини айтишини айтганида биз ишонмаган эдик. Орадан бир соат ўтгандан кейин шу воқеа содир бўлғанлигини ўз кўзим билан кўрганман. Бу бола олдиндан башорат қиласидиган авлиё бола, оти ҳам исми жисмига монанд, Хислат экан. У ҳали юрт учун кўп яхшиликлар келтиради. Оллоҳим унинг дилига кўп фойибий илмларни жо қилганга ўхшайди. Бундан қочманглар! Уни бағрингизга олинг. Аслида ота-бала гуноҳкор эмас, кўзини шира босган Бой ва Қози жаноблари гуноҳкор.

**Овоз.** Мулла йигит тўғри айтяпти. Асли ҳозир қафасда ўтирганлар гуноҳкор.

**Мулла йигит.** Хоҳласа бир бечорани ёқиб, тошбўрон қилиб ўлдириб, устига туҳматлар ёғдириб, бегуноҳларнинг қонини сўрувчи зулуклар шулардир.

**Бой (қафасдан туриб).** Ҳой чаламулла йигит. Бизнинг қишлоқнинг дилини бузма, эртага устингдан юқорига арз қиласман.

**Мулла йигит.** Арзингиз ўтмайди. Ўзингиз эл олдида шарманда бўласиз. Бу ҳақиқат.

**Хислат.** Одамлар. Бой менинг содда отамни ўғлингни гулханда ёқиб, олтин қиласан, денти. Мендан қутулиш учун шу ҳийлани ўйлаб топган. Ҳозир қараб туринг, буларнинг ўзини оловда ёқиб олтин қиласиз. Ташқаридағи ғўзапояларни олиб келишга ёрдамлашинглар!

**Бой (йиғлаб).** Жон болам. Мени кечиргин. Мени кечир, адашган одамни кечир, болам. Сен ҳақиқий авлиё бола экансан. Гуноҳкор бандаман. Авлиё болам, мен олтин бўлишни

истамайман. Одам ёниб олтин бўлмайди. Бу қабиҳликни мен ўзим ўйлаб топгандим. Мен қозига пора бериб кўндиргандим. Бошимга тушишини хаёлимга келтирмагандим. Менинг бошимга тушган маломатлар бир ибрат бўлсин. Сенинг мардлигинг ҳам ибрат бўлсин. Элнинг шундай боласи борлигидан қувониш ўрнига қабоҳат ўйлаб топдим. Тўғри, мен жазога лойиқман. Агар кечира олсанг, кечир! Мол-дунёимнинг ярмини бераман.

**Қози (ийеглаб).** Мен ҳам билмабман, ҳақиқатан сен авлиё бола экансан. Мен сени шайтон деб адашибман. Мени кечир, қўйвор. Сени ўзим ўқитаман. Жон болам!

**Хислат.** Ёлғон гапиряпсизлар. Мен қандай ишонаман. Беш дақиқа олдин ким эдинглар, ҳозир кимсизлар? Яна найранг тўқийсизлар. **Ёлғон.**

**Бой.** Ёлғонмас, ростдан. Ёлғон гапирсам сен ўзинг авлиё боласан, сенга дарров аён бўлади. Энди мендан мунофиқлик бўлса, нима жазо қилсанг ҳам финг демайман. Кечир, авлиё болам (*ийеглаб*), Хислатжон, кечира қол.

**Қози (ийеглаб).** Мен ҳам агар адолатсизлик қилсам, нима жазо берсанг финг демайман. Кечир (*ийгини давом эттиради*).

**Хислат.** Аввал отамдан кечирим сўранглар.

**Қози.** Эй авлиё, боланинг покиза бузруквори, мени гуноҳимдан ўтиб, кечир. Ҳато қилдим. Тўғри, кўпларни ноҳақ зинданга ташлатган вақтларим бўлган. У вақтда мен ҳеч қачон бундай қафасда ўлим кўзимга кўриниб ўтиргандим. Бу жойда ўтириш жуда оғир экан. Кечир, Ҳикматжон.

**Бой (ийеглаб).** Эй содда, самимий, меҳнаткаш, покиза виждонли инсон. Мен бу ишларни ички файирлигим билан қилдим. Сен ҳикматли йигит экансан, мени кечир, азиз инсон. Давлатимнинг ярмини сенга бераман!

**Ҳикмат ака.** Эй, бой, менга сенинг ярим давлатинг керак эмас. Мен текин молга ўрганмаганман. Сен уларни қишлоқ ариғига кўприк куришга, йўлларни равон қилишга, мактаб очишга сарфла. Сен ўлганинг билан ер тўймайди. Фақат битта бой камаяди. Йўқ, битта бой камаймасин, бойлар кўпайсин. Лекин инсофли, диёнатли, саховатли бўлсин. Шундай бой бўлсангиз кечираман. Сиз адолатли қози бўлсангиз кечираман.

**Бой.** Албатта, саховатли бўламан, эл корига ярайман.

**Қози.** Мен албатта адолатли қози бўламан.

**Ҳикмат ака.** Ундай бўлса, мен кечирдим.

**Хислат.** Менинг учун отамнинг гапи азиз ва мўътабардир.

Мен ҳам кечирдим. Сизлар, азиз томошабинлар, кечирашибарми?

**Тамом**

**Парда**



---

## АМИР ТЕМУРНИНГ ТУФИЛИШИ<sup>1</sup>

(2 пардали эртак-пьеса)

Отам Мұхаммадсүддиқ Мұхаммадалихон ўғли хотирасига бағиши  
лайман.

### ҚАТНАШУВЧИЛАР

Тегина — Темурнинг онаси

Турағай — Темурнинг отаси

Шайх ул аълам — авлиё

Садр Аш Шаърият — Тегинанинг отаси

Амир Чоқу — Занжир Сара ҳокими

Қаландар Шоший — башорат қылувчи руҳоний шахс

Йўқун — Турағайнинг катта хотини

Мойдинқул — Йуқун бегимнинг қули

Баёнқулихон — Бухоро хони

Чўпон

Чол — Иблис алайҳа лаъин

Қозағонхон — Йўқуннинг отаси

Сирож Қамарий — Баёнқулихоннинг вазири

Бурҳониддин — самарқандлик соҳиб ҳидоят

Элчилар, Талабалар, Чўрилар

Ривоятлар ҳижрий 734—735 йилларга, мелодий-Исавий 1335—  
1336 йилларга тўғри келади. Воқеалар Бухоро, Шаҳрисабз, Занжир  
Сара ва Хўжа Илфорда кечади.

---

<sup>1</sup>Асосан Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома» китоби  
ривоятлари оҳангларига суюниб ушбу асар яратилди. Муаллиф.

## I ПАРДА

### I КҮРИНИШ

Бухородаги мадрасалардан бирида Садр Аш Шаърият дарс ўтмоқда. Тўргта талаба олдиларига чўк тушиб сабоқ тингламоқда.

Садр Аш Шаърият. Бўталарим, қадимий китобларда битилишича, ҳижрий қамарий тақвим ҳисобинда ҳар саккиз юз йилда дунёга бир Соҳибқирон келур. Ҳозир икки Соҳибқирон ҳазратлари келганлиги мавжуд. Бирлари Искандар Зулқарнайн жаноблари бўлса, иккинчилари Расул акрам саллоллоҳу алайҳи васаламдир.

Бундай ҳодисот арзи самода зуҳал юлдузи бирлан муштариј юлдузни бир-бирига яқинлашувиндин содир бўлур. Шул дамда таваллуд топган ўлонларнинг бирига сиҳибқиронлик насиб этган.

Талаба. Ҳазратим, фикри ожизимча, мунахжимлар ҳозир сиз айтган юлдузларнинг яқинлашуви мавсумий демушлар. Бизнинг замонимизда ҳам Соҳибқирон муборак зот дунёга келмушларми?

Садр Аш Шаърият. Бўтам, бу асрори файбнинг иши. Тангри таоло Мутаборакнинг даргоҳи кенг... Агар мазлум элга бир Соҳибқирон буюрмакни лозим топса... Ажаб эрмас.

Қаландар Шоший киради.

Қаландар Шоший. Ҳақ дўст ё Аллоҳ! Ҳақ дўст ё Аллоҳ! Карами амри бирлан Рустамни достон қилди. Ажал дастга бериб, охири яксон қилди. Ҳақ дўст ё Аллоҳ! Ҳақ дўст ё Аллоҳ! Чангалини урдиким, мол-дунёга ҳирс қўйиб, бу ўлимни панжасида ақлини ҳайрон қилди. Ҳақ дўст ё Аллоҳ! Ҳақ дўст ё Аллоҳ!

Кима давлат қуши қўниб тангри йўлин ҳақ деди,  
Икки дунёси бўлиб равзода жавлон қилди.  
Ҳақ дўст ё Аллоҳ, ҳақ дўст ё Аллоҳ!

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва барокатуҳ. Садр Аш Шаърият ҳазратлари ва ҳақ таоло йўлини илму идрок ила таниётган муллавачча талабаларга мен бир хабар келтирдимки, ани сизлар гувоҳлигингида бу ҳазрати Садр Аш Шаъриягта билдириғим лозимдир.

**Садр Аш Шаърият.** Хуш келибсиз, сафо келибсиз Бухори Шарифга, Қаландар бўтам. Қай юрглардан чиқиб, қай манзилга йўл олурсиз?

• **Қаландар Шоший.** Ҳазратим, Қаландар Шошийнинг мўлжал манзиллари, иншоолло, Маккан мукаррамадир. Нияти поклари ҳаж қилмоқлиқдир.

**Садр Аш Шаърият.** Ниятингиз йўлдошингиз бўлиб, муродингиз ҳосил ўлсин, иншооллоҳ. Энди, бўтам, насл - насабларидан андик хабар берсалар.

**Қаландар Шоший.** Фақирингизнинг ота-боболари тужжордир, менга тангirim йўлидан бормоқни васият этмушлар ва Маҳмуд хожа эшонга мурид қилиб бермушлар.

**Садр Аш Шаърият.** **Хожа** Маҳмуд эшон Шошда кўп табаррук зотдир. Ул зоти олийнинг сиҳатликлари қай йўсиндир?

**Қаландар Шоший.** Сиҳатлари дуруст, кайфиятлари соз. Нега ким, яқинда ҳазратимга худо бир ўғил ато этди. Унга Ҳожи Убайдуллоҳ деб ном бердилар. Агар ул фарзанд улғайиб фарзандлар кўрса, бирининг номи Хожа Аҳрор бўлсин дедилар.

**Садр Аш Шаърият.** Омин, ул зоти муборакнинг авлодларига валийлик насиб этсин. Омин, оллоҳу акбар.

**Ҳамма.** Оллоҳу Акбар!

**Садр Аш Шаърият.** Оллоҳу Акбар!

**Ҳамма.** Оллоҳу акбар!

**Қаландар Шоший.** Ҳазратим, сизга бир муҳим гапни айтишга изн бергайсиз.

**Садр Аш Шаърият.** Марҳамат, қаландар бўтам.

**Қаландар Шоший.** Муҳим гап шулким, ожизай бокира қизингиз Тегинабегим моҳни эрга беринг! Эрга беринг! Эрга беринг! Иншооллоҳ. Соҳибқирон жаҳонгир ўғул туғиб берур.

**Садр Аш Шаърият (ҳайрон).** Қаландар бўтам, сен буни қаердан билурсен?

**Қаландар Шоший.** Мен «Аҳрори файб» илмидин боҳабардурман.

**Садр Аш Шаърият (иҷида).** Ё раббим, бу илм бирлан Руҳи қудсилар хабардор ўлмоғи лозим. Менга Руҳи қудс

Қаландар тимсолида күриндиму, яна бир неча саволлар берайин-чи. (Қаландарга.) Сен гайб илмидан бохабар бўлсанг айт-чи, туғулмиш ўфул Соҳибқирон ер юзинда қанча муддаат яшайдир ва не кароматлар кўрсатардир.

Қаландар Шоший. Ҳижрий- қамарий тақвим ҳисобинда 72 йил, 11 ой, 12 кун яшайдур. 40 йил от устида юриб Мовароуннаҳр ерларинда хукмронлик қилаётган чигатой сultonларин маҳв этгай. Рум, Ажам, Хурасон, Ҳиндистон юртларин бир салтанатта бирлаштиргай.

Хамма. Ё раббим, құдратингдан!

Садр Аш Шаърият. Қаландар бўтам. Унинг туғилишидан дарак берурсан. Унинг ўлимидан қандай дараклар бўлур.

Қаландар Шоший. Самарқандни ёғий босур. Шоҳизинда қудуғидан илонлар чиқур. Ёғий қочур. У узоқ жанг жадалдан музaffer қайтур. Илонларни уч оққуш пайдо бўлиб, қайтиб қудуғига солур. Улар баланд минорага кўниб, «Архайл, архайл, архайл», деб уч марта сайраб ғойиб бўларлар. Бир чақалоқ туғилиб, йиғлаш ўрнига уч марта «Ё олло! Ё олло!» дер. Қуёш кулиб қарап. Соҳибқирон 9 ойдан сўнг вафот топур. Шу йил қиши ниҳоятда совуқ келур.

Садр Аш Шаърият (*ўзича*). Бу ё авлиё, ё бир фирибгар фаҳмимда, тангрим тақдир қиласи. Бандаси тақбир қиласи. Бу тақдир қилмоқда. Ҳар қалай хон ҳазратларига бунинг кимлигич билмоқ учун хабардор қилмоғим лозим (*талабаларга*). Талабалар, Қаландарни ушлаб оёқ-қўлини боғлаб банди қилингиз! (*Талабалар тезда Қаландарни банди қилиб, оёқ-қўлини боғлашади.*)

Икки талаба. Абдулқаҳҳор бирлан Абу Саид, сизлар Баён Қулихонга хабар қилиб, бўлган воқеани айтингизлар. «Олиб келинсин», деса, хон саройига олиб борурмиз. Сизларга ижозат.

Икки талаба тез чиқиб кетишади.

Қаландар Шоший. Эй Садр Аш Шаърият, сиз мени банди этдингиз. Валлоҳи аълам, ҳеч ким банди қилолмас. Мени банди қилган зот ўз фарзандин банди этган бирлан баробардир.

Садр Аш Шаърият. Қаландар Шоший, айтгил, Соҳибқирон вафотидан сўнг не синоатлар рўй берур.

**Қаландар Шоший.** Ундан сүнг салтанатларга авлодлари 450 йиллар чamasи подшолик қилур. Ҳа, Соҳибқирон ўлимидан 9 ой бурун Самарқанддаги Шоҳизинда қудуғига бир одамни туширур. У қудуқда Мұҳаммад Расулуллоҳнинг саҳобаларидан бири Кусам ибн Аббоснинг ер остидаги сирли салтанатни кўрур. Кусам ибн Аббос Исо руҳулоҳ осмондан ерга тушганларида ўзи қудуқдан ер юзасинга чиқишини айтур. Қудуқ тагидан бир одам бир қутича олиб чиқур, ҳукмронлар олдида очур уни. Унда бир алиф, бир зол, бир жим ҳарфи ёзилган бўлур. Унинг шарҳин узоқ вақт қилолмаслар. Буни шарҳи шундай бўлур. Алиф I. Зол — еттию, жим уч турур, яъни Соҳибқирон тугулғондан 703 йил кейин Мовароуннахрда бир подшо чиқур адолат туғин қўтариб. Ул салтанат кўп эътиборли бўлур.

Эй Садр Аш Шаърият, Соҳибқироннинг она томондан бобоси, менинг олдимни бирон нарса билан тўсиб қўй. Кўзларим ёруғликдан қамашур.

Садр Аш Шаърият. Эй бўталарим, бир ип тортиб Қаландар олдини дастурхон ила парда қилингиз!

Талабалар ип тортиб парда қилишади.

**Жарчи овози.** Эй аҳли Мадраса, таъзимга қоим бўлингиз! Кўзингиз ерда бўлсин. Чигатой улусининг Султонларидан Бухоро ҳукмдори ҳазрати жаҳондор Баёнқулихон вазирлари Сирож Қамарий Шайх ул аълам, Сайфиддин Хожа эшон Файб Аҳорий илмидан хабардор. Қаландар Шошийни кўргани ташриф буюрдилар.

Ҳамма эгилиб таъзимда туради. Баёнқулихон, Сирож Қамарий. Шайх ул аълам кириб келишади.

**Баёнқулихон.** Садр Аш Шариъят, қани ул «Аҳорори файб» илмини биладурғон Қаландар Шоший?

Садр Аш Шаърият. Адолатли хоқоним. Ул Қаландар Шошийни Сизга рўбарў кўрсатмоқ ниятинда банди айладик. Қаландар бир оз ўтгач, менинг кўзимга нур тушиб қамаштиromoқда, парда тортиб қўйинг, дедилар. Ул парда ортиндадир. Талабаларим, пардани очинг!

Талабалар бориб пардан очади. Қаландар ўрнида гўзал қиз  
Тегина турган бўлади. У телба ҳолда.

- Ҳамма. Ё курдатингдан.  
Садр Аш Шаърият. Ё алҳазар. Қизим Тегина бегим  
Моҳ! Бу қандай ҳол?  
Баёнқулихон. Бу не найранг ва не ўйун?!  
Тегина (*ўрнидан туриб телбаларча отасини қучади*).  
Менинг стажоним. (*Баёнқулихонга*)

Сен Баёнқулихон,  
Чумчуқни отқон.  
Гуноҳга ботқон,  
Қўлингда қопқон,

(*Кулади, ўйнайди, ийғлайди.*)

Баёнқулихон. Банд айланг. Садр Аш Шаъриятнинг  
қизини, талабаларни, мадрасага қулф уриб маҳкам этинг.

Шайх ул аъلام. Эй саҳовати кенг курдатли султон.  
Сизнинг измингизда бунда ҳар инсон. Қахру заҳрингиздан дунё  
қоронгу. Дил муҳаббатингиздан олам гулистон!

Хоқони малик султоним, бул бечоралар бегуноҳдирким,  
аларни банди айламоқ ножоиздир. Аслида Қаландар Шоший  
тусинда келган ул руҳи қудсdir. Илми гайб бирла бечора қизни  
телба этиб, бунда қолдирган.

Баёнқулихон. Сайфиддин Ҳожа эшон. Мени мазах  
қилувчи аллақандай ожиза қиз ва бошқаларнинг ёнини  
олмоқдасиз. Сизни ҳам банди этурман.

Шайх ул аъلام. Ҳазрати Жаҳондор Султоним, мен  
тангрига банда, сизга қулдирман. Энди бу телба бўлган қизни  
дую бирлан ўз ҳолига қайтариш мумкин. Бул бокира, покиза  
ва гўзал қиздан бир яхши муборак ўғул вужудга келадур.

Энди майли, менинг қўлларимга кишан урсинлар. Лекин  
сизни саройдан бадарга қилған, ўлимiga буюргон золим  
Қозонхонни яхши билурсиз.

Баёнқулихон. Буни эслатмоқнинг боиси недир, шайхул  
аълам!

Шайх ул аъلام. Боиси шулким. Қозонхон сингари  
золим бўлмаслик.

Десинлар Баёнқулихон  
Ўз элига фидойи жон,  
Ёғийларга душману  
Юрт аҳлиға меҳрибон.

Маълумки, Қозонхон чақиртиргон одамлар бола-чақалари билан видолашиб чиқардилар. Ул зоти нопок мактаб-мадрасаларни беркитди. Муллаларни қилич дамидан ўтказди. Сўнгра менга одам юборди келсин деб. Бормадим. Фазабдан ўзи от суринга келаётганда бир дона олмани осмонга отдим. Ул дедқон қўлидаги бир сават олма бўлиб Қозонхон олдига чиқди. Оти ҳуркиб кетиб, отдан йиқилиб ўлди.

Баёнқулихон. Буёфи менга номаълум. Мен қирда бир бойнинг кўйини чўпон бўлиб боқиб юрганимда сизнинг муридларингиз келди, қўлидаги асони бўйимга ўлчади. Ва қичкириб юборди. «Хонни топдик», деб, Ҳазратим, афву этинг. Бандилиқдан бўшатинглар. Қизга дам уриб ўз ҳолига қайтаринг.

Шайх ул аълам. Мен уч кун дам урсам ўз ҳолига қайтур, иншооллоҳ. Садр аш Шаъриат. Эшоним, ихтиёр сизда.

Шайх ул аълам. Тегинабегим Моҳга куёв бўлмиш йигит Бухори шарифда эмасдир. Шарти шулким, куёв бўлмуш бир кечада баланд масжид хонақоҳи билан бино қилиб берур.

## II КЎРИНИШ

Ўша манзара. Садр Аш Шаъриат ўрнида Шайх ул аълам ўша талабаларга дарс ўтмоқдалар.

Шайх ул аълам. Аммо, билингким, кутб ул-ақтаб ва сарвари машойих, султон ул-авлиё ва бурхон ул-атқис, фарзандхонди ҳазрати Султон ул набис Саллаллоҳу васаллам ҳазрат Султон Ҳожа Аҳмад Яссавий андоғ айтибидирларким: «Биздан сўнгра охир ул замон ёқин бўлғонда, андоғ машойихлар пайдо бўлғайким, Иблис алайҳил лаъна олардин сабоқ олғай ва ҳамма ҳалқ оларға муҳиб бўлғай ва муридларни бошқара олмағайлар. Ул шайхларким, муридлардан тама қилғай ва жонини куфри залолатдан айирмағай. (*Турагай кириб бир чеккага чўк тушади. Шайх ул аълам кўриб дарсин тўхтатади.*)

Марҳабо, марҳабо, хуш келдинг, сафо келдинг, эй Соҳибқирон отаси.

**Турагай.** Алқамдулиллохи раббили оламин Вал оқибату лилмутаққын вассалому ало расулихи Мұхаммадин ва алихі ва асқобиқи ажмағын.

Ҳазрати шайхул аълам Сайфиддин эшон пиrim. Мен Турагай баҳодир ибн Амир Буркул остананғизга муборак хуршиди тобон изингиз шуыласидан баҳраманд бўлғали келдим. Алқисса, мен шикорда бир кийикни ов қилмоқ ниятида қувладим. Ул қочиб дарада уор бўлиб тургон кўй тўдасин ичига урди. Келиб боқсан, кўй орасинда бир бўри мавжуд эркан. Мен камон ўқин анга қададим. Бўри жон таслим этди. Бул соатда чўпон бир тош устида ухлаб ётганин кўрдим. Унинг олдига бордим. Ул уйғониб менга: Эй Турагай Баҳодир, сен мени койимагил, мен сени ҳозир тушимда кўрдим, мовий либос кийган бир киши келиб, сени қошингга Турагай Баҳодир келади. Сен унга айтгил. Бухорои шарифга бориб Шайх Аъламга рўбарў бўлсин, Садр Аш Шаъриятнинг Тегинабегим Моҳ деган қизига никоҳлаймиз. Бир Соҳибқирон жаҳонгир ўғул туғиб берур, дедилар. Мен аввал ишонмадим. Сўнг ити келиб сирли вовуллади. Мен, итинг не деюр, дедим. Итим: айтган гапларимни тасдиқлаюр, деди. Сен мени лақиллатурсен, таёғимдан қўрқиб, дедим. Ул, Эй баҳодир, мен бир чўпон бўлсан, Бухорои шарифдаги Шайх ул аъламу Садр Аш Шаъриятни, унинг қизи Тегинабегим Моҳни қайдан билай? Тушимга кирди, айтяпман, деди. Мен ишониб ҳузурингизга йўл олдим.

Шайх ул аълам. Чўпон хобида не кўриб сенга айтган бўлса, барчаси чиндир. Биз Тегинабегим Моҳни сенга сақлаб турибмиз. Аммо аҳду шартимиз борким, куёв бўладиган киши бир кечада Бухорода масжид хонақоси бирлан куриб бермоғи лозимдир (*Турагай маъюс бош эгади*).

Эй Амир Турагай баҳодир, ғам емагил. Масжиду хонақоҳ қурмоқ борасинда мен бир дуо ўргатурмен. Ул дуони ўқисанг, ҳар мушкулинг осон бўлғай (*талаabalарга*). Талабаларим, сизлар бугунги сабоқлардан озоддирсиз. Тонгда бомдод намозинда, тангрим насиб, этса юз кўришурмиз.

Талабалар хурсанд, таъзим ва тавозе билан юриб чиқиб кетишади.

Шайх ул аълам ва Турагай ёлғиз қолишади.

Турагай. Ҳазратим, менга ул дуони ўргатинг. Бир эшигтанимда ёдимда қолур, иншооллоҳ.

Шайх ул аълам. Эй Амир Турагай баҳодир, дуони ўргатмоқдин аввал бир савол сўрасам.

Турагай. Кулингиздурмен.

Шайх ул аълам. Аввал калимаи шариат, иккинчи, калимаи тариқат, учинчи, калимаи маърифат, тўртинчи, калимаи ҳақиқатни билурмисан?

Турагай. Мукаммал билмоқлик тангрига насибdir. Мен фикри ожизимча жавоб айтай.

Шайх Ул Аълам. Марҳамат!

Турагай. Калимаи шариат бу туур: Ло илоҳа иллоллоҳу Мұхаммадин расулуллоҳ. Калимаи тариқат бу туур: Ло илоҳа иллоллоҳу сафон саффо. Мұхаммадун расулуллоҳ. Калимаи маърифат бу туур: Ло илоҳа иллоллоҳу азаматихи Мұхаммадун расулуллоҳ хилқатуху. Калимаи ҳақиқат бу туур: Ло илоҳа иллоллаҳу би құдратуху Мұхаммадун расулуллоҳ би рисолатихи.

Шайх ул аълам. Боракалло, баҳодирий. Сенга бу муборак дуони албатта ўргатурмен. Аввало таҳорат олиб икки ракаат намоз ўқимоқ лозимдир. Турагай баҳодирим шошманг, аввало мен айтадурғон гапга қулоқ солинг ва илиб олинг. Сўнг дуони ўргатурмен

Турагай. Кулингизман. Жон қулогим сизда.

Шайх ул аълам. Дуони ўргангач, шаҳардан ташқаридаги Файз Осар ҳазрат Аюб мозорига борурсен. Анда Хонақоҳ эшиги берк бўлса зинҳор очмагайсен. Булоғ бор. Шул булоғ бўйинда ўлтириб туурсен. Нима кўрсанг, ҳайрат қилмагайсен, нима эшигсанг, сукут сақлагайсен. Шунда сўфийлардан бири қўлида ўроғлиқ таом келтирур. Ул таом мубоҳат жумласидан бўлса, муродинг ҳосил ўлуб, сенга худои таоло бир ўғул берур. Ул фарзанд шариати нубавийда мустақим бўлур. Агар келтирилган таом маҳрамот жумласидан бўлса, сен кўрган ўғул фиску фужурдин ўзга иш қилмагай. Таомни тановул қилиб бўлгач, мана бу битукни сўфийга берурсан (*думалоқ қилиб ўралган қоғоз беради*). Сенга тайин бўлсинким, сўфий орқасиндан зинҳор бормагил. Гумбаз ичра асло кирмагил, аларға назар қилмагил. Бирор сенга нечук эътибор қилмадинг, деса сўзини инобатга олмагил. Энди, баҳодирим, таҳорат олиб, икки ракаат намоз ўқиб чиққанингиз сўнгти дуони ўргатурмен.

### III КҮРИНИШ

Файз Осор ҳазрати Аюб қабристони. Катта гумбаз ёнидаги булоқ бўйига Турагай баҳодир келиб ўтирибди. Гумбаз ичидан «қарс бадабанг» мусиқа овози чиқмоқда.

**Турагай (ўзича).** Субҳонолло, субҳонолло, қабристонда бу не нав нағмадирким, ақлим бовар қилмас. Бунинг қандай сирри-асрори бўлди экан?

**Шайх ул аълам (овози).** Нима кўрсанг, ҳайрат қилмағийсан, нима эшитсанг, сукут сақлагайсан.

**Турагай (ўзича).** Ҳа, ҳа, сукут сақламоғим лозимдир.

Бирдан эщик очилиб, яшил либос кийган Сўфий дастурхонга ўралган идишга бир нарсани кўтариб олиб келиб Турагай олдига қўяди.

**Турагай (сўфиийга).** Бу таом маҳрамотданму мубоҳатданму?

**Сўфий индамай қайтиб кириб кетади.**

**Турагай.** Бисмиллоҳу раҳмонур роҳим (*дастурхонни очади*). Суг экан. (*Ҳаммасини ичиб тугатгач, Сўфий келади. Унга Турагай хатни беради. Сўфий дастурхонга яна одоб билан ўраб, хатни дастурхон устига қўйиб, бир оғиз сўз айтмай юриб бориб гумбаз эшигидан ичкарига кириб кетади. Турагай гумбазга бир оз маҳлие қараб туриб, сўнгра келган йўлига кета бошлайди. Гумбаз ичидан «Оллоҳу акбар!» деган овоз келади. Турагай ўз-ўзидан ҳаяжонланади.*)

**Турагай (ўзича).** Ё раббим, субҳоноллоҳ, менга нима бўлди? Бутун баданимда олов юраётгандага ўхшайди-я... ҳаяжонланяпман...

Бирдан шўх «қарс бадабанг» мусиқа овози келиб, олдидан ўйинчи қизлар рақс тушиб ўта бошлайдилар.

**Шайх ул аълам (овози).** Нима кўрсанг, ҳайрат қилмағайсан, нима эшитсанг сукут сақлагайсан.

**Турагай (ўзича).** Йўқ, рақсу раққосалар менда ҳайрат ўйғотмас. Назокату латофат хожалари, нари кетинг.

Безътибор кета бошлайди. Раққосалар ундан шўхроқ, жозибасини ошириб ўйин тушадилар, эътибор бермайди. Шу пайт бир гўзал кийинган чол пайдо бўлади.

Чол. Эй бүтам, нечун олди-кетингга қарамай щитоб ила кетурсан? Ажаб томошаларга мойиллигинг йўқ. Қара, ҳар бири дуру якто мармар сийна, чумоли беллар, чўлпон кўзлару сунбул соchlар. Бу дилбару нозанинлар сенинг ишқингда оташ бўлиб ёнмоқдалар. Томирларида муҳаббат лаззати-ю, айш ҳарорати кезиб юрибди. Кўзларида латофату илтифот жозибаси, дилларида илтижо ёлбориш ноласи, наҳотки навқирон ва гуурурли дилингга зарра нурини сочолмаган бўлса. Эй гуур азамати, улар билан ўйна-кул. Бу беш кунлик дунё айшини сур. Сўнгра излаб тополмассан. Ёки қари Шайх ул аъламнинг сўзларига амал қилиб лаззат шаробидан бебаҳра қайтаверасанми?

Турагай. Тўғри айтасиз, боймулло ота. Ҳақиқатан ҳам кўзга нур, дилга ором бергувчи дилраболар экан. Вужудимни маҳв, дилимни забт қилишмоқда.

Чол. Балли, гуур азамати. Сен булар билан ўйнаб - кулсанг, сени дунё-дунё бўлиб кўрмаган Эрам боғига олиб борурлар. Сен ул салтанат соҳиби бўлурсан. Бу нозанинлар ҳарам аҳлинг бўлурлар. Жонингни жонига ур! Олам кўрмаган айшни сур! Эй, гуур азамати.

Қизлар рақс билан қуршаб, назокат гулларига маҳлиё қиласидилар.  
Турагай ҳам аста ўйин туша бошлайди.

Шу пайт бир шарпа пайдо бўлиб, Турагайнинг юзига бир шапалоқ туширади ва ғойиб бўлади. Нур пайдо бўлиб, Шайх ул аълам кириб келадилар. Чол ва рақкосалар бир зумда тарқаб кетишади.

Шайх ул аълам. Амир Турагай баҳодир, қизиқ томошага мойил бўлибсен. Менинг айтганларим ёддан фаромуш бўлдуму? Тарсаки мендан эрди. Сени шайтон васвасасиндан сақламоқ ниятинда бу ишни ихтиёр айладим. Сенга кўриниб, сўз айтган чол иблис алайҳа лаъин бўлади. Рақс тушаётган нозанинлар эса жинлардир. Тўғри, улар одам шаклига кириб, сенинг ақслингни ўғирлашган. Сен, албатта, фарқлашинг керак эрди...

Турагай. Ҳазратим, мени иблис йўлидан, жинлар ўйинидан асрабсиз, Сизга Аллоҳ марҳамати ёғилсин. Қулингизман... Жазога лойиқман. Не қилсангиз, ихтиёр ўзингизда.

Шайх ул аълам (*панжасини ёзиг*) Амир Турғай баҳодирим.

Турагай. Лаббай, ҳазратим.

Шайх ул аълам. Сен панжаларим орасига қара.

(*Tuрагай панжасига маҳлиё қарайди.*)

Не синоат кўурсан?

Турагай. Во ажаб, субҳонолло, не азамат инсонлар тош ташиб, фишт териб гумбаз бино этмоқдалар.

Шайх. Ул гумбаз эртага Тегинабегим Моҳ билан бўладурғон аҳд — никоҳга қурилаётган масжид ва хонақоҳидир. Тонг отганда Бухоро аҳли билан иншоотни сен қурганингдан боҳабар бўладилар.

Турагай (*тиз букиб Шайх ул аълам этакларини кўзига суртади*). Кароматингиз беадад, саховатингиз беҳисоб. Бу сизнинг Тангримнинг суйган бандаси, кароматли авлиё эканлигинизнинг нишонасиdir. Мени ану саховат мевасидан баҳраманд этмоқдасиз. Кулингизман. Сизга тангри шарофати ёғилсин.

Шайх Ул Аълам. Ўрнингдан тур! Қаддингни ростла! (*Tuрагай туриб қаддини тик тутади*.) Соҳибқирон отаси сени авлод-ажходингни буюк кўурман!

Турагай. Ҳазратим. Бу ишлаётган эранларнинг қутби раҳнамоси кимдир?

Шайх Ул Аълам. Уларнинг қутби раҳнамоси фавт бўлибди. Яъни йўқолибди. Булар менга қутб бўлинг дедилар. Мен уларга кутбингиз Амир Турагай баҳодир дедим.

Турагай (*панжасига синчилаб қараб*). Ҳазратим, танидим. Улар менинг йўқолгандан аскарларим-ку. Субҳонолло, аскар бўлсалар ҳам кўзга кўринмас азамат усталар экан-ку. Ё раббим! Ё қудратингдан.

Шайх Ул Аълам. Улар менинг олдимга келиб, сиз маснади кутбингизга ўлтирангиз, дейиши. Мен қабул қилимадим. Яна келишди. Мен илтижо қилибдурсиз, баҳодир хурмати учун қабул қилурман бир шарти билан. Эртагача масжид ва хонақоҳ тартиб берурсизлар, дедим. Улар хурсанд бўлиб таклифимни қабул қилишди ва иш бошлаб юбориши.

**Турағай. Ҳазратим. Тонг ёришмоқда. Ана, гумбаз битди.**

Гўзал масжид гумбази хонақоҳлари билан кўринади. Сўфи аzon  
чақиргани эшитилади. «Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!...

**Шайх Ул Аълам.** Одамлар бомдод намозига келишмоқда.

**Овоз.** Ё тавба, фалакка етган бу гамбазли масжид қайдан пайдо бўлди?

**Овоз.** Ё, қудратингдан, парвардигор, кечқурун бу ер очиқ майдон эди-ку.

**Овоз.** Гўзалигини қаранг. Кўз қамашади. Нилий ранг. Тилла ҳал гумбаз пештоқига гўзал ҳарфлар билан оятлар иншо этилган... Во ажаб (*бир оятни ўқийди*)...

**Овоз.** Карами кенг яратгани...

**Овоз.** Азизлар, бу пиrimiz ҳазрати Шайх ул аълам Сайфиддин хожа эшонимизнинг кароматларидан бўлса ҳеч гапмас.

**Овоз.** Ул зоти муборақда илми ҳикмат кўпдир. Тангрим юқтирган гойби илмнинг хосиятидир бу. Воҳ, ўzlari шу ерда эканлар (*учтўрт одам киради*).

**Овозлар.** Ассалому алайкум, ҳазратим.

**Шайх ул аълам** (*одамнارга қарата*). Алҳамдуиллоҳи раббил оламин Вал оқибату лилмутаққин. Вассалату вассалому аъло расулиҳи Мұҳаммадин ва олиҳи ва асҳобиҳи ажмаъин.

Азиз аҳли Бухоро, Бухоро куввати исломи динасада Амир Турағай баҳодир ибн Буркул бир кечада сиз кўриб турган масжид гумбазини хонақоси бирлан тартиб берди.

**Овозлар.** «Офарин! Тасанно! Оллоҳнинг шарофати ёғисин», «Ниятларига етсинлар», «Умрлари зиёда бўлсин», «Кўринар -кўринмас инс-жинслардан ўзи асрасин», «Бебахтлик насиб этмасин», «Яхши фарзандлар берсин баҳодирга».

**Шайх ул аълам.** Биз аҳд қилғон эрдик. Садр аш шаъриятнинг ожизаи бокиралари Тегинабегим Моҳни бир кечада масжид хонақоси бирлан қурган кишига берурмиз деб. Ушбу аҳд Амир Турағай баҳодир томонидин бажарилди. Энди тўй қилиб, элга маълум этурмиз. Аҳли Бухоро, билиб қўйинг-

ки, Амир Қозоғонхон ибн Қозонхон келиб, эй Шайх, бу қиз, яъни Тегинабегим Моҳ менга аталган. Мен Чингизхон авлоди султонлариданман, нечук уни Қорачор нўён авлоди Турагай баҳодирга берурсан, менга бермасанг сен бирлан жанг қилурман, деди.

Шайх ул аълам. Мен, агар қиз сенга аталган бўлса нечун шу дамгача оғиз солиб сўрамадинг ва қадам қўймадинг. Биз исломий никоҳ билан Турагай баҳодирга берурмиз, дедим. У яна дарғазаб бўлиб, мен Мовароуннаҳр аҳлини қатли ом қилиб қилич дамидан ўтказурман. Туғилажак Соҳибқирон туғилмаслиги керак. Қинида қотсин, деди. Мен, қўлингдан келганини қил, дедим.

Овозлар. «Бу мўгуллар дастидан дод!», «Наҳотки уларни даф қилувчи бир мард топилмаса?!», «Мовароуннаҳр аҳлини пешонаси шўр, баҳти шунчалик қароми?»

«Бу жаннатмакон ўлкага қачонгacha очопат кўзлар тикилаверади?» «Дам Эрон, дам Искандар, дам мўгул босиб олаверса», «Наҳотки Турон дунё учун бир талош олам бўлса?!»

«Эй тангрим бир мард ўғлон ато қил!»

«Мовароуннаҳр ҳам қаддини фоз, бўйини дароз қилиб юрадиган вақтлар келсин», «Тангрим, қароматинг кенг, қудратинг чексиздир» ...

Жарчи овози. Одамлару одамлар! Эшиитмадим, деманглар! Қозоғонхон Шайх ул аълам бирлан жанг қилгани қўшин тортиб келибдир! Шайх ул аълам Садр аш шариат қизи Тегинабегим Моҳни бермаса, ер билан яксон қиласурман, демоқда. Шайх ул аъламнинг ўзи ёки баҳодири бўлса яккама-якка жанг қиласурман, демоқда.

(Бирдан жангни ифода қилувчи карнай-сурнай садолари келади. Отларнинг кишнаган, одамларнинг шовқин-сурони эшиитлади.)

Турагай. Ҳазратим, менга ижозат айланг, мен қайнатам Қозоғонхон билан Сиз учун яккама-якка талабгор бўлиб жангга кирай!

Шайх ул аълам. Амир Турагай баҳодир, Сиз у билан олишманг, қайнота бирлан жанг қилмоқ мумкин эрмас.

Турагай. Ҳазратим, изн беринг, сўзим ерда қолмасин. Мен Тегина бегим Моҳни қизига кундош қилиб олганим учун

бу найранги ўйлаб топган. Сиздай авлиә зотта қүшин тортиб келган инсоннинг иймони йўқдур. Ижозат беринг, йўқ деманг, ижозат беринг! Изн сўрайман!

Шайх ул аълам. Баҳодирнинг илтимосини рад қилмоқлик мумкин эрмас. Тўрт юз муридим жанита ҳозирлансан. Баҳодир, Сиз бош бўлинг.

Турагай кетади. Ёнида навкарлари билан Қозағонхон кириб келади.

Қозағонхон. Эй шайх, айт. Тегина бегим Мөҳни Турагайдан олиб менга берсинлар. У уч талоқ қўйсин.

Шайх ул аълам. Эй Қозағонхон, лашкар тортиб келган бўлсанг, сени ажал тортиб келибди. Сен Бухорои шарифга чангалингни уриб, бегуноҳларнинг қонини тўкиб, ўзингни тенги йўқ баҳодир қилиб кўрсатмоқчимисан? Афсус, ниятинг пуч, орзуинг саробдир.

Қозағонхон. Сўзим битта. Эй шайх, Тегина бегим Мөҳни Турагайдан олиб менга бер. Йўқ эса Бухорои шарифни Бухорои гарид қиласман.

Шайх Ул Аълам. Бутун дунёни хароб этган Чингиз авлодиман деб хароб қилишликни ўзингга удум қилиб олдингми? Йўқ, Бухорои шариф ҳеч қачон гарид бўлмас, иншооллоҳ!

Қозағонхон. Шу бугун бўлур.

Ўз кўзинг билан қўурсан,  
Қозағонхоннинг кимлигини билурсан.  
Қозағонхон пойида жаҳон,  
Бухоро нечук топгуси омон.

Шайх ул аълам. Эй кофир! Амир Турагай баҳодир сенинг күёвинг бўлса, уни иккинчи хотини Тегинабегим Мөҳ қизинг мақомида бўлса, ўйламайсанми уни талаб қилмоққа. Ваҳший ҳайвон ҳам бу ишни ихтиёр этмайди-ку. Хайф сенинг одамлигигга.

Қозағонхон. Уч талоқ қўяди ислом ақидаси бўйича. Мен исломда эмасман. Бизнинг кўчманчилар ўз сингилларини ҳам хотинликка олаверадилар.

**Овозлар.** «Ё алҳазар», «Тагинам ер ютмайди»,  
«Бундайларни тошбўрон қилиш керак!».

Шайх ул аъلام. Эй Қозағонхон! Отанг Қозонхон маълум шоҳ, дунёга бадхулқ, жоҳил одам эди. Масжид, мадрасаларни буздириди. Мулло, эшонларни қилич дамидан ўтказди. Авлиёлар қабрларини текислатиб ташлади. Охири отдан йиқилиб, бўйни синиб ўлди. Бир сиру синоатни билмоқ истасанг менинг, кароматим ислом қудратиндадир. Ақлини тобламоқ учун бир рубойи:

Чун сайди қозои қодирдан келди қулға,  
Сен қўйма қадам, хонки, юрган йўлға,  
Аҳволи Малик шоҳни кўрибсан охир.  
Кўрқ тангридан, берма изза кўнгулга!

(C. Тошкандий)

**Қозағонхон (ўзича).** Ҳа, отам Малик шоҳ Қозонхон шу шайхнинг дуоибадидан вафот топган эрди. Менинг ҳам қазои вақтим етган бўлмасин тағин. Яхшиси, аҳдимдан қайтиб, ўз маконимга равона бўлганим маъқулдир. Нима қўп, қиз қўп. Тегина бўлмаса Бегима бўлар. (*Шайхул аъламга.*) Эй шайх, ҳалқ қони тўкилмасин, қайтаман (*орқага қайта бошлайди. Олдидан чол чиқади.*)

Чол. Эй авлоди Чингизхон, орқага тисланиш сенга раво эрмас. Отанг Малик шоҳ Қозонхон қазосини ул шайх ул аъламдан деб билмагил. Отанг отда кетаётганда олдидан бир сават олма кўтариб чиқсан деҳқондан оти ҳуркиб кетиб йиқилиб ўлган. Бу Шайх Қозонхон мени чақиртирганда, олдига бормаган эрдим. Илм Султондан устун Қозонхон менинг олдимга келсин, деганидан газабланиб келаётганда осмонга олма отдим. У деҳқон кўтарган бир сават олмага айланиб Қозонхоннинг отини ҳуркитиб, бўйини синдириб ҳалок этган. Ўзини илоҳий деб юриптири. Аслида бошига салла кўндириган бир осий банда. Ундан кўрқма, аҳдингдан қайтма. Сен Султон Қозағонхон. Чингизхон зурёди.

**Қозағонхон (гуурланиб).** Тўғри айтасан, бобо, мен жангга талабгордурмен. Аҳдимдан, сўзимдан қайтмасмен.

**Шайх ул аълам.** Эй Қозағонхон! Сен чол қиёфасидағи ибليس алайха лаъна сўзига кирдинг. Энди тақдириңгни Оллоҳдан кўр. Мен намоз ўқиб олай. (*Бўйра устига чўк тушади.*)

**Турагай.** Яккама-якка баҳодирона олишувга Амир Қозағонхонни талаб қилурман.

**Қозағонхон.** Эй Амир Турагай, умринг тугади деявер. Валенсъматинг Шайх ул аълам билан видолашиб ол.

**Турагай.** Ҳар бир баҳодирнинг жангга кирмоқлиги ўзи видодир. Яхиси, ҳарам аҳлига талоқ бериб қўй. Тилинг калимага келмай қолиши мумкин.

**Қозағонхон.** Чингиз авлоди енгилишни билмас. Шул боис хотинларига талоқ бермай, видолашмай жангга киурурлар.

*(Қозағонхон билан Турагай қилич тушшади, қиличлар синади. Иккисига найза беришади. Турагайнинг ўнг кўзи ёнини найза ялаб ўтади. Турагай йиқиласди.)*

**Қозағонхон.** Энди Турагай куёвим бўлсанг-да, бошингни кесиб, найзага илурман. Каромат қилғучи Шайхинг кўриб кўйсин Чингизхон авлодининг нимага қодирлигини!

Ёнидан ханжар олиб бошини кесмоқчи бўлади.

**Шайх Ул Аълам.** Кароматимга ишонмадинг, кофир. Отанг тақдирида бўл. Илоҳо омин!

Бўйранинг бир чўпини синдириб Қозағонхонга отади. Бўйра каромат билан оташ найзага айланиб учади.

**Қозағонхон** (*бўкиради*). Войдод! Войдод! Войдод! Кўкрагимга тегиб, курагимдан чиқди. (*Кўлидан ханжари тушади. Кийимлари ҳон бўлиб йиқиласди.*)

**Овозлар.** Қозоғонхон ўлди, энди бизга омонлик бўлмас. Қочинглар! Қочинглар! (*Бирдан отларнинг дўпирлаб қочаётгани, қийқириқлар эшишилади. Одамлар бориб Турагайнин турғизишиб ўнг кўзини бағлашади.*)

## Шайх Ул Аълам

Кишига берсаким ноңақ найзойи,  
Топар бул қылғонидин бад жазойи.  
Бирон ноңақ бирорвага қаҳр этарму,  
Анга қаҳр айлагай қодир худойи.

(С. Тошкандий)

### IV КҮРИНИШ

Шахрисабз. Тұрагай баҳодир саройи. Турагайнинг катта хотини Йүқун бегим кичик хөсини Тегина бегим Моҳ билан шоҳона либосларда сұхбатлашиб ўтиришибди. Тегина бегим Моҳ ҳомиладор. Ой-куни яқынлашиб қолган.

Тегина. Йүқун бегим, бугун мен бир туш күрдим. Тушимда олам чароғон бўлиб, икки елкамга икки қуш кўниб, сўнгра бир қарға учиб келиб бошимда чунонам қагиллабди. Кейин бир сайёд икки елкамдаги икки қушни бир ўқ билан уриб туширибди. Қарға ғойиб бўлипти. Мен кўрқиб хушимдан кетибман. Уйғонсам, тушим. Таъбири не бўларкин? Ҳайронман.

Йүқун. Тегина бегим Моҳ, ҳайрон бўлиб, ҳар хил хаёлларга берилманг. Ҳомиладор аёлларга турли шайтоний тушлар кираверади, дейишади. Гадой келса садақа бериб юборинг (ўзича). Отам Қозағон айтган эди. Кундошингни йўқот, йўқот, йўқот! Чунки ундан бола туғилса, Соҳибқирон жаҳонгир, Искандарий соний бўладур, деб қаландар Шоший айтган экан. Сендан фарзанд бўлмади. Турагай баҳодир туғмас хотинни сақламас. Огоҳ бўл, деган. Шунинг учун мен Тагинани гумдон қилишим керак.

Турагай баҳодир кириб келади.  
Иккала хотун баравар туриб таъзим қилишади.

Тегина. Ассалому алайкум, амирим, хуш келибсиз, сафо келибсиз.

Турагай. Ваалайкум ассалом, теграмга ўтиринглар. (Ўтиришади.) Оҳ, фоний дунё Шайх ул аълам Сайфиддин хожа эшонни 135 ёшинда дорилғанодин дорулбақоға олиб кетибдур.

Ул зоти муборак кўп кароматли авлиё эрдилар. Баён Қулихон Файз Осор ҳазрати Аюб қабристонига бир улуғ мақбара қурдириб дағн эттирибдир. Бухорои шарифдан келган карвондан эшишиб, кўп қайғурдик. Тангрим раҳмат айлаб жаннат ул маъводан жой насиб этган бўлсин.

Тегина. Илоҳо омин! Тангрим раҳмат айласин, ўзи раҳмдил! Ул кишининг руҳи жонларига қуръон тиловат қилиб, савобини баҳшида этмогимиз лозим.

Турагай. Ўшал заҳоти сарой аҳлин йифиб, тиловати қуръон қилиб савобини баҳшида этдим.

Йўқун (унга бу хабар қувонч келтиргандай бўлади. Ўзини олиб қочиш учун). Амирим, менинг бошим оғрийдир. Ижозат этсангиз, хонаға кириб муолажа қилсам.

Турагай. Ижозат.

Йўқун чимирилаб чиқади.

Йўқун (ўзича). Шайхинг билан кўшмозор бўлларинг.

Тегина. Амирим, фарзандимиз дунёга келса исмини не қўюрмиз?

Турагай. Кеча тушимга раҳматли ҳазратим Шайх ул аълам кириб, ўғил фарзанд кўурсиз, исмини Темур қўйинг. Темирдек мустаҳкам бўлсин, дедилар. Онамнинг болалари турмаганлиги учун менга Турагай — энди сен турақол деган маънода исм қўйган эканлар. Иншооллоҳ, сизнинг болаларингиз кўп бўлса ажабмас.

Тегина (ширин қилиб). Соҳибқирон Амир Темур Искандари соний онаси Тегина хотун.

Мойонқул киради, қўлида мактуб, муҳрли.

Мойдинқул. Ассалому алайкум, Амирим, ижозат этинг, баён қиласай.

Турагай. Ижозат, Майдонқул, не гап?

Мойдинқул. Султон Баёнкулихондан чопар келиб, ушбу мактубни берди.

Хатни узатади.

Турагай хатни очиб ўқииди.

Турагай. «Амир Турагай Баҳодир, ибн Буркул баҳодир». Вокеий шулким, Ўғлонхон лашкари Кошғарни мусаххара

қилибдур. Каркондан күшин олиб, тезда Ўғлонхон лашкарин даф этмоқقا боринг!

Фармони олий.  
Баёнқулихон.

Турагай. Хонимизнинг фармони олийлари ижобат бўлгай. Мен тезда күшин тортиб Қошгарга етиб борурмен. Чопарга айт!

Мойдонқул. Амирим, сўзи баёningиз ҳамда азму қарорингизни чопарга етказурмен.

Тавозе билан орқа юриб чиқади.

Тегина. Амирим, сиз Қошгарга жангга кетсангиз. Мен икки йўл ўртасинда не қилурмен? Вақти соати яқин қолмоқда.

Турагай. Хоннинг амри фармонини бажармоқقا мажбурмиз. Тангрим ўзи оқ йўл берса ажабмас. Мен Йўқун бегимга тайинлайман. Сени ёлғиз қолдирмас. Гуломлар, доялар, чўрилар хизматингда бўлади. Тангри таоло насиб этиб, Қошгардан зафар туғин баланд кўтариб қайтсам. Темур ибн Турагайни кўтариб истиқболимга чикурсан.

Тегина. Иншоолоҳ, ўшал кун насиб этсин!

Мойдинқул киради.

Мойдинқул. Амирим, Қаландар Шоший истиқболингизни тилайдур.

Турагай. Ким у Қаландар Шоший?

Тегина. Амирим, Қаландар Шоший ул руҳи қудсdir. Фарзандимизни дунёга келишини шул Қаландар башорат қилган. Отам Садр Аш Шаърият банди этганларида кароматларила паришон қилиб, банди ўринларига мени қўйиб, ўзлари гойиб бўлганлар. Ҳозир ҳам бир башорат қилгани келган бўлсалар ажабмас.

Турагай (*Мойдинқулга*). Киритинг.

Қаландар Шоший киради.

**Турагай.** Ассалому алайкум. Келинг, марҳабо, хуш келибсиз.

**Қаландар Шоший.** Эй, Амир Турагай баҳодир. Сенга туғилажак Соҳибқироннинг қандай фазилатлари борлиги-ю, уни қандай тарбия қилишни айтмоқчиман.

**Турагай.** Ҳали туғилмаган гўдакнинг фазилатларини қайдан билурсиз?

**Қаландар Шоший.** Мен «Аҳорори файб» илмидан хабардормен. Унинг пешонасига битилган тақдири азал менга мальум.

**Турагай.** Ё раббим. Бу жуда қизиқ. Сўзланг, авлиё Шоший, фазилатлару тақдири азалдан.

**Қаландар Шоший.** Фазилатларга келсак, сизнинг жисмингиздаги барча яхши фазилатлар унга ўтади, ақл-идрок, тажриба билан бўладирғон ишларни ўргатмоқ жоиздир.

**Турагай. Яъни.**

**Қаландар Шоший.** Яъни сизнинг баҳодирлигинги, бир сўзлигинги, юксак ақл-идрокингиз, салоҳиятингиз қон билан унинг жисмига кўчадир.

**Турагай. Нимани ўргатмоғим жоиздир?**

**Қаландар Шоший.** Илм ўргатмоғингиз шарт. Шариат қоидасин Шайх ул аъламдан кўпроқ билиши керак. От миниш, қилич чопиши, ҳарб-зарб ишларин ўргатиш зарур. Иймон-эътиқодни билдиурсиз. Юрт эгалиги қалбининг яроғи бўлмоғи лозим.

**Тегина.** Аёлларга қандай муносабатда бўлур?

**Қаландар Шоший.** Отасидек аёллар қони билан қилич булғомағайдир. Мехр-шафқатли бўлур. Унинг ҳарам аҳли кўп бўлур. Чунки хотини кўп бўлган Султоннинг фарзанди кўп бўлур. Кўп фарзандлар орасидан юксак идроклар чиқадир.

**Турагай.** У кимларни эъзозлайдир?

**Қаландар Шоший.** У султон бўлиб, одамларга, «Тангри нимани яратмас? Ва нимани билмас?» деб савол беради. «Тангри ўзи каби худони яратмас ва ўзидан ўзга худони билмас», деб жавоб берганларни қаттиқ эъзозлаб мукофотлар беради.

**Турагай.** Қандай хусусиятлари менга ўхшайди?

**Қаландар Шоший.** У ҳасад қилиб ўлдиришга, қасд қилганларни қўлга олса қатл этишга шошилмайди. Совға-

саломлар бериб яхшилик күрсатади. Содиқ дўст бўлиб қолгани кўп бўлади. Ёмонлигидан қайтмаса, жазо беради. Сенга ўхшаб чора-тадбир билан бўладиган ишга қилич ишлатмайди.

Дўстидан ранжимайди, нуқсон қидирмайди, қаттиқ ранжиса ҳам узрини қабул қиласди. Сенга ўхшаб оғзига қон тўлса ҳам душман олдида тупурмайди. Сенга ўхшаб ўта мерган бўлади. 22 ёшга етганда бир шаҳзода бола қалдирғоч инидан боласини олмоқчи бўлаётганда бир илон шипдан шап этиб тушиб, унинг бўйнидан ўрай бошлайди. Ҳеч ким ажратолмайди. Болани бўғиб ўлдириш даражасига етади. Шунда ўғлинг ингичка камон ўқи билан илоннинг бошига отиб ўлдиради. Кейинчалик у бола хон бўлиб Соҳибқиронга душман бўлади. Шунда ҳам уни афву этади. Лекин у кўрнамак ёвуз ниятидан қайтмагач, жазосини беради. Соҳибқирон, жонлиларнинг умри қисқа — жонсизларнинг умри узун бўлади, деб кўп осмон қадар юксак иморатлар қурдиради. Сўзимнинг охирида айтмоқчиман, огоҳ бўлинг! Сизларнинг ва боланинг бошига хатар келмоқда. Болани асранг! Болани асранг! Болани асранг. Бола дунёни асрар. Данак ичра дараҳт пинҳон. Гўдак ичра пинҳон султон. Болани асранг!

Бирдан гойиб бўлиб қолади.

Турагай. Ия. Қаландар Шоший қани?

Тегина. Ул зот бирдан гойиб бўлиб, бирдан пайдо бўладилар.

Йўқун киради.

Йўқун. Амирим, чопар келибдиму?

Турагай. Баёнқулихон ҳазрати олийлари фармон юбордиларким, зудлик билан лашкар тортиб Кошгарга этиб бормоғим лозим экан. Кошгарни Ўғлонхон ўрабдир.

Йўқун. Қачон борурсиз, амирим?

Турагай. Тезда кетурман. Йўқун бегим, сени тангрига, Тегина бегим Моҳни сенга топшируман. Икки малика аҳил-

иноқ бўлиб, соғ-омон, голиб қайтишимни тангри таолодан тилаб туринглар. Тегина бегим Моҳнинг кўзи ёриш вақти соати етиб қолса, ёрдам бериб, дояларни чорла, эшийтдингми?

Йўқун. Амирим, кўнглингиз тўқ, дилингиз хөтиржам бўлсин. Тангри менга ато этмаган фарзандни Тегина Моҳга насиб қилибди. Бу иккимизнинг фарзандимиз бўладир.

Турагай. Садоқатинг саодатга бошласин.

Тегина. Иншооллоҳ.

Турагай. Сизлар билан энди хайрлашурман.

Тегина. Ой бориб, омон қайтинг. Темуржонингиз қуалай кўзлари, митти қўллари билан сизни интизор кутадир. Тангри ёр бўлсин, амирим!

Йўқун. Кўп ўлжа билан қайтинг, хайр, амирим.

Турагай Тегина бегим Моҳга алоҳида муҳабbat билан тикилиб хайрлашади. Йўқун Турагайга кўрсатмай бурун жийиради. Турагай

Йўқун билан ҳам самимий хайрлашади. Ва кетади.

### Канизак киради.

Канизак. Тегинабегим Моҳ маликам, ҳаким тайинлаган муолажа вақти бўлди.

Тегина (*Йўқунга*). Йўқун бегим, менга ижозат этсангиз, муолажага борсам.

Йўқун. Боринг, муолажангиз хайрли бўлсин.

### Канизак ва Тегина кетишиади.

Йўқун (*ёлғиз қолиб ўзи билан ўзи гаплашади*). Шу сувилон Тегина деб отам тўшакка ётиб қолди. Яна ўғил туғиб, Турагайни ўзиники килиб олмоқчи. Йўқ, мен энди кунини кўрсатиб, оғзидан қонини келтираман. Мойдинқул Самарқанддан келиб, ҳали олдимга кирмади.

Тушим таъбири нима бўлди экан?

Мойдинқул киради.

Мойдинқул. Маликам, мени афву этинг келган заҳоти хузурингизга киролмаганим учун. Амир Турагай баҳодир ишга буюриб эдилар.

Йўқун. Тушундим. Нечук кечикдинг?

**Мойдинқул.** Таъбирчи Сабулак отага боргунча отимнинг оёғи синиб қолди. Чўлоқланиб зўрға бордик. Ота ҳузурида одам кўп экан. Охири холи топиб туш воқеасини айтдим. Амир Қозағон қизи, Амир Турагай хотини Йўқун маликам бир туш кўрибдир. Тушида Тегина Моҳнинг этагидан қуёш чиқиб, машриқдан мағрибга бориб, тамом оламни ёритибдир. Ундан Ҳиндистонга мойил бўлибди, дедим. Сабулак ота бир куну бир тун жавоб бермади. Охири холи топиб айтди. Ҳижрий қамарий тарихнинг етти юз ўттис бешинда, Исафий тақвимнинг 1336 йилида сичқон йили бир ўғил Соҳибқирон вужудга келадир. Гумон қилурман. Кавкабнинг вақтифа қарагандা яқиндирким, ул ўғул онадан ер юзига туғулур. Соҳибқирон бўлиб етти иқлимин олгай. Онинг авлоди саккиз юз йил салтганат сўрағай.

**Йўқун** (*асабийлашиб*). Ҳм, ҳм. Йўқотиш керак. Йўқотиш керак. Жуда кулагай вақти келди, Мойдин?!

**Мойдинқул.** Лаббай, маликам.

**Йўқун.** Сен менинг маҳрами розимсан-а?

**Мойдинқул.** Худди шундай, маликам.

**Йўқун.** Отам Қозағонхон ҳазратлари сени сепимга қўшиб узатган-а?

**Мойдинқул.** Ҳақ гап, маликам.

**Йўқун.** Бир сирим бордир. Сирим пардасин сенга йиртгайман.

**Мойдинқул.** Сирингизни бирровга инкор этмоқ бошимни танамдан жудо бўлиши билан баробардир.

**Йўқун.** Мойдинжоним, бир иш қилиб, Тегина бегим Моҳни боласи билан гумдон қиласайлик.

**Мойдинқул.** Баҳодир билса теримизни шилмасму?

**Йўқун.** Ўғлонхон билан урушга кетди. Омон қайтиши гумон. Ўғлонхон Рум қайсаридан ҳам кучли. Рустамдек эр йигит. Мовароуннаҳрда унга дуч келадиган куч йўқ. Отам айтган Баёнкулихон ўзи омон қолиш учун Турагайни рўбарў қилиб жўнатган. Мойдунқул, сени қулликдан озод қиласаман. Турагай жангда ўлса, ярим мулкини сенга бераман.

**Мойдунқул.** Ахир тугилажак Соҳибқиронни ўлдириш...

**Йўқун** (*жасали чиқиб*). Сен номард, қуллигинчча қолавер, ўзингни ўлимга буюраман унда.

**Мойдинқул.** Афву этинг, маликам. Мен рози.

**Йүқун.** Балли, режа бундай. Ҳозир Тегина келади. Чопар келиб, отангдан нома бериб кетди, дейсан. Уқдингми?

**Мойдинқул.** Уқдим, маликам, уқдим.

**Йүқун.** Хатни мен аввал ёзиб күйганиман. Мактуб менинг хобхонамда яшил кутичада турибди. Мана калити. (*Кўлидаги билагузукни беради.*) Мана бу тарафини (*бир ёғи бурама шаклда ишланган бўлади*) қулфга солсанг очилади. Бор, хатни олиб, кузатиб тур. Тегина киргандан кейин, секин кирасан, уқдингму?

**Мойдинқул.** Уқдим.

**Мойдунқул кетади.**

**Йүқун**

Вақт фанимат, фурсат фанимат,  
Давлат қўлдан кетмасин фақат.  
Отамнинг ўчини олмоғим керак,  
Бошига ит қунин солмоғим керак.

**Тегина киради.**

**Йүқун** (*тилёғламалик қилиб*). Тегина бегим Моҳ, муолажа жуда ёқибдир. Рангларингиз қизариб, очилган гулдай, ўн тўрт кунлик ойдай тўлиб чиқибсиз.

**Мойдунқул киради.**

**Мойдинқул.** Тегина бегим Моҳ маликам, Бухородан чопар келиб, отангиздан нома ташлаб кетди.

**Тегина.** Вой, ростданми? Қани, менга беринг-чи?

**Мойдинқул** хатни беради ва кетади.

**Тегина** хатни очиб ўқийди.

«Мен отанг, Садр Аш Шаърият касал ва бетоб бўлиб ётурман. Сени кўрмоққа иштиёқим кўп ва ҳолатим заифдир.

Келсанг күрсам. Келмасаң дийдор қиёматта қолур» (*йиглайди*). Отажоним, дардингизга тангрим ўзи шифо берсин. (*Хатни яна бошқатдан ўқиди*.)

Йүқун. Тегина бегим Мох, күп қайтурманг. Дард берадиган ҳам, шифо берадиган ҳам ўзи. Сиз Бухорога боргунча шифо топиб қолсалар ажабмас.

Тегина. Айттанингиз келсин, Йүқун бегим. Лекин сағал дилимда хижиллик. Отам жуда ҳуснихат эдилар. Бу бадҳат билан ёзилган.

Йүқун (*ўзича*). Ў бало, ичимни ўртаворди. (*Тегинага*.) Касаллик қурсин. Ҳуснихатни ҳам бадҳат қилиб қўяди. Ёзидилару холатим заиф деб. Балки қурблари келмай, бирорвга ёздиргандир отангиз.

Тегина. Бу гапингиз ҳам тўғри. Ишқилиб, ўлиб-нетиб қолмасинлар.

Йүқун. Дард бошқа, ажал бошқа. Одам касал бўлади, тузалади. Кўпроқ соғинган бўлсалар керак.

Тегина. Бу гапингиз ҳам тўғри. Соғиниб қолган бўлишлари мумкин. Мени еру кўкка ишонмасдилар. Йўқун бегим, менга ижозат берсангиз, мен отамни кўриб келсам.

## Йүқун

Вой, ижозат, албатта, ижозат,  
Бу ёғидан бўлма хижолат.

Ўзим ҳам шу хаёлда эрдим. Икки садоқатли чўрингни ёнингга ол. Мойдинқул соябонли аравани кўшиб олиб бориб келсин. Ҳомиладор аёлга ғам-изтироб ёмон таъсир қиласди, дейишади. Ҳозир ҳаммаёқ кўклам. Лолагуллар очилган. Кўм-кўк дала-қирларни кўриб баҳри дилинг яйрайди. Борақол, тезда ҳозирлик кўр.

Тегина. Вой, бегим, минг раҳмат, ақли идрокингизга тасанно, дилимдагини топиб айтдингиз. Мен айланай.

Тегина кетади.

Йўқун (*чапак чалади*). Мойдунқул!

**Мойдинқул (киради).** Лаббай, маликам.

**Йўқун (Мойдинқулнинг қулогига).** Мойдинқул, Тегина отасиникига борадиган бўлди. Энди айтганимни амалга оширасан, уқдингми?

**Мойдинқул.** Уқдим, маликам.

**Йўқун.** Пайт пойлаб, ҳеч ким йўқ жойда учаловини гумдон қилиб келасан. Уқдингми?

**Мойдинқул.** Уқдим. Уқдим.

**Йўқун.** Иси чиқмаслиги керак. Уқдингми?

**Мойдинқул.** Уқдим маликам. Уқдим.

**Йўқун (Мойдинқулга узук беради).** Бу отам Қозағонхон қайси бир шаҳарни босиб олганда ҳокимнинг қўлидан юлиб олган экан. Турагайнинг ярим мулкига тенг. Ол, сенга далда ва кувват бўлсин. Тигингнинг қайроғи ўткир бўлсин.

**Мойдинқул (узукни қўлга олиб).** Бу узук учун Қозағонхон лашкар тортиб бориб, неча минг одамни қурбон қылган.

**Йўқун.** А, балле. Сен атиги (*бармоғини букиб санаб*) бир, икки, уч.

**Мойдинқул.** Уқдим, маликам. Қулингиз измингизда. Амрингиз вожиб бўлгай. (*Қўлини юзига суртиб.*) Омин!

## V КЎРИНИШ

Йўл ёқаси. Катта-катта тошлар турибди. Узоқдан кўкламнинг гўзал манзараси, дараҳтлар гуллагани кўриниб турибди. Осмонда баҳор булуғлари. Қуёш булуғ орасига кириб чиқиб кўринмоқда. Мойдинқул ханжар таққан, сафар кийимида киради.

**Мойдинқул.** Қизларим, келинглар! Аравани лақалуқидан тоза чарчадинглар! От ҳам дам олсин бир оз. Карвонсаройгача анча йўл бор ҳали. Мана бу тошлар устида ўтириб дам олинглар, гуллар теринглар. Қаранг, жаннат-а, жаннат! Қарши даштлари кўкламда гўзал бўлади.

Тегина ва икки чўриси қувноқ кириб келишади.

Тегина. Отам Садр Аш Шаърият айтардилар:

Қарши дашти баҳорда жаннат макондир.  
Бул маконда Кеш шаҳри ороми жондир,  
деб.

1 - чўри . Бегим, илҳом жўшмоқдами?

Тегина

Нечук илҳом жўшмасин.  
Майсалар гилам,  
Барқ урар кўклам.  
Нурафшон олам,  
Яйрайди одам.

Қарангиз, табиат тошга гул битибдир,  
Оғочга яшиллик, шамолга тил битибдир.  
Пашшай чивинларга илибдир наъма мусиқа,  
Шул боис ерларимиз гўзал — антиқа  
Не дедингиз, сўзлангиз Мойдинжон бобо,  
Гул бўйин келтирмоқдаму сизга ҳам сабо.

Мойдинқул . Тўғри, тўғри, кўкламда жаннат, ёзда дўзах  
бу даштлар.

Тегина . Аробада чанг бор, олиб келиб, бир чалиб  
берайму?

Мойдинқул . Йўқ, бошқа бир жойда дам олганда чалиб  
берарсиз. Ҳозир кўчанинг чангиям етади.

(Момақалдироқ қарсилайди.)

Тегина . Ишқилиб, ҳозир ёмғир қуийиб юбормасайди.

1 - чўри . Қора булат босиб келмоқда...

2 - чўри (идишда сув олиб келади). Анави ерда қудуқ бор  
экан. Сув олиб келдим, ичинглар. Муздай. Роҳатижон. Ичиб  
кўринг, маликам.

Сувни биринчи Тегина ичади.

Тегина . Тангрига шукр. Оҳ, қандай роҳатижон сув. Сув  
муздайлигидан қудуқ чукур бўлса керак-а?

**2-чўри.** Жудаям чуқур экан. Тагида сув зўрга милтиллаб кўринди.

Мойдинқул (*атрофга синчков назар ташлаб, ўзича*). Фурсат етди. Ҳеч ким йўқ. Ҳаммаёқ жимжит. Ярим соатда бу чумолиларни эзib қудуққа ташлаб юбораман. Вассалом. Туя кўрдингми, йўқ. Бия кўрдингми, йўқ. (*Кўлидаги узукка қараб*.) Турагайнинг ярим мулки... озодлик.

Тегина. Мойдин бобо. Сиз гулларни суярмисиз?

Мойдинқул (*хаёли паришон*). Ҳа, ҳа...

Тегина. Қандай рангини?

Мойдинқул. Ҳа... Менга барибир, қоп-қора ранглисини ҳам суввераман. Умуман, гулларни мол егани яхши. Сут бўлади. Гўшт бўлади. Одам қўлида хазон бўлади.

(*1-чўри бир талай ҳар хил гуллар териб келади. Улар тошларнинг устига ўтиришиб гуллар тақсимлашаётганда Мойдинқул 2-чўри қизнинг соchlарини бир-бирига маҳкам билдирамай боғлаб қўяди. Тегинанинг ерга тегиб турган этагига қозиқ санчиб қўяди. Мойдинқул орқадан бориб биринчи чўрининг биқинига ханжар санчиб олади.*)

1-Чўри. Войдод! (*Йиқиласди*).

Қочаман деган чўри 1- чўрининг устига йиқиласди.

Тегина (*бақириб*). Войдод! Нима қиляпсиз? Войдод! Нима қиляпсиз! Войдод! Ёрдам! Мусулмонлар! (*Қочмоқчи бўлганда этаги тортилиб ийқиласди. Тез ўрнидан туради. Бу вақтда Мойдинқул иккинчи чўрига ҳам ханжар уриб улгуради. Тегина қозиқни сугуриб олиб, Мойдинқулнинг бошига урмоқчи бўлганда у чап бериб қозиқни қўлидан юлқиб олади ва шу топда ханжари ўтлар орасига тушиб кетади. Бир қўли билан Тегинани ушлаб, ханжарини пайпаслаб излайди.*)

Тегина. Эй Мойдин бобо, мени ўлдирма. Менда гуноҳ бўлса бордир. Қорнимдаги болада нима гуноҳ?

Мойдинқул. Шу бола туфайли сени ўлдиурман. Маликам шуни буюрган.

Тегина. Ҳали шунақами? (*Бир юлқиниб қўлидан чиқиб қочади*.) Войдод! Войдод кутқаринглар! Войдод!

**Мойдунқул.** Қочма! Қочиб қайга борасан? Мен сени ўлдирмай кетмайман. Ажалинг менинг қўлимда.

**Тегина.** Войдод! Войдод! Яқинлашма, касофат қул. (*Қочади. Мойдунқул қувлайди. Бирдан «Войдод!» деган овоз қудуқ ичидан келади.*)

**Мойдунқул.** Ярамас, қудуққа тушиб кетдия. Мен унинг бошини харсангошлар ташлаб мажақлайман. (*Бир неча тошини қудуқ бўйига олиб боради. Энди биринчи тошини ташлайман деб кўтарганда бирдан чақмоқ чақнаб, момақалдироқ бўлади. Ва Мойдунқулни яшин уриб ўлдиради. Шамол бўлади. Ёмғир ёғади. Учта ўлик уч ёқда сочилиб ётади. Кейин ҳаво очилади. Куёш чиқади.*)

Чўпон кириб келади.

**Чўпон.** И тавба, буларни ким ўлдирибди экан, а? Яшин урганмикан? (*Бориб юзларига қарайди.*) Оҳ, оҳ, чиройли қизлар экан. Вой, чолнинг бошини ярми йўқ-ку. Ҳа, буни аниқ яшин урган. Эй, йўлда турган соябон араванинг эгалари бўлса керак булар.

**Тегина** (*қудуқдан овози зўрга келади*). Мусулмонлар, кутқаринглар! Мусулмонлар, кутқаринглар!

**Чўпон.** Ия, қудуқдан одам овози?

Кудуқ тепасига боради.

**Кудуқда ким бор??**

**Тегина** (*овози*). Мен аёл киши, ҳомиладорман, тушиб кетдим. Тортиб олинглар, мусулмонлар! Тушиб кетдим.

**Чўпон.** Ия, аёл киши экан у, яна ҳомиладорман, дейдими-ей... Эй, мен ҳозир арқон ташлайман. Бир учини кўкрагинг тагидан белингга маҳкам боғла. Икки қўлинг билан арқонни маҳкам ушлайсан. Мен тортиб оламан. Тушундингми?

**Тегина** (*овози*). Тушундим. Арқон ташла.

Чўпон белига ўралган арқонни бўшатиб қудуққа туширади.

**Тегина** (*овози*). Тортинг!

Чўпон тортади. Тегина чиқади.

**Чўпон (ўзича).** Ия, мен қўйларимга сув тортадиган арқонда бу гал сув париси чиқибди-ю. Э, ҳазратим, бу не афсона. Бу не мўъжиза. Бу яқинда яйловга келган баҳши мақтаган маликанинг ўзи-ку. Худди ўзи-я.

Бир маликаи даврон,  
Жамоли хуршиди тобон,  
Қомати сарви хиромон,  
Кўзлари чўлпон,  
Юзлари тўлин ой.  
Чеҳраси гулчирой,

деганди.

Қандингни ур, чўпон.  
(Тегинаға.)

Эй қай элдан бўлурсан? Нечун қудуқقا тушиб кетдинг?

**Тегина (ўзича).** Ростин айтсан, яна Йўқун жодугарнинг олдига олиб боришади. У боламни ўлдиради. Яхиси, тангрим ўзи кечирсинг. Яратганим қай йўлга раво кўрса, ўзи билади. Таваккал, ёлғон айтаман. Ўзинг кечир. (Чўпонга.) Эй менинг халоскорим, меҳри бир дунё йигит. Мени қудуқ қаъридан тортиб олиб, ажал чангалидан икки жонни омон сақлаб қолдинг. Сенга ҳазор раҳмат. Икки дунёйнг обод бўлсин. Бу яхшилигинг туфайли Аллоҳ қўп ажри савоблар ёғдирса ажаб эрмас. Меним кимлигимни сўрадинг. Мен аймоқия уруғиданман. Мана бу ўлиб ётган одам эрим эди. Булар чўриларим. Буларни яшин уриб ўлдиреди. Мен кўрқиб қудуқقا тушиб кетдим. Ўзинг кимсан, эй саховатли инсон?

Чўпон. Менми, мен бир чақирим наридаги Хўжа Илғор қишлоғидан, чўпонман. Занжир Сара хукмдори Амир Чоку молларини боқаман. Қўйларимни ҳар куни шу қудуқдан сугораман. Сен ҳам чиройли заифа экансан. Эринг чолгина киши экан. Худо осонгина жонини олиб, сени чолдан қутуғирибди. Энди бевасан, яхиси, менга тегиб қўя қол. Қўйнинг сутлари, қўзининг гўштлари билан боқаман. Ҳали уйланмаганман.

**Тегина.** Чўпон йигит, Мен бир ҳомиладор аёл бўлсам. Сен, яхиси, бирон қизга уйлан. Ўзингнинг

фарзандинг бўлади. Бунинг отаси бошқа. Мен турмуш кўрган бўлсам...

Чўпон. Йўқ, мен сенга уйланаман. Тамом- вассалом. Мен қайсар одамман. Кўй боқавериб қўчқортабиат бўлиб кетганман. Сени оламан дедимми, оламан, тамом- вассалом. Кўчқор ҳеч қачон совлиқдан розилик сўрамайди. Тамом- вассалом. (*Кўлидан ушлаб қучогига тортади.*)

Тегина. Чўпон йигит, ўртада шариат бор-а. Шайтонга ҳай беринг. Гуноҳ бўлади.

Чўпон (*қучогига тортиб*). Мен қир-адирда чўпонман. Гуноҳимни шамол учириб кетаверади. Кенг дала, худо пано, деганларидек. Тамом-вассалом. Мен қўчқортабиатман, дедимми. Тамом-вассалом. Кўчқорман. Кўчқор, тамом-вассалом. (*Қийнаб ётқизади.*)

### Чоку кириб келади

Чоку. Кўшоқ!!! Бу не қилиқ?!

Чўпон (*ўрнидан туриб, ерга қарайди*). Амирим, кечиринг. Кечиринг!

Чоку. Бефаросат, ҳомиладор аёлга шундай муносабатда бўладими? Сен молмисан? (*Тегинага.*) Эй, заифа, кўрқма. Мен Амир Чокуман. Занжир Сара ҳукмдори. Бу ярамас кўйчимdir. Бу беҳаёлиги учун адабини бериб кўяман.

Тегина. Амирим. Бу чўпон йигитга озор берманг. Беодоблигини кечиринг. Ахир қўйлар орасида ўсган йигит одобни қайдан билсин. Унинг яхшилиғи мени қудуқдан тортиб олди. Икки жонни омон сақлаб қолди. Бу шўхлиги йигитлигидандир.

Чоку. Сен кимсан ўзи? Кўринишинг маликасифат. Сўзларинг маъниси билимдонликдан нишон.

Тегина. Аймоқия уруғиданман. Мени худо асрари. Мана бу чол эрим. Булар чўриларим. Уларни яшин урди. Ёлғиз қолдим. Борар ерим йўқ.

Чоку. Ундей бўлса сен қизим мақомида экансан. Сени саройимга олиб кетаман. Болаларим билан бирга яшайверасан. Кейин... тангрим нимани насиб этса шу бўлади. Бева-бечорага меҳр-шафқат қилмоқ улуғ савобдир, деган ҳадис-шарифларда Расули акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам.

Тегина. Амирим. Сиз тангри таолонинг меҳрибон, покиза бандаси кўринасиз. Сизни менга тангрининг ўзи етказди. Мен сиз билан борурман.

Чоку. Кўшоқ, сен ҳозир Хўжа Илгор қишлоғига хабар қил. Амирим айтдилар, дегин. Қишлоқ оқсоқоли келиб, бу мурдаларни олиб бориб, ювиб, тозалаб, жаноза ўқиб дафн этишсин. Онгладингми?

Чўпон. Онгладим, амирим.

Чоку. Ҳа, олдин бу мурдаларни бир жойга келтириб, тўғрилаб ётқиз. Юзларига бир нарса ёпиб кўй. Сўнг қишлоққа югар. Онгладингми? Юр, қизим.

Тегина (*ўликларга тикилиб, ёлғондан*). Алвидо, танмаҳрамим, алвидо, чўриларим! Жойларингиз жаннатда бўлсин.

Чоку. Тангрининг иродаси бу, кўп қайғурма, юр кетдик.

Амир Чоку ва Тегина кетишади.

(Чўпон ўликларни тўғрилаб ёнма-ён ётқиза бошлиайди.)

Чўпон. Ўлмай ўлларинг, бошимга бало бўлдиларинг. У ёқда қўйларим сувсаб қолишиди.

Чоку қайтиб киради.

Чоку. Кўшоқ! Отимни миниб қишлоққа югар! Аёлни тўлғоқ тутиб қолди. Бирон дояни мингаштириб келтир. Тез Буларни мен ўзим тўғрилаб қўяман.

Чўпон. Хўп. Амирим.

Югуриб чиқади.

Чоку (*ўзича*). Бугун чоршанба, таърихнинг ҳижрий етти юз ўтгиз беши. Сичқон йили. (*Ўликларни синчиклаб кўриб тўғрилайди. Бир оз ўтгач Чўпон ҳовлиқиб киради.*)

Чўпон. Амирим, мушкул осон бўлди. Шундай чиқсан, аробада дояни бошқа қишлоққа олиб кетишаётган экан. Тўхтатиб, воқеани тушунтирдим. Доя дарров аробадан тушиб, ҳалиги аёл олдига бориб, муолажа қилдилар.

## Чоку. Тангри ўзи ғамхўр.

Чақалоқ йигиси эшитилади. Бутун даралардан бола йигиси акс садо бергандай бўлади.

Бола туғилди Хўжа Илфорда. Таърихнинг етти юз ўттиз беши. Сичқон йилида. Кўшоқ! Энди қишлоққа югар! Чўпон. Хўп, амирим!

Аввал Чўпон, сўнгра Чоку чиқади. Қаландар Шоший киради.

Қаландар Шоший. Ҳақ дўст, ё Аллоҳ! (*Ўликларга қараб*.) Мен йўлда келаётганимда бу воқиот кўзимга кўринган эрди. Соҳибқирони жаҳонгир таваллуд топдилар. Энди ҳазрат жалол ул ҳидоят камоли самадият илиа хоҳлабдирким, камоли қудрат била, мабдаи фитрат бирла кавкаб толеъ Соҳибқиронни авжи ирважи афлокка иқбол ва камронлигини жилвагар қилғай. Аввал тангнойи музояқа паришонлигида, ҳобуи бесамонлигда қолуб, бора-бора давлат иқболига юз қўйғай.

Воҳ, дилим кўзгусига Рум қайсари тушмуш. Ул ҳам насли турк — ёғасдандир. Қайсар кийик овлаб юриб, бир форға дуч келди. Ва ёнида олиб юргувчи ҳаким Абдулмуфохирдан сўрали.

Рум қайсари овози (*сирли оҳангда*). Эй Абдулмуфохир, бу қандай фор бўлди?

Абдулмуфохир овози. Султоним, бу фор Искандар Зулқарнайн таваллуд топган маскандир. Бул манзилни жаҳон султонлари зиёрат қилурлар.

Рум қайсари овози. Тошга ёзилган лавҳада не битмуш? Ўқи!

Абдулмуфохир овози. Искандар Зулқарнайн таваллудининг саккиз юз йилиндан кейин Расули Акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам таваллуд бўлурлар. Ундан саккиз юз йил кейин шахсе таваллуд бўлғайким, ернинг юзини, куннинг кўзини олғай. Салотинларни забун қилғай.

Рум қайсари овози. Эй ҳаким Абдулмуфохир, ўша шахсе мендурман. Чунки кўп-кўп юртлар, мамлакатлар қўлимдан мусаххора бўлубдур. Халифай ул муслимаедур.

**Нечунким Макка ва Мадина манбай исломдир. Филҳақиқат, Рум султони — исломдир. Сен не дерсен?**

**Абдулмуфохир овози.** Эй Рум қайсари, ман ҳикмат китобларинда кўрдимким, шу онда Мовароуннахрда бир ўгул туғулмушдир. Они Соҳибқирон Искандари соний дерлар. Вилояти Рум они тахти ихтиёрида бўлур. Рум қайсари анга асир бўлгай.

**Рум қайсари овози** Ё алҳазар, бас қил! Агар шу гапинг рост бўлса Бухорои шарифга элчи бўлиб бориб, албатта ва албатта ўшал туғулган гўдакни ўлдириб қайтиб келасан. Сен не истасанг бажо келтираман.

**Абдулмуфохир овози.** Менга берган тузингизни оқламоқ учун ҳам шу айтганингизни вожиб қилурман.

**Рум қайсари.** Оллоҳу акбар. Оқ йўл сенга!

**Қаландар Шоший** Во ажаб, кўзимга бағоди шариф кўринмоқда. Ана Боғдод маликаси Дилшод Хотун ҳаким Чакминийни банди қилиб келтирди. Ундан Дилшод хотун сўради.

**Дилшод Хотун овози.** Эй, ҳаким Чакминий, кеча курдирган қасри олийимга кўчиб ўтиш шарафига ҳикмат китобингни олиб келишни буоргандим. Нечук қабул қилмадинг? Иттифоқо қасри олийим қулаб тущди. Тангри бир асрраб, мен омон қолдим?! Сўйла?! Ёлғон айтсанг бошинг қилич дамида.

**Чақминий овози.** Эй маликам, ҳикмат шулким, Мовароуннахрда бир ўгул туғилди. У соҳибқирон бўлур. Қасри толеимиз унда бунёд бўлгандир. Мезон уйи шамолдир. Онинг иқболидан бу қаср йиқилибдир. Ул ўгул юргингни кўлингдан олгай. Ҳикмат шул.

**Дилшод Хотун овози.** Ё қудратингдан, парвардигор! Эй, ҳаким Чакминий, не истасанг хазинадан ол! Бухорога, Баёнқулихонга отлан! Ул ўғилни ўлдириб, жасадини келтиргайсан.

**Чақминий овози.** Фармонингиз ижобат бўлгай, маликам.

**Қаландар Шоший.** Яна етти иқлимда шундай ҳодисотлар содир бўлди. Улар ҳам элчиларини гўдак Соҳибқиронни ўлдириб келиш учун Бухорога йўлладилар.

## I Парда

тугади

## II ПАРДА

### VI КҮРИНИШ

Бухоро хони Баёнкулихон етти иқлимдан гўдак Темурни ўлдириш учун келган элчиларга алоҳида қурдирган қабулхона. Ўртада хон таҳтда ўтирибди. Атрофидা вазир, шайхулислом ва бошқа сарой аҳли жойлашган. Ўнг тарафда Хуросон, Ироқ, Рум элчилари, чап тарафда Хитой, Ҳинд, Фаранг, Ўрусиya элчилари ўтирибди.

**Баён қулихон.** Эй етти иқлимдан ташриф буюрган муҳтарам элчи жаноблари, Чигатой улусин Мулки Турон заминининг Бухорои Шариф, қуввати исломи динаси мамлакатинда бирмунча муддат меҳмондирсизлар. Қадамларингизга ҳасанот. Сизлар учун маҳсус қароргоҳ бунёд этдимким, кечадан бери шу қароргоҳдамиз. Кўпчилик элчи жаноблари ўз ҳайрат ва ташакқурларини билдирилар. Муташаккурмиз. Биз диққат ва ҳурмат бирлан Хуросон, Ироқ, Ҳинд, Хитой, Фаранг ва ўрус элчилари келтирган, подшоҳлари юборган номаларни ўқидик. Элчилар сұхбатларин әшитдик. Фақат биргина Рум қайсари юборган элчи жаноблари ҳаким Абулмуғоҳир сўзларига қулоқ солиб, номаларни ўқимоқлик қолди. Сизга маълум бўлдики, ҳар бир элчи сўз айтмакдан олдин расмиятимизга кўра Бухоро шашмақомидан бир машқ чалиниб, раққосалар хиром айлар.

Мақомда шўх куй янграйди, раққосалар чиқиб ўйнайдилар.

Ана энди мақсадга кўчурмиз. Оврупо ва араб амирлари бошин қовуштириб буюк салтанат барпо этган Рум мамлакатин элчиси ҳаким Абулмуғоҳир жаноблари, аввал номани ўқиб, сўнг сўз айтишингизга мунтазирмиз.

Абдулмуғоҳир (*мактубни очиб ўқийди*). Ҳамд ўшандоғ таборак ва таологадир, ерни мутаббақ, кўкни муаллақ, тураксиз ва танобсиз яратибдир. Ою кун ва юлдузлар бирла анга зийнат берибдур. Яна дуруд анингдек шафоатхоҳимиз расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламга бўлсун. Андин кейин доуимиз Мовароуннаҳр сultonига бўлсунким, вилоятингизда бир ўғул вужудга келмуш, ҳукамоларимиз Искандар соний атарлар, тамом ер юзини, куннинг кўзини

олиб, салотинлар анга асир ўлмишлар, албатта ўшал ўгулнинг барҳам бўлмоқига ҳаракат қилурсиз. Зиёда вассалом.

Рум қайсари. Жаноби хон ҳазратлари, Рум қайсарининг бир неча теваларда юборган олтин, кумуш совға-саломлари карвонсаройингизда турмуш.

Баёнқулихон. Рум қайсарифа ҳам ҳамду санолар бўлсунким, номаларин барча элчилар номалари бирла муҳокама этиб, бир тадбир этурмиз. Совға-саломларин қабул айладик.(Бурҳониддинга.)

Элчилар ўринларидан туриб ўз одатларига кўра миннатдорчилик билдирадилар.

Сиз не деюрсиз элчиларнинг номаларидағи бизнинг мамлакатда туғулган болани барҳам этилмогига.

Бурҳониддин. Ҳазрати хонимиз Баёнқулихон, худойи аззи Жалилнинг тақдирини зўр билан табдил қилиб бўлмас.

Баёнқулихон. Вазири аъзам Сирож Қамарий, сиз қандай фикрдасиз? Соҳиб ҳидоят Бурҳониддиннинг фикрлари тўғримидир?

Сирож Қамарий. Шариатда қавли ҳукамо ман қилибдур. Аммо арбоб қавлида қилса бўлур. Нечук ҳукамо саъй қилубурлар?

Баёнқулихон. Сирож Қамарий, бу фикрингиз андак мақбулдир. Демак, болага барҳам бермакка ризолик берурман.

Бурҳониддин. Соҳиби давлат Баёнқулихон, шуни билгинким, агар тангри таоло хоҳламаса туғулғон хосиятли болани, бир ҳаром мўйини йўқ қилиб бўлмас. Мен бундай машваратни тарқ айлаб Самарқанд фирдавсманд маконимга йўл олурман.

Фазаб билан ўрнидан туриб чиқиб кетади.

Баёнқулихон. Биз сўзимиздан қайтмаймиз. Эй элчи жаноблари, сизлар ул туғулғон болани қандай билурсизлар?

Абдулмуфоҳир. Хон ҳазратлари, Сиз шу йил туғулғон ўғул болаларни бизнинг назаримиздан ўтказинг. Биз қуръа ташлаб билиб олурмиз.

**Баёнқулихон.** Элчи жаноблари, сизларга болаларни қаерга олиб келгандари маъқулдир?

**Абдулмуғоҳир.** Жомеъ масжидига олиб келсалар бўлди.

**Баёнқулихон.** Фармон шулким, ҳамма элчилар, сарой аҳли ҳар куни бомдод намозидан сўнг жомеъ масжидига йиғилиб, шу йил туғилган ўғил болаларни кўриб чиқсинглар. Жарчилар «Шу йил таърихнинг етти юз ўттиз бешинчи, сичқон йилинда туғилган ўғул болаларни жомеъ масжидига эрталабдан то шом намозигагача ота-оналари олиб келиб, хон ҳазратлари олтинларини олиб кетсунлар», деб мамлакатни барча қишлоқ ва шаҳарларида жар чақирсинглар.

## VII КЎРИНИШ

Қарши вилоятига қарашли Занжир сара ҳукмдори Амир Чоку боғидаги қизил гул новдаларидан ясалган чайла, чайлада Тегина 6 ойлик Темурни бешикка белаб алла айтмоқда.

### Тегина

Жажжигина соҳибқироним, аллаё, алла,  
Темуржоним, ширин забоним, аллаё, алла.  
Умринг бўлсин бисёр зиёда, аллаё, алла,  
Мехринг бўлсин қодир худода, аллаё, алла.

**Жарчи овози.** Одамлару одамлар! Эшитмадим деманглар. Шу йил таърихнинг етти юз ўттиз бешинда, сичқон йилинда туғилган ўғул белаларга хон ҳазратлари олтин мукофот бердилар. Белгиланган мукофотни ота-оналари Занжир сара жомеъ масжидидан олмоғлари шарт. Бомдод намозидан то шом намозигагача болаларни олиб борсунлар. Одамлару одамлар!..

Амир Чоку киради.

Тегина. Ассалому алайкум, амир ҳазратим.

Чоку. Ваалайкум ассалом, қизим.

Тегина. Амирим, жарчининг овозини эшитиб, нималигини яхши англай олмадим. Нима гап экан?...

**Чоку.** Ҳа, мамлакатимизда бир галати хабар юрибдиким, ҳайрон қоладур киши.

**Тегина (хавотирда).** Не хабар экан?

**Чоку.** Таажжубки, етти иқлиминдин Бухороға элчилар келмуш. Мақсадким, Мовароуннарда бир хосиятсиз бола туғилмушким, ул бола элчилар томонидан тезда ҳалок этилмаса, у катта бўлиб оламни ҳароб этармуш.

**Тегина.** У кимнинг боласи экан?

**Чоку.** Ана шуни қидиришмоқда. Жарчи ана шунга жар чақирияпти. Бир ой давомида Бухорои шарифда ота-оналар келиб тегишли олтинни олиб кетибдилар. Бола топилмабди. Сўнгра хон ҳазратлари вазири аъзам Сирож Қамарийни элчиларга бош қилиб Миёнкол, Самарқанд, Ҳўжанд, Ҳисор, Шаҳрисабз туманларига юборибдир. Ҳокимлар бир неча кун яхши зиёфатлар қилишибди. Лекин бола топилмабди. Бугун тушда ҳукамо ва элчилар Занжир сарага келдилар. Мен уларни саройда сийлаб зиёфатлар қилиб, яхши жойларга бир неча кун турмоқ учун ўрнаштирудим. Эргалабдан болаларни назардан ўтказишади. Сен ҳам болангни олиб бориб тегишли олтинингни олиб кел, хўпми?

**Тегина.** Хўп бўлади, амирим. Албатта назардан ўтказурман.

**Чоку.** Боракалло, мен борай.

**Чоку** кетади. Бола йиглайди.

Бешикка ўнг қўлини қўйиб эмизади ва бешикка суюнган ҳолда кўзи уйқуга кетади. Тушига Шайх ул аълам киради.

**Шайх** ул аълам. Эй Тегина бегим Моҳ, сен эртага Бухороға келгил. Менинг қабрим ичинда тургил. Такияни худо таолога қилиб, яратганга сифингин, бу ўғлингга қазои муаллақ юзланибдир.

**Шайхул аълам** ғойиб бўлади. Қаландар Шоший кириб келади.

**Қаландар** Шоший. Эй Тегина бегим Моҳ. Сен биласанми, шу иссиқ бағрингда Соҳибқирон Амир Темур Жаҳонгир. Жаҳон сultonини ўстирияпсан. Унга томирларингдан келган қайноқ сут эмизяпсан. Сен буюк

онасан, буюк оналарни жаҳон ҳавас қиласидир. Расули акрам саллаллоҳу алайҳи вассаллам жаннат оналарнинг оёғи остида, демушлар. Сенинг оёғинг остида бу дунё -у дунё жаннатлари бўлмуш.

Сен бағрингдаги мурғак Соҳибқиронни оғат-балолардан асра. Сен бугун тунда Шайх ул аълам айтган жойга қоч. Қийин дамда ҳижрат қилмоқлик пайғамбаримиздан суннатдир.

Тегина. Эй қаландар Шоший, қоронғу кечада қандай Бухорои шарифга ета олурман.

Қаландар Шоший. Сен ой тикка келганда болангни яхшилаб ўраб чорбоғдан чиқ. Дарбоза олдинда эгарланган от ҳозир бўлиб турадир. Сен шу отга миниб тонггача Бухорои шарифга етиб борасан. Тонг отмасидан Файз Осор қабристонига бориб, Шайх ул аълам мақбарасига кириб олишинг керак. У ёғи тангри хоҳиши билан не бўлса кўурсан.

Тегина. Эй ғойиби аҳордан хабардор Шоший. Ўғлим дунёдан яшаб ўтгандан кейин дунёда не ҳодисотлар рўй берур?

Қаландар Шоший. 656 шамсий йил кейин, Мовароуннаҳрдан чиқсан подшо Темур Соҳибқиронни миллат отаси деб эътиборини кўтарур. Унга бўлган бўхтонлардан муборак номини тозалайдир.

Тегина. Боламга қандай бўхтонлар ёғилур?

Қаландар Шоший. Айрим насроний ёзфувчилар Темурга тұхматлар битурлар. Улар Рум қайсарини асир олиб, олтин қафасга солиб, яланғоч ушлайдир. Қафасни остона сифатида қўйиб, этигидаги лой-гилларини султон бошига қоқиб отга минадир. Қафасни ётоқقا олиб кириб, кўзини олдида қайсар маликаларин зино қиласидур. Олтин ароба ясатиб, унга от ўрнига араб амир-султонларин кўшиб, Миср, Боғдод, Маккаю Мадина, Истамбул кўчаларида чоптириб, айлантириб югуради, деб ёзадилар.

Тегина. Ул подшо узоқ яшайдирму?

Қаландар Шоший. У ўттиз бир йил подшолик қиласидир! Кейин иссиқ кучайиб, муз уммонлари эриб, дунёни сув боса бошлайдир! Шунда Мовароуннаҳр атрофинда аллақандай тоғлар ўсиб чиқиб, сув йўлини тўсадир. 30 йилдан кейин иссиқлик пасайиб, яна ҳаёт ўз йўлига қайтадир. Бир

тадбир билан омон қолганлар яна бошдан ватанларин изга соладирлар.

Эй Тегина бегим Моҳ, сенинг сийнангдан саккиз юз авлодинг ҳозир Темуржон бўлиб сут ичмоқда. Уни ўлимга берсанг, у билан саккиз юз авлодинг ҳалок бўладир. Билиб кўй, то қиёматгача дунё ҳалқи оналар кўксидан сут ичиб кўкарадир. Сен ой тикка келганда чиқ! Қоч! Қоч!

Тегина чўчиб уйгонади.

Тегина (*ўзича*). Эй тангри! Ўз паноҳингда асрагил. Тушларим безовта. Ҳукамо ва элчилар менинг мурғаккина боламни ўлдириш учун излашяпти. «Олтин мукофот» деб хон алдаган. Менинг ўслим ўша Соҳибқирон. Кўлларига тушса тайин, ўлдиришади. Болам, болажоним. Сенинг азиз жонингта етти иқлим подшоҳлари қасд қилмишлар. Ўзинг асрагил, даргоҳинг кенг, кудратинг зўр. У ёвузлардан ўзинг сақла! Тушларим бежиз эмас. (*От кишинаган овози келади*.) Тушим ўнг келди шекилли, ой тиккага келиб қолибди. Болам, қочамиз, қочамиз. Бухорога, Бухорога.

## VIII КЎРИНИШ

Бухоро. Файз Осор ҳазрати Аюб қабристони. Шайх ул аълам мақбарасининг ичи гўзал ишланган. Араб алифбосида «Бандаси тадбир қилади, тангри тақдир қилади» деган ёзув. Сагана ёнида оғзи очиқ қути турибди.

Тегина бағрига боласини босиб, йиглаб, шошиб кириб келади.

Тегина. Ассалому алайкум, ҳазратим Шайх ул аълам Сайфиддин хожа эшонимнинг руҳи поклари (*жарангли ва сирли эшитилади*), хобимда билдирганингиздек, етиб келдим. Тангри ўзи мадад берди. Қаландар Шоший ҳам хобимдами, ўнгимда айтганидек, ой тиккага келганда чорбоғ дарбозаси олдида эгарланган от гижинглаб турган экан. Тангрига таваккал қилиб миндим. От, менимча, чопмади, учди. Беозор келдик она-бала. Темуржоним-Соҳибқироним уйкудан уйғонмади ҳам. Эй шайхим руҳи поклари, ҳузурингиздаман. Ўзингиз тангри таолодан мадад сўраб беринг.

**Шайх ул аълам овози (эхо билан).** Болангни оғзи очиқ қутига сол! Ажабмас тангрим ўзи асраса, яраттучи ҳам, оғатдан, кулфатдан, кўринар- кўринмас балолардан асрагувчи ҳам ўзидир. Ўзига муножот қил. Ўзига.

**Жарчининг овози.** Халойиқ, одамлару одамлар! Эшитмадим деманглар! Қулоқ тутиңг! Бухоро хони ҳазрати Баёнқулихон ибн Довотхон Бухорои шарифнинг қадамжойи бўлмиш, не -не азиз-авлиёлар ётган Файз Осор ҳазрати Аюб қабристонини зиёрат қилгани ташриф буюриш онлари яқинлашиб қолди. Ташриф мақсади сизга маълум бўлсинким, бир ойдан ортиқ изланган бола шу қабристон ичиди пинҳон экан.

**Тегина (йиглаб).** Эй парвардигорим, мазлумларни додига етгил. Муножотимни қабул этгил. Олти ойлик мурғак, бегуноҳ ўғлимни ўзинг паноҳингда асрагил. Ўзингдан ўзга мададкорим йўқ. Ўзинг жон ато қилгин, ўзинг умр бергин. Ёвуз ниятли разил одамлардан ўзинг асрагин.

**Тегина болани тез қутига солиб, оғзини ёпиб, ўзи сағана ёнига чўқ тушиб йиглайди.**

**Жарчи овози.** Одамлару одамлар. Кимда- ким болани яширса, пинҳон сақласа ёки ҳимоя қилса боши дорда, моли талонда, аҳли аёли ҳарамда бўлур.

Одамлару одамлар, эшитмадим деманглар. Тағин фафлатда қолманглар. Шайх ул аълам мақбараси соқчилар билан куршалган. Яқинлашган киши тилка-пора бўладур.

**Тегина.** Эй, меҳрибон отажоним, қаердасиз, мадад беринг! Мадад . Мурғак набирангиз аллақаңдай элчилар қўлида курбон бўлмасин, отажон...

**Садр Аш Шаърият овози.** Вой жигаргўшам, кўзимнинг оқу қароси, Тегина Моҳ қизим, ноилож қолдим.Faflatda қолдим, болам. Навкарлар йўлатишмаяпти. Тангрим ўзи ёрдам берсин, болам, азиз-авлиёлар руҳлари қўлласин. Сабр қил! Сабр қил! Сабр таги раҳмон. Умидсизликка умидвор бўл. Ўзи муродингни берса не ажаб. Болам. Ичим ўртаниб, бағрим куймоқда, оҳим Аллоҳга етса дейман.

**Жарчи овози.** Малик ул шоҳ, Бухоро султони ҳазрати Баёнқулихон ташриф буюрдилар. Аҳли фуқаро таъзим бажо айламоги вожибдир.

**Баёнқулихон.** Сирож Қамарий ва элчилар тайтана вор кириб келишади. Белгиланган жойларга ўтиришади. Куръон тиловоти янграйди. Ҳамма фотиҳа ўқийди. Хитой, Ҳиндистон, Фаранг, ўрус элчилари бош кийимларини олиб тик туриб сукут сақладилар.

**Баёнқулихон.** Етти иқлимдан ташриф буюрган жаноби элчилар. Сиз куръа ташлаб аниқлаган мақбара 135 йил умр кўрган Шайх ул аълам мақбарасидир. Ажабмас бола шу ерда бўлиб, муродингиз ҳосил бўлса.

**Рум элчиси.** Бухорои шариф султони, ҳазрати Баёнқулихон жаноби олийлари, куръадан маълум бўлишича, биз излаган хосиятсиз бола шу қутининг ичинда. Унинг ичиндаги болани олиб ўлдириб қутулмоғимиз шарт.

**Баёнқулихон.** Мақбул. Ким қутини очиб, болани олиб ўлдиради?

**Хурросон элчиси.** Мен Хурросон элчиси Абу Баттол ибн Қаттол, ижозатингиз билан болага барҳам берурман. Ки номим хоқоним олдида улуғ бўлур.

**Баёнқулихон.** Хурросон элчиси Абу Баттол ибн Қаттол, Сизга муродингиз ҳосил этмоққа ижозат.

Тегина сафана ортидан чиқиб, элчининг йўлини тўсади.

**Тегина.** Войдод! Боламга тегма! У менинг болам! Сен ўз юртингда ўз болангни ўлдир! Войдод! Қутқаринглар! Нечун менинг боламни ҳалок этишинг керак. Йўқол! Йўқол! Йўқол! Касофатлар! Эй тангрим! Эй азиз-авлиёлар руҳи, мадад беринг! Бокира фарзандимнинг бир қошиқ қонини, дили нопок, қўли ифлослар тўкмасин!

**Баёнқулихон.** Онасини банди айланг!

Навкарлар келиб Тегинани банди қилиб судрашади.

**Тегина.** Болам, болажоним! Не гуноҳинг бор эди. Она сутидан бўлак таом емадинг-ку. Мен ҳаром еганим йўқ. Ҳаром турганим йўқ. Нечук бунча маломат. Эй нопоклар, гўдакка яқинлашманглар.

Тегинани олиб чиқишади. Хурросон элчиси қутини очади. Ундан бир кўл чиқиб юзига уради. Элчи йиқилиб, ўша заҳоти ўлади.

**Ҳамма.** Ё раббим, бу не ҳодисот.

## Ҳамма қути томон интилади

**Баёнқулихон.** Ҳамма жим, жойидан жилмасин!  
Навкарлар, элчини бир чеккага ёткизиң!

**Ироқ әлчиси.** Мен Ироқ әлчиси ҳаким Чақимний.  
Хуросон әлчиси Бисмиллоху раҳмонир раҳимни айтмасдан  
борди. Бу ерда инс-жинслар бор. Менга рухсат этинг. Мен борай.

**Баёнқулихон.** Ироқнинг маликаси Дишод хотун  
юборган әлчиси, жаноб Чақимний, боринг. Муродингиз ҳосил  
бўлсин.

**Ироқ әлчиси.** Бисмиллоху раҳмонир раҳим, инс-жинс  
бўлсанг даф бўл! (*Бориб қутини очади. Яна қўл чиқиб шапалоқ  
уради. Йиқилади ва ўлади.*)

**Баёнқулихон.** Ё раббим, бу не ҳодисотким, Ироқ  
әлчиси ҳам бандаликни бажо келтирди. Навкарлар, уни  
Хуросон әлчисин ёнига ёткизинг.

**Ўрус әлчиси.** Ўрус әлчиси Иван Кузма ўғли, христиан  
диниданман, ислом динига ишонмайман. Ундаги сехру жоду  
менга таъсир қилмайди. Менга Исо Алайҳиссалом, яъни Иисус  
Христос ўзи ёрдам беради. (*Чўқиниб олади.*)

Хотиржам бориб қутини очади. Қўл чиқиб уради. У ҳам йиқилиб  
ўлади.

**Баёнқулихон.** Бу ҳам жаҳаннамга кетди. Нима қилсам  
экан? Тұхтатамизми? Не деюрсиз, Сирож Қамарий.

**Сирож Қамарий.** Менинг ҳам ақлим лол. Элчи  
юборган подшолар атайлаб Баёнқулихон ўзи ўлдирған деб  
даъво қилас, күшин тортиб келишлари ҳам мумкин.

**Баёнқулихон.** Қолган әлчилар билан кенгашайлик.

**Сирож Қамарий.** Фоятда оқил фикр, кенгашайлик.

**Баёнқулихон.** Жаноби әлчилар, не маслаҳат берурсиз?  
Хунук воқиот содир бўлмоқда. Бу ерда бир илоҳий куч борким,  
уни бартараф этиш мушкул бўлиб қолди. Ёки маълум муддатга  
тұхтатурмизми?

**Фаранг әлчиси.** Мен фаранг әлчиси Жак Метеран.  
Фарангга қуруқ қайтиб борсам, шубҳасиз, мени ўлим кутади.  
Бутун келажак авлодим ношудликда айбланиб, ҳақорат ва таҳқир  
тошбўронига қолади. **Фаранглар** бундай ношудлик таърихини

ёзиб, оламга ошкор этиш, авлодларга қолдиришни хуш күрадилар.  
Авлодларим номини пок сақлаш учун мен ўлимга розиман.

Үлсам шу муборак Бухорои шариф қабристонига  
жасадимни қўйинглар. Хон ҳазратлари, ижозат этинг,  
вазифамни бажарай.

Баёнқулихон. Ижозат.

Фаранг элчиси дадил бориб қутининг оғзини очмасдан кўтармоқчи  
бўлади. Кўтаролмайди. Қутининг оғзини очади. Қўл чиқиб уни  
ҳам уради. У ийқилиб ўлади.

Овозлар. Бунинг ҳам ажали етган экан. Кетди.

Баёнқулихон. Куни битган экан. Майитлар қаторига  
ётқизинг!

Ҳиндистон элчиси (*ҳиндча тавозе билан қўлини жуфт қилиб*). Мен Ҳиндистон элчиси Натха. Бу ерда сехру жоду  
бор. Мен катта сеҳргарман. Қараб турасиз. Мен бу сирни фош  
қиласман. (*Ҳинд сеҳргарларга хос ҳаракат қиласди ва қутини очади. Болани ярим кўтарганда қўл чиқиб уради. Ҳинд элчиси Натха бақириб ийқилади ва ўлади.*)

Овоз. Сеҳргар ҳам эплолмади. Буни ҳам ажал тортиб  
келибди. Жаҳаннамга равона бўлди.

Баёнқулихон. Вазири аъзам Сирож Қамарий. Бу не  
ҳодисот? Не маслаҳат берурсиз. Илож топинг. Илож топинг.  
Ахир беш элчи ҳалок бўлди. Жавобини қандай берамиз?

Сирож Қамарий. Тўхтатайлик...

Баёнқулихон. Тўхтатиш бу илож эмас, Сирож Қамарий.  
Бу ношудлик, ақлсизлик.

Сирож Қамарий. Унда сиздан ақлли одам йўқ. Ихтиёр  
сизда... Биз қуллукдамиз.

Рум элчиси. Султон ҳазрати жаноблари. Мен Рум элчиси Абулмуфохир ҳакимман. Кўп тилсимлар китобин  
ўқиганман. Энг кучли нарса бу тифдир. Кутидан чиқаётган  
қўлни қилич билан чопиб йўқотаман. Қилич ўйнаган жойдан  
инс-жинс ҳам йўқолади. Шул боис болалар бошига ё ханжар,  
ёки ўткир пичоқ қўйилади. Султон ҳазратлари, амр қилинг.  
Мен қилич ўйнатиб борганимда қўл қандай учеб кетишини  
кўрасиз. Амр қилинг!

Баёнқулихон. Ижозат, Рум элчиси Абулмуфохир ҳаким.

Рум элчиси яккама-якка жангга кираётгандек ҳозирланиб, қилич ўйнатиб боради. Сандиқдан энди қиличили қўл чиқиб, Рум элчиси қиличини учирив юборади. Ва қилични кўксига уради. Рум элчиси ҳам йиқилиб ўлади.

Овозлар. «Худонинг қудратини қаранг!» Гўдакни ўлдириб бўладими? Гўдакнинг ҳимоячиси тангрим. Гўдак ўлмайди.

Баёнқулихон. Уни ҳам қаторга олинг!

Навкарлар уни ҳам қаторга чўзилтиришади. 6 та элчи ўлиги чўзилади.

Хитой элчиси. Хон жаноби олийлари. Мен Хитой элчиси Ян Шо. Ўзим мусулмон бўлмасам ҳам билурманким, авлиёлар қабрида фаришталар бўлур. Кутидан чиқаётган қўл фаришталарники. Мен борсам ҳам, тайин ҳалок бўлурман. Шунинг учун ит келтиинглар. Ит кирган жойдан фаришталар қочур.

Баёнқулихон. Хитой элчиси жаноби Ян Шо айтганларини қилиб ит келтиинглар!

Хитой элчиси. Хон жаноби олийлари. Қиз шаҳри хақида эшитганмисиз?

Баёнқулихон. Эшитганман.

Хитой элчиси. Мен сўзлай. Қиз шаҳрининг барча аҳолиси қизлардан экан. Хону беклари ҳам қизлардан экан. Улар ҳомиладор бўлгилари келса шаҳар ўртасида бир дараҳт бор экан. Дараҳтнинг номи Шажараи Мурод экан. Тагида булоғ бор экан. Шу Мурод дараҳтини қучиб, булоғда чўмилсалар ҳомила пайдо бўлар экан. Ўғил туғилса, тезда ўлар экан. Қизлар яшаб қолар экан. Ул шаҳар Қизлар шаҳри бўлса, Бухорои шариф фаришталар шаҳри, мардлик шаҳри экан. Бир ойдан бери мен мўъжизаларни кўрдим. 6 ойлик гўдакни запт этолмаяпмиз. Бу мамлакатни ким босиб олади. Бу мамлакатнинг ичидан хоин чиқсанына босиб олиш мумкин. Бунинг учун ит аралашиши керак. (*Икки навкар итни келтиришади. Ит овози келади.*)

Баёнқулихон. Ит келтиришди.

Хитой элчиси. Авлиё қабрини ва кути атрофини иккита марта айлантиришсин. (*Икки навкар итни элчи айтганидек айлантиришади.*)

Қараб туинглар, энди мен болани қутидан оламан. (*Кутини очиб болани олади, ҳеч нарса бўлмайди.*)

**Тегина Овози.** Войдод, боламга тегма! Боламга тегма!  
Войдод! Бухоро аҳли, соҳибқирон боламни қутқаринглар!

**Овозлар.** «Соҳибқирон Садр аш шариатнинг набираси». •  
«Қаландар Шоший хабар берган.»

**Хитой элчиси** (*болани кўтариб кўрсатиб*). Хон жаноблари. Мана бу бола Соҳибқирон Темур Жаҳонгир. Унинг фаришталари кетди. Уни ўлдириш менга насиб этди. Хон жаноблари, ижозат этинг, қилич дамида қиймалаб ташлай.

**Баёнқулихон.** Ақлингта офарин, Хитой элчиси Ян Шо. Болани бутун Бухоро аҳли кўзининг олдида ўлдир. Сенинг обрўйинг Хитой деворидан ошиб бутун жаҳонга кетади.

**Хитой Элчиси.** Маъқул, хон жаноблари. Тез чақиринг Бухоро аҳлини, чақиринг.

**Баёнқулихон.** Элчи жаноблари, болани жойига қўйинг.  
(Элчи болани қутига ётқизади). Жарчилар, шаҳарга жар солинг. Бухоро аҳли тезда Файз Осор ҳазрати Аюб қабристонига тўплансинлар.

**Жарчи Овози.** Одамлару одамлар! Одамлару одамлар!...

**Баёнқулихон.** Сирож Қамарий, айтинг, халқ тўплангунча мени ёлғиз қолдиришсин. Ёнимда сиз бўлинг. Шу ўлтирган жойда бир дақиқа мизғиб олай, илож бўлмай қолди. Ўрнимдан турсам йиқилиб тушаман.

**Сирож Қамарий.** Аҳли машварат, бизни бир дам ёлғиз қолдиринг.

**Ҳамма чиқади.** Хон билан вазир қолади. Хон тахтга суюниб уйкуга кетади. Тушига Шайх ул аълам киради.

**Шайх ул аълам.** Эй Баёнқулихон, сен қувғинда подачи бўлиб юрганингда биз сени чўпонликдан сultonликка етказдик. Бир бечора аёл боласи бошига қазои муаллақ келганда, тангрига сиғиниб, менинг руҳимдан мадад тиласа, сен куффорларнинг тевада келтирган совға-саломига учиб, пок-нопок элчиларни муқаддас қабристонга, бегуноҳ б ойлик болани ўлдирмоқقا бошлаб келдингми? Билиб қўй, сенинг тасарруфингдаги ҳар бир инсон, хоҳ у бола, хоҳ у катта, у сенинг беҳисоб жавоҳиринг. Уни асрамоқ сенинг тангри олдида бурчинг. У бола шундай гавҳарким, унинг нури ернинг юзи, куннинг кўзини то қиёматгача равшан этгай. Сен она билан болани тезда Занжир Сарага қайтар. Акс ҳолда ҳолинг забун, салтанатнинг завол топгай.

Баёнқулихон чўчиб уйгонади.

Баёнқулихон. Сирож Қамарий. Мен бир туш кўрдим.  
Кейин сенга айтиб бераман. Ҳозирча менинг фармонимни  
эшишт.

Сирож Қамарий. Жон қулогум сизда.

Баёнқулихон. Фармон шулким, банди қилинган она  
бўшатилиб, шоҳона либослар кийдирилсин. Қўлига боласи  
соғ-омон топширилсин. Бир неча аскару навкарлар билан  
шоҳона безатилган аробаларда Занжир Сарага— Амир Чоку  
хонадонига элтилсин.

Амир Турагай киради ва таъзим қиласиди.

Турагай. Хон ҳазратлари. Тангрининг мадади, сизнинг  
амри фармонингиз билан Ўғлонхон лашкари тор-мор  
келтирилди. Кошгар озод этилди. Ўғлонхон асир олинди.

Баёнқулихон. Балли, амир Турагай!

Садр Аш Шаърият киради.

Садр Аш Шаърият. Амир Турагай, куёвим, соғ-омон  
келдингизми? Сизни худо етказди. Тегина бегим Моҳ  
фарзандингиз Соҳибқирон Темур бошида қазои муаллақ турган  
эди. Қадамингиз кутлуг келиб, фалокатдан фориг бўлишди.

Турагай. Тегина бегим Моҳ, қаердасан? Ўғлим! Со-ҳиб-  
қирон Темур жоним!

Она-болани олиб келишади.

Парда

Тамом

## **МУНДАРИЖА**

1. Сехрли танбур.....	3
2. Сехргар ва айёр.....	32
3. Элёр ботир.....	59
4. Ҳазилкаш шоҳ.....	93
5. Ҳунар ўрганган бола.....	133
6. Ёдгор Алномиш ўғли.....	161
7. Танбурий ва Санам.....	192
8. Навоий бир куни.....	204
9. Хислат.....	218
10. Амир Темурнинг туғилиши.....	240

*Адабий-бадиий нашр*

**ХАЙДАР МУҲАММАД**

**АМИР ТЕМУРНИНГ ТУҒИЛИШИ**

***Эртак-пъесалар***

Нашриёт муҳаррири *Маъмура Содикова*

Нашр учун масъул *Эркин Юсупов*

Техник муҳаррир *Татъяна Смирнова*

Мусахҳих *Маъсуда Йўлдошева*

Компьютерда саҳифаловчи *Дилмурод Жалилов*


Босишига 19.11.07 й.да рухсат этилди. Бичими 60x84<sup>16</sup>/.

Таймс гарнитураси. Офсет босма. Оқ қозозга босилди. 18,0 шартли  
босма тобоқ. Жами 1000 нусха. 428 рақамли буюртма.

Баҳоси шартнома асосида.

ЎзФА «Фан» нашриёти: 100170. Тошкент,  
акад. И. Мўминов кўчаси, 9.

«MERIYUS» матбаа нашриёт корхонасида чоп этилди.  
Ген. Узоқов кўчаси, 2 А-уй.



“ФАН”

ISBN 978-9943-09-339-3

9 789943 093393